

Тақризчилар:

Н.М. Мирқурбанов,
филология фанлари номзоди, доцент,
Россия Педагогика ва ижтимоий фанлар
академиясининг мухбир аъзоси.

У. Жуманазаров,
филология фанлари доктори, профессор.

Жаҳон адабиётига мансуб асарлар инсоният тараққиётининг энг
истил дурдонаси ҳисобланади. Антик дунёдан то бугунги кунимизгача
яратилган асарлар мукамал тарихий воқеаларни кўз ўнгимизда
нимоён этиб келаётгани сир эмас. Бу асарлар муаллифларининг
билимлари ҳақида тўлиқ, айримлари ҳақида эса кам маълумотга эгамиз.
Амш шу кемтикликнинг ўрнини бир қадар тўлдириш мақсадида ушбу
китоб юздан ортиқ машҳур ёзувчи ва шоирлар ижоди, уларнинг
асарлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилади.

Тўплам олий ва ўрта махсус таълими ўқув муассасалари ўқувчи-
пишбиларига дастуруламал вазифасини ўтайди, деган умиддамиз.

© Ф. Бойназаров, 2006.
© «Tafakkur qanoti» 2006.

МУҚАДДИМА

Ушбу ўқув қўлланмадан жой олган дунё халқлари адабиётининг
таниқли вакиллари ҳаёти ва ижоди барча мамлакатларнинг
университет ва институтларининг филология ҳамда гуманитар
факультетларида ўқитилади. Лекин бу шоир-ёзувчилар ҳақидаги
маълумотлар бир жилдга йиғилиб, қўлланма сифатида ўқитиладиган
алоҳида китоб йўқ. Борлари эса даврлаштирилган ёки алоҳида халқлар
адабиёти тарихига боғлаб таҳлил қилинган. Шу ноқисликни баргараф
этиш мақсадида, ушбу китоб юзага келди ва бунда инсоният
тарихининг антик даврларидан бошлаб то XXI асрнинг бошигача
бўлган даврда дунёнинг турли бурчакларида яшаб ижод этган энг
йирик мутафаккирлар, адиб ва шоирлар ҳақидаги қисқача
маълумотлар ўз аксини топди. Бу маълумотлар кенг китобхонлар
оммасига мўлжалланган мақолалар шаклида баён этилгани билан
аҳамиятлидир.

Ўқув қўлланмадан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва
коллежлари ўқув режаси ва дарсликларига киритилган, олий ўқув
юртларида ўқитиладиган “Чет эл адабиёти”, “Мустақил Давлатлар
Ҳамдўстлиги адабиёти” фанларидан ўрин олган машҳур сўз усталари
ижодига, улар яратган асарларнинг юзага келиш тарихи ва таҳлиliga
кенгроқ ўрин ажратилган.

Ҳар бир халқни унинг адабиёти оламга танитади. Ҳар бир
миллатнинг эса жаҳон танийдиган, севадиган, ардоқлайдиган
истеъдодли адиб ёки шоири бўлади. Ўзбекларда Алишер Навоий,
қирғизларда Чингиз Айтматов, тожикларда Абдураҳмон Жомий,
озарбайжонларда Низомий Ганжавий, форсларда Фирдавсий,
грузинларда Шота Руставели кабилар ана шундай жаҳон танийдиган
буюк сиймолардан саналади. Бу буюкларнинг асарлари дунёнинг
кўпгина тилларида таржима қилинган ва нашр этилган. Уларнинг
асарлари нафақат ягона адабиёт дурдонаси, балки жаҳон адабиёти
хазинасини бойитган, уни безатиб турган дуру жавоҳирлардир.

Адабиёт чегара билмайди. Бир миллат куйчиси бошқа бир
миллатнинг ҳам сеvimли ижодкори ҳисобланиши шубҳасиз. Шунинг
учун ҳам адабиётни фақат адабиётчилар, ихлосмандларгина эмас,
миллат ўқийди, халқ ўқийди, дунё ўқийди. Адабиётда миллат қиёфаси
ўз аксини топади ва миллатни жаҳонга танитади, кўз-кўз қилади.

Ушбу қўлланма илгари икки марта нашр этилиб, эндиликда кенг
ўқувчилар оммасининг таклиф-истаклари, китобга бўлган катта

қўшимча маълумотлар билан тўлдирилиши ва янги бир китоб шаклига келтирилиши, қайта нашрга тайёрланиши. Айниқса, Шарқ халқларидан етишиб чиққан машҳур адиблар ижоди кенгроқ таҳлил этилгани ҳам ўзбек ўқувчисига қизиқарли манбадир. Ҳаттоқ, қўлланмага киритилган айрим адиблар олимга машҳур эмасдир, лекин мақсадимиз ҳолис, уларни ҳам машҳурлар қаторида кўришни орзу қиламиз. Ҳали ҳам китобда тўғилгани қолган мавзулар бисёр ва бу мавзуларни келгусида Сизнинг ўқувчиларнинг қимматли маслаҳатларингиз билан янада тўлдирини ва бўйитини ниятидамиз.

Ҳотирги кунда жаҳонни англаш, дунё халқлари тарихи, маданияти, адабиёти ва санъатидан баҳраманд бўлиш зарурий бир эҳтиёжга айланиб қолаётганини инобатга олиб, ушбу ўқув қўлланмани ҳақинингизга ҳавола этамиз ва Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

ГОМЕР

(Мил. аввал IX аср)



Милоддан аввалги IX асрда Юнонистонда яшаб ўтган. Айрим қадимшунослар милоддан аввалги VII асрда яшаган дейишади. Гомернинг барча асарлари Юнон-Троя уруши воқеалари билан боғланган. Гомерни эса мил. авв. XIII асрда бўлиб ўтган тарихий урушнинг гувоҳи бўлган, деб таърифлайдилар. Ривоятларда Гомердан илгари Музе, Эвмоп, Тамир, Олен каби шоирлар яшаб ўтганлиги қайд қилинади. Бироқ, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бизгача маълумотлар етиб келмаган.

Гомер юнон адабиётининг бошловчисидир. Бу улғу шоирни жаҳон адабиётининг энг биринчи шоири деб таърифлаш мумкин. Гомердан бизгача иккита йирик дoston — «Илиада» ва «Одиссея» етиб келган. Бундан ташқари, Гомер номи билан 15–20 шеърдан иборат гимнлар ҳам мавжуд. Гарчи бу асарларнинг барчаси мифологик характерда, маъбуд-маъбудалар, афсонавий қаҳрамонлар билан боғлиқ сюжетдан иборат бўлса-да, айна чоғда тарихий-эстетик аҳамиятга эгадир.

Юнонлар қадимги Трояни Илион шаҳри деб аташган. «Илиада» Илион ҳақидаги дostonдир. Одиссея — дoston бош қаҳрамони, Итака подшоҳи Одисей номи билан аталади. Дostonда Троя урушидан голиб, музаффар қайтаётган юнон паҳлавони Одиссейнинг ажойиб ва гаройиб денгиз сафари ҳикоя қилинади.

Яна, Юнон-Троя урушининг келиб чиқиш сабабларини ифодаловчи «Киприя» дostonини ҳам Гомер номи билан боғлашади. Бу дostonдан айрим парчаларгина бизгача етиб келган.

Гомер асарлари мифологик характерда бўлса ҳам, ниҳоятда ишонарли. Унинг асарларини қўлдан кўймай ўқигингиз, воқеаларнинг ниҳоясини билгингиз келади.

Қадимда одамлар жуда ишонувчан, эътиқодли, садоқатли бўлганмикан, деб ўйланиб қоласиз. Қўшин Трояга жўнаш учун қирғоққа тўпланган. Кемага ўтириб сафарга отланиш керак. Бироқ, шамол йўқ. Денгиз маъбуди Посейдон ҳам бу ишга аралашган бўлиши мумкин-дир. Қоҳинларнинг хабар беришига қараганда, қирғоққа қурбонлик келтириш керак экан. Яна қандай денг, ўз қизини қурбонлик қилиши даркор. Ниҳоят шамол туриб, тўлқинлар кемаларни Троя томон

олиб кетади. Юнонлар Трояни 10 йилдан зиёдроқ камал қилади. Бироқ, Троянинг мустақкам деворларидан, харсангтошдан бино бўлган лариоиларидан ичкарига кириш осон эмас. Умуман биргина Элепа учун қирғинбарот урушнинг, беҳуда қон тўкишнинг кимга кераги бор.

Гомернинг улуглиги — ер юзида биринчи бўлиб, севги деган туйғунинг улугворлигини номоён этди. Бу туйғуни қирғинбарот уруш билан ҳам, зўравонлик билан ҳам йўқ қилиб бўлмайди.

Ҳар қанча уринмасинлар Трояни ишғол этолмайдилар. Ҳатто Юнонлар паҳлавони Ахилл бор кучини ишга солиб ҳар қанча чиранмасини барибир Трояга киролмайди. Ниҳоят ҳийла ишлатиб ёғоч от ёрдамида бир амаллаб Трояга кириб дарвозани Мепелей қўшинларига очиб беради. Троянинг кулини кўкка совуриб Элепани олиб Спартага қайтадилар. Воқеа жуда қизиқарли. «Илиада» дostonнининг қисқача мазмуни шу билан якун топади. Спарта подшоҳи Мепелей оғир жашта отланиш олдидан Юнон паҳлавонлари, юрт пошшоларини, дўстларини тўплаб машварат ўтказган, уларни ярашишга чақирган эди. Улар ичида Итака подшоҳи Одиссей ҳам бор эди.

«Одиссей» дostonида Троядан ўз юртига қайтаётган Одиссейнинг денгиз сафари куйланади. «Одиссей» дostonи «Илиада» дostonидаги воқеалардан ҳам қизиқарли саргузаштларга бой.

Денгизнинг асов тўлқинлари гоҳ у оролга, гоҳ бошқа қирғоқларга олиб кетади. Одиссей шериклари билан Куёш маъбудаси Гелиоснинг муқаддас водийсига бориб қолади. Шундан кейин улкан қўйларини боқиб, ёрда яшаб юрган бир кўзли девга йўлиқади. Айниқса, парикод Кира қасрига боришда Одиссей анча ташвишга тушади. Паризод ўзининг олтин қадаҳларга қўйилган жони билан Одиссей шерикларини тўнғизга айлантириб, оғилга қамаб қўйганди.

Одиссей хабарчи Термис ёрдами билан Кирканинг макрига учмасдан шерикларини ўз ҳолига келтиради. Бу гуноҳи учун Паризод Кирка Одиссейга ялиниб-ёлворади ва паҳлавон билан умргузаронлик ўтказиш нияти борлигини маълум қилади. Узоқ сафарда бўлиб тониққан, боз устига саройдан чиқиб кетганига ўн йилдан ошгани учунми, Паризоднинг бу таклифига рози бўлиб, у билан кайфу-сафо қилиб яшай бошлайди. Кунлардан бир кун Паризод ўз севгилисидан Одиссейни нариги дунёга сайру-сафар қилишга олиб кетади. Одиссей нариги дунёда хотини ва фарзанларини тушида кўриб ўз юртига қайтиш тавишига тушиб қолади.

Тадқиқотчилар «Одиссей» дostonининг якуний қисмини «Алпомиш» дostonини воқеаларига қиёслаб, икки дostonни бир-бирига яқинлаштириш айтишмоқда. Шубҳасиз, кўпгина халқ ижоди намуналарини ўқиниш сюжетлар жуда кўп. Негаки, дунё халқларининг орзу шовчалари, энгу ўйлари бир-бирига ҳамоҳангдир. Жаҳондаги ҳамма

халқлар ҳам тенглик бўлишини, мардлик, жасорат, яхшиликни куйлайди. Зероки, Гомер асарлари халқ оғзаки ижоди пафосига асосланган. Халқ дилидан куйланган шеър барҳаётдир.

ГЕСИОД

(Мил. аввал VIII аср)



Мил. авв. VIII—VII асрларда яшаб ўтган. Кичик Осиёда Ким деган жойда туғилган бўлса-да, тақдир тақозаси билан Беотия вилоятига бориб, юнон адабиётининг улуг шоирига айланган. Ундан бизгача «Меҳнат ва кунлар» поэмаси мерос бўлиб қолган. Шоирнинг анча такаббур, енгил-елпи ҳаётга ўрганган Перс исмли укаси борлигига ҳам аниқлик киритилган. Перс отасидан қолган барча меросга эга чиқди. Эҳтимол, укасидан ранжиган Гесиод она шахри Кимни ташлаб кетишга мажбур

бўлгандир. У ўз поэмасида укаси Персга қарата панд-насиҳатларни баён этади. Поэма инсонни ёмонлик сари қадам қўймасликка, яхшилик, меҳнатни севишга даъватдир. Гарчи мифологик сюжетдан иборат бўлса-да, ундаги дидактик руҳ маъбуд-маъбудалар ҳаётидан кўра, инсонлар ҳаётига яқин. Дostonда алегорик характердаги масаллар ҳам ўрин олган. Гесиод масал жанрининг асосчисидир.

Гесиод меҳнатни қадрлайди. Аслида ўзи ҳам эртадан-кечгача тер тўкиб тирикчилик ўтказди. Отасидан қолган катта давлатни совуриб, ёрдам сўраб, ялиниб-ёлвориб келган укаси Персни ҳолол меҳнат қилишга чақиради. Тер тўкмасдан, жон қўйдирмасдан, қинғирқийшиқ йўллар билан бойлик ортирган кимсалар устидан заҳархандалик билан кулиб, уларга қарши нафрат ўти билан сугорилган сатрлар битади.

Қадимшунос олимлар Гесиодни Гомердан бир қадар устун қўйишади. Ҳаттоки юнон адабиёти бошловчиси, жаҳон адабиёти бешигини тебратган шоир деб кўкларга кўтаради. Бу даъволарини исботлаш учун Гесиоднинг таржимаи ҳолини мисол қилиб келтиришади. Шоир яшаб ўтган аср ва макон ҳақида номи сақланиб қолмаган Гесиод туғилиб ўсган Ким шаҳрида озми-кўпми маълумот сақланган. Бунинг устига кейинчалик турли хил сабабларга кўра, Беотия вилоятига борганлиги Аскра деган жойда яшаб, умргузоронлик қилганлиги ҳақида манбалар мавжуд. Гесиоднинг номи ҳаётлигидаёқ Гешкок тоғининг чор-атрофидаги катта-кичик қишлоқ ва шаҳарларга ёйилиб борган, Юнонистоннинг бошқа вилоятларида ҳам маълум ва машҳур эди.

Иккинчи тарафдан Гесиод урушни улуғлаган эди. Унинг деярли барча асарлари Юнон-Троя атрофида бўлиб ўтган, уруш воқеаларига бағишланган. Биргина гўзал Еленани деб, қанчадан-қанча кишилар қон тўкишган. Ахир бутун бошли Троя ер билан яксон бўлди. Унинг устига ўн йилдан ортиқ қамал азобини тортган шаҳар аҳлининг чеккан азобларини айтмайсизми?! Гесиодни биринчи ўринга чиқариш учун Гомерга тош отишади.

Гесиоднинг «Меҳнат ва кунлар» асари панд-насиҳат, дидактика мавзусига бағишлангани учун ҳам Юнон педогогикаси саҳифаларини безатиб турибди, ҳаттоки Фарбдаги кўпгина давлатлар педогогика тарихига бағишланган дарсликларда асосий қўлланма сифатида ўтади.

Қадимги Юнон адабиётида мифологик характердаги ҳикоялар жуда кўп топилди. «Меҳнат ва кунлар» поэмасида бу каби мавзулар инсониятнинг ёвуз душмани сифатида талқин қилинади.

Ҳамма маъбуд ва маъбудалар эмас, улар ичида айримлари инсониятнинг халоскори, мададкори сифатида номоён этилади. Булар жумласига Прометей, Дионис, Деметра қабилар инсоннинг дўсти, ҳар доим ёрдам берувчиси сифатида тарифланган.

Эсхил тўлақонли Прометей образига асосий эътиборини қаратса, Гесиод Зевс образига катта урғу беради. Асарда муқаддас оловни Олимп тоғидан олиб, инсонга ҳада этгандан сўнг, Прометей Зевснинг қаҳрига учраб, оғир жазога мубтало бўлади. Зевс бу билан чекланиб қолмасдан инсонга ёвузликлар қилиб, беадад қирғинлар келтиради. Ясама гўзал Пандорани Прометейга ҳада этади. Аслида бу гўзални Зевснинг топшириғига бинон темирчилар пири Гефест тупроқ билан сувдан ясаб, унинг ичига касаллик тарқатувчи заҳар солиб юборган. Бир куни соҳибжамолни очганида ундан заҳар отилиб чиқиб, ҳамма ёқни заҳарлаб, натижада сон-саноксиз инсонлар қирилиб кетган. Антикшунос олимлар одатда маъбуд ва маъбудаларни улуғлашган, Гесиод бошқа олимлардан фарқли ўлароқ маъбуд ва маъбудалардан нафратланади. Уларни қарғайди, инсон зотининг душмани деб билади.

Поэмалардан кенг ўрин эгаллаган «Бургут ва булбул» масали ҳам маъмуран ниҳоятда бойдир. Шоир булбулни оғир меҳнат қилиб, машаққатли ҳаёт кечирувчи оддий халқ вакилига, бургутни золим, бой-бадавдат кишиларга ўхшатади. Муаллифнинг наздида камбағални бой билан тенглаштириб бўладими, қашшоқни золим билан айтиш мумкинми. Асардаги воқеалар замирида «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар бобо билан», деган халқ мақолининг руҳи уфуриб турибди. Бургут панжалари орасида булбулни чангаллаб, осмонга учиб, хоҳласа қонини ичиб, бечора булбулни эзиб ташлаши мумкин. Бечора булбул қанча қичқирмасин, ҳар қанча типирчиламасин ожизлигини қолди.

Гесиоднинг хосиятли ва хосиятсиз кунлар, ой ва йиллар тақвимида оид нақллари ҳам руҳият билан боғлиқ лавҳалардир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, поэманинг илмий-маърифий аҳамияти ҳам каттадир.

ЭСХИЛ

(Мил. аввал 524–456-йиллар)



Жаҳон адабиётида «Трагедиянинг отаси» деб шуҳрат қозонган Эсхил Юнон тупроғидаги Эливсин деган шаҳарчада дунёга келади. Йигитлик даврида Эрон-Юнон урушида, Марафон, Платея, Саламин шаҳарлари учун шиддатли жангларда иштирок этади.

Ижодий фаолияти давомида 90 га яқин трагедия ёзган бўлиб, бизгача фақат еттitasi етиб келган. «Эронийлар», «Фиванинг етти душмани», «Илтижоғўйлар», «Занжирбанд Прометей» ҳамда «Орестея», «Агамемнон», «Хоэфорлар», «Эвменидалар» шулар жумласидандир.

Эсхилнинг барча трагедиялари қатори «Занжирбанд Прометей» трагедияси мифологик характерга эга бўлиб, биз учун тарихий аҳамият касб этади. Трагедия қаҳрамони Прометей виқорли Кавказ тоғига занжирбанд қилинар экан, бепоён скифлар ўлкасига, амазонкаларнинг ястаниб ётган кенг водийларига нигоҳ ташлайди.

Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» асари жаҳон халқларининг, инсон зотининг қалбини ром этади.

Прометей инсоннинг қоронғу кўнглини ёритиш мақсадида Олимп тоғидаги муқаддас оловни яширин тарзда олиб, инсонга ҳада этмоқчи бўлади. Ахир бунинг нимаси гуноҳ? Яхшилик қилиш савоб-ку. Бу ҳақиқат-ку! Бу тўғримикин?

Тарихда бундай воқеалар жуда кўп бўлган. Бир пайтлар Дионис ҳам инсоннинг ниҳоятда қашшоқ яшаётганини кўриб, чидай олмасди. Олимп тоғидаги куч-қувват, гўзаллик бағишловчи Эмброзия, Нектар муқаддас таомларини ўзининг яқин дўстларига, инсон зотига улашган эди-ку! Бу яхшилиги учун ўшандан буён то ҳозиргача инсоният Зевсни олқишлайди. Прометей эзгулик йўлида муқаддас оловни ҳада этса нима бўлибди?

Бу воқеани эшитган Зевс тутақиб кетади. Ниҳоятда дарғазаб бўлиб, қаҳрланиб, «Ўғлининг гуноҳи учун узр сўрашни» айтади. Бироқ, Прометей бу таклифга рози бўлмагач, ўғлини жазолашга азму-қарор қилади. Шундан сўнг, Прометейни Кавказ тоғининг баланд чўққисига занжирбанд қилишни буюради. Прометейни ечиб бўлмас мустаҳкам занжир билан баланд чўққининг тепасига занжирбанд қиладилар.

Асарда Прометейнинг Кавказ тоғи чўққисига занжирбанд қилиниши маълум даражада таҳлилий аҳамиятга эга.

Юстин ва Помпей, Трог асарларида таъкидланганидек, фессалияликлар колхидлар юртига, Кавказ ўлкаларига олтин жунли терини қидириб келар экан, ғаройиб ва ажойиб воқеаларни ўз кўзлари билан кўриб ҳайратга тушадилар. Айтишларича, қадим замонларда бу улугвор Кавказ тоғларига Прометей занжирбанд қилинган экан. Бу ҳақда Эсхил ўзининг «Занжирбанд Прометей» трагедиясида шундай сатрларни битади:

*Ернинг олис ҳудудига, кимсасиз жойга,
Ваҳший скиф ёбонига мана биз келдик.
Эндилликда қиладиган вазифанг, Гефест,
Ота амрин бажо айлаб — бу бадкирдорни
Осмон қадар юксаклашган метин қояга
Занжир билан ўраб-чирмаб банди этишдир.
Сенинг порлоқ чечагингни, муқаддас ўтни,
Ўғирлаб у Фонийларга армуғон қилди.
Шу гуноҳчун жазо бергай маъдублар унга,
Зеро нуқул элпарварлик қилавермасдан,
Зевс тахтин севмакликни ўрганиб олсин.*

Бу ўринда Эсхил ўз қаҳрамони Прометейнинг скифлар ўлкасидаги баланд қояга занжирбанд қилингани таъкидланмоқда. Бундан кўринадики, скифлар номи ўша антик замонлардаёқ олис Фессалия вилоятига етиб борган. «Бир неча кун ўтгач, — деб ёзади Арриан ўзининг «Александрнинг юриши» номли мемуар асарида, — Александрнинг олдига абийлар деб номланган скифларнинг элчиси келади. Гомер улар тўғрисида ўз поэмасида жуда адолатпарвар кишилар, деб куйлаган. Скифлар адолатпарвар ва ҳақиқатгўй бўлганликлари учун ҳам ҳеч кимга қарам эмасди». Мана шу фикрининг ўлиёқ, Гомер яшаган давр эрамыздан олдинги VIII аср деб атасак, ўша қадим замонлардаёқ скифлар узоқ Элладага маълум ва машҳур бўлганлиги маълум бўлади.

Курций Руф ҳам ўзининг «Александр Македонский тарихи» асарида Прометейнинг Кавказ тоғларига занжирбанд қилинганлиги ҳақида қимматли фактларни келтириб ўтади. Муҳими шундаки, юнонликлар қадимда шимол томонларга — Ғарбий Европа томонидаги элатларга эмас, Шарққа томон — Осиё ўлкаларига кўпроқ қизиққанлар. Шунинг учун ҳам қадимги Юнон адабий ёдгорликларида кўпроқ скифлар мамлакати, Кавказ тоғлари, Панта бўйлари, колхидлар ўлкаси тилга олинади.

Фессалияликларнинг қадимги ёдномаси бўлган «Элада қаҳрамонлари»да Прометей, Кавказ тоғларида занжирбанд қилингани ва

бундай оғир жазога маҳкум этилишининг сабаблари шундай ҳикоя қилинади.

Ясон «Арго» деган тез юрар кема қуриб, олтин жунли терини олиб келиш учун Греция қаҳрамонлари билан учта денгиздан сузиб ўтиб, Калхидага боришга чақирганда қудратли Геракл ҳам жасур арғанавтлар билан сафарга жўнабди.

Бироқ йўлда «Арго» номаълум бир ўлка қирғоғида тўхтаганда Геракл қирғоқ яқинидаги ўрмонга кириб, узоққа кетиб қолибди ва ўз вақтида кемага қайтиб келмабди, шунда арғанавтлар уни ташлаб кетибдилар. Геракл эса қуруқликдан мамлакатнинг ичкарисига йўл олибди ва кўп ўтмай бир тоққа етибди. Унинг қаршисида ажиб бир ёввойи ўлка номоён бўлибди. Юксак тоғлар тизилиб турар, улар эстагида яккам-дуккам дарахтлар ўсган, чўққилар эса мангу қор билан қопланган экан. Қаҳрамон тоққа кўтарилган сари юк оғирлашиб, ўтиб бўлмайдиган бўла бошлабди. Охири у денгиз четида қад кўтариб турган яланғоч қояга чиқибди. Шунда бирдан Гераклни биров чақириб қолибди, у қайрилиб қараб, қояга михлаб қўйилган Титанни кўрибди. Геракл ростгўйлик маъбудаси Фемиданинг ўғли Прометейни Титан Иопетни танибди, ер юзидаги одамзот ўшандан тарқалган экан. Қадим замонда ер юзида одам жуда кам экан. Улар ўлжа кетидан қувиб, ҳайвонлар кетидан изғиб юришар, хом гўшт, ёввойи мева ва илдизлар ейишар, ҳайвонларнинг терисини ёпиниб юришар, ёгингарчиликдан ғорларга ҳамда дарахтларнинг қавагига бекинишар эканлар. Уларнинг ақли ёш боланикидай экан, улар ўз ҳаётларини қуришга ожиз, ёввойи ҳайвонлар ва табиатнинг даҳшатли кучи қаршисида ҳимоясиз эканлар. Прометейнинг одамларга раҳми келиб, уларга ёрдам қилмоқчи бўлибди. У ўз дўсти, Зевснинг ўғли — темирчилик худоси ва устаси Гефестнинг олдига жўнабди. Гефестнинг устахонаси Лемнос оролидаги ёнар тоғнинг тагида экан. Катта қўрада муқаддас ўт ловуллаб ёнар, бу ўт бўлмаса ҳеч қандай иш, ҳеч қандай ҳунар бўлмас экан. Гефестнинг устахонасида бир кўзли учта паҳлавон — Киклоплар ишлашар экан. Гефестнинг ўзи олтиндан қуйган иккита ҳайкал устахонада тирикдай юриб турар. Чўлоқ темирчи худо юрганида уларга таянар экан. Прометей Гефестни иш устида учратибди. Темирчи худо чақмоқ чақар, Зевсга ўтли яшин ўқ-ёйлар ясар экан. Прометей Гефестнинг моҳирлик билан ишлашини томоша қилиб турибди. Киклоплар босқон билан қўрадаги ўтга дам берибди, устахонаси ичида илт-юлт этиб учкунлар уча бошлабди, шунда Прометей муқаддас учкундан биттасини ушлаб олибди-да, қўлидаги қамиш поя ичига беркитибди. Прометей муқаддас ўт учкунини солинган ана шу қамишнинг одамларга келтириб берибди, шундан кейин одамлар шу учкундан ер юзида гулханлар ёндириб, ўчоқ ва қўраларга ўт ёқишибди. Бироқ, дунё ҳукмрони Зевс Прометейдан қаттиқ ғазабланиб, му-

қадимас ўт ўғриси қаттиқ жазолашга аҳд қилибди. Прометейни, дунёнинг бир чеккасидаги кимсасиз тоғли ўлкага олиб бориш учун ўз хизматкорларини юборибди. Гефестга эса Титанни тоққа занжир билан боғлаб қўйишни буюрибди. Прометей ўз дўсти бўлгани учун бу ишни бажариш Гефестга жуда оғир бўлибди, бироқ Зевснинг хоҳиши шундай экан. Гефест Прометейнинг қўл-оёғига кишан урибди, маҳкам занжир билан уни катта тошга боғлабди, кўксига оймос тиг уриб, қояга миҳлаб ташлабди. Зевс Прометейга бир умр, асрлар бўйи шу қояга занжирбанд бўлиб қолишни амр қилибди.

Геракл Прометей боғланган занжирни узиб ташлаб, унинг кўкрагидан оймос тигни суғуриб олибди. Озод қилинган Прометей қадимни ростлабди, кўкрагини тўлдириб нафас олибди ва чароғон кўзлари билан ер юзига, унга озодлик олиб келган худолар билан яраштираган қаҳрамонга боқибди. Зевс Гефестга Прометей боғланган занжирнинг бир ҳалқасидан узук ясаб, унга Титан миҳлаб қўйилган қоя парчасидан кўз солишни буюрибди. Зевс Прометейга бу узукни асло қўлидан қўймай, ҳамма вақт тақиб юришни буюрибди, бу дунё занжирбанд қилинганлигига ишора экан.

СОФОКЛ

(Мил. аввал 546–406-йиллар)



Софокл Афинанинг олий давлат лавозими стратегликка (Мил. авв. 441) сайланади. Самос деб номланувчи қирғинбарот жангларда иштирок этади. Олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида 120 дан кўпроқ асар ёзади. Бироқ уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган.

Антик замонларда кенг одатий тус олган драматик шоирлар мусобақасининг 24 марта ғолиби бўлган. Софокл ўз замонасида кўп вариантларда тарқалган Эдип Лай ҳақидаги афсоналарга катта қизиқиш билан қарайди. Бундай афсоналар сюжети асосида «Эдип шоҳ», «Эдип Калонда», «Антигона» деб номланувчи трилогияси билан машҳурдир. Бундан ташқари, «Аске», «Электра», «Филоктен», «Грахинали аёллар» асарлари ҳам жаҳон адабиётининг қадимий дурдоналаридандир.

Юнонлар билан мисрликлар ўртасида ўз шаҳарларининг қадимийлигини исботловчи баҳслар ҳали давом этарди. Албатта, маданият ва санъатнинг қадимдан ривожланганлиги хусусида гап кетганда Афинага тег келадигани йўқ. Бироқ, мисрликлар Фива шаҳри бир шаҳрлар тўлаб яшашганда Афинанинг тамал тоши ҳам қўйилмаган

эди, деб изтехзо қиладилар. Эҳтимол шундай бўлгандир. Қадимда Фива қирқ дарвозали муҳташам шаҳар бўлган эмиш. Уларнинг тили ҳозирги араб тилига ўхшамас, тили ҳам бошқача бўлган. Яна бир исбот учун Миср эҳромларини кўрсатишади. Афсуски, Афросиёб каби бу қадимий шаҳардан ҳозирги кунда фақат култепалар қолган.

Фива подшоҳи Лай бефарзандликдан руҳи қийналар эди. Подшоҳликнинг ҳам интиҳоси бўлади. Бир куни келиб, кексайиб қолса тоғу тахтни кимга топшираман, деб кўп ўйланар экан. Кўндан буён қийналиб юрган бу дардини ибодатхона коҳинларига етказганларида, коҳинлар Лайнинг фарзанд кўражаги ҳақида ваҳий келганлигини хабар қиладилар. Аммо бу ўғил фарзанд йиллар ўтиб отасини ўлдираражаги ҳам шоҳга етказилади. Ҳақиқатан ҳам, ойлар ўтиб Лайнинг хотини ўғил фарзанд туғади. Подшоҳ Лай хурсанд бўлиш ўрнига саросимада қолади. Ахир коҳинларнинг каромати тўғри бўлиб чиқди.

Бир кун келиб ўглининг ўлдириб қўйишадан чўчиган Лай ярим тунда чақалоқни хизматкорини қўлига топшириб, ҳеч кимга сездирмасдан ўрмондаги йиртқич ҳайвонларга ташлаб келишини буюради. Йўлда кетаётганда чақалоққа раҳми келган хизматкор ўғилчани қўшни мамлакат подшоҳлигига бериб қайтади. Йиллар ўтиб кучли бўлиб ўсган болакай сафар қилиб келиш ниятида йўлга тушади. Дарадаги торгина йўлда хаёл суриб кетаётган йигитга безатилган аравани қўриқлаб келаётган соқчининг дағдаға билан «Қоч йўлдан» деган дўқ-пўписасига дуч келади. Бундан ғазабланган йигитча соқчини оти билан пастиikka улоқтиради. Бундан саросимага тушган иккинчи соқчи найзасини ўқтайди. Иккинчи соқчини ҳам ўлдириб қўйганини кузатиб турган аравадаги бир чол йўловчига ҳассаси билан дўқ-пўписса қиладди. Йўловчи чолни ҳассасини тортиб олиб, бошига чунон урадики, қария бечора тил тортмай ўлади. Бу фожиадан хабардор бўлиб турган орқадаги учинчи соқчи қочиб қолади. Шундан сўнг йўловчи йигитча ҳеч нарсани кўрмагандек бамайлихотир Фива шаҳрига кириб келади. Ҳам-андухга ботган шаҳарликлар денгизда Сфинкс деган махлуқ пайдо бўлганлигини, шаҳар аҳлини еб қуритаётганлигини айтади. Бироқ, Сфинкс балосидан қутилиш осон эмас. Бу баҳайбат махлуқга ҳеч ким бас кела олмайди. У шундай мураккаб топишмоқлар берадики, жавоб тополмагани шу заҳоти ютиб юборади. Подшоҳ саройида ақлли, билимдон бўлиб ўсган йўловчи шаҳзода Сфинкснинг «Қандай махлуқ эрталаб тўрт оёқлаб, кундуз куни икки, кечаси уч оёқлаб юради», деган саволига «одам» деб жавоб берганидан сўнг, махлуқ денгиз қарига тушиб кўздан ғойиб бўлади. Бу воқеадан беҳад шодланган фиваликлар ҳеч иккиланмай Фива тахтига подшоҳ қилиб ўтказишади ва унга Эдеп деб ном беришади. Қадимий одатларга кўра шоҳ Эдеп Лайнинг хотинига уйланади. Маликадан икки қиз, иккита ўғил кўради.

Йиллар ўтиб Фивада даҳшатли вабо касали тарқиди. Касаликка даво топилмаганлиги сабабли халқ ибодатхонага мурожат қилади. Улар аввалги шоҳ Лайнинг қотили топилган куни бу балолаш қутилиши мумкинлигини коҳинлар башорат қилишади. Анча йиллар олдин бу воқеадан хабардор бўлиб, қочиб қолган соқчини топиб ҳақиқатни билиб оладилар. Минг афсуски, Лайнинг қотили шоҳ Эдип бўлиб чиқди. Хизматкор Эдипни чақалоқлигидан тортиб ҳозиргача бўлган воқеани сарой аҳлига сўзлаб беради. Бу мудҳиш воқеадан даҳшатта тулган малика ичкарига кириб кетади. Шоҳ Эдип ўз онасига уйланилиши ва ундан бир нечта фарзанд кўрганлигини англаб, хотинининг ортидан боради. Не кўз билан кўрмасинки, у ўзини осиб қўйган эди. У саросимадан онасининг ёқасидаги тўғнағични олиб, икки кўзини ситиб ташлайди. Икки кўзи сўқир Эдип халқнинг ва фарзандларининг қаҳрига учрайди. Шу тариқа Шоҳ Эдип фожияси якун топади.

Ривоят қилишларича Шоҳ Эдип шаҳарни ташлаб кетганидан сўнг Фиванинг бошига мусибат тушиб, харобага айланибди.

Қадимда Фива, Афина, Рим каби муҳташам шаҳарлар бўлиб, улар душман бостириб кириши мумкин бўлмаган мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлган. Шунинг учун мамлакат шаҳар номи билан аталиб, шаҳар-давлатлар дейилган.

Сафоклнинг кўпгина асарлари мана шундай шаҳар-давлатлардаги воқеаларга бағишлангандир. Шундан буён кундан-кунга шаҳарлар, давлатлар йўқ бўлиб кетди, лекин Сафоклнинг номи ҳали-ҳамон яшаб келмоқда.

ЭВРИПИД

(Мил. аввал 480–406-йиллар)



Антик муаррихларнинг ҳикоя қилишларича, Эврипид маҳоратли сўз санъаткори бўлиб, унинг таланти Эсхил ҳамда Сафоклдан ҳам устун бўлган экан. Шоирнинг адабий меросидан бизгача 17 та трагедия ва битта сатирик драмасы етиб келгандир. «Алкестид», «Медея», «Гераклидлар», «Иполлит», «Генуба», «Геракл», «Илтижогўйлар», «Троялик аёллар», «Электра», «Ион», «Ифигения Тавридада», «Елена», «Андромаха», «Финикияли қизлар», «Ифигения Авлидада» ҳамда «Циклоп» деб номланувчи драмасы жаҳон адабиёти саҳифаларини безаб турибди.

Айниқса, «Алкестид» трагедияси машҳурдир. Бу асарда инсон тақдир билан боғлиқ кучли бир фалсафий маъно ифодаланган. Унда шоҳ Адмет тақдир билан боғлиқ воқеалар, Алкестиданинг салоқати, жасурлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Аввалига бу мудҳиш воқеани Фисселия подшоҳи Адмет ҳеч кимга айтмасликка қарор қилиб, ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотир юради. Ахир нима ҳам қилсин, тақдирга тан бермасликдан бошқа иложи йўқ. Охираат маъбудаси Артемида унинг жонини суғириб олишга қарор қилдими, демак унинг қарори қатъий.

Аммо ҳеч бир сирни яшириб бўлмайди, кўмиб ҳам. Адметнинг поймона куни яқинлашган сари бутун Фисселияга шоҳнинг ўлиши яқинлиги ҳақидаги хабар тарқалиб кетади. Бундан ҳамма хафа эди. Ахир Адметдек адолатли подшоҳни улар қаердан топишсин. Адметнинг ўрнига тахтга ўтирган бошқа подшоҳ адолатли бўла оладими. Яна золимлик занжирини қаттиқроқ боғлаб, халқ бошига не-не кулфатлар ёғдирмаса қошқийди.

Коҳинлар Артемидадан ваҳий келганлигини, Адметнинг жонини олишга қарор қилганлигини, қарорни бузишга ҳаққи йўқлигини айтиди. Артемиданинг Адметга эмас, бутун Фисселиянинг ҳали ўлмаган шоҳига шунчалик қайғураётганини кўриб раҳми келади. Адолатли, меҳр-муруватли шоҳидан айрилиб қолса, улар бошига оғир мусибатлар тушишидан чўчиб, унинг ўрнига яқин қариндошларидан бири жонини бериши шарт деб фикрида қатъий туриб олади. Ибодатхонага борганлар шунга ҳам шукур қилиб, кўнгиллари бироз таскин топгандек қайтишади. Бутун Фисселия халқи ичида Адмет учун ўлимга тайёр мард ва жасур кимса топилармикан.

Вақт тизғиз қолган, подшоҳ ўрнига ўлишга рози бўладиган одамни шошилиш топилмади керак. Адметнинг яқинлари ўзаро келишиб қариб-қартайиб қолган Адметнинг отаси бўлмиш қариядан розилик сўрашга қарор қилишади.

Наҳотки, пуштикамаридан бўлган фарзанди учун жонини беришга рози бўлмаса, қариянинг бир оёғи гўр ёқасига бориб қолган бўлса, бу дунёда нима армони ҳам қолди. Ёшини яшаб, ошини ошаган бўлса, наҳотки ўз фарзанди Адметдек тойчоқ ўғли ўрнига ўлишга рози бўлмас! Адметнинг эса ҳали орзулари битмаган бу дунёда қиладиган ишлари жуда кўп, қартайиб, бели букилиб қолган онасичи! Бу таклиф ҳар қанча оғир бўлмасин онаизор жон-дили билан рози бўлиши тайин.

Ҳар доим кўзимнинг қароғи деб, подшоҳ ўғлини интизорлик билан кутиб олган она ўғлининг ўрнига жонини беришга рози бўлмаса! Розилик у ёқда турсин бу мудҳиш воқеани эшитиб оқ онаизорнинг жони чиқиб кетмаса майлику-я!

Ҳаёт нақадар мураккаб, сирли воқеаларга бой. Инсон зоти бир кун, бир сония бўлса ҳам яшагиси келади. Бошқаларни қўя туриб, ўзининг қариб қолган ота-онаси ўғлининг ўрнига жонини беришга рози бўлмаса, бу қандай мураккаб жумбоқ бўлади.

Эврипид трагедияси мана шундай мураккаб воқеалар, фалсафий маъноларга бой сюжет асосида қурилган. Асарни ўқиб беихтиёр ўйла-

ниб қоласан. Ҳаёт ҳақида чуқур мушоҳада юритишга мажбур этади. Шу жиҳатдан Эврипид трагедиялари Эсхил ва Сафокл трагедияларидан бир қадар устун туради. Асар антик дунё маҳсули бўлса ҳам кейинги даврлардаги ва ҳозир ҳам бугунги ўқувчини ўйлашга ундайди. Хайрат билан асарни қайта ўқишга мажбур қилади. Қандай қилиб антик замонларда инсониятнинг гўдаклик даврларида Эврипид шундай мураккаб ва ҳамма учун қизиқарли воқеаларни излаб топишга мувофиқ бўлган экан.

Бу шум хабарни эшитиб, Алкестида ич-ичидан эзилиб юрарди. Наҳотки, Адметдек улуғ подшоҳ учун ҳеч ким ўз жонини беришга рози бўлмаса. Неча йиллардан буён Адметнинг жуфти ҳалоли бўлса, подшоҳни жон-дилидан севса, Адмет учун жонини беришга тайёр эди-ку. Адметдан айрилиб қолса, бу кўргиликка қандай чидайди, ҳижрон азобларини қандай кўтаради? Ўзини тутолмай ички ҳиссиёти отилиб чиқади. Алкестида Адмет учун жонини Артемида қўлига топширишга рози бўлади.

Ўзининг меҳрибон ва гўзал маликасидан ажраб қолиш Адмет учун ҳам барча фесселияликлар учун ҳам ҳар қанча оғир жудолик бўлмасин паймона кунини қайғу билан кутади.

Паймона куни Алкестида билан хайрлашиб қолиш учун ҳамма ибодатхонага боради. Адмет эса севгилиси Алкестиданинг ўлишини ҳеч ҳам хоҳламайди, яна ўз ўрнига бу айрилиққа қандай чидайди!

Фесселияда қандай бош кўтариб юради. На илож, тақдир ўйинига чидаш керак-да. Паймона куни яқинлашган сари там-андуҳга шунчалик берилиб, бу чигал жунбоқнинг туғунини етолмай қийналарди. Адмет ҳам севгилисининг паймонасига бориш, малика билан қайта хайрлашиши керак. Сарой дарвазаси олдидан ўтиб Апполонни қарши олади. Улуғ паҳлавонни кучоқ очиб кутиб олиб, унга куюқ дастурхон ёзади. Бошига тушган қайғуни меҳмонга сездирмасдан саройдан ғамгин чиқиб кетади. Апполон дастурхондаги таомлардан еб, шарбатдан ичиб Адметни узоқ кутади. Ёлғизликдан сиқилиб, саройдаги сукунатдан саросимага тушади. Саройда ивирсиб юрган оқсоч хотин меҳмонга мудҳиш жудоликнинг тафсилотларини айтиб беради. Апполон подшоҳнинг мардлиги ва тантилигига яна бир бора тан бериб, бошига шунча савдо тушибдию нега менга айтмади, деб шошаниша паймона жойига отланади. Улуғ паҳлавоннинг маъбудлар билан тенг келадиган куч-қудрати бор эди. Маликани охираг маъбудаси Артемиданинг чангалдан қутқариб қолади. Саройда халоскор паҳлавон шарафига катта базм берилади.

«Алкестида» трагедиясининг қисқача мазмуни шундан иборат. Улуғ трагедиянависнинг «Медея» трагедияси мазмуни бундан ҳам қизиқарли, бундан ҳам мураккаб воқеалар асосида яратилган. Бундай асарларни ўқиган сари яна ўқигинг келади. Бундай сермазмун, фалсафий

мушоҳадага бой Эсхил, Сафокл, Эврипид каби улуғ адиблар трагедияларидек шоҳ асарларни неча асрлардан буён инсоният ярата олганми? «Алкестида» каби антик замон меваси бўлмиш асарлар жаҳон трагедиясининг пайдо бўлиш ва ривожига жуда катта таъсир кўрсатади. Ҳамон ўзининг замонавийлик руҳини йўқотмасдан, инсониятга завқ-шавқ улашмоқда.

АРИСТОФАН

(Мил. аввал 445–385-йиллар)



Тарихда «Комедиянинг отаси» деган ном қолдирган улуғ комедиянавис, юнон шоири Аристофан 40 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, шулардан бизгача 11 та комедияси етиб келган. «Ахариянлар», «Тинчлик» (421), «Лисистрата», «Суворийлар», «Арилар» (422), «Булут», «Курбақалар» антик замоннинг шоҳ комедияларидир.

Аристофан Жаҳон адабиётида комедияни бошлаб берган адибдир. Қирқ йилга яқин ижод билан машғул бўлган шоир, комедиянавислар мусобақасида ғолиблик нишонига эга бўлади. Унинг асарларида уруш ва тинчлик мавзуси етакчи ўринни эгаллайди. Уруш мавзуида комедия ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. «Лисистрата» комедиясида айнан мана шу «уруш» мавзуини қаламга олган ва бутун маҳоратини намойиш этган.

Бутун жаҳон, барча маърифатпарвар инсоният, шунингдек, антикшунос олимлар Афина тарихига хайрат билан қарашади. Антик замонлар деб аталмиш, инсониятнинг ҳали гўдаклик даври ҳукм сураётган замонда адабиёт ва санъат, илм-фан шунчалик ривож топиши мумкинми, деган саволга жавоб тополмай қийналишади.

Антик дунёда яшаб ўтган грек олимлари Накамахос (Накумошин), Аристотел (Арасту), Платон (Афлотун), Сакрат (Суқрот), Искилину (Аскалонус), Гиппократ (Буқрот), Гермис (Хурмус), Пифагор (Орайсагдус) таълимотлари жаҳон илм-фани ривожига қанчалик катта таъсирини кўрсатганини эслаш кифоя.

Бундан ташқари, Геродот «Тарихнинг отаси», Эсхил «Трагедиянинг отаси», Аристофан «Комедиянинг отаси». Сўз санъатининг, яъни адабиётнинг бошланиши Гомердандир.

Шунингдек, лирика – грекча сўз бўлиб, чолғу асбоби жўрлигида айтиладиган шеър, кўшиқдир.

Достоннинг бошланиши Гомердан, трагедиянинг, пародиянинг бошланиши Грециядандир. Пародия – грекча сўз бўлиб, киноя, кесатиш, деган маънони англатади.

Театрнинг бошланиши Грециядан. Бу хусусда жуда кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Биз сўз юритаётган комедиянинг ватани ҳам Грециядир. Жаҳон комедиясининг асосчиси Аристофан комедиялари мавзу жиҳатидан хилма-хилдир. Уларнинг бири уруш мавзусига бағишланган бўлса, бошқа бирлари илм-фаннинг саёзлигини истеҳзо билан ҳажв қилади, бошқа бири авж олиб кетган судбозликни киноя билан танқид остига олади.

Ҳақиқатан ҳам Аристофан яшаган даврда Афинада судбозлик авжга чиқади. Аристофан ўзининг «Арилар» комедиясида бу иллатдан қутулишнинг чорасини излаб топади.

Ҳар бир афиналик судга иштирок этишни ўзи учун шараф деб биларди. Судда нутқ сўзлаш эса фақат омадли кишиларгагина насиб қилади.

Асарнинг «Арилар» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Судбозлар ариларга ўхшайди. Яъни бошидаги (шляпалари) бош кийимлари арининг думига ўхшаш узун бўлади. Қўлидаги ҳасса арининг хартумига ўхшаш эгик бўлиб, жуда безатиларди. Устидаги кийимлари ҳам ари тусида бўлиб, эгнида арининг қанотига ўхшаш ярашиқлари ҳам бор эди.

Судбозлар кўчада кибру ҳавога берилиб юрарди. Гўёки ўзларини ҳаётни, бутун бир жамиятни бошқариб турувчи буюклардек ҳис қиларди. Гўёки улар судга бормаса ҳаёт тўхтаб қолгандек туюлган.

Аслида бир пулга арзимайдиган кераксиз илмни ўзлаштириб олганлардан бирининг образини беради. Комедия қаҳрамони минг-минглаб драҳм қарзларидан мана шу саёз илм эвазига қутулиб кетади. Аристофан мамлакатда авжга чиқиб кетган саёз, ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмаган илмни қаттиқ сатира остига олади. Саёз илм ўрганишга умрини бекорга бағишлаб юрган фидоий талабалар устидан истеҳзо билан кулади.

Одатда уруш мавзусида комедия ёзиш анча мушкул иш. Аристофан ўзининг «Лисистрата» асари орқали уруш мавзусини ҳам комедия жанрида синаб кўради ва бу ишнинг уддасидан чиқади. Комедияга қарийб ярим аср, аниқроқ қилиб айтганда, 49 йил давом этган Пемпонис уруши мавзу қилиб олинган. Уруш қурғур ҳеч тугамайди, давлат тепасидагилар эса урушнинг тезроқ тугашига қизиқмайдилар ҳам, чунки урушдан кимлардир манфаатдор. Улардан катта бойлик орттиришмоқда. Одамлар ҳам урушга кўникиб кетган. Эсини таниб, суяги қотгандан буён жанггоҳда умри ўтмоқда. Урушнинг бошланишида туғилган чақалоқ улғайиб, ярим асрлик умрни яшаб қўйган. Уруш одатий бир ишга айланиб қолган, худди деҳқон далага яроғини илиб боргандек. Ҳар куни эркаклар қурол-аслаҳаларини олиб жангга овланадилар. Ҳар ҳолда улар ҳам урушнинг орқасидан тирикчилик ўтказиб турибди. Аскар буйруқни бажаришга мажбур. Урушни

тўхтатиш оддий солдатнинг қўлидан келмайди-ку! Бироқ, хотин-қизларга анча оғир, эртадан-кечгача эркакларни кутавериш тоқати-тоқ бўлади. Уруш дегани ўйин эмас ёки ерга уруғ қадашдек хайрли иш бўлса майлику-я, турган-битгани даҳшат, фожеа. Ниҳоят эркаклар тўхтатаолмаган урушни хотинлар тўхтатишга бел боғлашади. Лисистрата исми жасур ва довюрак хотин урушни тўхтатмаса, эрлари билан гаплашмасликни ва ҳатто қовушмасликни маслаҳат бериб, барча хотинларни бу ишга даъват этади. Эркак эркакда, барибир бу оғир савдога чидолмай, жаҳллари босолмай хотинларини зўрлаб қўйишади. Бу воқеадан хабар топган тadbиркор Лисистрата дунёдаги барча хотин-қизларни қошига чорлаб, уларни горга қамаб, горнинг оғзига эса кўриқчи сифатида иккита маъбудни қўяди. Уруш кўравериш пишиб кетган, пихини ёрган, куч-қудратга тўлган эркаклар ҳам бор. Улар орасида кўрқоқ, лаганбардорлари ҳам йўқ эмас. Улар бирин-кетин газабга тўлиб Лисистрата ҳузурига кела бошлашади. Хотин-қизларсиз эркакларнинг ҳоли қандай кечишини бир тасаввур қилиб кўринг. Урушнинг юзи курсин, номи ўчсин, эркаклар урушга бормай қўйишади. Горнинг олдида сабрсизлик билан хотинларини кута бошлайди. Горнинг ичига киришга эса маъбудлар йўл қўймайди. Жангчиларнинг олдида икки йўл бор. Ё урушни ташлайди ёки хотинни. Ниҳоят Лисистрата голиб келади. Эркак зоти урушни қоралаб хотинларини бирин-кетин олиб кетишади. Шундай қилиб, уруш узок давом этиб жонига тегиб кетган аёллар урушни тугатади. Бу билан Аристофан аёл номини улуғлайди. Оламшумул ишларни аёллар ҳам амалга ошириши, эркаклар ечолмаган муаммони аёллар ҳал қилишга қодир эканлигини намойиш этади. Шу билан бирга халқ бошига қанчадан-қанча кулфат келтирса ҳам урушни тўхтатишга заррача қизиқмаётган, бот-бот бойлик орттираётган ҳукмдорлар устидан киноя билан кулади.

Аристофаннинг бошқа комедияларида ҳам шу каби қизиқарли ва кулгули воқеалар қаламга олинади. Шу билан бирга бу воқеалар шунчаки истеҳзоли кулгу бўлиб қолмасдан катта мушоҳадага бой фалсафий мазмун билан йўгирилиб кетган.

ВЕРГИЛИЙ

(Милл. аввал 70–20-йиллар)

Улуғ шоир Вергилий ҳаёти ва ижоди Римда адабиёт ва санъат гуллаб-яшнаган бир даврга тўғри келди.

Вергилий ижодий фаолияти давомида «Буколикалар» (Чўпон шеърлари), «Георгикалар» (Деҳқон шеърлари) ҳамда «Энейда» дostonини яратади. Вергилий номи билан яна «Майда-чуйда шеърлар» номи остида бир тўплам етиб келган. Тадқиқотчилар бу асарнинг Вергилийники эканлигига қатъий ишонч билдиришмаяпти.



Вергилийнинг буюк хизмати қадимий адабиётда Чўпон шеърлари, деҳқон шеърлари анъаналарини бошлаб берди ва анъананинг кенг қўламда ёйилишига асос солди.

Вергилий Юнонистон, Кичик Осиё сафарларида бўлиб, Эней ҳақидаги афсоналарни ўз қулоғи билан эшитишни орзу қилади. Бу дoston жаҳон адабиётининг дурдонасидир.

«Пардоз малҳамлари», «Севги давоси», «Метоморфозалар», «Ғамгин элегиялар» асарлари Вергилий талантининг юксаклигини намойиш

этади. А. С. Пушкин Вергилийни ўз устозим деб бежиз тилга олмаган.

Ёшлигида дурустгина билим олган Вергилий Римга кўчиб келиб Зонакасининг маърифатпарвар кишилари билан боғланади.

Октавиан Анкулин жангида Антоний устидан зафар кучгандан сўнг, Рим тарихида янги зарвароқ очилади. Рим тез орада қудратли давлатга айланади. Янги император салб юришларини бошлаб, қўшни мамлакатларнинг бойликларни Римга ташиб келади. Ҳаттоки, қадимдан маданият маркази бўлиб келган қудратли Африка ҳам осонгина Римга қарам бўлиб қолади. Рим давлатида айни чоғда адабиёт ва санъатнинг олтин вақти бошланади. Октавианга Август ёрлигини берган халқ, ўз императорини олқишлаб қўшиқлар тўқий бошлайди.

Ўзининг ақл-заковати билан Октавианнинг ишончини қозонган Вергилий саройнинг энг нуфузли шоирларидан бирига айланади.

Октавиан шоир бўлиб, ўзи ҳам ижод билан шуғулланиб турарди. Императордаги бундай ижодий кайфият мамлакатда адабиёт ва санъатнинг гуркираб гуллаб-яшнашига катта таъсир кўрсатади. Шоҳнинг илтифотларидан баҳраманд бўлган Вергилий кўпинча гўзал Сицилия ороларида яшаб сермахсул ижод билан машғул бўлади.

«Букоикалар» («Чўпон шеърлари») учта шеърдан иборат асаридан умр бўйи чўпонларнинг осуда ва ташвишли турмушини кўйлаб ўтган антик дунёнинг донғи кетган шоири Феокрит анъаналарини изчиллик билан давом эттиради.

Шоир серташвиш ва сершовқин шаҳар ҳаётидан кўра ғам-ғуссадан, иғво-фасоддан йироқ бўлган чўпонлар ҳаётини афзал билади. Зероки ўт-ўланлар, гиёҳлар, дов-дарахтлар, ранг-баранг сайроқи қушлар чўпонларнинг ҳамроҳидир, яқин дўстларидир. Шоир чўпонлар тимсоли орқали осуда ҳаётни, тинч-тотувликни ёқлаб чиқади. Саройда фитна-фасодга, иғво ва ҳасадларга чек қўйиш лозимлигини орзу қилади. Чўпонларникидек осуда ҳаёт бўлгандагина мамлакат гуллаб-яшнайдди, ривожланиш бўлади, бой давлат, тўкин-сочин ҳаёт ҳукм сурди.

Шоирнинг ҳаёлича яқин орада бир ўғил туғилади. Бу ўғил келажакда буюк инсон бўлиб етишади. Турли хил иғво-ҳасадларга учмас-

дан, фақатгина мамлакат ривож, тинчлик ва адолат ишлари билан машғул бўлади. Бу ўғилнинг ким эканлиги ҳақида шоир ҳеч нарса ёзмаган. Кўпчилик бу ўғил яқинда туғилажак Октавианнинг фарзандидир, деб башорат қилади. Бу хусусда кўп гап-сўзлар, тахминлар мавжуд.

Шоирнинг тинчлик, адолат, осуда ҳаёт бобида айтган фикрлари императорга хуш ёқиб, ижодкорнинг нуфузини янада ошириб юборади.

Вергилийнинг иккинчи асари «Георгикалар»да деҳқонлар ҳаёти мадҳ этилади. Шоир шаҳарни, давлатни тўйдирадиган икки омилни кўкка кўтариб мақтайди. Мамлакатнинг ривожини ҳам мана шу икки омилга бевосита боғлиқ деб тушунтиради. Уларнинг бири асосий истеъмол моллари гўшт, тери, жун етиштириб берувчи чўпонлар бўлса, иккинчиси қут-барақа, дон-дун, ширин-шакар мевалар етиштириб берувчи заҳматқаш деҳқонлардир. Шоир шу ҳақда камроқ тўхталиб, деҳқонлар образига символик маъно беради. Тўрт қисмдан иборат бу асарда асосан деҳқончилик билан шуғулланувчи ғаллакорлар, боғ-бонлар, чорвадорлар, асал етиштирувчилар ҳақида тўхталса-да, асосий эътиборини саройда ҳукм сурган ички низоларни тўхтатиш, вайронагарчиликка барҳам беришга қаратилган. Ҳар бир инсоннинг деҳқонлар каби фойдали ишга қўл уришини уқтиради. Деҳқон салгина лоқайдлик қилса борми, бутун ҳосилдан айрилиб қолади, демакки халқ оч қолади. Асарда гўзал қишлоқ кишилари, зилол сувлари, виқорли тоғлар таъсири маҳорат билан чизиб берилган. Шаҳар ҳаёти билан қишлоқ бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Шаҳарда мансаб-мартаба, тожу-тахтнинг ялтироқ қиёфаси кўзни қамаштиради, қирғин урушлар ҳақида сиёсатдонлар қизгин баҳс юритишади. Деҳқон учун бундан-да муҳимроқ, бундан-да савоблироқ ўзга ташвиши йўқ. Шу туфайли шоир қадимдан кўп нусхаларда тарқалиб кетган панднома руҳидаги деҳқон шеърлари анъаналарини давом эттириб, уни юқори поғонага кўтаради.

Икки қисмдан иборат шоирнинг «Энейда» достонида эса Эней саргузаштлари ҳикоя қилинади. Бу дoston кўп жиҳатдан Гомернинг «Одиссея» дostonга ўхшаб кетади.

Бироқ «Энейда» достони «Одиссея» дostonидан тубдан фарқ қилади. Дostonнинг айрим бобларигина «Одиссея»га ўхшаб кетса-да, воқеалар ривожини тубдан фарқ қилади. Жумладан, Троя урушининг сўнги лаҳшатлари, юнонларнинг макр-ҳийлалари Апполон ибодатхонасининг коҳин Лаокооннинг ўғиллари билан улкан илон томонидан тўғилиши, ёғоч от воқеаси, трояликлар бошига тушган жабру-ситамлар «Одиссея» дostonидан кўра «Илиада» дostonига бир қадар яқин туради. Энейнинг туш кўриш воқеаси, нариги дунёни сайри-сиёҳат қилиши воқеаси эса, «Одиссея» воқеасига ўхшаб кетади. Одиссей Юнон тупроғига соғ-омон қайтишни орзу қилса, Эней Рим ўлкасига шошилади. Шоир ўз қаҳрамони тақдирини Рим тупроғи, Рим

давлати тақдири билан боғлайди. Вергилий яшаган замонда Афинанинг илгариги мавқеи йўқолиб Рим қудратли давлатга айланган эди.

Яна бир муҳим томони шундаки, римликлар қадимийлиги ва улуғлиги жиҳатидан афиналиклардан ўзларини кам билмайди. Бир вақтлар Афина қудратли давлат бўлганида римликлар бошига ана шунча азоб-укубат келтирган эди. Рим эндиликда юксалиб кетиб, юнонлар худолари номини ҳам ўзгартириб, ўзларининг сиғинадиган маъбуд ва маъбудаларини яратиб олдилар. Зевс — Юпитер, Гера — Юнона, Посейдон — Нептун, Гермес — Меркурий, Гефест — Вулкан ва ҳакозо.

Бунинг устига римликлар Афинадан кўра Трояга кўпроқ хайрихоҳ бўладилар. Юнонларнинг макр-ҳийла йўли билан Трояга бостириб киришини қоралайди. Бунинг устига Рим шоири шарафлаган, кўкларга кўтариб мақтаган Эней ҳам аслида Троя фарзанди. Яна бир муҳим жиҳати шоир ўз қаҳрамонини Юнон тупроғига эмас, Римга гомон тортади. Маъбудлар султони Юпитер ҳам Римнинг келажакда қудратли давлатга айланишини башорат қилади.

Шу хилдаги башоратлар, Рим истиқболи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илиқ-мулойим гаплар, кайфиятни кўтарувчи қайноқ фикрлар Рим императоридан тортиб оддий фуқароларгача қаддини тоғ қадар кўтариб, келажакка катта ишонч билан қаради. Ҳаммага хуш туншадиган маъқул фикрни ўз асари қатига сингдириб юборган Вергилийнинг обрў-эътибори осмон қадар кўтарилиб, императорнинг мукофотларига бирин-кетин сазовор бўлади. Вергилийнинг бутун ижоди, асарларининг руҳи Октавиан салтанатини мустақкамлашга қаратилган, Вергилийнинг панд-насиҳатлари ҳам унга олам-олам шон-шуҳрат келтиради.

Ўрта асрларнинг охири Уйғониш даврининг бошларида яшаб ўтган италиялик улуғ шоир Данте «Илоҳий комедия»сида Вергилийни ўзининг узтози деб билиб, нариги дунёни устоз-шоир билан бирга айланади.

ОВИДИЙ

(Мил.аввал 43–18-йиллар)



Ер куррасидаги барча ёшлар Овидий ижодини севиб ўқишади, асарларини ниҳоятда қадрлайди. Шоир «Ишқ-муҳаббат маъбуди» деган улуғ шарафга бежиз муяссар бўлмаган.

Антик дунёнинг барча дилбар шоирлари каби Овидий ҳам Юпитер (Зевс), Юнона (Гера), Нептун (Посейдон), Меркурий (Гермес), Вулкан (Гефест), Минервапи (Афина), Диана (Артемид), Вакх (Дионис) каби маъбуд ва маъбудалар

обранини ўз асарига озми-кўпми олиб киргани учун эмас, ёки му-

ҳаббат маъбудаси Венеранинг тушига кириб севги ҳақида асар ёзгани учун ҳам эмас, ишқ-муҳаббат бобидаги асарлари дилига кириб бориб, қалбининг тўрида эъозланиб келгани учун ҳам шоирни маъбудлар қаторига қўшиб улуғлашади.

Айниқса, Овидий узоқ элларга сафар қилиб, халқ ижодиётини йиғишга жуда қизиқади. Юнонистон, Кичик Осиё бўйлаб саёҳатга чиқади. Шоир ижодида севги-муҳаббат мавзуси кенг ўрин эгаллайди. «Ишқий элегиялар» тўплами Римдан узоқ-узоқларга тарқалиб, шоирга улуғлик ёрлигини келтирди. Ўн саккиз аёл тилидан, учта эркак тилидан ёзилган «Қаҳрамон аёллар» ёки «Мактублар» деб аталувчи асари ва «Севги санъати» асари Овидийнинг муҳаббат бобида Антик дунёда тенгсиз сўз санъаткори эканлигидан далолат беради.

Айтишларича, муҳаббат маъбудаси Венера гўё Овидийни шу мавзула ижод қилишга ундаган, башорат қилган эмиш.

Овидий инсон қалбининг нозик торларини маҳорат ила черта олган бекиёс қувваи ҳофизига эга бўлган шоирдир.

Сулмон шаҳридаги бадавлат хонадонлардан бирида дунёга келган Овидий ўспиринлик йиллари Римга келиб, яхшигина таълим олади. Кейинчалик Юнонистон ва Кичик Осиё бўйлаб саёҳатга чиқиб, дунёқараши анчагина ўсиб, олам-олам таассуротлар билан қайтади. Ўша пайтлар ҳар бир римлик Юнон шоирлари асарларини ўқиш ва ёд олишни, Афинада таҳсил олишни шараф деб биларди. Овидий юнон шоирлари ижоди билан батафсил танишиб бир дунё завқ олади. Римнинг кўзга кўринган адабиёт даргалари билан яқиндан алоқа боғлаб, ўз ижодини эрта бошлайди. Илк ижод маҳсули бўлган «Ишқий элегиялар» тўпламидаги аксарият шеърлари Каринна номли гўзалга бағишлангандир. Аслида Каринна шоирнинг маъшуқаси бўлганлигини, ноъмалум сабабларга кўра ундан ажраб қолганлигини, бундай ҳижрон азоби шоир руҳиятига қаттиқ таъсир этганлигини таъкидлашади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам шоир бутун ҳаётини, борлигини ишқ-муҳаббатга бағишлайди. Овидий яшаган замонда Вергилийдан тортиб Каттулгача сон-саноксиз шоирлар Октавиан саройини ўз шеърлари билан безаб, императорни кўкларга кўтариб мақтар ва бунинг эвазига қатор инъомлар олишга мушарраф бўларди. Ногаҳон бундай сарой мушоираларида қатнашиб қолган шоирнинг шеърлари императорга унчалик хуш кайфият бахшида этмайди. Натижада ҳаммага берилган қимматбаҳо мукофотдан шоир маҳрум бўлиб қолади. Шундан сўнг Овидий ҳалигача ҳеч ким қўл урмаган Рим салтанатига қаратилган танқидий фикрларни ўз ижодига олиб кириди. Овидий асарлари қанчалик теран фикрларга бой бўлмасин, император томонидан Вергилий каби бошқа шоирларни қадрламайди.

Овидий янгича ижодий йўлни танлайди. Ўзидан илгари ўтган Юнон ва Рим шоирлари каби фақат маъбуд ва маъбудалар, афсонавий паҳ-

лавонлар ҳаётидан олинган мифологик сюжетдан бир қадар узоқроқ туриб инсон ҳаётига яқинлашади. Инсонга хос бўлган ҳис-туйғуларни, эҳтиросу изҳорларини куйлайди. Қарангки, антик дунёда айтилган шоирнинг жўшқин мисралари ҳамон инсониятга руҳий қувват бағишлаб келмоқда, бугунги эзгу ўйларга нақадар ҳамоҳанг. Жумладан, Кариннага қарата айтилган дил изҳорлари бугунги кунда яратилган янги бир шеърга ўхшайди. Муҳаббат ўлмайди деб шунга айтсалар керак-да.

“Қаҳрамон аёллар” ёки “Мактублар” номли кейинги асарида ҳам мифологик образлар қиёфасида сўз юритса-да, аслида маъбудаларнинг оху-зорлари, ҳижрон дардидан чеккан азоблари, ошиқ-маъшукларнинг висол онлари ҳақида қимматли маслаҳат ва ўғитларини бериб боради. Қадимги замонларда айтилган бундай панднома асарлар орадан йигирма асрдан ортиқроқ вақт ўтса ҳам ҳали-ҳамон ўзининг замонавийлик руҳини йўқотган эмас.

Ўн беш боб, ўн икки минг мисрадан иборат “Метаморфазалар” асари шоир ижодининг, қолаверса, жаҳон адабиётининг гултож асарларидандир.

Бу бебаҳо ижод намунаси маъбуд ва маъбудалар ва бошқа афсонавий қиёфалар ҳаётига бағишланган бўлса-да, унда ишқ-муҳаббат мавзуси кенг ўрин эгаллайди. Шоир шундай мифологик воситалар орқали ўзи яшаган замонда юз бераётган ярамас иллатларга масхараомуз ишора қилади.

Асарда Фаэтон, Икар, Пуэрида, Ниоба, Нарцисс, Венера каби юзлаб образлар галереясини учратамиз. Овидий ҳам Вергилий каби одамзод бошидан кечирган олтин, кумуш, мис, темир даврларига ўзига хос равишда таъриф ва тавсиф беради.

“Севги давоси”, “Севги санъати” асарларидаги ишқ-муҳаббат бобидаги шеърлари Императорга унчалик ёқмаганлиги сабабли, шоир «Метаморфазалар» («Турланиш») асарига қўл урган эди. Сарой, салтанат ишларига дахлдор воқеалардан ўзини биров тийиб, маъбудалар образи воситасида ўз дардини очишга ҳаракат қилган эди. Бироқ бу уринишлари ҳам чиппакка чиққан эди. “Метаморфазалар” қўлёзмалик чоғидаёқ тарқалиб кетган, Октавиан бу асарни яхши қабул қилмаган эди. Бундан қаттиқ ташвишга тушиб, таъсирланган шоир барча асарларини ёқиб юборади. Тез орада шоир Императорнинг фармойиши билан Пант (Қора денгиз) бўйларига бадарға қилинади. Сургундалиги кезларида чеккан азоб-уқубатларига ишора тарзида “Гамгин элегия” асарига қўл уради. «Пантдан мактублар» асари тез орада юзага келади.

Ўн йиллик машаққатли сургун давомида Ватанга қайтиш орзуси билан яшайди. Бу борада императордан қайта-қайта узр сураб, Римга қайтишни изҳор этиб мактублар йўллайди. Бироқ бу мактубларга

Октавиан ҳам, унинг ўлиmidан сўнг Рим тахтига ўтирган Тиберий ҳам эътибор бермайди. Шоирнинг оху-зорларига қулоқ тутмайди.


Овидий она юртини соғиниб, ҳасрат ва надоматлар чекиб, миллий 18 йилда Қора денгиз бўйларида оламдан ўтади.

Рим адабиётининг шайдолари, мухлислари шоир ўлиmidан кейин қўлёзмаларини тўплаб нашр қиладилар. Авлодлар Овидий номини улуғлаб, ардоқлаб келмоқда.

Рус халқининг улуғ шоири А.С.Пушкин олис Кавказ томонларга сургун килинганида Овидийнинг сургунлик даврини эслаб, “Ишқий элегиялар” асарини қайта-қайта ўқийди. А.С.Пушкин ўз устозининг овозига ҳамоҳанг тарзда, айни чоғда ишқ-муҳаббат ҳақидаги элегияларига бағишлаб қатор шеърлар яратади.

ГЕРОДОТ

(Мил. аввал 484–430-йиллар)



Геродот Кичик Осиёнинг Галикарнос шаҳрида туғилади. Галикарнос шаҳри Кичик Осиё ва Грек шаҳарларини бир-бирига боғлайдиган қулай порт шаҳри бўлиб, у ерда савдо-сотик ишлари кенг ривожланган эди. Эрамиздан аввалги XI асрда қурилган бу шаҳарга турли мамлакатлардан сайёҳлар, йўловчилар, донишмандлар, шоирлар, муаррихлар тез-тез ташриф буюриб туришарди. Унинг отаси Галикарнос шаҳрининг обрўли ва саводхон кишиларидан бири эди. У ўгли Геродотнинг ёшлигидан билим олишига алоҳида эътибор билан қарай бошлайди. Геродот болалик чоғларидаёқ атоқли грек сўз санъаткорлари ва улуғ муаррихларнинг асарларини кунт билан мутолаа қилади. Айниқса, Гомер, Гесиод, Аристей, Архилох, Сапфо, Алкей, Анекreonт, Пиндор ва Эсхил асарларини қизиқиш билан ўқийди.

Геродот грек адабиётини жуда севарди. Айниқса, тарихий проза, намуналари Геродот эътиборини беихтиёр ўзига тортади.

У денгиз шунқорлари ва сайёҳлари тилида фаройиб саргузаштларни тинглашни жуда-жуда ёқтирарди.

«Эрон тарихи» китоби Геродот эътиборини ўзига тортади. Бу китоб лампсаклик Харон қаламига мансуб бўлиб, унда Кир ва Камбис ҳукмронлигига қарам бўлган Ҳинд, Бақтрия, Сўғд ва Кавказ мамлакатлари ҳақида ҳикоя қилинарди. Геродот ижоди «Тўққиз китоб тарихи» деб номланувчи катта илмий-бадий ҳазинани ташкил этиб, бу китобларнинг ҳар қайсиси юзлаб ҳикояларни ўз ичига олади.

Геродот ҳикояларида скифларнинг келиб чиқиши ҳақида турли хил ривоятлар битилган. Жумладан, тўртинчи китоб тўлалигича скифлар ҳаётига бағишлангандир. Бу китобнинг бешинчи ҳикоятида ай-

тилишича, скифлар билан гўё юнон маъбуд ва маъбудалари ўртасида яқин қариндошлик алоқалари бўлганлиги, греклар муқаддас билган маъбудлар маъбуди Зевс гўёки скифлар учун ҳам маъбуд бўлган эмиш.

Геродотнинг «Скифлар» асари жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Бу асар жуда кўплаб тилларга таржима қилинган. Скифларни биринчи бўлиб жаҳонга танитган ҳам Геродотдир.

Геродот жуда катта билим ва учқур ирода ҳамда матонат эгаси бўлиб, кўплаб эл-элатларни, бир талай мамлакатларни пиёда кезган. Ўзи кўрган-билган воқеаларни қаламга олган. Ҳамма вақт қаерда бўлмасин, инсонларнинг қалбига йўл топган. Эллар ва элатларнинг ҳаётига кириб борган. Улар билан яқиндан танишган, узоқ-узоқ қабилалар билан дўстлашган. Бегона одамларни самимийлиги, дилкашлиги билан ўзига ром этган. Зийраклиги билан бир қабиланинг урф-одатларини, ўзига хос яшаш шароитини иккинчи қабиланикидан фарқлай олган. Жаҳонгашта адиб бутун умрини ижодга бахшида этган. Кўп қарама-қаршилиқларга, қийинчиликларга, азобларга дуч келган. Бироқ қўлидан қаламни ташламаган. Таҳликага ва умидсизликка берилмаган, инсоният учун хайрли иш қилаётганини чуқур ҳис этган.

Геродот ҳикояларида скифларнинг келиб чиқиши ҳақида шундай ҳикоя қилинади. Ҳаммаёқ дастлаб яп-яланғоч чўл бўлган, бу чўлда Таргитой деган одам пайдо бўлган. Таргитой Зевс билан дарё қизи Борифенесадан туғилади. Таргитойдан уч ўғил пайдо бўлади: Лопиксай, Арпаксай ва энг кичиги Колоксай. Бу ўғиллар ҳаётлигида, кунлардан бир кун осмондан олтин нарсалар ёғилади. Булар қўйидагилар: омон, арқон, болта ва товоқ. Бу олтин нарсаларга катта ўғил яқинлашганда улар ўзларидан шундай нур таратиб ёрқирайдики, орқага чекинишга мажбур бўлади. Ўртанча ўғил яқинлашганда ҳам шундай ҳодиса юз беради. Энг кичик ўғил яқинлашганда бу олтин буюмлар ўзидан нур таратишдан тўхтабди. Натижада у бу олтинларни олиб, уйига равона бўлади. Шундан сўнг катта ўғил Лопиксай кичик укаси Колоксайга шоҳликни инъом этади.

Ҳикоя қилишларича, Лопиксайдан тарқалган скифларни «Авхатовлар» деб аташган. Уртанча ўғил Арпаксайдан тарқалган скифларни «Катиарам» ва «Траспиямлар» дейишган. Кичик ўғил Колоксайдан тарқалган скифларни «Парралатамлар» деб номлаганлар. Скифлар шоҳи уларни Соколотлар деб атаган. «Бу воқеа Дороларнинг скифлар ерига ҳужумидан минг йиллар илгари бўлиб ўтган эди».

Панта вилоятида яшаган греклар ҳам скифлар ҳақида турли хил ҳикоялар битганлар. Греклар ўзларини скифлар билан қон-қариндош деб билади. Чунки Панта вилоятидаги Ольвия ўлкасига скиф вакиллари келиб туришади.

Геродотнинг кейинги ҳикоялари ҳам ўқувчининг эътиборини бе-
хатиёр ўзига тортади.

ПЛУТАРХ

(Мил. аввал 46–127-йиллар)



Плутарх Грециядаги Беотин ўлкасининг шимоли-ғарбий қисмига жойлашган, унча катта бўлмаган Херон шаҳрида туғилади. Унинг отаси Автобул замонасининг ўқимишли кишиларидан бири эди. Шунинг учун ҳам у Плутархнинг чуқур илм олишига алоҳида эътибор билан қарайди.

Унинг бобоси Ламприй ҳам илм-маърифатга рағбатли киши эди. Ламприй хонадонига херонлик адабиёт аҳиллари, донишмандлар тез-тез таъриф буюриб, қуюқ суҳбатлар қилиб турарди.

Бобосининг бобоси Никарх ҳам Херонда яшаб, эрамиздан аввалги 31 йилда Антоний билан Октавиан кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган Акциум жангининг шоҳиди бўлган эди.

Плутарх Томоксена исмли гўзал аёлга уйланади. Ундан тўрт ўғил, бир қиз кўради. Икки ўғил — каттаси ва энг кичиги ҳамда қизи ёш-лигида ўлиб кетади. Қизининг ўлими муносабати билан хотини Томоксенага йўлланган гоёт ҳаяжонли мактуби ҳозир ҳам Плутарх танланган асарларида сақланмоқда.

Эрамизнинг 90 йилларигача Плутарх Италия ерларида, чунончи, Римда бўлади. Римдаги адабий ҳаёт уни янги ижод сари ундайди, у латин тилини ўрганишга киришади. Бироқ давлат ишлари билан банд бўлганлиги туфайли у узоқ йиллар бу тилни ўргана олмайди. Фақат кексайгандагина латин тилида ёзилган асарларни ўқишга муяссар бўлади.

Рим тарихига қизиқиш билан қараган Плутархни император Тронин, кейинчалик Адриан ҳам қабул қилади. Плутархнинг чуқур билим ваиси эканлиги, юксак дунёқароши ва илғор фикрлари Рим императорини қизиқтириб қолганди. Шунинг учун ҳам Плутархга Рим императорлигининг яқин кишиси деган шарафли ном берилади.

Плутарх 50 та «Ҳаётнома» ёзади. Шулардан 46 таси грек ва римликлар ҳаётидан олиб ёзилган биографик асарлардир. Бундай гўзал бадиий услуб Плутарх номини жаҳон адабиётига олиб кирган. Биографик характердаги асарлари билан яқиндан танишсак, куйидаги тарихий шахслар ёзувчининг ижодида ўзининг бадиий ифодасини топганлигини гувоҳи бўламиз. Булар куйидагилар: Тесеё ва Рамул, Цикург ва Нума, Солон ва Попликова, Фемистокл ва Камилл, Перикл ва Фабий Максим, Гай Марций Кориолан ва Алкивиад, Эмилий Павел ва Тимолеонт, Пелопид ва Марцелл, Аристид ва Катон Старший, Филопеме ва Тит Квинтий Филаминий, Пирр ва Марий, Цицерон ва Сулла, Кимон ва Лукулл, Никий ва Красс, Эвмен ва

Серторий, Агесилай ва Памаей, Александр ва Цезарь, Фикион ва Катон Младший, Агид — Клеоман ва Тиберий Гракх, Гай Гракх, Демосфен ва Цицерон, Дмитрий Полиоркет ва Анатолий, Дион ва Брут, шунингдек, яна тўртта биография: Артаксеркс, Арат, Гольба, Отон. Бу номларга диққат билан эътибор берсак, улар Грек ва Рим тарихида яшаб ўтган машхур тарихий шахслардир. Қарангки, ёзувчи уларнинг деярли барчасини бир-бирига қиёслаб тасвирлайди. Шунинг учун ҳам бу шахслар ҳаётини тасвирловчи асарлар мажмуаси умумий ном остида «Қўшалок ҳаётномалар» деб номланиши бежиз эмас.

РУДАКИЙ
(Абу Абдулло)
(860—941)



Форс-тожик адабиётининг отаси деб ном олган Рудакийнинг шеърлари бир миллион байтдан иборат бўлган.

Самарқандга яқин Панжакент туманининг Панжруд-Рудак қишлоғида туғилган.

Рудакийга ўтмишдагилардан ҳеч бири лирика бобида тенглаша олмаган. Унинг ижоди халқ оғзаки ижодига жуда яқин бўлган. Рудакий ижодида ҳажв юксак пафосда ифодаланган. У ўз халқининг қадим анъаналарини изчиллик билан давом эттиради.

Рудакий кексалик чоғида кўзига мил тортилиб, мамлакатдан қувғин қилинади. Шоир поэзиясининг юксаклиги, форс-тожик адабиёти ва маданиятининг қадимийлигидан далолат беради. Чунки Рудакий ўзидан илгари ўтган адабиётдан озиқланиб, илҳомланиб буюклик даражасига кўтарилгани шубҳасиздир.

Рудакий ижодини эслаганимизда беихтиёр кўз ўнгимизга жаҳон шеърятининг бошловчиси Гомер кўз ўнгимизга келади. Гарчи Гомер яшаган давр билан Рудакий замони ораллиғида 15—20 аср ҳукмрон бўлса-да, IX аср Шарқ адабиётига нисбатан айтганда Гомер яшаган замонлардек қадимийдир.

Рудакий «Калила ва Димна» номли дoston ҳам яратган. Бу дostonнинг бизга айрим саҳифалари етиб келган. Рудакий шеърят бобида Гомерни эслатса, мусиқа бобида юнонлар улуғлаган Орфейни эсга солади. Ҳазал, рубоий, қасида, қитъа жанрларида ижод қилган шоир умрининг анчагина қисмини Бухорода — Сомонийлар давлатининг ҳукмдори Наср II ибн Аҳмад саройида созанда ва шоир сифатида ўтказади. Эҳтимол шунинг учундир ҳаётлик чоғидаёқ шоир

номи узоқ-узоқларга етиб боради. Унинг ғазал ва қасидаларида халқ ижодига хос майинлик, ифодавийлик ҳукмрон. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари севиб ўқилади. Шеърлари инсонга кўтаринкилик руҳини бағишлайди.

Дўстликни, инсонийликни, илм-маърифатни улуғлайди. «Одамдан юқори тураркан олам, Билим оширмоққа муҳтождир одам», дея қуйлаган шоир номи ижоди каби барҳаёт бўлиб қолди.

АБУ АЛИ ИБН СИНО
(980—1037)



Жаҳон илм-фани, адабиёти ва санъати тараққиёти тарихида ибн Синонинг роли беқиёсдир. Ҳарба Авиценна номи билан машхурдир. Олим математика, фалсафа, медицина, биология илми бобида катта салоҳиятга эга бўлиб, рубоий ва ғазаллар ҳам битган. Унинг шеърӣ хазинасидан ўз даврида ҳам, кейинчалик ҳам кўпчилик шоирлар баҳраманд бўлишган.

У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилади. Ёшлиғида Бухорога келиб, илм ўрганади. Ўша пайтларда Бухоро Шарқ уйғониш даврининг марказий шаҳарларидан бўлиб, илм-фан ривож топган эди.

Ибн Синонинг ўрта асрлар Шарқида машхур табиб бўлиб етишишига бир томондан, Бухоро илмий муҳити катта таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, табиий ва илоҳий таъсир ҳам мавжуд эди, деган ривоятлар мавжуд.

Ҳукмрон Сомонийлар зулми Бухоро илмий-адабий муҳитининг ривожига тез-тез салбий таъсир ўтказиб турарди. Ибн Синонинг халқ ўртасида обрўси ошиб бораётганидан ташвишга тушган ғаразғўй доиралар маърифатпарвар инсонни Бухородан ҳайдаб чиқарадилар. Шундан сўнг Самарқанд, Балхга, кейин Бағдодга келиб илм ўрганади. Нисса, Нишопур, Журжон, Рай, Исфаҳон, Ҳамадон шаҳарларида бўлади. Қаерда бўлмасин ўзининг фалсафий қарашлари, тиббий илми, шеърят билан халқ қалбидан кенг ўрин эгаллайди. XII асрдаёқ унинг асрлари араб, грек, лотин, форс тилларига таржима қилиниб, таҳлил этилган. Умрининг охирида Ҳамадонда яшаб, 57 ёшида вафот этади. Ҳозир ҳам бу шаҳарда Ибн Сино қабри турибди.

«Тиб қонунлари», «Донишнома», «Нажот китоби», «Турар жойининг тузилиши», «Инсоф китоби», «Тиббий кўрсатмалар ҳақида» каби 450 дан ортиқ асарларидан бизгача 160 га яқини етиб келган.

Ибн Синонинг «Ал-қонун» асари 1284 йилда лотин тилига таржима қилинган. Ибн Сино ижодини Фарб билан Шарқ ўртасидаги кўприк дейишади. Ибн Сино Фарб адабиёти ва маданиятини Шарққа олиб кирган буюк алломадир. «Китоб уш-шифо» асари Фарб давлатлари ўқувчиларига тезда етиб борган. Унинг «Китоб ал-қонун фиттиб», «Ал-қонун», «Араб тили», «Шеър тўғрисида китоб», «Музыка ҳақида рисола», «Мантиқ бўйича ражаз баҳрида манзума» («Уржуза фил мантиқ»), «Қушлар рисоласи», «Саламон ва Ибсол», «Хайй ибн Яқзон», «Юсуф», «Фореча мантиқ», «Томир уриши ҳақида рисола» асарлари мавжуд.

Ибн Сино табиб, адабиётшунос, шоир, тарихчи, мураббий, географ сифатида, бир сўз билан айтганда комусий олим бўлиб танилди. Унинг ижодида асосан тиббиёт муҳим ўрин эгалласа-да, турли соҳалар, илм-фаннинг ҳар хил йўналишларига, адабиётнинг хилма-хил шоирлари, таълим-тарбия йўналишларига оид намуналарни топиш мумкин. Гоҳ бадавлат бўлиб кетса, гоҳида ғарибликда ҳаёт кечирган. Хароба ҳужраларда муттасил ижод билан машғул бўлган.

Ибн Синонинг рубойлари унинг шоирлик қалами ҳам ўткир бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Машҳур табибнинг илмини, истеъдодини кўролмаганлар уни кофир деб руҳан азоб беради. Бироқ, халқ ҳамон унинг номини эъзозлаб, улуғлаб келади. Жаҳон маърифат шоҳсупасида муносиб ўрни бор.

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

(941–1025)



Эроннинг Тус шаҳрига яқин бўлган Бож қишлоғида дунёга келган шоир ўз қишлоғида таълим олгандан сўнг, Тус шаҳрига келиб, илм-маърифат кишилари билан боғланади.

Маълумки, Тус қадимда гуллаб-яшнаган шаҳарлардан бири бўлган. Фирдавсий бу шаҳардаги мадрасада таълим олади. Деҳқончилик, боғбончилик билан машғул бўлади. Ёшлигидан халқ ижодига ихлос қўяди. Подшоҳлар ҳақидаги ҳикоятларни берилиб ўқийди. Панд-насиҳат руҳидаги халқ ижодига яқин шеърлар ёзади. Халқ орасида шоҳларни мадҳ этувчи асарлар ёзиш ўша пайтларда анъанавий тус олган эди. Фирдавсий ҳам ўзидан илгари яратилган шоҳлар ҳақидаги кўплаб асарлардан илҳомланиб, 35 йил тинимсиз изланади. Натижада юздан ортиқ дostonларни ўз ичига олган буюк «Шоҳнома» асари юзага келади. Шоир бу асарини Султон Маҳмуд Фазнавийга тақдим этади. Бизгача етиб келган ҳикоят-

ларда айтилишича, Султон Маҳмуд шоирга 120 олтин танга бермоқчи бўлади. Бироқ Султоннинг вазири Абул Ҳасан хасислик қилиб, 120 кумуш танга беради. Бундан ғазабланган Фирдавсий ҳаммомчига 60, шаробчига 60 кумуш тангаларни бўлиб беради. «Шоҳнома»даги Маҳмуд Фазнавийни мадҳ этиб ёзилган қасидани олиб ташлаб, Султон шаънига ҳажвия битади, сўнгра шаҳарни ташлаб чиқиб кетади. Бу воқеани эшитган Султон Маҳмуд шоирни топиб келтиришни, филнинг оёғи тагига ташлаб, янчиб ўлдиришни буюради. Шогирдлари ардоқли устозини яшириб, Султон даргоҳидан узоқ-узоқларга элтиб қўядилар. Ўзга юртларда сарсон-саргардон юриб, кексайган чоғида ўз юртига қайтиб келиб, оламдан ўтади. Бироқ шоирни қабристонга дафн этишга рухсат бермайдилар. Шогирдлари кечаси яширинча шоирнинг мурдасини ўзи барпо этган боғига қўядилар. Улуғ шоирнинг «Шоҳнома»си ўзбек тилига таржима қилинган. Бу асар жаҳон адабиёти хазинасидаги дурдона асардир.

Фирдавсий ижодиёти Шарқ мумтоз адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатади. «Шоҳнома»даги Каюмарс, Хушанг, Тахмура, Жамшид, Сом, Наримон, Зол, Рустам, Бижон, Ануширвон, Баҳром Гўр, Хисрав образларини турли халқлар адабиётида учратиш мумкин. Хусусан, Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий ўз асарларида Фирдавсийни устоз деб ҳурмат билан тилга олишади. Ҳақиқатан ҳам, Фирдавсий номи жаҳон адабиётида буюклар қаторидан ўрин олган.

УМАР ХАЙЁМ

(*Ғиёсиддин Абулфатх Умар ибн Иброҳим*)
(1040–1123)



Умар Хайём жаҳонга машҳур рубой устасидир. Нишопур шаҳри яқинидаги қишлоқда чодир тўқувчи оиласида туғилади. Ўз даврининг илмли кишилари Насриддин Шайх Мансур қўлида таълим олади. Алжабр, физика, жўрофия, илоҳиёт илмини ўрганиш билан бирга форс-араб тили адабиётини ҳам мукамал ўзлаштиради. Кейинчалик Балх, Бухоро, Самарқанд, Маккагача боради.

Унинг илк асарлари Балхда «Абулфатх Умар ибн ал-Хайём» – «Ҳисобнинг қийин масалалари» номи остида китоб ҳолига келтирилади. Фарб илми,

Ўшон тарихи ва адабиёти тараққиёти ютуқлари билан яқиндан таниниди. Шу тариқа Умар Хайёмнинг асарлари Фарбда ҳам машҳур бўлади.

Хайёмнинг шуҳрати тобора ортиб боради. Бухоро ҳокими Шамсулмулк (1068–1079) шоирни саройга таклиф этади. Шамсулмулк Умарни саройда иззат-ҳурмат билан қабул қилиб, ўтирган тахтининг ёнидан жой беради. Бухорода катта обрўга эга бўлган Хайёмнинг доврўги Салжуқийлар давлатининг пойтахти Исфаҳонга етиб боради. Шоҳнинг вазири Низомулмулк Хайёмни таклиф қилиб саройдаги обрўли илм аҳиллари қаторидан жой беради. Хайём умрининг охирида Нишопурга келиб, муттасил ижод билан машғул бўлади ва шу ерда вафот этади.

Унинг «Мухтасар физика», «Борлиқ ҳақида рисола», «Борлиқ ва бурч ҳақида», «Рисолаи жабр», «Мақолат фи жабр вал муқобала» («Алгебра масалалари ҳақидаги мақолалар» 1069–1074), «Рисолатул ҳокимил Фозил Гиёсиддин Абдулфатх Умар Ибн Иброҳимул Хайёмий ан-Нишопурий фил бараҳим ало масайилил жабр вал муқобала» («Ҳаким ва Иброҳим Хайёмий Нишопурийнинг алгебра ва муқобала масалалари ҳақидаги рисоласи»), «Колко ва унинг вазифалари ҳақида» — «Рисолотул кабн ват таклиф» ва бошқа асарлари мавжуддир. Умар Хайём шоир сифатида ҳам машҳурдир. Унинг рубойлари ўзи яшаган замон ва кейинги давр адабиёти тараққиётига кучли таъсир ўтказган. «Кўзанома» циклидаги шеърлари Европа ва жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. «Наврўзнама» асарида фақат янги йил боши — Наврўзнинг кириб келишини таърифлаб қолмай, адабиёт тарихи ва қоидалари ҳақида ҳам муҳим фикрларни айтиб ўтган. Шоир вафотидан сўнг рубойлари тўпланиб, қайтадан кўчирилиб, китоб ҳолига келтирилди. Уларнинг бирида (1207) 252 та, иккинчисида (1254–1260) 172 та рубойи борлиги аниқланган.

Шарқшунос олим Шоислом Шомухаммедовнинг таъкидлашича, Хайёмнинг машҳурлиги жаҳон шарқшуносларини, илм-фан соҳибларини лол қолдирмоқда. Айрим талқинчилар уни узликсиз май ичиб юрадиган сархуш шоир бўлган деган муносабатда бўладилар. Машҳур шарқшуноснинг «Ҳазиналар жилоси», «Форс-тожик адабиёти класиклари ижодида гуманизм» рисолаларида таҳлил қилинишича Умар Хайём машҳур математик, физик, астроном олим бўлган. Бу ҳақда олим шундай бир манбани келтириб ўтади.

«У шоир сифатида, даставвал, Европада шуҳрат қозонди. Украин шарқшунос олими академик А. Кримский Хайёмнинг Эронда шоир сифатида машҳур бўлмаганини таъкидлаб ўтган эди: «1913 йил октябрида мен бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилдим, ҳозир (яъни 1914–15 йилларда — Ш. Ш.) Эрон ташқи ишлар министрлигининг хизматчиси бўлмиш Мирза Ҳамид у вақтда (яъни 1913 йилда — Ш. Ш.) Москва Давлат университетида билимини такомиллаштирар эди. Эронда жуда мукамал билим олган бу киши менга чин кўнглидан эъгириф қилиб, «ҳозирги форслар унинг (Хайёмнинг — Ш. Ш.)

шеърларини ўқиганларида уни Хўжа Насриддинга ўхшаган хушчақчақ, масхарабоз киши сифатида тасаввур қиладилар. Ҳиндистонда эса уни авлиё-сўфий санаб, нашр этадилар, мен то «Эрон ва Эрон адабиёти тарихи» китобини рус тилида мутолаа қилмагунимча, Умар Хайёмнинг улуг олим, теран фикрли файласуф, донишманд эканлигини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим, деди».

Европа олимлари Умар Хайёмнинг математика, физика, астрономияга оид асарларини узоқ вақт таҳлил қилиб, ундан кўп нарса олиб, кўп нарса ўрганадилар. Салжуқийлар салтанатида шоир асосан мунажжим ва табиб сифатида фаолият юритади. Ва саройнинг энг мартабали шоири сифатида ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлади.

Умар Хайём Ибн Синони ўз устози деб эҳтиром билан тилга олган ва устознинг тиббиётга оид асарлари умрининг охиригача шоир кўлидан тушмаган. Умар Хайём табиблик сир-саноатини ҳам устозидан ўрганганини ҳақли равишда тан олади.

Умар Хайёмнинг зеҳни ниҳоятда ўткир бўлган, ўзига ёққан асарни бир неча бор ўқиса бас, ёд олиб қўяқолган. Буни ўз замондошлари бир неча бор синовдан ўтказиб ҳайратга тушишган.

Айтишларича, Умар Хайёмни айрим муҳолифлари «динсиз, худодан қайтган» деб, иғво-ҳасад билан таҳқирлар экан. Шундай давраларнинг бирида Умар Хайём: «Мен ўлганимдан сўнг қабрим устига икки дарахт гулларини тўкиб туради», деб айтибди. Ўша даврдагиларнинг бири бу гапдан хабардор экан, бир қанча муддат ўтгандан сўнг Умар Хайём қабрини зиёрат қилгани борса, ҳақиқатан ҳам иккита дарахт шоир қабри устига шундай гулини тўккан, қабр усти қат-қат гуллар билан ўралиб қолган экан.

Умар Хайём художўй эди. Ўлими олдидан Қуръони каримдан бир неча сурани келтириб, Аллоҳдан қилган гуноҳлари учун кечирим сўраб, кейин жон беради.

Умар Хайёмни майхўр бўлган, дейишади. Айниқса, Фарб илм аҳли Умар Хайёмнинг рубойларини тўплаб, унга «Кўзача» деб номи билан нашр эттиришади. Шунга асосланиб, айрим Фарб ва ҳаттоки Шарқ олимлари уни сархуш ҳолда юрган майпараст шоир деб изоҳ беришади.

Май ҳақида шеър ёзган шоирларнинг ҳаммаси ҳам майпараст бўлавермайди. Умар Хайём кўҳна бир дунёда яшаган. Унинг май ичиб маст-аласт ҳолда юрганини ҳеч ким кўрмаган ва ҳеч бир манбада қайд этилмаган. Айниқса, Ал-жабр, тарих, математика, геометрия, физика, астрономия ҳақида йирик тадқиқотлар ёзган олим кўп вақтини май ичишга сарфласа, ҳали ўша даврларда номаълум бўлган илм-фаннинг очилмаган қирралари ҳақида тадқиқотлар яратишга вақти етмаган бўларди. Бизнингча, шоир илмий янгиликлар устида йиллар давомида қизгин изланишлар олиб борган.

Умар Хайёмни ниҳоятда дағал сўз, муомалани билмайдиган кўпол-роқ киши бўлганлиги ҳақида ҳам ривоятлар мавжуд. Олимлар баъзан ўз дунёқараши, фикр доирасининг кенглиги билан ўз давридан бир неча йиллар олдинга кетиб қолади.

Умар Хайём комусий олим. У илм-фаннинг турли соҳаларида самарали ижод қилди, жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Шундай бўлса-да, у ниҳоятда камтарлик билан ҳеч нарсага улгурмаганлигини айтади.

Буюк олим ўзини ҳаёт олдида жуда ожиз ҳис этади. Ғам-қайғуга ботган умридан нола қилади. Агар қайғу ўрнига шодлик эгаллаганда эди, ўз ихтиёрим билан ёзардим, яъни бундан-да гўзал рубоийлар, бунданда мукамал илмий асарлар яратган бўлардим, деган фикрни айтмоқчи бўлади:

Умар Хайёмнинг шеърлари бир қарашда ҳазиломуз оҳангдек эшитилди. Бироқ, унинг ҳар бир мисрасида ўзига хос фалсафа ётганини сезиш қийин эмас. Тарихнинг мана шундай узоқ қаърида ҳали илм-фан тараққий этмаган, ўқиш-ўрганиш учун имконият бўлмаган, оддий илмий хулосаларни чиқариш мушкул бўлган бир даврда Умар Хайёмдек фозлу-фузолонинг дунёга келиши кишини ҳайратга солади. Аслида-ку, биргина Умар Хайём ижодини мукамал ўрганиш учун бир неча исътедодли олимнинг умри етмайди.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

(Абумуҳаммад Илос ибн Юсуф)
(1141–1209)



Низомийни жаҳонга машҳур қилган «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал), яъни еттита дostonдан иборат шоҳ асаридир. Асли Ганжада ижод қилган улуг Озарбайжон шоирини Шарқда кўплаб шоирлар ўз устози деб билиб, унинг ижодидан баҳраманд бўлиб келганлар.

Абдурахмон Жомий «Ҳафт пайкар»га монанд «Ҳафт авранг» еттичилигини яратади.

У Шарқ мумтоз адабиётида «Хамса» яратиш анъанасини бошлаб беради. Шундан сўнг Низомий анъаналарини давом эттириб, Шарқ адабиётида қирқдан зиёд «Хамса» яратилгани маълумдир.

«Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»), «Хисрав ва Ширин», «Найли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» («Етти сайёра»), «Искандарнома» дostonлари ўзига хос Шарқ фалсафасининг ёрқин тимсолидир. Фақирона ҳаёт кечирган шоир ижоди билан ўз номини мангу қолдирди.

Низомий ҳаётида ҳам кўплаб ситамли воқеалар юз беради. Дарбанд хони Офан номли бир чўри қизни тортиқ қилиб, шоирни камситган эди. Бироқ шоир муҳтожликда яшаб бу камситишларга парво қилмай Офандан ўз бахтини топади. Ундан Муҳаммад исмли ўгли кўради. 1180 йилда умр йулдоши ўлгандан сўнг, яна икки марта уйланади. Иккаласи ҳам 1188, 1200-йилларда вафот этади. Шундан сўнг ҳаётини ижодга бағишлади.

Низомий саройда яшамаса ҳам шервоний шаҳзодаларнинг топшириғига биноан ижод қиларди. Хусусий «Хамса» ҳам подшоҳлик буйруғига биноан ёзилади. Хисрав, Баҳром, Искандар образлари орақали адолатли шоҳ образини яратади. Шаҳзодаларни адолатга чақиради. «Хисрав ва Ширин»даги айтишувларни Шарқ адабиётидаги кўпгина дostonларда кўриш мумкин.

ШОТА РУСТАВЕЛИ

(1146–1196)



Грузин халқи Шота Руставелини жуда улуғлайди. Ҳатто адибнинг ёлғизгина «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари Шарқ уйғониш даврининг илк асаридир деб даъво қиладилар. Албатта ҳар бир миллат ўз адибини улуғлашга ҳақлидир. Шоир шу биргина асари билан машҳурдир.

У грузин адабиётининг асосчиси деган улуг шарафга муяссар бўлди. Грузин адабиёти ва маданиятининг қадимийлигини ҳам «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари билан боғлайдилар.

Шота Руставели XII аср грузин шоиридир. Баъзи манбаларда тахминан шоир яшаб ўтган сана 1146–1196 йиллар деб белгиланган. Бошқа бир манбада 1937 йилда шоирнинг 750 йиллиги нишонланганда у 1187 йилда туғилган деб таъкидланган. Шоир ҳаёти ҳақида кам манба етиб келган. Асар грузин маликаси Тамарага бағишланган.

Асарда халқ қаҳрамонлиги, дўстлик ва муҳаббат улуғланади. Босқинчиларга қарши кураш ва ватанпарварлик ғояси ҳам илгари сурилади. Таризел, Автандил, Фаридун каби мард ва жасур образлар маҳкумлади. Шоир грузин аёли образини жуда улуғлайди. Нестон — Дарижон номи ва образини жаҳон адабиётига олиб чиқди. Шота Руставели «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари билан ҳатто Европада уйғониш даврида ижод қилган шоирлардан ўзиб кетди деб таъриф берилди.

Унинг ёлғизгина асари севгига садоқат, мардлик, ботирлик руҳи билан сугорилиб қолмасдан:

*Муҳаббатда вафокор бўл, пасткашликка бегона,
Айрилиққа чидаб тургин, сабр қилгин мардона.
Сен ягона машуқангга мухлис бўлгин барқарор,
Фаҳшу зино, нафсоният назаримда кўп мурдор, —*

деб айтади.

Айни чоғда ушбу мисралар дидактик, яъни панд-насиҳат руҳи билан сугорилгандир. Ўрта асрлар адабиётига хос бўлган бундай дидактик руҳ асарнинг ифодавийлиги, ўқишлигини таъминлайди. Асарнинг тузилиши, шеър ўлчовлари Шарқ адабиётидан кўра Европа адабиётини кўпроқ эслатади.

Тарихдан маълумки, ўрта асрлардан анча илгарийқ Қора денгиз бўйларига Кавказ гўзалликларига маҳлиё бўлиб келишган. Ҳатто миллоддан аввалги XIII асрдаёқ Ольвия шаҳрига греклар, римликлар, кельтлар кела бошлаган. Эҳтимол, айрим сўз санъаткорлари таъсири Шота Руставели ижодига ҳам ўз таъсирини кўрсатгандир. Бундай руҳ асар сюжетидан ҳам сезилиб турибди.

Шоир ўзининг овозини, созини, меҳрини «Маликаларнинг соф ишқига» ўхшатади. Муҳаббатни улуғлайди. Муҳаббат шундай туйғуки, шоир наздида, у мусаффо ва соф қалблар қаърида яшайди. Бу туйғу инсонни гўзалликка етаклайди.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

*(Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслих)
(1204–1294)*



Мағрибу Машрикқа машҳур шоир деб юксак баҳога эга бўлган Саъдий Осиё шоирларининг устози ҳамдир. У Осиёнинг марказий шаҳарларидан бири Шерозда дунёга келади. Шоирлар шаҳри деб ном олган бу шаҳарнинг номи фақат Эронда эмас, узоқ-узоқларга ҳам маълум ва машҳур эди. Шерозда илм ўрганган олим Чингизхон зулми кучайгач, Бағдодга боришга мажбур бўлади. Ўн беш марта Маккани зиёрат қилади. Дамашқда яшаб қолади. Бу ерда ҳам ҳаёти осуда кечмайди. Қаш-

қарга, Ҳиндистон шаҳарларига боради. Қарилик чоғида ўз она шаҳри Шерозга қайтиб келади. Саъдий поэзияси жуда машҳурдир. Проза йўли билан ёзилган «Гулистон», 8 минг мисрадан иборат «Бўстон» номли шох асарлари мавжуд. Гёте ўзининг «Фарбу Шарқ девони»

асарида Саъдий шеърятини юксак баҳолаб, алоҳида фасл ажратади. Шоир ижодида дидактика, панд-насиҳат алоҳида ўрин тутади. «Гулистон» асарида золим шохлар ҳақидаги ҳикоятлар мавжуд. Баъзи бир тадқиқотчилар шоирнинг 120 йил яшаганлигини таъкидлашади.

Саъдий инсонни улуғлайди ва етимларга хайр-эҳсон қилиш лозимлигини қўллаб-қувватлайди (Гётенинг «Фарбу шарқ девони» да Саъдий ҳурмат билан тилга олинади). Унинг мунозара жанри ва автобиографик руҳдаги асарлари ҳам мавжуддир. Яқиний «Ўқ ва ёй» мунозарасини яратиш чоғида Саъдийдан илҳомланганини тилга олади.

Саъдийнинг «Бўстон» асарини Маъсуд ибн Аҳмад, «Гулистон» асарини эса Сайфи Сароий ўзбек тилига таржима қилган.

Саъдийнинг адабий мероси жуда бой. Ҳаётлик чоғидаёқ асарлари етти иккимга тарқалиб кетган деб таърифлашади. Шарқликлар Саъдий шеърларини ёд олишни савоб иш деб билишган. Саъдийхонлик кечалари бўлиб турган. Унинг ғазалларини тўплаб, алоҳида китоблар қилишган. Али бинни Аҳмад бинни Абубакир (Манбаларда таҳаллуסי Бесутун бўлган дейилган) Саъдий асарларини тўплаб қуллийёт тузган. Бу қуллийётда «Шаш рисола», («Олти рисола»), «Гулистон», «Бўстон», «Қасойиди араби», («Арабча қасидалар»), «Қасойиди форсий», («Фореча қасидалар»), «Соҳибия», («Соҳибнома»), «Маснавийт», («Маснавийлар»), «Муламмоат», («Ширу шакарлар»), «Муфралот», («Фардлар») алоҳида-алоҳида ўрин эгаллаган.

Саъдий пандномаларида дидактик руҳ уфуриб турибди. Эҳтимол шунинг учундир шоир асарлари халқ орасида тезда машҳур бўлиб кетади. Шарқ таълим даргоҳларида қадимдан то ҳозиргача педагогика фанининг таркибий қисмларидан бири сифатида Саъдий ижодиёти ўрганиб келинмоқда. Шоир инсон умри давомида таълим-тарбия олиш керак деган ғояни илгари суради. Бу жиҳатдан «Гулистон» асарининг бобларга ажратилиши тартибини назарда тутишимиз мақсадга мувофиқдир. Биринчи боб «Подшоларнинг хислати», иккинчи боб «Дарвешларнинг ахлоқи», учинчи боб «Қаноатнинг яхшилиги», тўртинчи боб «Хомушликнинг фойдаси», бешинчи боб «Ишқ ва ёшлик», олтинчи боб «Натовонлик ва қарилик», еттинчи боб «Тарбиянинг кучи», саккизинчи боб «Сухбат одоби».

Бу боблар панднома руҳида битилгандир. «Бўстон» асарида прозанинг руҳига ҳамоҳанг поэтик оҳангни кўришимиз мумкин. Биринчи боб «Адолат», иккинчи боб «Эҳсон», учинчи боб «Ишқ», тўртинчи боб «Товазуъ», бешинчи боб «Ризо», олтинчи боб «Қаноат», еттинчи боб «Тарбия», саккизинчи боб «Шукур», тўққизинчи боб «Тавба», ўнинчи боб хотима ўрнида берилса-да, юқоридаги бобларнинг мантиқий давомидир, ҳар иккала асарнинг ҳам тарбия жараёнида маърифий аҳамияти каттадир.

ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ

(*Ғиёсиддин Абулҳасан*)
(1253–1325)



Асли Шаҳрисабз (Кеш)дан бўлган шоирнинг ота-боболари тақдир тақозоси билан Деҳлига бориб Деҳлавий тахаллусини олган. Отаси Туркигўй (ўзбек), шоиртабиат киши бўлиб, онаси ҳиндлардан эди. Ўз юртига қайтишни орзу қилиб юрган отаси мўғулларга қарши жангда ҳалок бўлгач, 8 ёшли ўспирин Деҳлида умрбод қолиб кетади.

Сарой шоирларига яқин бўлгани учунми дастлабки шеърларига «Султоний» тахаллусини беради. Айтишларича, шоирнинг шеърлари 400000 байтдан зиёд бўлган. Тўқсон тўққизта китоб муаллифи бўлган деб таърифлашади.

Шоирнинг шеърят мулки «Туффат ус-сигар» («Ёшлик туҳфаси»), «Висот ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртаси»), «Туррат ул-камол» («Камолотнинг бошланиши»), «Бақия ун-нақия» («Сараларнинг сараси»), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот чўққиси») деб номланган беш девонга жамланган. Бундан ташқари, йирик дostonларни ўз ичига олган «Кирон ус-саъдайн» («Икки саодагли сайёранинг қўшилиши»), «Мифтах ул-футух» («Ғалабалар калити»), «Дуволроний ва Хизрхон», «Нуҳ спехр» («Тўққиз қават осмон») асарлари мажмуаси ҳам мавжуддир. Низомийдан сўнг хамсачилик анъанасини давом эттирган Хусрав Деҳлавий бу улкан ишни ҳам маҳорат билан ниҳоялайди. Унинг «Хамса»сидан ўрин олган беш дoston куйидагилардир – «Матлаъул Анвар» («Ёритгичларнинг чиқиши»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Искандар кўзгуси» («Ойнаи Искандарий»), «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат»). Шарқ мумтоз адабиётининг алломалари Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий уни ўз устози деб билган ва ҳар иккала шеърят султони ҳам «Хамса» яратишда Хусрав Деҳлавий ижодидан баҳраманд бўлган.

Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сига кирган «Ойнаи Искандарий» («Искандар кўзгуси») дostonи ниҳоятда қизиқарли воқеалар асосида битилгандир. Шарқ халқлари орасида Искандар ойнаси, ойнаи жаҳон, сеҳрли кўзгу. Мўъжизакор кўзгу номи билан боғлиқ воқеаларни учратамиз. Баъзи бир манбаларда Жамшид жомига ҳам қиёс қилинса, бошқа бир ўринларда «Устурлоб» деб номланган.

Хусрав Деҳлавийнинг «Ойнаи Искандарий» дostonида таъкидланишича, Искандар яратган устурлобнинг Чиндан Румга келтирилди. Бироқ бу устурлобнинг асосини текширадиган бўлсак, уни Искандар эмас, Чин хоқони яратганлиги равшанлашади. Чунки Искандар Чин хоқонининг кўзгусини кўриб, ўзи ҳам устурлоб яратишга

киришади. Шунинг учун ҳам «Ойнаи жаҳон» яратишга Искандар биринчи эмас, иккинчи бўлиб киришган. Бу ҳақда шоир шундай ёзган:

*Яна кўзгу ҳақда сўз битган замон,
Чиндан Румга келган дейишади ҳамон.*

*Асоси Хоқонлар, Искандарданмас,
Дедилар шу билан сўзни қилиб бас,*

*Аmmo бу даъвода Искандар подшоҳ,
Иккинчиси бўлиб тикилди танҳо,*

Бу билан шоир Хитойда қадимда илм-фан ва маданият раvнақ топганлигини таъкидламоқда. Илм-фаннинг юксаклиги жиҳатидан Хитой энг қадимий маданият ўчоғи бўлган. Дунёнинг ҳеч бир бурчагида яратилмаган устурлобнинг Хитойда ихтиро этилиши фикримиз далилидир.

ДАНТЕ АЛИГЬЕРИ

(1265–1321)



Ўрта асрлар охири Уйғониш даврининг боши – икки давр оралиғида яшаб ўтган Италиянинг улуг адиби. «Илоҳий комедия»сида ёзувчи «Нариги дунёни»ни уч қисм – «Дўзах», «Аъроф» ва «Жаннат»га бўлган. Асарнинг ҳар бир қисми 33 кўшиқдан тузилган бўлиб, кириш қисми бир кўшиқ, ҳаммаси бўлиб 100 кўшиқдан иборат.

«Дўзах» асарининг биринчи қисми – ер воронка шаклида ўйлаб туширилган жой бўлиб, унда 9 поғонали чуқурлик мавжуд. Гуноҳкорлар шу поғонали чуқурларда азоб чекадилар. Пастки поғонага тушган сари жон қаттиқроқ азобланади. Данте ўзининг сиёсий мухолифларини дўзахга ташлайди, айниқса, христиан дини руҳонийларини қаттиқ қоралаб, дўзахнинг сўнгги поғоналарига қўяди. Поэманнинг иккинчи қисми «Аъроф» деб аталиб, ер қуррасига қарама-қарши жойлашган. Ер билан уни қатта океан ажратиб туради. Океан ўртасидаги оролда баланд тоғ бор. Тоғ етти поғонали бўлиб, улардан ўтиб бораётганда айбдорнинг биттадан гуноҳи ювилади. 7 поғонадан қутилганда 7 гуноҳ (мағрурлик, ичиқоралик, ғазаб, умидсизланиш, таъмагирлик, мечкаилик, бузғунчилик) йўқолиб, жаннатга чиқали. «Жаннат» ҳам 9 қаватга бўлинади, жон қанчалик юқори поғонага кўтарилса, у гўё худонинг марҳаматига шунчалик кўп муяссар бўлади.

Антик замонларда, айниқса, Октавиан Август даврида гуллаб-яшнаган қудратли Рим давлати адабиёт ва санъат, илм-фан марказига айланган эди. Бу давр Рим тарихида олтин давр деган шарафли номга муяссар бўлди. Императорнинг ўзи маърифатдан хабардор бўлиб, ижод аҳлига беҳад яхшиликлар қилди, ҳисобсиз инъомлар ҳада этди. Римнинг довригини оламга таратди.

Улуғвор Рим Данте Алигьери, Петрарка, Баккаччо каби улуғларни етказиб берди.

Шоир 37 ёшга тўлганда бошига беаёв кулфатлар ёғилади. Кўп йиллар курашиб, истеҳзоли ҳажвий шеърлар ёзган Папа Партияси давлат тепасига чиққандан сўнг шоирни биринчилар қатори Флоренциядан қувғин қилади. Шундан сўнг қолган умри Верона, Мантуя, Париж, Луки, Равенна шаҳарларида ниҳоятда оғир ҳаёт гирдобиди ўтади.

Шоирлар ҳамма замонларда ҳам севги-муҳаббатни улуғлаб келган. Севган ёрининг тавсифини келтириб, унга ҳеч гўзалнинг тенг келмаслигини таърифлашган. Бу ёруғ оламда ёлғиз ўзи ва соҳибжамолигина садоқат рамзи деб билишган. Гўзалнинг жамоли, назокати, ҳусни-таровати, қадди-қомати ҳақида дostonлар битишган. Энг қадим замонлардаёқ, инсоният ҳали гўдаклик даврини бошидан кечираётган антик дунёдаёқ гўзал Елена билан Пирис севгиси ҳақида дostonлар битган Гомер эмасми!?

Данте соҳибжамол Беатричени севиб қолади. Унга атаб шеърлар битганида 17–18 ёшларда эди. Кейинчалик бу шеърларни «Янги ҳаёт» тўпламига жамлайди.

Шоирнинг кейинги асарлари «Зиёфат», «Халқ нутқи ҳақида» (1305), «Монархия ҳақида» (1313) асарларидир.

Бу трактат, ҳикоя ва рисолаларида дин, тил, сиёсий воқеалар, салтанатга дахлдор фалсафий фикрларини баён этади. Бу асарларни ўқир экансиз, шоирнинг ўз фикрларини илмий мушоҳадалар билан бойитганига гувоҳ бўласиз.

Данте ўтмишдоши Овидий каби сарсон-саргардон юриб, дарбарларча ҳаёт кечиради. Ҳаётлигида унинг ижоди на бойлик келтиради, на улуғлик шоҳсупасига чиқаради, на-да иззат-икром олиб келади. Мамлакатма-мамлакат, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юрар экан, гоҳида гадодан ҳам баттар фақирона ҳаётга дуч келади. Бундай пайтда кўпгина асарлари сочилиб кетади. Шоир ҳар қанча машаққатли ҳаёт сўқмоқларига дуч келмасин, ёлғиз Беатричегга ишонади, унинг ёди билан яшайди, севгилисининг бир куни ёрдамга келиб ҳалокат ботқоғидан кутқаришни орзу қилади.

Данте ўз хато ва камчиликларини бўйнига олган танти шоир эди. У ўзини қилган гуноҳлари учун дўзахга муносиб деб билади. «Дўзах»нинг биринчи фаслида — поғонасида Гомер, Гороций, Овидий, Лукан каби улуғ шоирларни учратса-да, улар қаторига ўзини ҳам шу

даргоҳга лойиқ деб ҳисоблайди. «Дўзах»нинг биринчи поғонасида бўлса-да, бу улуғларнинг гуноҳи унчалик кўп эмас.

Дўзахнинг иккинчи поғонасида бузуқлар, шаҳвоний ҳирсга берилганлар туради. Булар анчагина, шоир уларнинг айримларини таънийди. Вавилония маликаси Семирасида, карфогенлик малика Дидона, Миср маликаси Клеопатра, Спарта гўзали Елена ва бошқалардир. Шоир оддий халқ кишиларининг эмас, аслида бой-бадавлат хонадонларга мансуб гўзалларнинг шаҳват лаззатига муккасидан кетганлигини кескин танқид қилади. Бу маликалар рostaкамига шаҳвоний ишратда учига чиққан эди. Шоир ҳар поғонага кўтарилганча бузуқликлар ва бу йўлдаги ҳийла-найранглар ҳақида қизиқарли ҳикоятлар келтиради. Бу борада иккинчи поғонага кўтарилганда Павло билан Францеско де Риммин ҳақидаги ривояти жуда қизиқарлидир.

Шоир дўзахнинг учунчи қаватида мечкайларга дуч келади. Фақат ўзининг қорнини ўйлайдиган, еб-ичишдан ўзини сақлай олмаганлардан нафратланади. Бундайлар учун қорнини тўйғазишдан ўзга буюк бахт йўқ. Келажак ҳам, тақдир ҳам, ҳаёт ҳам, эзгу ният ҳам еб-ичишдир. Албатта бундайлар дўзахга муносиб.

Шоир тўртинчи поғонада ҳасисларга дуч келади. Булар папа ва унинг ҳомийлари. Халқдан беҳисоб бойлик тўплайдию, одамларни хайр-эҳсонга чақирадилар-у, ўзлари эса ҳеч кимга мурувват кўрсатмайди. Одамларни тежамкорликка чақирадилару, ўзлари исрофгарчиликка йўл қўйишади.

Дўзахнинг бешинчи поғонасида балжаҳлларни кўяди. Уларнинг айримлари жаҳл орқасида ўзларини тутолмай оғир гуноҳ-жиноятга қўл урган бўлсалар, анави ўтирган бир тўда шоҳлар фуқароларни кўрқитиб, уларни янада мустаҳкам тобе қилиб олиши учун ўзларини атайлаб жаҳлдор қилиб кўрсатганлар.

Дўзахнинг еттинчи қаватида шоир ўз қонларига беланиб ётган одамларни кўриб, янада даҳшатга тушади. Булар зўравонликни, босқинчиликни, қотилликни ўзлари учун амал қилиб олган қонхўрлардир. Уларнинг тириклигида ҳам кўзлари қонга тўлиб юрарди. Беҳисоб қотилликлар орқасидан катта бойлик орттириб, роҳат-фароғатда янаган бўлсалар-да, энди дўзах азобини тортмоқда.

Дўзахнинг саккизинчи қаватида тўхтовсиз олов ичида ёниб-қуйиб ётган азобдаги одамларга кузи тушади. Булар ёлғон гапирувчилар, аждов йўли билан кун кечирган фирибгарлар, ўзининг виждонини сўтган қаллоблар. Ногоҳон шоирнинг кўзи Папа Николай III га тушиб қолади. Бечора руҳоний чуқурликдаги аланганинг қоқ ўртасида илб чекарди. Шоир ўт ичида ёнаётганлар ичида ўз мансабини суистеъмол қилганларни, иккиюзламачиларни, порахўрларни, жиззакиларни кўради. Папа Банифаций VIII ҳам ҳадемай шу даргоҳга келиб, ўт ичида қовурилишини башорат қилади.

Дўзахнинг 9-қавати ниҳоятда раҳматли. Булар, муз устида азобланарди. Муз тафтига чидолмай бир-бирини ғажиб, очликда азоб тортаётган хоинларга дуч келади. Шоир бу хоинлар ичидан икки кишини топиб қолади. Ўз фарзандларига ҳам хоинлик қилишдан тоймаган бу аблаҳларни шоир дўзахнинг энг қийноқларига маҳкум деб ўйлайди.

Асарнинг иккинчи қисмида шоир «Авроф» бўйлаб саёҳатга чиқади. Бу ердагиларнинг гуноҳи унчалик оғир бўлмай, ҳадемай улар гуноҳларидан халос бўлиб жаннатга ўтадилар. Вергилий жаннат эшигига етганда Данте билан хайрлашади. Чунки, улуғ устоз Христиан эмас эди. Шу маҳал Дантенинг ёнгинасида Беатриче пайдо бўлиб, севимли шоирни Жаннатга олиб киради. Ошиқ билан Маъшуқа Жаннатда дилларига яқин олийжаноб инсонларни кўради. Бу ерда Италиянинг Янги императори Генрих VII га алоҳида жой ажратилганини кўриб қувонади.

Шоир ўз ватанига қайтиш ниятида императорни ҳар қанча улуғламасин, уни шарафлаб жаннатнинг тўрига қўшишга уринмасин бефойда эди. Унинг ўз юртига келиш орзуси амалга ошмайди. Унинг барча илтижолари эгиборсиз қолади. Тириклигида ҳеч бир каромат кўрсатолмасан-да, ватандошлари, кейинги авлодлар уни «шоирим, ватандошим», деб фахрланадиган бўлишди.

ЖОВАННИ БОККАЧЧО

(1313–1375)



Италян адабиётининг улуғ адиби Жованни Боккаччо новелла жанрида сермахсул ижод қилади. Парижда туғилган Жованни отаси вафот этгач Италияга бориб, Флоренция, Неаполда билим олади. Ёшлигидан антик адабиёт намуналарини берилиб ўқийди. Тарихий обидаларга, қадим замондан қолган ёдгорликларга катта қизиқиш билан қарайди. Дастлаб рицарлик романларини қайта ишлайди. Ўша даврларда рицарлик романларини ўқиш одатий бир тусга кириб қолган эди. Айниқса, Вергилий ижоди унга катта таъсир кўрсатади.

Хусусан «Амето» (1341) асари Вергилийнинг «Буколикалар» (Чўпон шеърлари) асарига жуда ўхшаб кетади. Қадимги дунёда чўпонлик назм-наволари кенг тарқалган.

«Фьезолан парилари» (1345–1346) поэмаси «Метамарфоза» асарига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Бу ҳолат Францияда туғилган Жованнининг Италия адабиёти ва маданиятининг қанчалик тез ўзлаштириб олганидан далолат беради.

«Фьяметта» (1343) асари психологик роман деб баҳоланиб, Боккаччо номига катта шухрат келтиради.

Адиб ёшлар ҳаётига, севги ва муҳаббат мавзусига алоҳида эгибор билан қарайди.

«Декамерон» (1352–1354) ҳикоялари тўплами жаҳон адабиётининг жавоҳирлар сандиғида нодир асар ҳисобланади. Асарда ҳикоя қилинишича, Флоренцияда даҳшатли ўлат касали тарқалиб, бундай офатдан қутилиш мақсадида 7 қиз ва 3 ўғил ўрмонга бориб кун кечира бошлайдилар. Улар зерикмаслик учун ҳар қайсиси ўнтдан ҳикоя, жами ўн кунда юзта ҳикоя айтишади. Асар сюжети Шарқ адабиётида нодир асар ҳисобланган «Минг бир кеча», Фарб адабиётида кенг шухратга эга бўлган «Метамарфоза» ларга жуда ўхшаб кетади.

Жованни Боккаччодан сўнг унинг анъаналарини давом эттириб, кўпилаб адиблар новеллалар тўплами яратишга киришади. Маргарита Новарская «Хептамерон» («Етти кунлик воқеа») асарини ёзади. «Декамерон» («Ўн кунлик воқеа») каби кунлик воқеани тасвирлашни орзу қилган адиб оғир дардга чалиниб, оламдан ўтади. Ж. Боккаччо ҳар бир новеллани бадиий воситалар билан боғлашга, характерларни очиб беришга ҳаракат қилган. Шунинг учундир бу новеллалар тўпламини айрим тадқиқотчилар Уйғониш даври романи деб баҳолайдилар. Адиб шу биргина романи билан жаҳонга машҳур бўлди.

«Декамерон» ҳикоялар тўпламими ёки романми, ҳалигача адабиётшунос олимлар мунозара юритадилар. Асарни кетма-кет жойлашган юзта ҳикоядангина иборат десак, унда ҳар бир ҳикояни бир-биринга боғлайдиган романдаги каби ўзига хос бадиий воситалар мавжуд.

«Декамерон» ўз ўқувчисига эзгулик ва эҳтирос бағишловчи асарлардир. Унда ишқ-муҳаббат, севгига садоқат, умид ва ишонч ўз ифодасини топган.

Бешинчи кунда айтилган ҳикояда берилишча, Аристипининг ўғли Галезо жуда шўх, жиззаки, кўп тентакликлар қилавериб ҳамманинг жонига теккан. Ҳар қанча калтак ва ҳақоратлар унга қор қилмайди. Унга Чимоне (ҳайвон) деб лақаб қўйса ҳам парво қилмайди. Жанжал-ғавғосиз туrolмайди. Ота-она ҳам ўғлининг бу қилиқларидан тасвир бўлиб, уни чўпонлар тўласига қўшиб қўяди.

Бироқ йигит севиб қолгандан сўнг, ўзининг ёқимсиз қилиқларидан воз кечиб, жаддорликдан тушиб, мутлақо ўзга бир одамга айланади. Гўзал қўшиқлар хиргойи қилиб, халқ холоскорига айланади. Бу асар мазмунида ишқ-муҳаббат инсонни қайта тарбиялайди, уни инсондан дунёга келтиради, деган фикрни билдиради. Ҳақиқий муҳаббат инсонни яхшиликка, эзгуликка етаклайди.

Асарнинг кейинги ҳикояларида ҳам бир-биридан қизиқ воқеалар берилган. Бошқа бир ҳикояда Массо деган кишининг кирдикорлари фотиҳ этилади. У ўзини тақводор Альберт деб таништириб, кундуз

кунлари черковда бўлса, кечалари бузиқчиликлар билан шуғулланади. Охир-оқибат сири фош бўлиб, шармисор бўлади. Бу асарида адиб, ҳамма тақводорларнинг ҳам художўй ва покиза қалб эгаси эмаслигини киноя билан ҳикоя қилади.

Деярли барча ҳикоялар руҳида истезозлар мавжуд. Бу билан ёзувчи мавжуд тузум, жамиятдаги ярамас иллатларни қаттиқ танқид қилади. Тўғри, асарда Галезо билан Эфигения, Гисмонда билан хизматкор, Альберт билан Лизетта ва ҳоказо кўпгина ҳикояларда эркак билан аёл ўртасидаги илиқ муносабат аслида бир тасвир воситаси бўлиб, асарнинг қизиқарли чиқишини таъминлаган. Аслида эса асарда, мардлик, жасорат, яхшилик, эзгулик улуғланади, риёкорлик, тухмат, нафс балоси, инсонлар ўртасидаги тенгсизлик, жаҳолат, зўравонлик қораланади. Ҳар бир ҳикояда инсонларга хос яхши ва ёмон, гўзал ва хунук хислатлар очиб берилади.

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

(Шамсиддин Муҳаммад)
(1320–1389)



Жаҳон поэзиясининг доҳийси деб ном олган Ҳофиз беш юздан зиёд ғазаллар муаллифи. Етти-ўн бир байтдан иборат ғазаллари асосан шоир ўлимидан сўнг шогирдлари томонидан тўпланиб, китоб ҳолига келтирилган. Шунинг учун ҳам кўплаб ғазаллари йўқолиб кетган, баъзилари ўзгаришга учраган.

У Эроннинг адабиёт ва санъат гуллаб яшнаган шаҳри Шерозда туғилиб, бутун умрини шу она шаҳрида ўтказди.

Ҳофизнинг, айниқса, маснавий тарзда ёзилган «Соқийнома» асари машҳурдир. Гёте ўзининг «Ғарбу Шарқ девони», «Ҳофиз китоби» асарида Ҳофиз ижодига юксак баҳо беради.

Александр Сергеевич Пушкин Ҳофиз шеърлярига асир бўлганини айтиб, унга атаб шеърлар битади. Кўплаб Ғарбу Шарқ шоирлари Ҳофизни ўз устози деб биладилар.

Шарқда Ҳофизни «Нуқта санж шерик» деб аташади. Амир Темур Шероз шаҳрини ишғол этганда Ҳофиз билан учрашади. Шарқда Ҳофиз шоирларнинг шоири деган юксак ёрлик соҳибидир.

Ҳофиз поэтикасининг машҳурлиги шеърларининг ҳаётий оҳанг ва кишига яхши кайфият бағишловчи руҳ билан йўғрилганлигидадир. Гарчи Ҳофиз ҳаётлигида ўз ғазалларини тўплаб алоҳида девон қилишга қизиқмаган бўлса-да, унинг ғазаллари қўлдан-қўлга ўтиб, нусхадан нусха кўпайиб, унинг оҳанги еру кўкни тутиб кетган эди.

деб таърифлашади. Мухлисари унинг ғазаларидан катта-кичик девонлар тузиб олишади.

Судий нусхаси деб ном олган, 1423 йилда яратилган девонда шогирдининг 573 та ғазали, 42 та қитъаси, 69 та рубоийси ва бошқа бир қанча асарлари берилган.

Шоир ўзининг Ироқ, Форс мамлакатларига машҳур бўлиб кетганидан гоҳида ҳайратга тушиб қувонади, сўнгра у Бағдоду (араб) Табриз мамлакатларига номи кенг тарқалишини хоҳлайди ва ҳақиқатан ҳам орзу қилганидек унинг номи жаҳоннинг узоқ-узоқ ўлкаларига етиб боради.

ЖОМИЙ

(Нуриддин Абдурахмон)
(1414–1492)



Тожик мумтоз адабиётининг улкан намоён-даси Жомий Ҳирот шаҳрида туғилган. Алишер Навоий уни устоз деб тан олган, устоз ва шогирд ўртасида яқин ижодий ҳамкорлик мавжуд бўлган. Турли хил мавзуларга оид эллиқдан зиёд асари мавжуд.

Жомий жаҳон адабиётида Низомийдан сўнг еттилик ёзади. Етти дostonдан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт») деб номланувчи шоҳона асари жаҳондаги кўпгина халқлар тилларига таржим қилинган. Низомий, Амир Хусрав Деҳлавийдан сўнг учинчи бўлиб «Ҳамса» ёзишга киришиб, сўнгра «Беш дoston» дан еттилик сари қилиб кўяди.

Унинг асарлари: «Баҳористон» (1486–1487), «Юсуф ва Зулайҳо», «Саламон ва Абсол», «Аруз», «Силсилат уз-заҳоб», «Ҳафт авранг».

Шарқ мумтоз адабиётида «Девон» тузиш, уни фаслларга бўлиш, ҳар бирини алоҳида номлаш, мавзу бўйича ҳамоҳангликни таъминлаш асосий аҳамиятга айланган. Бу ҳолатни Саъдий, Хусрав Деҳлавий ва Навоий ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Алишер Навоий «Чор девон» ни тўрт ном билан атади.

Жомий «Ҳамса» яратишни кўпдан буён орзу қилади. Бироқ, бундан буюк ишни бошлашга, Навоий каби журъат қилолмайди. Навоий ҳам «Ҳамса» яратишни осон иш деб билмайди ва кўп йиллар шундай қилолмай руҳан қийналади. Жомий ҳам худди шундай вазиятда бўлади. «Ҳамса» ёзишдан аввал «Силсилат уз-заҳоб» («Олтин китоб», 1472), «Саламон ва Абсол» (1480–81) деб аталувчи иккита дoston яратиб, ўз маҳоратини синаб кўради.

Жомий журъат ва жасорат тимсолига айланиб, 1481–1482 йилларда «Хамса» нинг биринчи достони «Тухфат ул-ахрор» («Хур кишиларнинг тухфаси») асарини ёзиб, бундан ўзи ҳам завқланади.

Бундай рухий кўтаринкилик кейинги дoston «Сабҳат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг тасбиҳи») ни ёзишга ундайди. Учинчи дoston «Юсуф ва Зулайхо» (1483), «Лайли ва Мажнун» (1984), «Хиротнома Искандарий» (1985) бирин-кетин бешта шоҳ асар ҳам якунланади.

Жомий еттита достонини жамлаб «Хафт авранг» («Етти қароқчи юлдуз» – «Етти тахт») деб атайд.

Жомий ижодида панднома руҳи жуда кучли. Шунинг учун ҳам унинг асарларининг таълим-тарбия жараёнида аҳамияти беқиёсдир. Бу жиҳатдан 8 фаслдан ташкил топиб, наср йўли билан ёзилган «Бахористон» (1486–87) асарини эслаш ўринлидир.

Жомий беадад поэтик қувваи ҳофизага эга бўлган шоирдир. У тинимсиз ижод қилиб авлодларга улкан адабий мерос қолдирди.

«Нақши фасус» («Жавоҳирлар нақши»), «Нақд ун-нусус» («Нусус танқиди»), «Нафокат ул-унс» («Шулалар зиёси»), «Нафоҳат ул-унс» («Дўстларнинг вафоси») каби ижод тухфалари шоир номини абадийликка муҳрлади.

Бугунги кунда Жомий номи Саъдий, Ҳофиз каби жаҳоннинг узок нуқталарига ҳам маълум ва машҳурдир.

АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441–1501)



Алишер Навоий 1441 йил 9 феврал куни Ҳиротда туғилади. 1447 йилда Шоҳруҳ мирзо вафотидан сўнг тож-тахт учун кураш кучайиб, Навоий оиласи Ироққа кўчиб ўтиб, Тафт шаҳрида яшай бошлайди. Тафт шаҳрида Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини ўқийди ва унинг суҳбатида бўлади.

1450 йилда Тафт шаҳридан Ҳиротга кўчиб келади. 1450 йилдан бошлаб отаси Фиёсиддин Кичкина Ҳирот шоҳи Абулқосим Бобур саройида хизмат қила бошлайди. Кўп ўтмай Фиёсиддин Кичкина Сабзавор шаҳрининг (Эрон) ҳокими этиб тайинланади.

Алишер Ҳиротда қолиб, Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон» асарларини, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарларини ёд олади.

Хоразмда шоҳ Абусаид зулмидан безган халқ Қутлуғ Дарвишга қарши кўзғолон кўтариб, унинг ўғлини ўлдиради. Отаси Фиёсиддин Кичкина ўлганда Алишер 12–13 ёшларда эди.

15 ёшида дўсти Ҳусайн Бойқаро билан Абулқосим Бобур саройида хизмат қила бошлайди. 1456 йилда Абулқосим Бобур Машҳадга жўнайди, Ҳусайн Бойқаро ва Алишерни ўзи билан бирга олиб келиб Машҳадда ўқитади.

1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этгач, Ҳусайн Бойқаро Марвга келиб, тахтни эгаллаш учун куч тўплайди. Алишер Машҳадда қолиб, ўқиниши давом эттиради.

1459 йилда Ҳирот тахтини Абусаид эгаллайди. У Хўжа Ахрор маснаҳи билан иш юритади. Абусаидга қарши кўпгина кўзғолонлар бўлиб ўтади. Бундай кўзғолонларга Алишернинг тоғалари Қобулий ва Фарбийлар ҳам иштирок этади.

Абусаид Алишернинг Ҳиротда туришини хавfli билиб, Самарқандга жўнатади. Чунки Алишер Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти эди.

Самарқандда Фазлуллоҳ Абулайс деган олим Алишерга икки йил таълим беради ва уни ўз фарзандидек кўради. Алишер Алои Шошийлан ҳам таълим-тарбия олади.

1469 йилда Абусаид Фарбий Эронни эгаллаш учун бўлган жангга ҳалок бўлади. Абусаид ўлимидан сўнг, Ҳирот тахтини Ҳусайн Бойқаро эгаллайди.

Шу йилнинг апрелида Алишер Самарқанддан Ҳиротга келади ва Ҳирот шоҳи Ҳусайн Бойқарога бағишлаб қасида ёзади.

Навоий Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдорлик – муҳр ёсиб, ҳужжатларни тасдиқловчи лавозимида ишлайди.

1472 йилда Навоий шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг вазири лавозимига тайинланади. Ҳусайн Бойқаро саройида мусаввир Беҳзод ва хаттот Султон Алита ҳомийлик ва устозлик қилади.

1476 йилда Навоий вазирлик лавозимидан истеъфо беради. Мажлидидин Навоийнинг ўрнига вазир бўлиш учун Ҳусайн Бойқаро лавозимига 2000 туман ақча олиб келади.

Навоийнинг ўрнига Низомулмулк деган жоҳил ва зolim киши вазир бўлади. 1487 йилда Навоий Астрободга ҳоким қилиб тайинланади.

1483 йил «Хамса» ёзишга киришиб, «Ҳайрат ул-аброр» асарини ёзади. 1484 йилда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сийёр» асарларини ёзади.

1485 йилда «Садди Искандарий» («Искандар девори») асарини ёзади. 1492 йилда устози Абдурахмон Жомий вафот этади.

1496 йилда Ҳусайн Бойқаро ўз невараси, Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин мирзонини ўлдиради. 1491 йилда 450 дан ортиқ ёзувчининг ҳаёти ва ижодига оид «Мажолис ун-нафоис» («Гўзал мажлислар») асарини ёзади.

1500 йилда «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарини насрнинг саж-қофияли наср усулида ёзади. 1500 йил 28 декабрда

Хусайн Бойқаро исён кўтарган ўгли Муҳаммад Хусайн Мирзони енгиб Астрободдан Ҳиротга қайтиб келади.

Замондоши тарихчи Хондамирнинг «Макарим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар») китобида Навоий ҳаётига оид муҳим фикрлар айтилган.

Тарихчи Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» номли китобида ёзилишича, «Амир Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўгли Умар Шайх билан кўкалдош (эмақдош, бир онани эмган болалар) эди», дейлади.

Муаррих ва шоир Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Мажма уш-шураро» («Шоирлар йиғини») китобида «бу донгдор амирнинг, (яъни Алишер Навоийнинг) мартабали отаси ўз даврининг машхурларидан бўлиб, Чигатой, Хуросон ва Мовароуннаҳр бир вақтлар Чингизнинг ўгли Чигатой томонидан идора қилингани учун Чигатой элининг қахрамонларидан эди», деб қайд этилган.

Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») асарида Али Яздий билан бўлган учрашувини таъкидлайди.

Шоирнинг ижод мулки улкан хазина. «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар»), «Бадое ул-бидоя» — «Бадийлик ибтилоси» (1476), «Наводир ул-ниҳоя» — «Ниҳоясиз нодирликлар» (1483), «Вақфия» (1482), «Тарихи мулки Ажам» — «Ажам шоҳлари тарихи», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» — «Анбиёлар ва ҳокимлар тарихи», «Хамсат ул-мутахайрин», «Ҳолати Паҳлавони Муҳаммад», «Рисолаи муаммо», «Муфрадот», «Хозойин ул-маоний» — «Маънолар хазинаси» (1490), «Фаройиб ус-сигар» — «Ёшлик гаройиботлари», «Наводир уш-шабоб» — «Йигитлик нодирликлари», «Бадое ул-васат» — «Ўрта ёш гўзалликлари», «Фавойид ул-кибар» — «Кексалик фойдалари», «Девони Фоний», «Мезон ул-авзон» — «Вазнлар ўлчови», «Ҳайрат ул-аброр» — «Яхши кишиларнинг ҳайратланиши», (1483), «Фарҳод ва Ширин» (1484), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Сабъаи Сайёр» — «Етти сайёра» (1485), «Садди Искандарий» — «Искандар девори» (1485) асарлари жаҳон адабиёти хазинасидаги нодир асарлардандир.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483–1530)

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр», Гулбаданбегим «Хумоюннома», Ҳасан Нисорий «Музакир ул-аҳбоб» асарларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли фактларни айтиб ўтган. Н. Ильминский «Бобурнома»ни рус тилига, Эльфинстон Эрскин Бобурнинг инглиз тилига таржима қилади. Ҳ. Ёқубов 1941 йилда «Бобур» номли монография яратади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилда



Фарғона вилояти ҳокими Умаршайх оиласида дунёга келади. Умаршайх Мовароуннаҳр ҳокими Абу Саид Мирзонинг ўгли бўлиб, 1455 йилда Самарқандда туғилиб, 1494 йилда Фарғонанинг Аҳси деган жойида фожиали вафот этади.

Аҳси Аркони давлат турадиган жой. Онаси Кутлуг Нигорхоним мўғул хонларидан Юнусхоннинг қизи бўлган.

1494 йилда отаси вафот этгач, 12 ёшли Бобур тахтга ўтиради. 1497 йилда Самарқандни эгаллайди.

1500 йилда 19 ёшли Бобур Самарқандни иккинчи бор эгаллайди. Шу даврда Ҳиротдаги Алишер Навоийдан мактуб олади. Бироқ бу мактуб йўқолган. Бобур Алишер Навоийга жавоб мактуби ёзади. Шайбонийхон иккинчи бор ҳужум қилиб, Самарқандни эгаллайди. Шаҳарни 5 ой қамал қилиб туради.

Шундан сўнг Бобур озгина одамлари билан шаҳарни ташлаб чиқиб кетади. 1507 йилларда Жиззах, Ўратепа, Тошкент, Хўжанд томонларда саргардон юради.

Андижон Шайбонийхон кўлига ўтгач, 1503–1504 йилларда Бобур Ҳисор тоғлари орқали Кобулга боради. Бобур Ҳиротда «Хатти Бобурий» ни жорий қилади.

Хусайн Бойқаронинг ўғиллари Бадиуззамон ва Музаффар Мирмарнинг подшоҳ бўлиб турганини кўриб, ажабланади. Шайбонийхонга қарши курашда Хусайн Бойқаро ўғилларининг ожизлик қилишини сезган Бобур Ҳиротдан Кобулга келади.

1507 йилда Шайбонийхон Ҳиротни эгаллаб, Хусайн Бойқаро авлодларини қатл этади. Шу йили Бобурнинг ўгли Хумоюн туғилади.

1508 йилда Бобур Кобул ва Фазнани эгаллаб, ўзини ўша ерларнинг подшоҳи деб эълон қилади.

1510 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Шайбонийхонга қарши юриш қилганда, Бобур у билан бирга ҳаракат қилиб, Самарқанд тахтини эгаллайди.

1512 йил 28 апрелда Бобур Шайбонийхон авлодларидан Убайдулла Султон билан бўлган жангда енгилиб, Кобулга қайтади.

1504–1526 йиллар Кобул ҳукмдори Бобур бўлиб, Ҳиндистонни мунтазаман сўнг, Кобул ҳукмдорлигини ўгли Комрон Мирзога берди. Бобурнинг ўғиллари Хумоюн, Комрон, Аскаррий, Ҳиндол.

1503–1504 йилларда Бобур туркийларнинг алифбосини, хатини, шунини жорий қилиб, «Хатти Бобурий» дарслигини жорий этади.

1522 йилда Бобур Қандаҳорни эгаллайди. Бобурнинг қизлари Гулчарра, Гулранг, Гулбадан...

1526 йилда Бобур Деҳли яқинидаги Панипат деган жойда 12 минг аскар билан ҳинд шоҳи Иброҳим Лодийни 100 мингга яқин лашкари, 2 мингга яқин жанговар фили билан мағлубиятга учратади.

Унинг «Мубайин», «Хатти Бобурий», «Мухтасар», «Бобурнома», «Воқеоти Бобурий», «Тузуки Бобурий» асарлари бор. «Воқеанома» асариди 1496–1530 йиллар оралигидаги воқеалар қаламга олинади. 1525–1530 йилларда ёзиб тугатилади.

ФУЗУЛИЙ

(Муҳаммад Сулаймон)
(1498–1556)



Фузулийнинг отаси бир вақтлар Озарбайжоннинг Араш деган жойида туғилган. Кейинчалик уларнинг оиласини тақдир Ироқдаги машҳур шаҳар Бағдодга яқин Карбало деган жойга етаклаб борган.

Ўша даврларда Бағдод илм-фан, адабиёт ва санъат гуллаб-яшнаган маърифат ўчоғи эди. Кўплаб Шарқ алломалари Бағдодда таҳсил олгани сир эмас. Фузулий ёшлигидан илм олишга берилиб, Бағдод адабий муҳити билан боғланади. Қалами шу шаҳарда чархланади. Шунинг учун

Бағдодий тахаллусини ҳам қўлаб келган.

Бағдод шеърийат мулкида туркигўй шоирларнинг обрўси баланд бўлган. Форс, араб шоирлари Низомий, Навоий номларини ҳурмат билан тилга олишарди. Бундан Фузулий фахрланар, қалби қувончга тўларди. Фузулий бир умр ота юрти Арашни соғиниб яшайди. Бу ўлкага қайтиб келишни орзу қилади. Фузулий ижодиёти жуда кенг, ундан улкан мерос қолган.

Ўз замонасида Фузулийга тенг келадиган шоир бўлмаган. У «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт Жам», «Анис ул-қалб» («Қалб дўсти»), «Матлав ул-эътиқод» («Эътиқод бошланмаси»), «Ринди Зоҳид», «Сихҳат ва мараз», «Бангу бода», «Сухбат ул-асмор» («Мевалар суҳбати»), «Шикоятнома» ва бошқа кўплаб ғазаллар мажмуасини ва «Рисолаи шоирон» асарини яратгандир.

Шоир Фузулий ёшлигида Озарбайжон, ота-боболарининг юрти Араш ҳақида қизиқарли ҳикояларни эшитиб, бу жаннатмакон ўлкага бориш ёди билан яшарди. Карбалода сув ниҳоятда танқис, бир қултум сув инсон қони баробарида. Арашда эса сув мўл, ҳар жабҳада чашмалар оқиб ётибди, қолаверса, бир томонда Каспий уммони ястаниб ётибди. Шоир Арашни соғиниб кўпгина ғазаллар битган. Хаёлидан бобокалонларининг киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ нари кетмайди.

Бироқ ҳарб ишларида катта мансаб-мартабани эгаллаган отасининг Карбалодан ҳеч ҳам кетгиси йўқ. Отаси Карбало даштини му-

қилмаслиги жиҳатидан Арашдан кам кўрмайди. Бунинг сабаби ҳазрати Имом Хусайн хоки кўйилган бу даштни тарк этиш катта гуноҳдир. Ёроки, ҳазрати Имом Хусайн шу даштни деб жонини қурбон қилган. Бу ҳақда кўплаб ҳикоятлар яратилган.

Ривоят қилишларича, Муҳаммад Мустафо саллолоху алайҳи ва саллам Макканинг қоқ ўртасидан сув чиқариш учун Аллоҳга нолатар қилган эмиш. Шунда Аллоҳу таолодан ваҳий келиб, «Сен истатан жойдан эмас, лекин сен севган бир фарзанд хоҳлаган жойга сув ниҳом этаман», деган эмиш. Муҳаммад пайгамбаримиз шундай сувни орзу қила-қила оламдан ўтиб кетибди. Пайгамбаримиз илтижоларни ижобат бўлиб, йиллар ўтиб, Карбалога Аллоҳ иноятини вожиб этибдур. Карбалодаги булоқ атрофида, даштнинг қоқ ўртасида уйлар қурилиб шаҳар барпо этилибди.

Бу ажойиб мўъжизани кўролмаган ғайридин язидлар шаҳарга ҳужум қилибдилар. Воқеа ярим тунда рўй берибди. Ҳамма ғафлат уйлусида экан. Имом Хусайн жасорат камарини боғлаб, язидлар билан жанг қилиб, ғайридин язидларни ёлғиз ўзи енгибди. Тонггача давом этган жангдан сўнг ҳориб-чарчаган имом булоқнинг шифобахш сувидадан ичиб, бироз жони таскин топгач, бир ярадор язид бехосдан ҳазрати Имом Хусайннинг боши учра қилич тортади. Ҳазрати Имом Хусайннинг боши узра томган қон булоқ сувига қўшишиб, қуёшнинг қизғиш тусига қиради.

Ҳазрати Имом Хусайн беҳуш ётар экан, Жаброил алайҳисалом айтибдиларким, «Эй, Хусайн, биламан сен Муҳаммад Мустафо саллолоху алайҳи ва салламнинг авлодидурсен. Лекин начора, сенинг руҳингни олиб кетмасам бўлмайдур». Шунда ҳазрати Имом Хусайн айтибдиларким: «Эй ҳазрати Жаброил, биламан сен ҳам улуғларнинг улуғидирсан. Лекин бир сония мен учун шафқат қилгил, тонг яқинлишиб келаяпти. Менинг қоним аралаш ушбу сувдан бир қултум ичган кишини кўрсам армоним йўқдир. Менинг ўлимим муқаррар, бунга ҳеч бир шак-шубҳа йўқ. Бир сония сабр қилган», деб илтижо қилибдилар.

Шоир Увайсий «Карбалоннома» достонида Карбало даштини ниҳоятда улуғлаб, даштнинг ҳар бир мисрасини қалб кўри, кўз ёши томчилари билан битирилади.


Туркигўй шоир Муҳаммад Фузулийнинг бутун умри Карбало даштинида ўтади. Шоир ёшлигида Алишер Навоий ғазалларига ихлос қилиб би ола бошлайди.

Ғазал бўстонига етаклаган ҳам Навоий деб билади.

Муҳаммад Фузулий ўзи Азарбайжон қавмига мансуб бўлса ҳам, бироқ шоири Низомийдан кўра кўпроқ Алишер Навоийга ихлос қўйган. Навоийнинг ҳам туркий, ҳам форсий тилда ёзилган асарларини топиб катта ихлос билан берилиб ўқийди, тинимсиз ёд олиш билан машғул бўлади.

ФРАНСУА РАБЛЕ

(1494–1553)



Француз Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили Франсуа Рабле Турень вилоятининг Шинон шаҳарчасида, адвокат оиласида дунёга келади. Дастлаб Шинон шаҳри яқинидаги руҳонийлар тайёрлайдиган маҳаллий мактабга боради. Монастирда фаолият кўрсата бошлаган Франсуа ман қилинган антик китобларни ўқишни бошлайди. Латин, грек тилларини ўрганади. Гомер асарларини қизиқиш билан ўқийди. 1530 йилда Манпельега келиб, қадимги дунё ҳакими Гиппократнинг «Афаризм»ларини изоҳлаб беради. Лион шаҳрида касалхона табиби бўлади. Уч марта Италияга бориб, қадимги Рим маданиятини ҳамда латин, араб тилларини ўрганади. «Гаргантюа ва Пантагрюэль» эпопеясининг биринчи китоби 1533 йилда Алькфрибас Назье таҳаллуси билан «Улкан паҳлавон Гаргантюанинг ўғли Дипсад қироли ажойиб Пантагрюэлнинг даҳшатли ва ғоят кўрқинчли ҳаракатлари ва қаҳрамонликлари» номи остида ёзилади. Беш китобдан иборат бу асарни у 20 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ёзади. Иккинчи китоби «Пантагрюэлнинг отаси Гаргантюанинг ваҳимали ҳаёти ҳақида» (1534), учинчи китоби «Олижаноб Пантагрюэлнинг қаҳрамонона ҳаракатлари» (1546), тўртинчи китоби «Жасур Пантагрюэлнинг қаҳрамонона ҳаракатлари ва қимматли гаплари ҳақида» (1552), бешинчи китоби «Олижаноб Пантагрюэлнинг қаҳрамонона ҳаракатлари ва қимматли фикрлари ҳақида сўнги китоб» (1564) нашр қилинади. Франсуа Рабле номини жаҳонга машҳур қилган «Гаргантюа ва Пантагрюэль» асаридир.

Рабле ўз асарида икки хил ҳаётни, икки хил тарбияни бир-бирига қиёслаб, ўзининг муҳим фикрларини айта олган. Бир жамиятда икки хил ҳаёт, бир-бирига қарама-қарши бўлган таълим-тарбия — бирида схалостика, бирида гуманизм.

Кўпгина ёшлар схалостиканинг орқасидан эргашиб, онгини зарҳарлаётганидан афсус чекади. Жамиятнинг бундай зараркуналларини оловда куйдириш лозимлигини таъкидлайди.

Рабле ўз асарида илмни улуғлайди. Бунинг учун икки хил тоифадаги кишилар образини намоён этади. Бири ўқимишли, адолатпарвар, одил қирол Тронзузье ва унинг ўғли катта билим соҳиби бўлган Гаргантюа бўлса, иккинчиси саводсиз, ҳамма буюк ишларнинг соҳиби жиҳолат ва талончилик деб билган Пикрохолдир. Эски усулдаги схалостика ва сафсатадан таълим олган Пикрохол оддий жумбоқларнинг ҳам мағзини чақолмайди. У мутлақо мустақил фикрлашдан, алоқибиди ҳукм чиқаришдан маҳрум бўлган манқурт образидир.

«Гаргантюа ва Пантагрюэль» асарида фантастика ниҳоятда кучли. Бироқ мана шу бўрттириш, ўхшатиш ва айниқса, истиора ортида муҳим ҳаётий воқеалар яширинган. Аслида унда ҳажв, сатира, юмор, кесатиш, қочирик, киноя кучли. Асарнинг биринчи саҳифасини ўқир экансиз, кулгингиз қистаб завқ-шавққа тўласиз. Таомни еб бўлгач, оғзини «пар ёстиққа артиши» ёки «палтонинг мўйна ёқаси»га артиши воқеасини эслаб кўринг. Ёки Пантагрюэлнинг бир куни тиши оғриб қолганда, тишининг орасига чўчка боласи кириб қолиши, уни паншаха билан олиши воқеаси ўқувчининг кулгисини қистабгина қолмай, ҳаётга жиддий муносабатда бўлишга ундайди. Гаргантюанинг сомсапазлар билан муносабати, овқатланиши учун пиво ва бошқа овқатларни истеъмол қилиши эпизодлари бир томондан кулгили бўлса, иккинчи томондан ўйлантириб қўяди. Бу асарда фантастик воқеалар ҳаётий ҳақиқатни таъминлайди. Гаргантюа отасига ўхшайдими? Ота билан фарзанд ўртасида фарқли ҳислатлар мавжуд. Гарозининг бир томонида хаёлот, иккинчи палласида ҳақиқат туради. Эҳтимол шунинг учундир Франсуа Рабле мана шу ёлғиз асари билан жаҳон китобхоналарини ўзига сеҳрлаб олгандир.

СЕРВАНТЕС

(1547–1616)



Мигель де Сааведра Сервантес испан адабиётининг йирик вакили. Унинг «Дон Кихот» романи жаҳон адабиёти хазинасини безаб турибди. Сервантес асар муқаддимасида рицарь романларини фош этиш сидирғасига қулай деб турган истеҳкомни ағдаришни ўз олдига асосий мақсад қилиб олади. Асар ўрта аср рицарь романларига пародия сифатида яратилган бўлса ҳам, мазмуни ниҳоятда кенг. Ламанч қишлоғида яшовчи эллик ёшлардаги бир камбағал дворян Кихот асарнинг бош қаҳрамони. В. Гюго, Ж. Байрон, Г. Гейне каби атоқли адиблар романга юксак баҳо беришади.

Романда феодал жамиятининг ярамас иллатлари, чуқур томир отиб кетган урф-одатлар маҳорат билан тасвирланган. Асар қаҳрамони Дон Кихот рицарь романларини берилиб ўқиб, деҳқончилик ва овчиликдан орттирган озгина даромадини ҳам китоб сотиб олишга сарфлайди. Хаёлан ҳақиқий рицарь қиёфасида ноҳақликларга қарши курашади. Бу йўлда унга энг яқин дўсти Санчо Панса ёрдам беради ва унга қаттиқ ишонади.

Ёзувчи ижодига ҳайрат билан қараймиз. Биргина «Дон Кихот» адибиётинини машҳур қилиб юборди. Бу икки ном шу даражада уйғунла-

шиб кетганки, «Дон Кихот» деганда Сервантесни ёки Сервантес деганда «Дон Кихот» ни тезда эслаймиз. Баъзан бир асарни тилга олганда унинг муаллифини эшлашга қийналиш ҳоллари ҳам бўлади. Эндиликда Испаниянинг Алькала де Энарес шаҳарчасида туғилган Мигелнинг номи эндиликда жаҳондаги деярли барча хонадонларга кириб борди. Айрим мамлакатларда бу китоб бир неча бор минглаб нусхаларда чоп этилган.

Маълумки, рицар сўзи асосан ўрта (V–XV) асарларда кириб келган бўлиб, ўз хўжайинига содиқ вассал деган маънони англатган. Аслида рицарлар ясалган отларда, бошига дубулга кийиб шаҳар кўчаларини тўлдириб юришган. Қирол нимани буюрса сўзсиз бажариш уларнинг бурчи бўлган. Рицарлар кўпинча қиролга бўйсунмаган одамларни, қишлоқдаги ер эгаларини савалаб, мол-мулкларини талаб, хонавайрон қилишган. Бироқ хонимларга нисбатан одоб-товозе билан муносабатда бўлишган.

Сервантес яратган Дон Кихот адолатпарвар, бечора одамларга мутлақо озор етказмайди, кейин эса меҳр-шафқатли. Шу билан бирга бу романда дўстлик, фидойилик ҳам улуғланади. Дон Кихотнинг дўсти Санчо Панса эса оддий камбағал киши. Аслида ҳаётда рицарлар кибру ҳаволи бўлган. Санчо Пансага ўхшаш қашшоқларни кўп ҳам кўзга илавермаган. Сервантеснинг маҳорати шундаки, Рицар Дон Кихот Санчо Панса билан дўст бўлади. Дўст бўлганда ҳам садоқатли чексиз дўст!

Сервантеснинг қаҳрамонлари халқнинг орзусига, дилига яқин. Шунинг учун «Дон Кихот»ни ҳамма севиб ўқийди.

Қадим замонларда рицарлар ўз яроқбардорларига бирор вилоятни кўп йиллик машаққатли хизматлари эвазига инъом қилганлар. Ваъда қилинган инъомларни кутавериб қариб қолган яроқбардорлар ҳам кўп бўлган. Яроқбардор Санчо Панса ваъда қилинган инъомни кутавериб қариб қолса ҳам дўстига ишониб яшайди.

ЛОПЕ ДЕ ВЕГА (1562–1635)

Испан Уйғониш даври адабиётининг атоқли вакили. 1588 йилда «Енгилмас Армада» флотиди испан солдати сифатида Англия қирғоқларига боради ва шу юриш пайтида «Анжеликанинг гўзаллиги» номли илк поэмасини ёзиб ном чиқаради. Сонет, романс, қасида, поэма, пастролллар, ҳикоя, романлар муаллифи ва ҳатто ўзи таъкидлаганидек, 1500 та драматик асарлар яратган. «Ўз уйинг – ўлан тўшагинг», «Деҳқон ўз кулбасида» пьесаларида муҳаббат ва никоҳ масаласи ёритилган. «Кўзибулоқ» пьесасини Х. Фулом ўзбек тилига таржима қилган.



Лопе де Вега асарларининг мавзуси хилма-хил бўлиб, у серқирра ижодкор эди. Жаҳон драматургиясида муносиб ўрин тутди. Уни энг сермаҳсул умри давомида тинимсиз ижод қилган адиб деб аташлари бежиз эмас. Ўз ижоди билан жамият зулмига қарши тинимсиз ва муттасил кураш олиб боради.

Лопе де Вега 1562 йил 15 ноябрда муҳташам ва қадимий Мадрид шаҳрида, деҳқон оиласида туғилади. Кейинчалик уларнинг оиласи Кастилияга кўчиб келади. Аввало иузитлар мактабида, сўнгра Алькала де Энарес университетиди ўқиган Вега яхши билим эгаси бўлиб етишади. Дастлабки иш фаолиятини котибликдан бошлаган йигит шеърятга ихлос қўяди.

Шоирнинг бизгача 500 яқин пьесалари етиб келган. Қолганлари турли хил сабабларга кўра йўқолиб кетган.

Лопенинг драматик асарлар яратишга ихлоси ортиб, бу йўлда қаттиқ бел болаганлиги «Комедия» яратишда янги санъати «1609» асарида таъкидлаб ўтилган. Лопе комедиялари ҳаётга нақадар яқин. Унинг комедияларидан антик дунёнинг моҳир ҳажвчиси Пловт ижодининг ҳиди келади. Маълумки, Пловт ўзининг «Мақтанчоқ жангчи» асарида Артотроч ва Пергопошник образлари орқали қўлидан ҳеч иш келмайдиган мақтанчоқлар қиёфасини маҳорат билан яратган эди. Пловтнинг фикрича, мақтанчоқлик ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Артотроч каби яроқбардорлар «қўлтигига сув пурқиниб» Пергопошникни улуғлайвериб шу кўйга туширган. Натижада оддий ҳарбий амалдор ўзини Александрдек ва ҳаттоки ўзини буюк саркардадан ҳам устун қўяди. Фалвир сувдан кўтарилиганда эса, исчида ниҳоятда мақтанчоқ эканлиги ошқор бўлиб қолади. Бироқ бу мақтанчоқлик ўзинигина эмас, мамлакат бошига ҳам оғир кулфатлар келтиради. Веганинг комедиялари ҳам шу хилдаги воқеаларни ниҳоятда ҳажв қилади. Унинг комедияларида гоҳ мақтанчоқлар, гоҳди фирибгарлар, порахўрлар, нафс балосига мубтало бўлганлар, кичик рицар ва шу хилдаги кўплаб қиёфалар, айни ҳаётда учрайдиган примас иллатлар танқид остига олинади. Комедиянавиствнинг «Қирин» Намбанинг ҳаёти ва ўлими» (1604), «Симанкаслик қиз» (1605) асарларида мавзу турлича бўлса-да, мамлакатда авж олиб бораётган икки илдиришларга изтеҳзо билан ишора қилинади. Комедиянинг асосий драматик асарлардан айри томони шундаки, томошабинга манзур мавзунини сахнага олиб чиқиш ва уни маҳорат билан бера олишдадир. Томошабинни бир гуруҳ образларга нисбатан нафрати ошса, асосий бир гуруҳларнинг хатти-ҳаракатидан қаҳ-қаҳ уриб кулади. Гап фақат нафрат ва кулгуда эмас, бу икки кутбнинг руҳига бошқаларни ўқитиб юрган дард-ҳасрат сингдириб юборилади. Лопе комедияларини бу икки кутбнинг тўқнашуви натижасида аланга олган ўт-

олов бор. Бу олов ўзгаларнинг қалбини ёритади. Кўпдан буён қийнаб юрган дардига малҳам бўлади. Аслида шоирнинг пьесалари мавзуси ҳам икки кутбга: бири тарихий, бири замонавий мавзуга бўлинади. Муаллифга тарихий мавзу ҳам кўл келади, ишонувчан иродаси бўш императорлар туфайли саройда игво, фасод, хиёнат кучайиб кетаётганлигини, кайфу-сафога муккасидан кетган давлат бошлиқларининг айблари билан мамлакатда қотиллик, зўравонлик авжига чиққанлиги киноя билан юзага чиқарилади. Лопенинг драмалари кескин қарама-қаршилиқлар гирдобидаги воқеалар асосига қурилган. «Граф Фернан Гонсалес» ёки «Кастилиянинг озод этилиши» (1625) пьесасида Испания тарихида юз берган мудҳиш воқеалар, тож-тахт учун кураш, босқинчилик орқасида юз берган турли хил разолатлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Драматургнинг деҳқонлар қўзғолониға бағишланган асарлари «Кўзибулоқ» драмасидир.

Воқеа «Кўзибулоқ» қишлоғида бўлиб ўтади. Қирол фармойишига биноан деҳқонларга оғир солиқлар солинар, зўравонлик ва кулфатлар келтирар эди. Қиролнинг лаганбардорлари бўлмиш иккиюзламачи феодаллар ҳам зўравонларга қўшилиб, оддий фуқарога баттар азобукубатлар берар эди. Бу ҳам етмагандек гўзал қизларни саройга олиб кетар эди.

Драматург ўз асарини яратиш чоғида тарихда бўлиб ўтган Фуенте Овехуна (1476) қишлоғи аҳлининг қўзғолонини ҳам обдан ўрганиб, асар воқеасига маҳорат билан боғлайди. Шунинг учун ҳам асар «Кўзибулоқ» («Фуенте Овехуна») деб номланган.

Лопе де Вега Испан драматургиясини энг юқори чўққига кўтарди. Фақат Испан драматургиясинигина эмас, Жаҳон адабиёт хазинасини дуру жавоҳирлар билан безади.

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

(1564–1616)



Инглиз Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили. Оддий касиб оиласида туғилган Шекспир 1587 йилда Лондонга келади. Театрда аввал суфлёр, сўнгра актёр, кейинроқ режиссёр, ҳатто театрни бошқаришда директорга ҳамкорлик қилади.

Шекспир ҳаммаси бўлиб 2 поэма, 154 сонет ва 37 пьеса яратган. Ижодининг биринчи даврида Шекспир «Адашишлар комедияси», «Қайсар қизнинг қуйилиши», «Вероналик икки йигит», «Севгининг беҳуда кучайиши», «Йўқ нарсдан бир талай говға», «Ўн икки кеча» каби комедиялар, «Генрих VI», «Ричард III», «Юлий Цезарь», «Ромео ва Жульетта»

трагедияларини яратади. Ижодининг иккинчи даврида «Гамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Магбет», «Антоний ва Клеопатра», «Кариолан» трагедияларини ёзади. Ижодининг учинчи даврида трагикомедиялар – «Цимбелин», «Қишки эртак», «Бўрон» асарлари ёзилади. У романтик эртак сюжетларга мурожаат этган.

Ғ. Фулом, М. Шайхзода, Уйғун, Т. Тўла, Ж. Камол ва бошқа адиблар Шекспир асарларини ўзбек тилига таржима қилганлар.

Муҳаббат шоҳу гадога бир дейишади. Шекспир яратган образлари, турли тоифа кишилари ҳаммаси ишқ дейди, муҳаббат дейди. Шекспирнинг яна бир улуғлиги шундаки, энг қийин адабий жанрда қалам тебратди. Мухими шундаки, жаҳон адабиётида ҳеч бир адиб Шекспир даражасига кўтарила олмаган. Шекспирнинг яна бир маҳорати шундаки, деярли барча асарлари шеърый йўл билан ёзилган. Кўпинча актёрлар асарини репетиция қилиш жараёнида шеърни ёллаш қийинлиги ҳақида ҳикоя қилишади. Шекспир шеърини эса ронон ва ифодавий. Уни эсда сақлаб қолиш жуда осон.

Шекспир ижодининг муҳим томони, унинг асарлари, диолог ва монологлари қатида фалсафа, маъно яширилган. Шекспир драма, трагедия, комедия, сонет устаси. Шу билан бирга у тарихнинг билағони, фийласуф ва шоирдир. Шекспир шеърда прозаикдир. У фикрларни ёқимли, тушунарли тарзда бери олган ҳар бир трагедиясида шундай сатрлар борки, уларни алоҳида шеър қилиб эълон қилса ҳам бўлади.

«Ромео ва Жульетта» трагедиясидан, Ромео тилидан:

*У сахарга жарчи бўлган тўрғайнинг ўзи,
Булбул эмас, севимли ёр, ана қараб кўр,
Булутларнинг ортидаги бахил сахарни
Сўқмоқдадир кечаларнинг шамчироқлари
Кувноқ кундуз тисиб турар тоғ туманида
Кетмоғлигим менга ҳаёт, қолишим ўлим.*

Шекспир кетди, ўзидан кейин ўлмас мерос қолдириб кетди. Бу меросдан ҳозирги кунда миллионлар баҳра олмақда.

ЖОН МИЛЬТОН

(1608–1674)

Олимлар Англия адиби Бек Жонсон ижодига таъриф бериб, умрининг 46 йилини Шекспир билан, 28 йилини Мильтон билан яшаш деб улуғлашади. Бу бежиз мас.

Мильтон нотариус оиласида туғилиб, диний шароитда яшади. Мильтон инглиз ва лотин тилларида шеърлар ёза бошлайди. Шулар ичида «Христоснинг эрталабки туғилиши», «Шекспирга», «Қария жинуб» асарлари диний характерда эди. Ёшлиги диндорлар ўртасида



ўтган Мильтон университетда ўқишни давом эттиради. Сўнг Лондонга яқин Гортони шахридан отаси қурган уйида яшай бошлайди. Дастлабки «Кувноқ ва гамгин», «Комус» асарларини яратади. Ренессанс таъсири Мильтон ижодида яққол сезилиб туради. Мильтон грек, лотин ва қадимги еврей тилларини ўрганади. У ўзининг Англиясига қайтиб, 1640–1660 йиллар маданий ҳаракатида фаол иштирок этади. Дин ва ишонч мавзуси «Динга қаттиқ ишонч, Папанинг иродаси ва юксаклиги»

асарида, шахснинг озодлик мавзуси «Озод овоз ҳақида нутқ» асарида, тарбия масалалари мавзуси «Тарбия ҳақида» тадқиқотида, шахс ҳаётида инсон озодлиги ҳуқуқлари мавзуси «Ажралиш ҳақида» асарида ва «Химия» асарларида ўз ифодасини топган.

Мильтоннинг назарида инсон учун уч озодлик барқарор бўлиши керак: диний, оилавий ва гражданлик ҳуқуқлари.

Мильтон ижодида лотин тилида ёзилган «Англия халқининг ҳимояси» асари алоҳида ўрин тутати. 1660 йилда Англияда таъмирлаш даври бошланади. Лондондан унча узоқ бўлмаган шаҳарда Мильтон очликдан анча қийналиб ҳаёт кечиради. У бу даврда «Йўқолган жаннат», «Жаннатнинг қайтиши» поэмаларини ва «Курашчи Самсон» трагедиясини яратади. 1655 йилда Жон Мильтоннинг лотин тилида «Ўзимни ҳимоя қиламан» китоби чоп этилади. Фавқулодда бундан ном билан китобнинг чиқиши ҳаммани ҳайратга солади. Кимдан ўзини ҳимоя қилади, давлат тепасидагиларданми ёки душманларданми? Оддий халқ Жон Мильтонга ҳеч қачон душман бўлолмайди. Адиб бу асарида турли хил жанрларда ижод қилувчи ғаразли ижодкорлардан кўпроқ хавф-хатар кутади. Бундай оқим мухлислари А. Мор Филмер, Роулэнд бўлиб, Жон Мильтонга ўлим жазосини тайинлашни талаб қилар, ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай ёвузликларни қилишга тайёр эди.

Жон Мильтоннинг «Йўқолган жаннат» асари дунёга машҳур бўлди. Бу асарда Одам Ато — ҳақиқий эркак, Момо Ҳаво ажойиб аёл қиёфасида номаён бўлади. Муаллиф бу икки образга инсонга хос барча ажойиб хислатларни жамлаган. Бу асар панд-насихат (дидактик) руҳи билан сугорилган бўлиб, таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган асар сифатида қараб келинмоқда. Ғарбий Европа адабиётида диний эътиқодлар, диний қиёфалар, диний номлар билан боғлиқ ҳолда йирик асар ёзган адиб Данте Алигъери («Илохий комедия») дан сўнг Жон Мильтон эди. Жон Мильтон танлаган маънавий Данте Алигъери асарида кескин фарқ қилиб, диний таассуфга қўши боради.

Диннинг ижобий, тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади.

ПЬЕР КОРНЕЛЬ

(1606–1684)



Француз адабиётининг машҳур драматурги Руан шахрида туғилади. Дастлабки ижодини комедия ёзишдан бошлайди. Унинг «Мелита» (1629) деб номланувчи ҳаётий воқеага бағишланган комедияси ижодини давом эттиришга катта туртки бўлади. Шу асар таъсирида «Клитандр», «Суд ҳайъати», «Қироллик майдони» (1631–1636) драмалари бирин-кетин ёзилади.

Корнель ўзининг «Сид» трагедияси билан машҳур бўлади. Испан қахрамонлик эпосининг ёрқин намунаси бўлган «Сид ҳақида кўшиқ» асари таъсирида ёзилган. «Сид» трагедияси ниҳоятда маҳорат билан ёзилган бўлса-да, драматургнинг Париждаги мухолифлари уни обрўсизлантириш мақсадида «Кўчир-ючи» деб ҳақорат қиладилар, обрўсизлантиришга ўринадилар. Бундан қаттиқ таъсирланган Корнель ўз она шахри Руанга (1639–1640) кетиб қоқди. Анча вақт ижод билан шуғулланмай, сўнгра «Горацио», «Цинни», «Эдит» (1659) трагедияларини яратади. 1667 йилда Парижга қайтиб келиб, машҳур драматург Рассин билан учрашади. Бу ерда «Помпей», «Атилл», «Гераклиус» тарихий трагедияларини яратиб, ўз хурмат-эътиборини тиклаб, томошабинлар олқишига эришувор бўлиб, машҳур драматург сифатида танилади.

Миллумки, ўрта асрларда (V–XV асрларда) Ғарб адабиётида қола-қола, жаҳон адабиётида, жумладан, Шарқ адабиётида ҳам кўплаб қахрамонлик дostonлари юзага кела бошлайди. Шарқ адабиётида «Гурӯҳи», «Алпомиш» туркумидаги дostonлар яратилади. Немисларда «Гудунинлар ҳақида кўшиқ», французларда «Голланд ҳақида кўшиқ», инглизларда «Сид ҳақида кўшиқ» асарлари шулар жумласидандир.

Корнелининг «Сид» трагедияси ҳам ўрта асрлар маҳсули бўлган «Сид ҳақида кўшиқ» поэмасига ўхшаб кетади.

Трагедияда ҳам Радриго Диас образи берилган бўлиб, Сид унинг «Сид», «Жануб» деган маънони англатади.

Корнели тарихий трагедиялар яратишда давом этади. Ҳарқанча тарихий воқеаларнинг маълумат тошлари ёғилмасин халқ тарихидаги қахрамонлик, ифсонавий сюжетларни қаламга олаверади.

Корнелининг Тит Ливийнинг тарихий китобларига асосланиб «Горацио» (1639), Октавиан Август билан боғлиқ воқеаларга таяниб «Вина Август марҳумати» (1639) асарини ёзади. Корнель илк трагедия-«Горацио»нинг ҳам Эврипиднинг «Медея» трагедияси ва Сенека «Медея»нинг дурдоналаридан илҳомланиб «Медея» (1635) асарини ёзган

Корнель тарихни қайта тирилтирган, халқ қаҳрамонларига қайтадан ҳаёт бахш этган, жон ҳады этган улуғ драматургдир. Корнелнинг бошқа трагедиянавислардан фарқли томони ҳам шунда.

Корнель «Қаллоб» (1643) асари орқали ўз маҳоратини комедия жанрида ҳам синаб кўради. Адиб ўз комедиясини яратиш чоғида яна ўша анъанани давом эттириб, Аларконинг «Шубҳали ҳақиқат» комедиясига бир қадар ўхшаш воқеани танлайди ва буни ўзи ҳам тан олиб, улуғ комедия устаси ижодидан баҳра олганлигини таъкидлайди.

ЖАН БАТИСТ МОЛЬЕР

(1622–1673)



Франг адабиётининг машҳур драматурги Парижда савдогор оиласида туғилган. Мольер Парижда театр ташкил қилади. Кўчиб юрувчи сайёр труппага артист бўлади. Спектакллардаги асосий ролларни ўйнайди. 1650 йилдан Мольер группа бошлиги бўлади.

Илк комедияси «Телба» (1653) сахналаштирилгандан сўнг «Ошиқ бўлган доктор» пьесасини ёзади.

«Аёллар учун сабоқ» (1662) пьесаси қўйилгандан сўнг мухолифлари драматург обрўйига путу етказиш учун даҳрийликда айблаб, ўтда куйдиришни талаб қиладилар.

«Ёлғон касал», «Зўраки табиб», «Кулгили нозанинлар», «Мизантроп», «Жорж Данден», «Хасис» каби ажойиб сатирик комедиялар мавзу эътибори билангина эмас, сўз ўйини юксаклиги, воқеаларни кўрсатиш услуби билан унинг катта маҳорат устаси эканлигидан дорақ беради.

Мольер «Тартюф» (1664) комедиясида авж олган риёкорлик мунофиқликни Тартюф образи орқали кўрсатиб беради.

«Хасис» (1668) комедияси сюжетини қадимги Рим шоири Плавтнинг «Кўзача» («Хумча») асаридан илҳомланиб ёзади.

«Тартюф», «Хасис», «Скапенинг найранглари» комедиялари унинг сахнасини безаб келмоқда.

Мольер драматургиянинг деярли барча жанрларида ўз маҳоратини синаб кўради. У аксарият асарларини ўзи сахналаштирар, халқ манзур бўладиган мавзуларни қидириб топарди.

Айрим драматурлар театр сирларини яхши билмасдан асар беришди. Уларнинг асарлари сахна юзини кўрар-кўрмас, тезгина тугаётди. Бундай ижодкорлар ҳаётнинг ичида юрадилару, театрни яқин

дан ҳис этмайдилар. Мольер бир қўлида ҳаёт қувончлари ва ташвишларини ушлаб турса, бир қўлида театрни томошабинни тутиб, бадиият билан амалиётни яқиндан умумлаштириб туради.

Мольер жасур қалб эгаси эди. Ижодкор учун жасурлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мольер жасур бўлмаганида илк тўқнашувдаёқ ижодини тўхтатиб қўярди.

Унинг биринчи асари «Кулгули нозанинлар» томошабинларга маъқул бўлса ҳам, бундан-да муҳимроқ мавзуга қўл уради. «Синарель» (1660) шеърый комедиясида мамлакатда ҳукм сураётган риёкорлик ва иғво-фасод устидан заҳархандалик билан кулади. Гарчи бу комедия сарой аҳилларига ёқмаса ҳам халқ илиқ кутиб олади.

Шундан сўнг Мольернинг «Эрлар учун сабоқ», «Аёллар учун сабоқ» (1662), «Эзмалар» (1661) комедиялари бирин-кетин эълон қилиниб, муаллиф номини кўпчиликка танитди.

Мольер ижодини жаҳон адабиётига олиб кирган «Дон Жуан» комедиясидир. Адабиёт тарихида Дон Жуан ҳақида жуда кўплаб ҳикоялар, афсона ва ривоятлар яратилган. Булар ичида Мольернинг «Дон Жуан»ни энг мукаммалли, юксакдир.

Гарчи бу комедия кўпгина адабиётшунослар томонидан қаттиқ танқидга учраган бўлса-да, Дон Жуаннинг қиёфасида бир томонда мунофиқлик, иккинчи томондан, тавба-тазарру жамланган. Муаллиф ёналигида билиб-билмай фирибгарлик йўлига кириб қолиб, келинчалик қилган ишларига пушаймонона кайфиятда тақвадор бўлиб оғинларни фош этади.

ДАНИЭЛЬ ДЕФО

(1660–1731)



Жаҳонга машҳур инглиз адиби, «Робинзон Крузо» асарининг муаллифидир. Романнинг ёзилиш тарихи ҳам ҳаётий воқеаларга боғланган. 1713 йилда журналист Ричард Стилл «Англиялик» номли журналда кимсасиз оролда тўрт йилдан ортиқ яшаган матрос Александр Селькирк тўғрисидаги очеркни чоп қилгандан сўнг, бу очеркни ўқиган адиб «Робинзон Крузо» романини 1719 йилда нашр қилади.

Асарнинг иккинчи қисми — «Робинзон Крузонинг кейинги саргузаштлари» 1719 йилда ёзилади.

«Робинзон Крузо» романининг иккинчи қисмида, янада ажойиб воқеаларга дуч келамиз. «Робинзон Крузо» романининг қизиқарли бўлиши учун қаҳрамон ҳаёти билан яқиндан танишамиз. У илгари яшаган кимсасиз оролга бориб, колония

Асарнинг учинчи қисми – «Робинзон Крузонинг жиддий мулоҳазалари» 1720 йилда ёзилган бўлиб, дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган.

Робинзон Крузо саргузаштлари ўқувчини ўйлашга, ҳаёт ҳақида мулоҳаза юритишга, атроф-муҳитга зийраклик билан муносабатда бўлишга мажбур этади. И. Шамшаров романни ўзбек тилига ўгирган. Шу биргина роман Даниэль Дефо номига жаҳонга танилди.

Мабодо сиз кимсасиз оролга тушиб қолсангиз ёки чўлу-биебонда қолсангиз ёки ўрмонда адашиб қолиб кетсангиз нима қилган бўлардингиз?

Руҳан соғлом киши умрининг охирига дақиқасигача ҳаёт учун курашади. «Ҳаёт давом этапти-ку» дея ўзига-ўзи тасалли беради. Робинзон: «Ҳаёт дегани инсон учун одамлар, ҳайвонлар учун ҳайвонлар, қушлар учун қушлар, жонзодлар учун жонзодлар дегани», дейди.

Инсон учун ҳаёт ҳамма нарса муҳайё бўлган шоҳона қасрда яша-са ҳам татимайди, у ёлғизликдан қийналади. Робинзонни қийнаган нарса мана шу. У эрмак учун ҳайвонлар билан дўстлашишга мажбур бўлади. Шундай бўлса-да, бу дўстлик унга тасалли беради.

У ажойиб ҳаёт кўйида яшайди. Тирикчилик қилади. Яшаш учун курашади. Бироқ, унга инсон етишмайди, дўстлари, яқинларини соғинади, она тупроғини соғинади. Шу орқали романда инсон қадр-қиммати ниҳоятда улуғланади. «Одам одам билан тирикдир», деган гоя илгари сурилади. Робинзон юртига, одамларга етиш учун ўйланади, ҳаётдан умидини узмайди.

ЖОНАТАН СВИФТ

(1667–1745)



Англия адабиётининг атоқли вакили Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» (1726) романи жаҳон адабиётининг дурдонаси ҳисобланади. Роман қаҳрамони Лилипутияга, улкан одамлар мамлакатига, Лапута ҳамда ақли отлар мамлакатига саёҳат қилади. «Гулливернинг саёҳатлари» романи тўрт қисмдан иборат. Муаллифнинг мубо-лафа яратиш, воқеаларни бўрттириб тасвирлаш маҳорати ниҳоятда кучлидир. Асарда ўша даврнинг ярамас иллатлари қаламга олинади. Гулливер ўз замонасининг маърифатпарвар, қалби тоза ва айни чоғда ўқимишли кишиси образидир. «Гулливернинг саёҳатлари» романи орқали ўша даврнинг ҳақиқий манзараси билан танишамиз. Мавзу ўзгача бўлса ҳам, адиб ўзи яшаган жамият ҳаётидан чет-гуролмайди.

Бир қарашда асар бошдан-оёқ фантастикадан иборат. Эҳтимол, миттивойлар мамлақати ҳам, улканлар мамлақати ҳам бўлмагандир. Эҳтимол, Гулливернинг ўзи ҳам бўлмагандир.

Адабиётнинг сеҳр кучи шундаки, у хаёлотдан ҳаёт яратади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, бўлмаган нарсаларни бор қилиб тасвирлайди, унга ўқувчини ишонтиради. Жонатан Свифт ўз ўқувчисини ишонтира олди. Жаҳонни ишонтира олди. Шу биргина фантастика кучи ўнлаб асарлар қийматидан кучли бўлган туйғуни бера олди.

Тасаввур қилиб кўринг-а! Гулливер миттивойлар мамлақатидаги қиргоққа тушиб қолди. Шу чумолидекгина одамчалар уни бир амал-лаб қирол саройига олиб боради. Бироқ бу ўринда миттивойларнинг ҳатти-ҳаракати, бир-бири билан муносабати, фикрлари ҳаётнинг ўзинаси.

Сўнгра Гулливер ҳаётнинг иккинчи бир қутбига тушиб қолади. Бу миттивойларнинг акси – улканлар мамлақати. Гулливер уларнинг қирғисидида чумолидекгина одамгача айланиб қолади. Шу қарама-қарши қутбнинг ўзиёқ ўқувчини ўйлантириб, мушоҳада юритишга мажбур этади.

Ёки Қирол саройидаги ҳаётни, у ердаги воқеаларни, урф-одатларини бир эслаб кўринг-а, нақадар завқли. Гулливернинг қиролича билан муносабати аслида ҳаётнинг қизиқарли воқеаларини эсга со-лиди. Асардаги воқеалар асосида аслида аччиқ ҳақиқат, маълум дара-жада истехзо, киноя ҳам йўғрилиб кетганлигини пайқаш қийин эмас. «Ҳаёт давом этмоқда», дейди ёзувчи. Худди шундай, Жонатан Свифтнинг ҳаёти ҳали ҳам давом этмоқда.

РАСИН

(1639–1699)



Ферте-Милон шаҳрида обрўли оилалардан би-рида туғилади. Ёшлигида поэзияда қалам тебрата-ди. 1658 йили 18 ёшли йигитча билим олиш учун Парижга келади. Гаркур коллежида ўқишни, фал-сафа илми билан қизиқишни орзу қилади.

1660 йилда ёш қирол Людовик XIV нинг уй-ланиши муносабати билан «Нимфа Сеплар» қаси-дасини ёзиб, ўз асарини қиролга юборади. Бағиш-лов қиролга жуда ёқиб қолиб, юз лундор муко-фот беради ва ёш шоирнинг мутассил ижод билан шуғулланиши учун нафақа тайинлайди. Шундан

қўн у Парижда шоир сифатида тезда танилади.

Расин драмаларининг мавзуси қадимги дунёдан олинган. «Федра» (1677), «Андромаха» (1689), «Аталия» (1689), «Андромаха» каби асарлари шунинг алоҳидан жуда юксак савияда ёзилган.

Бундан ташқари бошқа жанрларда ҳам самарали ижод қилгандир. «Францияда», «Британник», «Боязид», «Аталия» каби поэма ва трагедияларида тарихий мавзунини маҳорат билан тасвирлайди.

Туркия тарихига бағишланган «Боязид» трагедияси турк султони Боязид Йилдирим ва унинг севимли маликаси Роксана ҳақида ҳикоя қилади. Албатта, трагедияда тўқима воқеа ва образлар кўп бўлса-да, драматизм, интрига, коллизияга бойлиги жиҳатдан юксак маҳорат намунасига айланади.

Расин драматургия ва театрни ниҳоятда қадрланган Париж шаҳрида ўз даврининг атоқли адабиёт вакиллари Корнель, Лафонтен билан яқиндан дўстлашиши шоир ижодига янги зарварақ очади. Отанасидан эрта етим қолиб, Бове шаҳридаги бувисининг қўлида улғайиб, ҳаёт қийинчиликларини обдон тортган Расиннинг кейинги ҳаётида, унинг тезда машҳур бўлишида бу икки алломанинг хизмати катта бўлади.

Ўша пайтларда Парижда энг кўзга кўринган драматург ва театр устаси сифатида танилган Мольер Расиннинг илк ижод намунаси «Фивисда ёки душман ака-укалар», «Буюк Александр» (1665) трагедиясини ўз театрида намойиш этишга кўмаклашади.

Кейинчалик Мольер билан ижодий зиддиятлар кучайиб, шоир Буалога яқинлашади. Драматургия ва театр тадқиқотчиси Буало ўз шогирдининг «Андромаха», «Судбозлар», «Британник» пьесаларининг юзага келишига ёрдам беради.

Шундан сўнг драматург «Береника» (1670), турк султонлари тарихидан олиб ёзилган «Боязид» (1672), «Митридат» (1673) трагедияларини ижод қилади. «Ифигения» (1674), «Федра» (1677), «Эсфир» (1689), «Гефолия» («Анталия») (1691) асарлари дунё юзини кўради.

Албатта, ҳамма жамиятларда ҳам буюк ижодкорларни кўролмайдиганлар жуда кўп бўлишган. Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.

Расиннинг машҳур бўлиб кетаётганини кўролмаган ғаламис, иғво фасод эгалари унинг трагедияларини ерга уриб, саройдаги аслзодаларнинг ва ҳаттоки Людовик XIV нинг газабини кўзгайдиладар. Расиннинг деярли барча ижодларини томоша қилиб, унга олқиш ва ёрликлар ҳадя этган қирол шоирни ҳамма имтиёзлардан маҳрум этади.

Уйғониш даври ва унлан кейинги (XVII–XVIII) асрлар Фарб адабиёти ижодкорларига Антик дунё адабиётининг таъсири катта бўлганлигини сезамиз. Бу ҳолатни Мольер, Карнель ижоди каби, Расин асарларида ҳам кўрамиз. Маъбуд ва маъбудаларни, афсонавий ва тарихий қаҳрамонларни ўз асарларига олиб кириш Расин яшаган замонда катта анъанага айланади.

Расин яшаган замонда антик дунёдан тортиб яқин ўтмишгача бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган кўплаб тарихий асарлар юзага келади. Гомер, Эсхил, Сафокл, Эврипид, Геродот, Аристофан, Овидий,

Вергелий каби юзлаб антик замон ижодкорлари асарлари француз, немис, инглиз, испан ва бошқа тилларга зўр бериб таржима қилинади.

Расиннинг кўпгина асарлари ҳам антик дунё воқеаларига бағишланган. «Ифигения Авлидада» асари ҳам қадим замонларнинг «Ифигения Авлидада», «Ифигения Тавридада» асарлари сюжетига жуда яқиндир. Бироқ Расин бу антик воқеаларга йигирма уч асрдан кейинги тараққиёт юксаклигидан туриб теран назар солади.

ФРАНЦУА МАРИ ВОЛЬТЕР

(1694–1778)



Француз адабиётида маърифатпарвар шоир сифатида шуҳрат қозонган адиб Парижда туғилган.

Илк ижодини ҳажвий асарлар ёзишдан бошлаб, Филипп ва унинг қизига бағишлайди. 1717 йилда қамоқхонага тушган адиб Генрих IV ҳақида поэма ва «Эдип» трагедиясини ёзади. «Эдип» трагедияси 1718 йилда саҳналаштирилгандан сўнг Вольтер номи тезда кўпчиликка маълум бўлади. Кейинчалик Англиядаги уч йиллик ҳаёти давомида бу мамлакатдаги адабий ҳаёт билан яқиндан алоқада бўлади. Ёзган асарлари: «Фаройиб ўғил» (1736), «Фалсафа лугати», «Озод француз» (1656), «Людовик XIV асри», «Лиссабон ҳалокати ҳақида» (1756), «Вавилон маликаси» (1768), «Брут», «Заира», «Задиг», «Микромегас», «Кандид ёки ҳаёлиёт», «Солдадил». Ижодий фаолияти давомида эллик иккита саҳна асари ёзади. Вольтер ҳаётигидаёқ бутун Европага машҳур бўлган эди.

Вольтер айни чоғда философ, тарихчи, адабиётшунос ва театр тадқиқотчиси ҳамдир. «Фалсафа лугати» асарида жуда кўплаб асарларни тарихий ва фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиб берган. Ўз даврида ҳажвийёт оламида ҳеч ким Вольтернинг олдида тушолмаган. Унинг асарлари шамолдек тез эсиб, бутун Европа саҳналарини қамраб олади. Бундай саҳна намойишларига кўпинча Вольтернинг ўзи ҳам боради.

Ўз даврининг маърифатпарвар адиблари Дени Дидро, Де Аламбер Вольтерни жуда ҳурмат қилар, «Устоз» дея тан олиб, мурожаат қилар эди.

Рус шоири А. С. Пушкин ҳам ҳақли равишда Вольтер ижодидан оғинмас-туганмас завқ-шавқ олганини қайд қилиб ўтган эди. «Мени ижод сари етаклаган Вольтер бўлади», деган фикрни айтиб, устозини номини шон-шарафлар билан безаб ўтган эди Жан Жак Руссо.

Рус шоири А. С. Пушкин ҳам ҳақли равишда Вольтер ижодидан оғинмас-туганмас завқ-шавқ олганини қайд қилиб ўтган эди. «Мени ижод сари етаклаган Вольтер бўлади», деган фикрни айтиб, устозини номини шон-шарафлар билан безаб ўтган эди Жан Жак Руссо.

Хусусан Москва университетига асос солган М. В. Ломоносов Француз олими Вольтернинг илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан қизиқиб, унинг назарий таълимотини юксак баҳолаб, буюк олим Ньютон билан тенглаштиради. М. В. Ломоносов таклифи билан Вольтер Россия академиясининг аъзолигига қабул қилинади.

1734 йилда Англиядан ўз ватанига қайтиб келган шоир Руана шаҳрида «Англия ҳақида мактублар» асарини чоп этади. Шу билан бирга у «Брут» (1730), «Заира» (1732) трагедияларини Англияда ёзиб тугатган эди.

Вольтер ўз ватани Францияда Ньютон назариясини давом эттиради. «Муҳаммад» (1740), «Меропа» трагедияларини ёзади. «Гаройиб ўғил» (1736), «Нанин» (1749) комедиялари, «Задиг» ёки «Тақдир» (1748) номли фалсафий руҳдаги асарлари юзага келади.

1749 йилда Вольтернинг қалбига энг яқин бўлган, уни чуқур инсоний туйғу билан севадиган, яқин суянчиқ дўсти гўзал Эмилия вафот этади. Бу машъум воқеа шоирни чуқур қайғуга солади.

Шундан сўнг шоир Пруссияда, Швецарияда яшаб, огир ҳаёт кечиради, ўз ватани Францияга қайтиш соғинчи билан яшайди. Бироқ, Францияда уни яна таъқиб ва қамоқхоналар кутиб туришидан хавфсирар эди.

Вольтер ижоди Франция маънавияти ва маърифатпарварлигини намоён этишчи рамзий маънога айланиб қолди.

ЖАН ЖАК РУССО

(1712–1778)



Фарзанди дунёга келаётганида онаси дунёдан ўтади. Отаси юқори мартабали кишиларни ҳақорат қилгани учун оилани ташлаб кетади. Она шаҳри Женевада ва унинг атрофида сарсон-саргардон, таҳқирланиб ўсиб-улғайган Жан Жак Руссо ниҳоятда қийин ҳаёт кечиради.

Тақдир тақозаси билан 16 ёшли йигитча Турин шаҳрига келади. 1741 йилдан бошлаб Парижда яшаб, ижодини анча кеч бошлайди.

«Лиссабон зилзиласи», «Трактатлар» (1762), «Эмиль», «Одамлар орасида тенгсизликнинг келиб чиқиши тўғрисида» (1755), «Юлия», «Ижтимоий келишув» (1762) ва бошқа асарлари сиёсий ва фалсафий руҳдадир. Замондоши Вольтер билан яқиндан ижодий алоқада бўлади, у билан ҳамкорликда асарлар яратади.

«Гарлар билан хат» асари Вольтернинг «Фалсафа лугати» асари билан бирга ёқиб юборилади. Руссо доимо таъқиб остида яшайди. «Қаерга борсам таъқиб», деб ёзади адиб. Унинг бир қанча асарлари

тулханда ёқиб юборилган. Руссо қийналиб яшаса-да, ўзига адабий ҳайкал яратган.

Руссонинг «Наварра шаҳзодаси» (1745) опера балет асари унинг номини кўпчиликка танитади. Ҳаттоки, герцог Ришелье ҳам Руссо номини яқиндан таний бошлайди. Герцог Руссога улуг адиб Вольтер билан яқиндан алоқа боғлашни таклиф этади. Шундан сўнг Вольтер билан ижодий ҳамкорлик ва мактуб орқали ёзишмалари бошланади.

Руссо замондоши Дени Дидро билан ҳамкорлик қилиш мақсадида 1749 йилда йўлга чиқади. Йўл-йўлакай «Франция хабарномаси» газетаси таҳририятига кириб айрим асарларни бериб ўтади. Дидро эса «Кўрлар ҳақида мактублар» асари учун қамоқхонасига тушган эди.

Шундан сўнг Руссо илм ва цивилизацияга бағишланган фалсафий руҳдаги трактатлар ёзишга киришади ва қатор трактатлар ёзиб, нолон қилади.

Руссо «Эмиль» номли фалсафий руҳдаги романини ёзгандан сўнг машҳурлик шохсупасидан ўрин эгаллайди. Франция парламенти суди 1762 йил 9 майда бу романни йиғиб олиб ёқиб юборишни, Руссонинг эса қамоққа олиш ҳақида ҳукм чиқаради. Руссонинг «Эмиль» романи билан бирга «Жамоатчилик келишуви» асари ҳам шоирнинг туғилган шаҳри Женевада ёқиб юборилади.

1762 йилда Париж диний бошқармаси бошлиғи (архиепископ) Христофор Бомон ўзига тегишли барча диний маҳкамаларга хабар қилиб, Руссонинг Аллоҳ ва инсонларнинг душмани деб эълон қилади. Шундан сўнг Руссо бир қатор памфлетлар ёзади.

1766 йилда Руссо Англияга кетиб қолади. Адиб Англияда ҳам тинчлик осуда ҳаёт кечиролмайди. Ўз даврининг таниқли файласуфи Дэвид Юм Руссонинг суҳбатга таклиф қилиб, бу суҳбатда қаттиқ баҳслашиб, сўнгра Руссонинг танқид қилиб, матбуотда чиқиш қилади.

Жан Жак Руссонинг ўз дунёси бор эди. Бу бебаҳо дунёни ҳеч нарсага алмаштирмайди, ҳеч қачон сотмайди. Бу унинг ҳақиқатгўйлиги, адолатпарварлиги, юксак инсоний қиёфаси эди. Ўзи таҳликали кун кечириб, Англияда яшириниб юради. Дард устига чипқондек боз устига Дэвид Юм билан баҳс қилиб, қаттиқ жанжаллашиб қолиш даражасига етади. Файласуф олим Руссонинг ўз ғоясидан кечишга даъват қилади. Бироқ Руссо ҳеч қачон ўз фикри, ғоясидан кечмайди. Ўзининг ҳақиқатига қаттиқ ишонади. Мана Руссонинг бебаҳо дунёси.

ДЕНИ ДИДРО

(1713–1784)

Франциянинг қадим шаҳарларидан бири Лангрда дунёга келган. Париждаги Гаркур коллежида таҳсил олган. Талабалик йилларида фалсафадан кучли билим олади. Унинг сиёсий онги етилиб боради. Эҳти-



мол шунинг учундир унинг илк ижоди «Фалсафий мушоҳада» асарининг яратилиши билан бошланади. 1750 йилдан бошлаб Лебретонда чиқадиган «Энциклопедия»га муҳаррирлик қила бошлайди. Бу наشريётда ўз даврининг йирик адиблари асарлари бирин-кетин чиқа бошлайди. Сиёсий жиҳатдан етук бўлган асарларнинг чоп этилиши жамият сиёсий ҳаётига путур етказишидан чўчиган ҳукумат бошлиқлари «Энциклопедия»нинг чиқишига турли йўллар билан қаршилик қиларди. 1773 йилда у Екатерина II таклифи билан Россияга келади ва Россия академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлади.

«Вильмен маърузасининг бўш вақтдаги давоми» (1842), «Табиати тушуниш ва фалсафий қатъиятлик» (1754), «Сон Д'Аламбер» (1769), «Физиология бўлимлари» (1774), «Ричардсон мақтовлари» (1761), «Драматик поэзия муҳокамаси», «Рало невараси», «Хаёлпараст Жак» (1785), «Монархия» (1760) каби асарлари мавжуд бўлиб, Дидронинг илмий, драматурглик фаолиятини безаб турибди.

Дени Дидро асосан фалсафа ва тарих фанининг олими сифатида машҳурдир. Жаҳон фалсафа фанининг ривожига Дени Дидронинг алоҳида ўрни бор. Ўз замонасида фалсафий фикрлаш кўламининг кенглиги билан унга тенг келадигани бўлмаган. «Фалсафий онг» китоби 1746 йилда Париж судининг ҳукми билан йиғиб олинди, ёқиб юборилади. «Кўрлар ҳақида мактублар» китоби учун 1749 йилда юз кунга Венсенн қамоқхонасига тушади.

Ўттиз йилга яқин нашр қилинган «Энциклопедия» да мингга яқин илмий мақолалари ва бошқа асарлари ёритилади.

«Энциклопедия»нинг асосий саҳифаларини Дени Дидро ижоди намуналари қамраб оларди. «Энциклопедия» ёзувчи ижодининг гуллаб-яшнашида ва унинг номи жаҳонга машҳур бўлишида алоҳида ўрин тутлади.

Дидро француз драматургиясининг назарий асосларига оид ҳам бир қатор илмий-публицистик асарлар ёзди. «Драматик поэзия таҳлили» асари бу қийин жанрнинг ўзига хос томонларини илмий-назарий жиҳатдан ёритиб беради. Айни пайтда ўзи ҳам бир қатор драм ва комедиялар ижод қилиб машҳур бўлди. «Француз куйчиси», «Ойлик ота» пьесалари Париж саҳнасида муттасил намоён этиларди.

Адибнинг «Хаёлпараст Жак» қиссаси ҳам ҳали ўзи ҳаётлигидаёқ машҳур бўлиб кетади. Шиллер бу қиссани 1785 йилда немис тилига таржима қилади. Асар «Хаёлпараст Жак ва унинг хўжайини» номи билан кўп тилларга таржима қилинади.

Дени Дидронинг машҳур романи «Монархия» (1760) деб аталади. Роман қаҳрамони ниҳоятда соҳибжамол, ақли ва доно қиз Сюзанна

надир. Бироқ у диний тартиб-тарбия доирасида яшаб, муҳитдан безор бўлади, ўзини ёлғиз ҳис қилади, жамиятдан ажраб қолганини тушиниб боради.

Одамлар орасида ўғрилиқ, муттаҳамлик, айёрликларни кўриб даҳшатга тушади. Муаллиф Сюзанна орбази орқали Француз жамиятининг барча кирдикорларини, ярамас томонларини очиб беради.

Дени Дидро ўзининг фалсафий, илмий, назарий, драматик, театршунослик бадиий-эстетик дунёқараши билан жаҳон адабиёти саҳифасини безаб турибди.

ГОТХОЛЬД ЭФРАИМ ЛЕССИНГ

(1729–1781)



Немис адабиётининг гуллаб-яшнашида Лессинг муносиб гулшан яратди. Каменц шаҳарчасида таваллуд топиб, дастлаб маҳаллий мактабда, Лейпциг университетиде таълим олади. Мольер аъёналари руҳида ёзилган «Ёш олим» комедияси тезда саҳналаштирилиб, Лессинг номини кўпчиликка танитади. 1748 йилда Берлинга келиб, адабий ҳаёт билан боғланиш унинг ижодини юқори поғонага кўтаради. Бу ерда у Вольтерга котиб бўлиб ишлайди. 1767–1769 йилларда Гамбург театрида ишлаш жараёни Лессингнинг дра-

матурглик фаолиятини ўстиради. «Гамбург драматургияси» (1768) деб номланувчи театр ва драматургия назариясига бағишланган асари шу даврда ёзилган эди. «Муҳтарам Сара Сампсон» (1755), «Минна фон Барнхельм» (1763–1767), «Эмилия Галотти» (1772), «Лаокоон» (1766), «Донишманд Натан» (1779) каби асарлари Лессинг дунёқаринчилигини ниҳоятда юксаклигидан, фалсафий фикрлаш қобилиятининг юрлигидан далolat беради.

Лессинг жуда қашшоқ ҳаёт кечирарди. Унинг кечгача ишлаб топган пули ҳаёт кечиршига зўрга етарди. Германия Лессингдек буюк интеллект эгасини авайлаб-асраб, унга моддий ёрдам кўрсата олмади. Унинг охиригача камбағаллигича яшаб қолади. Лессинг агар бой бўлганида бўлганида эҳтимол кўп нарса ижод қиларди, немис адабиёти тараққиётига ўзининг янада кўпроқ таъсирини ўтказар, янгидан шун шох асарлар ижод этган бўларди. Кўпроқ вақтини ижодга эмас, муҳтожликдан қутулиш учун арзимаган юмушлар билан банд бўлиб пул топиш йўлини ўйларди.

Жаҳон адабиёти тарихида Лессинг каби юзлаб истеъдодлар қашшоқликдан побуд бўлиб кетган. Ҳозир ҳам жаҳонда муҳтож ижодчилар, ниҳоятда қийин ҳаёт кечираётган талантлар кам дейсизми?!

Лессингнинг «Янги адабиёт ҳақида мактублар» асари барча ижодкорларни оёққа турғазди. У Спиноза фалсафасини ўрганиб, уни юксак илмий йуналишида тадқиқ этади. 1759–1765 йилларда яратилган мактублари халқнинг эзгу-ўйлари билан ҳамоҳанг тарзида ифодланди.


Лессинг эркин адабиёт учун курашади. Адабиёт ҳеч қачон император ва унинг саройи учун эмас, халқ учун хизмат қилиши керак. Бир ҳовуч буйруқбозлар учун хизмат қилувчи адабиёт ҳеч кимга керак эмас, бундай руҳдаги немис адабиёти ҳеч қачон гуллаб-яшнамайди деган ғояни илгари суради.

1774–1779 йилларда Лессинг Вольфенбютел кутубхонасидан профессор Герман Самуэл Реймарус қўлёзмаларини топиб олиб эълон қилади. Профессор Реймарус ўз қўлёзмасида Библия ва христиан дини ҳақида муҳим фикрларини айтиб, ўз талқинларида кўплаб диний китоблар, қўлёзмалар, дин тарихи билан боғлиқ манбаларни таҳлил қилган эди. Бу қўлёзма Лессингда катта таассурот қолдириб, «Донишманд Натан» (1779) драмасыни ёзади. Диний характердаги бу драма Лессингнинг охириги йирик асари эди.

Кейинги даврларда ижод қилган улуғ немис драматурглари Гёте ва Шиллер ҳақи равишда Лессингни ўз устозлари деб тан олишган.

МАҲТУМҚУЛИ

(Фироғий)
(1733–1791)



1733 йилда Туркменистоннинг Артек дарёси яқинидаги Ҳожиговшан қишлоғида дунёга келади. Отаси Давлатмамат деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланса ҳам ўз даврининг мактаб ва мадраса кўрган, маърифатли кишиси бўлган. Озодий таҳаллуси билан пандномалар ёзган. Шоирнинг олти мингга яқин «Ваъзи озод» асари мавжуддир.

Маҳтумқули Хивадаги Шерғози мадрасасида, Қизилоёқ овулидаги Идрисбобо, Бухородаги Кўкалош мадрасаларида таҳсил кўради. Тўққиз ёшидан қўлига соз олиб, кўшиқлар хиргойи қила бошлайди.

Маҳтумқули Оққиз деган гўзалга ўйланиб, ундан Сори, Иброҳим исми ўғиллар кўрган. Бироқ икки фарзанди ҳам касаллик туфайли ўлиб кетиб, шоир фарзанд доғида кўп азият чекади. Туркман оқини Маҳтумқули ўзбекларнинг ҳам сеvimли шоиридир. Фольклоршунос олима Музайяна Алавия шундай ёзади: «Мен анча вақт Ислом шоир билан бирга ишладим. У ўз достонини айтмасдан илгари Маҳтумқу-

лидан айтарди, – деб эслайди олима, – халқ шоирига «Нега Маҳтумқулидан бошлайсиз», деб мурожаат қилганимда, «Маҳтумқулидан айтсам халқ кўп келади, ёшлар ҳам, қарилар ҳам кўп йиғилади», деб жавоб берган эди». («Ўзбекистон маданияти» 1986, 23 ноябрь.) Бу манба гувоҳлик бериб турибдики, Маҳтумқули фақат туркман халқининг ардоқли шоири бўлибгина қолмасдан, ўзга халқларнинг ҳам сеvimли шоирига айланган.

Маҳтумқули ижоди халқ тилига, халқ дилига яқин. Шоирнинг шеърларида дидактик панднома руҳи кучли. Ўз асарлари орқали инсонни мард, жасур, тўғри сўз, ҳалол ва бир-бирига меҳрли, саҳий бўлишга чақиради. Эҳтимол шунинг учундир унинг шеърлари кўпгина халқларнинг кўшиғига айланиб кетган.

*Оқмасдан қолмайди бир оққан ариқ,
Бир танда ором гоҳ семиз, гоҳ ариқ,
Бир юзи қорадир, бир юзи ёруғ,
Қора деб қаттиқ сўз айтувчи бўлма.*

Маҳтумқули ижодининг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Шоир шеърларини ўқиб бир муддат ўйланиб қоласиз. Ўтган умрингизга, фети-атворингизга, чеҳрангизга, қалбингизга қулоқ солиб сукунат сиқлаб қоласиз. Яхши-ёмон, савоб-макруҳ ишларингизни сарҳисоб қиласиз. Яхши томонга интиласиз, савоб ишлар қилишга бел боғлайсиз.

*Ўқир бўлсанг, ўқ ур нафсинг кўзига,
Чин кўз билан қара китоб кўзига,
Алданиб кирмагил шайтон сўзига,
Яхшиликни ҳеч вақт қўювчи бўлма.*

Ушбу мисралар ҳозирги замон Шарқ педагогикаси фанида таълим тарбия жараёнида нақадар қадрли. Панд-насихат ҳамма замонларда ҳам дилга яқин туйғу бўлиб келган. Маҳтумқули ҳам дилимизга мува яқин шоир.

ГЁТЕ
(1749–1832)

Жаҳон адабиётнинг юксак обрў-эътиборига эга бўлган улуғ шоирлардан бири Йоханн Фанкфурт-Майн шаҳрида дунёга келади. Ёшчилигида ўқишга, илм ўрганишга қаттиқ берилади. Кейинчалик Лейпциг университетида маъруза тинглайди. 1769 йилда қаттиқ бемор бўлиб университетни тарк этади.

Унинг ilk ижод дурдонаси «Назм ва ҳақиқат» юксак фалсафий-илмий руҳи билан мухлислар эътиборини ўзига тортди. «Ганимед» (1774)



фалсафий шеъри Гёте талантининг юксаклиги намоён этиди. Гёте 1600 та шеър ижод қилган. Бу шеърларнинг ҳеч бирини саёз ёки қуруқ сатрлардан иборат деб бўлмайди. Ҳар бир шеърда ёниқ фикр, катта фалсафа кўзга ташланади. «Прометей» (1773), «Гец фон Берлихинген» (1771), «Ёш Вертернинг изтироблари» (1774) асарларида жамият ҳаётининг турли мавзулари ёритилади. Гёте ўз ижодига ўта масъулият билан ёндашади. Икки томлик «Вильгельм Майстер» романининг биринчи китоби устида 20 йилга яқин, иккинчи

китоби устида 20 йилдан кўпроқ меҳнат қилади.

Буюк шоирнинг «Фарбу Шарқ девони» билан яқиндан танишар эканмиз, 12 китобдан иборат асарнинг қуйидаги сарлавҳаларига кўзимиз тушади. «Кўшиқчи китоби», «Ҳофиз китоби», «Севги китоби» ва ҳоказо. Ҳофиз, Низомий, Фирдавсий, Саъдий ижодига бағишланган алоҳида боблар беихтиёр эътиборингизни ўзига тортади ва шоирнинг Шарқ мумтоз адабиёти намоёндаларига алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қарашига гувоҳ бўламиз.

Шоир «Фауст» (1773-1831) трагедияси устида қарийб 40 йил самарали ижод қилади. Бу асар жаҳондаги деярли барча халқлар тилларига таржима қилинган нодир дурдонадир.

Шоирнинг «Прометей» (1773) фалсафий драмаси антик замоннинг улуг сўз санъаткори Эсхилнинг «Занжирбанд Прометей» трагедиясига бир қадар ўхшаб кетса-да, Гёте драма сюжетини янгича йўналишга буради. Янги замон руҳига мос диалог ва монологлар билан бойитилган бу драмани Эсхил трагедиясидан кўчирилган дегувчилар ҳам бўлди. Гёте ўз драмасини янги образлар билан бойитади.

Энг муҳими шундаки, немис маърифатпарварлари ва театршунослари бу драмани илиқ кутиб олиб, юқори баҳолайди. Гётенинг «Вильгельм Майстер» романи икки томдан иборат бўлиб, романининг биринчи жилди «Ўрганиш йиллари» (1777-1796), иккинчи жилди «Саёҳат йиллари» (1807-1829) деб номланиб, адибнинг узой йиллик мутгасил ижод самараси ҳисобланади.

Гёте 83 ёшида 1832 йил вафот этади. Ундан қолган бой адабиёт мероси Жаҳон адабиёти зарварақларини безаб турибди.

Гёте ёлғизгина «Фауст» трагедиясини яратганда ҳам буюк бўлиш қоларди. Бу асар асрлар оша неча замонлар ўзгарса ҳам, тарихда янгича даврлар бошланса ҳам инсоният орзу-умидлари, фикр ва мақсадларига ҳамоҳанг тарзда яшаб қолаверади. Инсоният эса миллати, ирки, динидан қатъи назар бу асарни ўз мулки сифатида қабул қилиб, эъзозлаб асрайверади.

ФРИДРИХ ШИЛЛЕР

(1759-1805)



Марбах шаҳарчасида, ҳарбий табиб оиласида туғилган Фридрих жуда қийин ҳаёт кечириди. Унинг ёшлиги ҳарбий доиралар орасида ўтади. 1780 йилда ҳарбий академиянинг медицина факультетини битиради. Ёшлигидан бошлаб шеърятга ихлос қўяди. Жан Жак Руссо, Лессинг, Шекспир асарларини севиб ўқий бошлайди.

Биринчи энг йирик ижод намунаси бўлмиш «Қароқчилар» (1781) Шиллер номини тезда машҳур қилади.

Шундан сўнг «Фиеско фитнаси» (1874), «Дон Карлос» (1787), «Макр ва муҳаббат», «Орман қизи», «Вильгельм Тель» каби асарларини маҳорат билан яратади.

Драматургнинг «Валленштейн» (1796-1799) трилогияси ўз даврида ўзининг юксак баҳосини топган эди.

Шиллер маҳоратини кўз-кўз қиладиган «Макр ва муҳаббат» трагедиясидир. Трагедиянинг номига берилган ташбеҳдан ҳам сезилиб турибдики, унда бир-бирига қарама-қарши ҳаёт кўрсатиб берилган. Асар 1784 йил 9 май куни Мангейм театрида намоён этилгандан сўнг, Шиллерга бўлган ҳурмат-эътибор ниҳоятда ошиб кетади.

1788 йилда Шиллер Рудольштат шаҳрида замондоши Гёте билан учрашади.

Бу икки улкан адиб деярли бир даврда яшаб, ижод этади. 1856-1861 йилларда Шиллернинг тўққиз томлик асарлар тўплами Россияда чоп этилган эди. Ўша даврларда Россиядаги адабий жамоатчилик Гёте ижодидан кўра Шиллер асарларини кўпроқ ўқирди. Россия саҳналарида ҳам Шиллернинг асарлари кўпроқ намоён этиларди.

Шиллернинг илмий-фалсафий дунёқараши ҳам ниҳоятда кенг бўлиб, унинг «Сентиментал поэзия ҳақида», «Трагедия санъати ҳақида», «Инсоннинг эстетик тарбияси ҳақида мактублар» каби илмий мақолалари университет ва коллежларда таҳлил қилинади. Гёте билан ҳамкорликда «Хорен» номли илмий-адабий журнал чоп этади. Шиллер баллада яратишнинг моҳир устаси ҳамдир. Унинг балладалари «Хорен» журналида мутгасил босилиб туради. «Валленштейн» трилогияси учта трагедияни ўз ичига олади. «Валленштейн қароргоҳи» (1792), «Пикколин» (1795), «Валленштейн ўлими» (1799) деб номланиб, Геймар театридан тушмасдан намоён этиларди.

Шиллер романтик руҳдаги «Мария Стюарт», «Мессин келини» трагедияларида антик адабиёт анъаналарини ўзига хос руҳда давом эттиради.

«Қароқчилар» трагедияси Шиллер истеъдодининг юксаклигини, дунёқарашининг кенглигини намойиш этувчи асардир. Бу асар ҳали Шиллер ҳаётлигидаёқ Германиядан бошқа мамлакат сахналарида намойиш этилади. Айниқса, Париж театрлари трагедияни орзиқиб, ташналик билан қабул қиладилар.

Трагедияда ҳукмдор билан оддий халқ ҳаёти бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Ҳукмдор Фиеско гоҳида осуда ва сокин ҳаётни кўмсаб қолади. Ҳукмдорнинг атрофида ҳамма вақт хавф-хатар яшириниб юришини таъкидлайди. Беҳисоб бойлик, мол-дунё, турли хил фитна ва қотилликларни ўзи билан бирга етаклаб юришга ишора қилади.

Шиллернинг «Қароқчилар» трагедияси XIX асрнинг 80-йилларидаёқ Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида рус-татар драма труппаси томонидан намойиш этила бошланган эди. Шиллер ижоди Марказий Осиёда драма жанрининг ривожига катта таъсир ўтказган.

ВАЛЬТЕР СКОТТ

(1771–1832)



Англия романтизмнинг байроқдорларидан бири, Скотт юрист оиласида туғилган. Ота изидан бориб, университетни ташлаб ҳуқуқшунослик билан шуғулланади, 1792 йилда адвокат бўлади. Халқ оғзаки ижодини жон-дилидан севади. Шотландия тоғларида қишлоқ аҳлидан қаҳрамонлик ҳикояларини кўп эшитади. «Шотландия чегарасидаги поэзия» номли икки томлик (1802–1803) балладалар тўплами шоир номини машҳур қилиб юборади. Скотт Гётенинг «Гец фон Берлихинген» трагедиясини ёзганда кўплаб балладаларни таржима қилади ва шундан кейин унинг таржимачилик санъатини ҳам мукамал эгаллаб олади.

«Монастирдаги охириги кўшиқ» (1805), «Марион» (1808), «Кўк қуши» (1810), «Қоя хўжайини» (1828) каби поэмалари нашр қилинади. Бундан ташқари, Шотландия ҳақида қатор романлари мавжуд.

Проза ва поэзия Скотт ижодининг икки қиррасидир. Адиб қатор поэмалари ва романлари билан шуҳрат қозонган. Ўттизта тарихий роман, повест, ҳикоялар муаллифидир. Робен Гуд ҳақидаги ҳикояларга ҳам мурожаат этади. Шотландия ва Англия ҳақида туркум асарлари юзага келган. «Уэверли» (1814), «Гай Маннеринг» (1815), «Лембург келини» (1819), «Мантроз ҳақида ривоят» (1819), «Черко» (1820), «Сент-ранин суви» (1824), «Қароқчи» (1821) «Нигел гарой» (1822), «Башоратгўй» (1825), «Перт гўзали» (1828), «Анн Гейерештейн» (1829), «Граф Роберт» (1832), «Хавфли қулф» (1832) асарлари ижодининг ҳаммаси эмас. Айрим кезларда ҳатто бир йул

икки, гоҳида уч роман устида ишлаганига гувоҳ бўламиз. Сермаҳсул ижоди билан ўзига бебаҳо ҳайкал яратган.

Скотт Англия ва Шотландия тарихини бирдек биларди. Адибнинг бобоколонлари Шотландиялик бўлиб, Шотландия маданиятини, урф-одатларини, халқ оғзаки ижодини пухта ўрганган эди.

Вальтер Скотт тарихни яхши биларди. Ўзи Лондонда яшаса ҳам икки халқ тарихий ўтмишига катта қизиқиш билан қарарди. Унинг яратган кўпгина баллада ва поэмалари тарихнинг инъикоси бўлиб, ёзувчи икки халқ тарихига қайтадан ҳаёт бағишлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. «Монастирдаги охириги кўшиқ» (1805) «Марион» (1808) асарларида айнан мана шу тарихий ўтмиш воқеилигини қиламга олган эди. Энг муҳими, муаллиф икки халқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт тарафдори бўлади. Милумки бир неча йиллар Шотландия Англиянинг қўл остида эди.

Вальтер Скоттнинг «Роб Рой» (1917), «Пуританлар» (1816) ромнларида жамият, халқ, миллат масаласини кўтариб чиққан. Бу икки романдан ташқари «Уэверли» (1814) «Гай Маннеринг» (1815), «Антиквар» (1816) романлари ҳам «Шотланд романи» туркимига киради. Бундан ташқари, «Хўжайинининг ҳикоялари» номи остида туркум ҳикоялар тўплами ҳам эълон қилинди.

Вальтер Скотт ижодида «Мантроз афсоналари» (1819), «Эдинбург юбкаси» (1818) романлари алоҳида ўрин тутади. Бу романларда 17-йиллик тарих (1650–1750) ҳақида ҳикоя қилинади. Бу юз йиллик даврда Шотландия тарихида қанчадан-қанча воқеалар бўлиб ўтади.

ВАШИНГТОН ИРВИНГ

(1782–1859)



Вашингтон Ирвингнинг ота-боболари Галландиядан бўлиб, Американинг Вашингтон штатида кўчирилган эди. XVII–XVIII асрларда минглаб европаликлар ўз ихтиёрлари билан, айримлари мажбуран Америкага келтирилган эди. Ҳали ўша даврларда Американинг кўп қисмини ерли қабилалар эгаллаб олган, уларни сиқиб чиқариш ва бутун Американинг ҳукмронлигини қўлга киритиш учун европалик оқ танлиларни кўчириб келтириш ва уларга бир қанча имтиёзлар яратиб бериш керак эди.

Вашингтон Ирвинг икки акаси билан савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб, тезда оилани тиклаб олади. Анчагина саводга эга бўлган Вашингтон Ирвинг бир қанча муддат ҳуқуқшунослик билан ҳам шуғулланиди. Ўша пайтларда Америкада демократик тенденциялар

анчагина кучая бориб, содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳуқуқшунос назаридан ўтар, ҳуқуқшуносларнинг ҳурмати тобора ортиб борарди.

Вашингтон Ирвинг кўпроқ вақтини бадиий асарлар ўқишга, шеърлар ёд олишга сарфлаб, адабий ижод сари интилар, янги асарлар ёзишнинг орзу қиларди.

Келажакда ёзувчи бўлишдек туйғуни кўнглининг бир четига тугиб қўйган ёш Вашингтон савдо-сотикдан ҳам, ҳуқуқшуносликдан ҳам воз кечиб, Нью-Йоркка кетиб қолади. Нью-Йоркдаги адабий алоқалар билан ҳамкорликда Европа бўйлаб саёҳатга чиққанида ҳали эндигина ўн саккиз ёшга кирган эди. У дастлаб Лондонга борар экан, фаолиятини инглиз адабиёти намуналарини ўқишдан бошлайди. Ва инглиз адабий доиралари билан яқиндан муносабат ўрнатади.

Вашингтон Ирвингнинг мавқеини Америка адабиётида мустаҳкамлаган – 1819 йилда нашр этилган «Чизгилар китоби» дир. Ҳикоя ва очерклар тўпламидан иборат бу китоб, тезда сотилиб кетади ва ёзувчига ҳам моддий, ҳам маънавий катта бойлик келтиради. Бундан руҳланган адиб бадиий ижодга бутунлай шўнғиб кетади.

Вашингтон Ирвингни ирқ, миллатидан қатъий назар барча америкаликлар севар эди. У Америкага кўчиб борган европаликлар ҳаёти ҳақидагина эмас, Американинг ерли туб аҳолиси ҳақида ҳам анча мунча асарлар ёзган эди. Ўша пайтларда Африка ва Осиёдаги кўпгина давлатлар инглизлар қўл остида бўлиб, Африкадан негрлар, Осиёдан мусулмонлар ҳам Америкага олиб кетилган эди. Адиб Америкада яшаётган негрлар, мусулмонлар ҳаётини тасвирлашни ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Вашингтон Ирвингнинг кўпчилиги ҳикоялари саёҳатлари даврида эшитган афсона ва ривоятлар асосида битилган. Шу жиҳатдан олиқараганда, унинг «Арвоҳ куёв» ҳикояси ўқувчи эътиборини беихтиёр ўзига тортиб, сеҳрлаб олади.

Вашингтон Ирвингнинг афсоналар асосида битилган асарлари ҳам мавзу эътиборига кўра туркумларга ажратилиб алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Бундай туркум ҳикоялар «Хазина изловчилар», «Брей Брижхилл», «Ал-Ҳамро» деб номланиб, нашр этилгандир.

Вашингтон Ирвинг ўзи христиан динига мансуб бўлса ҳам мусулмон дунёсига бир қадар хайрихоҳлик билан қарайди. Ўша даврларда араб мамлакатларидан қўл сифатида олиб келинган араблардан тўли-туман ҳикоялар эшитиб, уларнинг бадиий тафсилотини яратади. Бу жиҳатдан «Ал Ҳамро» китобига кирган «Уч соҳибжамол ҳикояти», «Араб мунажжимининг ривояти», «Шаҳзода Аҳмад ал-Камал ёки ошиқ қаландар», «Ал-Ҳамро гули ёки маҳрам ва лочин қисси», «Марв васияти» каби ҳикоялари шулар жумласидандир.

Бу ҳикояларда арабларнинг донишмандлиги ҳақида сўз юритади. Вашингтон Ирвинг «Муҳаммад тарихи» китобида ҳам Муҳаммад

пайгамбарнинг доно, ақлли, донишманд киши бўлганлигини хайрихоҳ ва ихлос билан таърифлаб, пайгамбар Мустафо (с.а.в) тарихига оид муҳим манбаларни бериб ўтади. Бу асар жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган.

Вашингтон Ирвинг Америка адабиётининг кейинги тараққиётига улкан ҳисса қўшган улкан адибдир. Улуғ Америка адиби Марк Твен уни устозим деб тан олган. Айни чоғда, Марк Твеннинг кўплаб юмористик руҳдаги ҳажвиётлари Вашингтон Ирвинг ижодини эсга солади.

ФРЕДЕРИК СТЕНДАЛЬ

(1783–1842)



Стендаль ҳақиқат излаб, ижод қилган адиб. У миллионлаб жаҳон китобхонлари қалбига ҳақиқат сўзини олиб кирди. Роман ва хилма-хил мавзудаги новеллалар муаллифи Франция адабиётининг машҳур сўз саъяткори, «Кизил ва қора», «Парма ибодатхонаси» романлари, «Италия хроникалари» номли новеллалар тўпламлари билан ихлосмандлари қалбини забт этди.

«Рим бўйлаб саёҳат», «Неапол», «Флоренция», «Италия тасвирий санъати тарихи», «Гайди», «Мо-

шир ва Мотастазм ҳаёти», «Гасин ва Шекспир», «Худбиннинг хотири», «Расининг ҳаёти» каби асарларининг ҳаммасида жамият ҳаёти билан ҳақиқат қидиради. Эҳтимол унинг асарлари шунинг учун қимматли ҳақиқатпарвар халқ дилига яқиндир.

Стендаль изланувчан адибдир. У ҳар доим ёзилажак асари учун мавзунини қидириб юради. Адиб мавзунини ҳаёт ҳақиқатидан қидиришини қўлдан кўрмади. Бунинг учун одамлар орасида бўлади, газета ва журнал муаллифларини варақлайди, тарихни мукаммал ўрганади.

1817 йили босилган ўспирин ҳақидаги бир хабар, айниқса, унинг қимми олинган «Ҳақиқатни севардим» деган сўзларидан ёзувчи қатъий қарорга тушади ва ҳаётнинг барча икир-чикирларини бир четдан кўриб, «Кизил ва қора» романини ёзишга киришади.

«Кизил ва қора» ёзувчининг ёрқин ижод намунаси. Бу роман юзлаб миллиончи ҳам бир қатор асарлар ёзиб, қаламини синаб кўрган эди.

«Кизил ва қора» тарихий асар эмас. Газета воқеаси ёзувчига шунинг ижодий туртки бўлади. Стендаль ўз олдига ижтимоий психологик роман ёзишни мақсад қилиб қўяди.

Романи адиб ўзи яшаган замонга, яъни Фрунцуз ҳаётига хос ҳаётнинг муҳаббатини тасвирлаб беради. Жюльеннинг севгиси юрак амри билан эмас, шунинки ички бир ҳавасдир.

Стендаль деярли барча асарлари учун ҳаётий воқеаларни асос қилиб олади. «Ушбу қисса 1830 йили Париждан уч юз аё» наридаги бир жойда ёзилган; Шу боисдан ҳам асарда ҳозирги, 1839 йил воқеаларига алоқадор биронта ҳам гап йўқ деган эди ёзувчи ўзининг «Парма ибодатхонаси» асарининг муқаддимасида. Гарчи адиб асар воқеасига алоқадор эмас, деб таъкидлаган бўлса-да, маълум даражада таъсир борлигини сезамиз. Бу сафар ёзувчи французлар ҳаёти ҳақида эмас, италянлар тарихидан қалам суради.

«Менинг қиссамда тасвирланган қаҳрамонлар французларга сир ўхшамайди», деб таъкидлайди ёзувчи.

1830 йилда «Парма ибодатхонаси» асарини ёзишни бошлаган адиб 1796 йил Милан воқеаларига қайтади. Асарнинг асосий қаҳрамон Фабрициога таъриф берар экан, адиб шундай ёзади: беҳад юксак кайфиятли йигит эди, шу боисдан ҳам у тенгдошларига таҳассул қилмас, масалан, ўзининг ишқий можароларига унча катта эътибор бермас эди. Турган гап, унинг маъшуқлари кўп эди, бироқ уларни ҳаммаси Фабриционинг ҳаётида ҳеч қандай из қолдирмас, лекин худди шунинг учун ҳам Фабриционинг ўзини кўпроқ севишарди. Унинг ўта совуққонлиги гўзал ва ёш аёллар билан бир қолипда кўп нар, шунинг учун ҳам ҳар бир ишқий можаро олдингисидан фаёз янги жозибаси билангина устун туради.

Асарда Графиния билан Фабрицио ўртасидаги ишқий эҳтирос жозибали лавҳаларда берилган. Фабрицио ўлгандан сўнг Парма ибодатхонаси хувуллаб қолади. Графиния учун энди ҳаётнинг, яшашнинг қизиғи йўқдек туюлади. Шу туфайли бўлса керак, Графиния ҳам тез орада бу ёруғ оламдан кўз юмади.

Стендалнинг кўпгина асарлари ишқий саргузаштларга бой. Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг ишқ-муҳаббат савдосининг турли мажароларига олиб киради.

Аслида бу можаролар ҳаётнинг ўзида ҳам турли хил кўринишда содир бўлмоқда эди.

ЖОРЖ ГОРДОН БАЙРОН (1788–1824)

Жорж Байрон инглиз адабиётининг атоқли вакили. «Чайльд Гора́льд зиёрати», «Шарқ дostonлари», «Кифир», «Дон Жуан» асарлари муаллифи.

«Шарқ дostonлари» тўпламига кирган «Гяур», «Абидослин», «Корсау», «Лара», «Коринф қамали», «Паризод» поэмалари ёзгандан сўнг муҳолифлари унга қарши турли хил тухматлар тартиришади. Шундан сўнг у Англияни бутунлай ташлаб чиқиб кетиб мажбур бўлади.



Байрон 1816 йил Швейцария пойтахти Женевга келиб республикачи Бонивар жасорати ҳақида «Шийлон тутқуни» асарини ёзади. 1817–1821 йилларда драматик асарлар туркуми яратади. Бу туркумда «Манфред», «Осмон ва Ер», «Каин» драматик асарлари бор эди.

«Дон Жуан» шеърый романи Байрон номини жаҳонга танитди. Асарда XVIII аср ҳаёти қаламга олинса-да, ўзи яшаб турган даврнинг энг муҳим воқеалари назарда тутилади.

Байроннинг кўпгина асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Байрон жаҳон адабиётида энг кучли

эстетий шоир сифатида машҳурдир.

Байрон ўзининг илк шеърлари биланоқ кўзга тез ташланади.

«Ньюстеддан кетиш олдида» (1803) деб номланувчи шеърый кўпчилик манзур бўлади. Шундан сўнг шоирнинг «Чоғланиш соати» (1807) шеърлар тўплами чоп этилади. Ун тўққиз ёшли шоирнинг ишқий маъшуқлари ҳаммаси лол қолдиради. Унинг шеърларидаги майинлик ишқий маъшуқларнинг ниҳоятда юксаклигидан далолат берарди.

Унинг 1809 йилда «Англия бойваччалари ва Эдинбург талқинчилари» номли ҳажвий руҳдаги поэмаси эълон қилинади. Бу поэмасида шоир мудраб қолган инглиз адабий жамоатчилигини сергакликка келтириши. Фақат пул, мол-дунё орттириш учунгина хизмат этувчи ўз вақтидаги инжонларни оёқ ости қилувчи ижодкорларни қаттиқ танқид қилади. Шоирнинг ижодкорларнинг асарлари қиролга ва сарой аҳлига ёқса бўлди, лекин инжонларнинг келажаги уларни заррача қизиқтирмайди, деган фикр-мулоҳазаларни ўтади. Эдинбург журнали таҳририятини эса кўрқоқ ва хурқат билан уларни тоифасига кўшади. Шу кетишда бўлса Англия адабиётининг келажаги тубан ҳолга тушушини ўйлаб, истеҳзо билан мийиб қўяди.

Байроннинг ижодида «Чайльд Горальд зиёрати» (1812) поэмаси алоқадор асарлардан бири бўлиб келади. Бу асарда шоир Европада авж олиб кетган романтизмнинг босқинчилиги урушларини қоралайди.

«Шарқ поэмаси» (1813) асарини кўп мамлакатларда бўлиб, кўп халқларга келгандан сўнг ёзади. Асарда ишқ-муҳаббат, инсоннинг қалбига қалб катта бойлик эгалатиши, инсоннинг на юлимлар, босқинчилар томонидан топталганини, инсоннинг қалбига қалб катта бойлик эгалатиши зорланиб, куйиниб куйилади. Шоирнинг иккинчи поэмаси «Корсар» (1814) «Шарқ поэмаси» асарининг давомидир.

Байроннинг таъкидлаганича, қабоҳат ва қотиллик ҳукмрон бўлган даврда инсоннинг қалбига қалб катта бойлик эгалатиши, инсоннинг қалбига қалб катта бойлик эгалатиши зорланиб, куйиниб куйилади. Шоирнинг иккинчи поэмаси «Корсар» (1814) «Шарқ поэмаси» асарининг давомидир.

амримаҳол, бундай жирканч жамиятда поклик, ҳақиқат, ишқ-муҳаббатнинг яқсон бўлиши турган гап.

«Дон Жуан» (1818–1824) романи устида қарийб олти йил ишласа-да, бироқ уни ҳали ниҳоясига етган деб ҳисобланмайди. Асар қаҳрамони Испания, Туркия, Россия, Канстантинополь, Лондон ва бошқа бир қанча жойларда бўлса ҳам асар қаҳрамони Дон Жуан турли-туман воқеаларнинг гувоҳи бўлади. Муаллиф ўз қаҳрамонини император ва қирол саройларига, ижтимоий ва сиёсий воқеаларга аралаштиради. Ҳамма жойда Англиядаги каби тартибсизликларни қабиҳликларни кўради.

Байроннинг ҳаёти ҳам шеърлари каби ҳаяжонга тўла. Шоирнинг ҳаёти катта бир сюжет чизигини ташкил қилади. У бутун борлигини ҳаётини инсониятга бағишлаган инсон эди. Шоир оддий, қашшоқ халқдан бутун борлигини аямайди. Барча ижодини қашшоқ халқнинг истиқболи ва келажаги учун бағишлайди. Оддий халқнинг турли йўллари билан алданиб келганидан нафратланади. Бу алдовни авом халқ тушунамайди. Байроннинг дунёқариши ниҳоятда кенглиги туфайли ҳар қандай алдов ва найранглар мағзини тезда чақа олади.

Байрон ўздан кейинги авлодларга жуда катта адабий мерос қолдирди. Ҳозирги кунда бу меросдан бутун жаҳон баҳраманд бўлмоқда.

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН (1799–1837)



Москвада дворян оиласида дунёга келган А. С. Пушкин 1812 йилги Ватан урушини ўз кўзи билан кўради. Ёшлигиданоқ халқ ижодига алоҳид меҳр билан қараган шоирнинг илк шеъри «Уйқу» (1816) халқ дилидан алоҳида ўрин эгаллади.

1811 йилда Петербург яқинидаги лицейда ўқиётган кезларданоқ адабиётга ихлос уйғонади. Кўп умрини сургунда ўтказади. Кўп шаҳарларда ижод билан машғул бўлади. «Кавказ асири» (Грузияда), «Боқчасарой фонтани» (Боқчасаройда) асарларини битали, Одесса, Михайловск, Москва, Кишёнёв, Оренбург шаҳарларида бўлади.

Унинг «Эркинлик» (1817), «Қишлоқ» (1819), «Ҳайкал» (1836) каби шеърлари талантининг ноёб жавоҳирларидир.

Шоирнинг «Руслан ва Людмила», «Тавриллиада», «Ака-ука қароқчилар», «Кушлар», «Граф Нулин», «Полтава», «Коломнадаги уй», «Анжелла» «Мис чавандоз» поэмалари турли мавзуларга бағишланган бўлса-да, халқ қалбидаги дардга малҳам бағишлайди.

А. С. Пушкин асарларининг бош қаҳрамони асосан халқдир. Шоирнинг учун ҳам шоирнинг асарларини халқ севиб ўқийди. «Борис Г

Годунов» трагедиясида эса бош қаҳрамон халқ ҳаётига, унинг орзу-мушкулларига қарши туради. Халқни алдаб, зулмни кучайтирган золим Борис Годунов образи, «Хасис рицарь» трагедиясида катта бойликнинг мудҳиш аломатлари – ота билан ўғилнинг бойлик талашиб раъна душманларга айланиши воқеаси кўрсатиб берилган.

1820 йилда Пушкинни исёнкор шоир сифатида айблаб, жанубга сургун қилинади. Шоирнинг «Эркинлик» одаси халқ олқишига сазовор бўлиб, кўп нусхаларда тарқалади. Бу одани ёдлаб, қўшиқ қилиб, айтаётган бўлади. Шоирнинг сургун қилинишида ҳам «Эркинлик» одаси сиёсий сабаб қилиниб кўрсатилди.

Пушкин бу шеърини Тургенев уйида, қуюқ суҳбатдан сўнг ёзган эди. Бу суҳбат подшоҳ зулмидан зорланиш, мамлакатда ҳукм сурган ноҳақликлар ҳақида, бойлик тўплаш йўлида ҳар қандай жирканч ишлардан қайтмайдиган бир тўда зулмкорларга нафрат руҳида бўлган эди. Суҳбатдан сўнг Пушкин дераза ёнига ўтириб узоқларга қарайди.

Тургеневлар уйининг деразасидан Михайловский саройи аниқ кўришиб турарди. Шоир нафрат тўла кўзларини саройга қараб шундай ёзди:

*Эй, ёвуз ҳукмрон, бадкирдор золим!
Нафратларим сенга, тоғжу-тахтинга,
Сенга ва наслинга келаркан ўлим,
Қаттиқ севинч бўлиб кўринар менга.
Сенинг пешанангда, эй зулм шоҳи!
Халқлар ўқир аниқ – лаънат тамғаси.
Сен жаҳон даҳшати, сен олам доғи,
Сен ерда, тангрига халқлар тавнаси!*

Пушкин бори-йўғи йигирма йил ижод қилди. Шу қисқа йигирма йиллик ижодий фаолияти билан жаҳон адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Оқинда шоирлар қишлоқда яшайди. Ҳаётнинг оғир сўқмоқларида яшарди. Пушкин ҳаётидаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, қийинчиликлар, эҳтимол улуғ бўлиб кетиши учун йўл очиб бергандир. Шоирнинг ҳар бир шеърида ёниқ дард бор. Бу шундай дардки, қалб-шишизининг бир четини чертиб ўтади. Бир шеърини ўқиб бўлгандан сўнг, яна бошқасини ўқигингиз келади.

*Рухим яна уйғонди бу дам.
Яна унда тирилди нажот;
Яна дилда худо ва илҳом,
Кўз ёши-ю, муҳаббат ҳаёт.*

Айтишларича, муҳаббатни улуғлаган, муҳаббат каби барҳаёт бўларкан. Шоир муҳаббат каби мангудир.

ГЕНРИХ ГЕЙНЕ

(1797–1856)



1827 йилда немис шоири Гейненинг «Кўшиқлар китоби» шеърлар тўплами босилиб чиқади. Тўпلام беш қисмга – «Ёшлик азоблари», «Лирик интермедия», «Ватанга қайтиш», икки қисмдан иборат «Шимолий денгиз» силсиласига бўлинади. 1830 йилда Гейне иккинчи йирик асари «Йўл лавҳалари» очерклар тўпламини ёзади. «Силезия тўкувчилари» (1844) шеъри, «Германия. Қиш эртаги» достони (1844)да шоир ватанининг озодлиги ва келажagini куйлайди.

Гейне шеърлари фақат немислар диёрида эмас, бутун дунёга машҳурдир. «Кўшиқлар китоби» (1827) ҳақиқатан ҳам инсон қалбининг исёни, нидоси, туганмас кўшиғидир. «Ёшлик азоблари», «Лирик интермедия», «Ватанга қайтиш», «Шимолий денгиз» (икки қисм) деб номланувчи бўлимларида Гейненинг шоирлик таланти ниҳоятда юксак эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу тўпلامдаги шеърлар ўзининг майинлиги, мунглилиги, таъсирчанлиги жиҳатида С. Есенин, А. Пушкин лирикасига ўхшаб кетади. Ўқишлилиги билан ажралиб туради.

Гейне фақат дилбар шоиргина эмас, у очеркист ва ҳикоянави ҳамдир. Унинг «Йўл лавҳалари» (1839) асарида ватани бўйлаб саёҳатлар давомида ўз кўзи билан кўрган, билган, эшитган воқеаларни ҳикоя қилади. Қатор очерклар туркумидан иборат бу асарида ниҳоятда ҳаётий ва ишонarli тарзда баён этилган воқеалар тасвири дуч келамиз.

1830 йилда немис халқи тарихида катта сиёсий воқеа бўлиб ўтади. Июл инқилоби Гейне ҳаёти ва ижодига ҳам катта таъсир ўтказди. Бундай сиёсий воқеалардан Гейнедек улуғ сўз санъаткорининг чет туриши мумкин эмасди. Шоир ўзининг сиёсий қарашларини кейинчалик «Силезия тўкувчилари» (1844) асарида тўла-тўқис баён қилган. Силезия фабрикаси ишчиларининг иш ташлаши, катта сиёсий масала билан намоёнлар ўтказиш ва бу ҳаракатнинг кўзгалонга айланиб кетгани ҳақида ўша пайт ва кейинчалик Герб адабиёти кўплаб асарлар юзага келган эди.

Гейне ижодининг гуллаб-яшнаши Париждаги муҳожирлик даври бўлди. Шоирни исёнкор руҳда шеърлар ёзгани учун таъқиб этадилар. У 1830 йилда Францияга кетишга мажбур бўлади. Шоир Париж адабий муҳитига тезда яқинлашиб, кўплаб шеърлар битади. Айниқса «Германия» (1844) достони, «Куллар кемаси» балладаси шоирга катта шухрат олиб келади.

Генрих Гейненинг «Германияда фалсафа ва дин тарихида» асари шоирнинг фалсафа илмининг назарий асослари ҳақида чуқур билимга эга эканлигидан далолат беради. Бу асарида адиб ўз даврининг бир қатор файласуф тадқиқотчиларини кескин танқид остига олади. Сийқаси чиққан эски мавзулар ва иборалар билан машғул бўлган айрим файласуфларни ҳажв остига олади, уларнинг устидан киноя билан кулади. «Мен ўз асаримда айрим файласуфларнинг кулгили сўзларига эътибор қаратаман», деб таъкидлаган эди Генрих Гейне ўз илмий қарашларида.

Жаҳон фалсафа фани тарихи ва назариясини ўрганиш жараёнида юқоридаги улуғ файласуфлар қаторида Генрих Гейне ижоди ҳам алоҳида илмий тадқиқ этилади.

ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК

(1799–1850)



Оноре де Бальзак ўз ижоди орқали ўнлаб ёки юзлаб образларнинг эмас, бутун бир Француз жамиятининг кўзгусига айланди. Рус адиблари Л. Н. Толстой, В. Г. Белинский, Салтыков-Шедрин, Н. Г. Чернышевскийлар Оноре де Бальзак ижодини мана шундай юксак даражада баҳолаган эдилар.

Бальзакнинг буюклиги шундаки, у инсон образини жамиятга олиб чиқади. Инсон ўз дунёқараши билан жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги ноҳақликлар, разолат, зулм исканжасига қарши исён кўтаради.

Бальзак «Бир йилда икки учрашув» (1831), «Евгений Гранде» (1833) қиссаларида, «Цезарь Биротто» (1837) романини Француз жамиятининг ўтмиши ва ўзи яшаган жамият ҳақида фикр юритади.

Бундан ташқари, О. Бальзакнинг фалсафий ва сиёсий руҳдаги мақолалари ҳам талайгина. «Меҳнат ҳақида мактаб» (1838), «Ишчилар ҳақида» (1840) каби илмий-фалсафий руҳдаги мақолаларида ўзи яшаган ишчилар образи бир қадар жамият ҳаётидан ва унинг ижтимоий сиёсий воқелигидан анча илгарилиб кетганлигини намоён қилиб ўтди.

О. Бальзак ижодида унинг «Гарио ота» романи алоҳида ўрин эгаллади. Жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган бу романда Нул. бойнинг ҳамма нарсадан, ҳатто инсоний туйғулардан ҳам, ота меҳридан ҳам устун туриши нафрат билан танқид остига олинган Гариолик, мансаб-мартабани ҳамма нарсадан устун қўйувчи французлар устидан кулади.

Оноре де Бальзак илк ижодий намунаси бўлиш «Гобсек»да инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Гобсек ким ўзи? Катта ҳаёт тажрибасини бошидан кечирган. Ҳиндистонга ҳам бориб келган. Ўз фалсафаси, ақл-идрокли инсон. Жамиятдаги ўрни қандай? У бойликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Дунёни олтин, пул бошқаради, деб ўйлайди.

Оноре де Бальзак ижодининг бош мезони жамият. Жамият ва инсон. Унинг 1831 йилда ёзилган «Оҳанрабо ёки афсунгар» асариди ҳам ёш адиб Рафаэл қисмати ва унинг фожиали ҳаёти қаламга олинади. Инсон жамиятнинг олдида бир заррадир.

Жамият ва инсон образи Бальзак ижодининг асосий фалсафасига айланиб қолган. «Инсон комедияси» Бальзак ижодининг гултожидир, аниқроқ қилиб баҳо берганда, жаҳон адабиёти хазинасининг дурдона асарларидандир.


«Инсон комедияси» уч қисмдан иборат. Биринчи қисм «Ҳақиқат ҳақида лавҳалар», иккинчи қисм «Фалсафий лавҳалар», учинчиси «Қиёсий лавҳалар» деб номланади. Биздан аввалги таҳлилшунослар этюд деб номлаган, биз эса этюд сўзини лавҳа деб номладик. Сизга қайси ибора маъқул бўлса шуни ишлатарсиз.

Бир сўз билан айтганда «Инсон комедияси»га кирган асарларда жамият ва қашшоқлик, жамият ва танҳолик, жамият ва мунофиқлик, жамият ва бойлик, жамият ва ижод, жамият ва ўғрилиқ, жамият ва ҳақиқат, қийинчилик унинг яратган образлари жамиятнинг бир бўлаги сифатида ўз қиёфасини намоён этади.

Адибнинг яратган Евгений Гранде, Шабер, Мишель Кретьен, де Артез, Дервиль образлари ҳаётнинг турли хил қирраларида фаолият кўрсатадилар. Бу образлар билан боғлиқ яна кўплаб қиёфаларга дуч келамиз. Бундай турфа қиёфалар О. Бальзак яратган бадий ҳаётни безаб турибди. Ёзувчи кўрган, билган ва тасаввурдаги ҳаёт ҳам аслида шу хилдаги инсонлардир.

ВИКТОР ГЮГО

(1802–1885)



Безансон деган жойда туғилган Француз адиби Гюго ижодини жуда эрта бошлайди. Ўн беш ёшга тўлганда унинг илк шеъри Француз академиясининг мукофотиغا сазовор бўлади. «Бюг Жаргаль» (1818) новелла-романи чоп этилганда ўн олти ёшда, 20 ёшга тўлар-тўлмас биринчи шеърлар тўплами чиққан эди.

Виктор Гюго раҳбарлик қилган адабий тўтаракка Сент-Бёв, Мюссе, Виньи, Александр Дюма каби адиблар қатнашар эди. «93-йил» (1874), «Аср

афсоналари» (1883), «Янги одам» (1824), «Хўрланганлар» (1862), «Денгиз заҳматкашлари» (1866) каби асарлари жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган.

Айниқса, адибнинг «Денгиз заҳматкашлари» романидаги Жильет образи ниҳоятда катта маҳорат мевасидир. Жильет қиёфасида жасорат ва матонат эгасини кўрамиз. Денгизда қирқ оёқли махлуқ билан ёпишуви ўқувчини ҳаяжонга солади. Ўз синглиси билан тасодиқий учрашган қаҳрамон тақдир ўйинига тан беради.

Адиб жамиятдаги ҳақсизликларни қаттиқ танқид остига олиб фонтани учун бир неча йиллар қувгинликда юради. Ниҳоят 1870 йилда 20 йиллик қувгиндан сўнг ўз ватанига қайтиб келишга муваффақ бўлади.

Виктор Гюго кўрган, билган, эшитганларини ҳаёл дарёсига оқизиб беради. Негрлар, кулларни исёнга даъват этади. Бу исёнкорларга Бюг Жаргални раҳбар этиб тайинлайди. Исёнкорларни шафқатсиз курашга, ўз ўрки ва озодлиги йўлида мардонавор жанг қилишга чорлайди. Озодлик йўлида ҳеч нарсадан ва ҳаттоки ўлимдан ҳам кўрқмасликка чақирди.

Қарабсизки, фавқулудда ажойиб бир роман «Бюг Жаргаль» дунёга келади. Бу роман ўн олти ёшли ёзувчининг номини шон-шараф тўндастаси билан беади.

Виктор Гюго кейинги қиссасини «Ўлимга ҳукм қилинган охириги кун» деб номлайди. Бу қисса Француз китобхонларининг қўлидан қўлига ўтиб ниҳоятда севиб ўқилади. Француз адабиёти қутилмаганда шундай катта талант ва истеъдод эгасига мушарраф бўлади.

Виктор Гюгонинг илк ижоди ҳарқанча юксак баҳога сазовор бўлмагани, унда ҳали мазмун ва шаклнинг номутоносиблиги, бадийликнинг қиёмига етмаган талқинлари сезилиб турарди. «Ажойиботлар қароргоҳи» асари адиб қаламининг чархланиб, бадий маҳорати юксалишидан далолат беради. Бу асари орқали тушкун кайфиятдаги, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб кўрмаган Эсмералда образини яратади. Шу романдан сўнг Виктор Гюгонинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги кучаяди, сиёсий қарашлари ортиб боради, ҳаёт жумбоқларини теранроқ англай бошлайди.

Виктор Гюго ўткир нотик ва публицист сифатида фаолиятини кучайтиради. Адиб авом халқни ўзлигини англашга, инсоний туйғу-сини улуғлашга, сарой қаллоблари томонидан алданиб қолмасликка чақиради. Бу хусусда фақат оташин нутқ сўзлаб қолмасдан, мавжуд тўғумга қарши норозилик кайфиятида бош кўтарган оддий халқ вакиллари билан елкама-елка туриб курашга отланади, норозилик намоёнлиқларида иштирок этиб, ўқ-оловларга тик боради.

Ёзувчи «Ажойиботлар қароргоҳи» романида 1832 йилги Париж қуралини ва баррикада тўсиқларида олиб борилган шиддатли жанг

тафсилотини берар экан, бу марди-майдонлар орасида ўзининг ҳам руҳан иштирок этаётганини тўлиқ намоён этади.

У «Қизил шапкача», «Гаврош» асарлари орқали инсонга хос бўлган энг олий фазилатларни — мардлик, жасорат, қаҳрамонлик намуналарини қаҳрамонлари қиёфасида кўрсата олди.

«93-йил» романида ўзининг келажаги, бахт-саодати учун курашувчи халқ вакиллари образини яратди. Романдаги Говен, Симурден, Урсус, Тельмарш оддий халқ вакиллари образидир. Бундай қиёфалар нима учун яшаётганини, нега курашаётганини, кимга ёрдам беришни ҳам тасаввур қила олмайдилар. Айни чоғда тўғри сўзли, қалби пок, бировга озор етказишни хоҳламайдиган инсон образидир. Золимлар бундай оддий одамларнинг кучидан қандай фойдаланиш йўлини биладилар. Бундай оддий халқ вакиллари кимга бўлса ҳам яхшилик қилишни, ёрдам қўлини чўзишни ўйлайдилар. Яхшилик қилиш олий ҳикмат, бу улар учун муҳим бир шиордир.

Виктор Гюго оташин шоирдир. Шоирнинг «Аср афсоналари» шеърлар тўпламидаги кўплаб шеърлар ҳали-ҳамон Француз халқининг сеvimли кўшиғига айланган. Бу шеърларнинг асосий қисми Француз халқининг тарихий ўтмишига бағишланган.

АЛЕКСАНДР ДЮМА

(1802–1870)



Француз адабиётида роман устаси сифатида шуҳрат қозонган адиб генерал оиласида туғилади. Орман герцоги Филипп қароргоҳида котиб бўлиб ишлайди. Парижда Виктор Гюго билан яқин алоқада бўлади. «Генрих III ва унинг саройи» (1829), «Антони», «Кин» драмалари театр ривожига катта рол ўйнайди. Юздан ортиқ тарихий-саргузаш романлар яратган. «Граф Монте-Кристо», «Уч мушкетёр», «Қора лола», «Ўн йилдан сўнг», «Йигирма йилдан сўнг», «Қиролича Марго» шулар жумласидандир. Адибнинг машҳур асари «Граф Монте-Кристо» (1845) романидир. Асар қаҳрамони Дантес афсонвий Монте-Кристо оролида туганмас хазина топиб, жуда бойиб кетади, ўзини Граф Монте-Кристо деб эълон қилади. «Қора лола», «Уч мушкетёр», «Граф Монте-Кристо» романлари ўзбек тилига таржима қилинган. «Ажал минораси» асари ўзбек саҳнасида ўйналган келинмоқда.

Дюма бутун умри давомида тинимсиз бадиий ижод билан машғул бўлади. Ўз даврининг бадиий ижод аҳилларини анча ортда қолдириб, байроқдор роман устасига айланади, номи ўз замонидаёқ

кейинги асрларда ҳам шон-шараф билан безалади. Унинг тўла асарлари тўплами 277 томни ташкил этади.

Дюма номини жаҳонга машҳур қилган романлари «Уч мушкетёр», «Йигирма йилдан кейин», «Виконт де Брежалон», «Асканио» кўпгина тиллаларга таржима қилинган.

Александр Дюманинг «Асканио» романи бадиий гўзаллик жиҳатидан «Уч мушкетёр» романидан бир қадар устун туради. Романда Асканио беғубор қалб эгаси, маъсума ва гўзал қиз Коломбага бўлган чин севгисини ардоқлаган йигирма ёшлардаги йигитча образида намоён бўлади.

Муаллиф ўз қаҳрамонлари билан таништириб бўлгач, уларнинг илм ҳасратларини шундай изҳор этадики, асардаги барча воқеаларнинг бадиий гўзаллиги диологлар тарзидаги эҳтиросли тўғёнлар силсиласига курилади.

«Асканио» романи Александр Дюманинг ёзувчилик маҳоратини кўч кўз қилиб турибди. Ёзувчи ўз романи учун шундай бир ажойиб воқеани тасвир гулшани қилиб олганки, энг муҳими шундай гўзал тарзда ранг бериб жилолай олганки, уни кўлдан туширмай ўқигини келлади.

Александр Дюманинг бошқа асарларида бўлгани каби, «Асканио» романида ҳам Юнон, Рим ва Франция ўтмишига оид жуда кўплаб тарихий манбалар билан танишиш шарафига эга бўламиз. Бу жиҳатдан олиб қараганимизда роман бадиий эҳтирос, битмас-туганмас чин шавқ ҳадия этса, иккинчи томондан ундаги тарихий саналар, номлар, жойлар, тарихий шахслар, маъбуд ва маъбудаларга тегишли афсоналар ўқувчи эътиборини ўзига тортиб, янгича бир олам билан таништиради. Айниқса, Дон Кихот ва Биатрича севгиси ҳақидаги воқеалар ўқувчини бир зум асар воқеасидан чалғитиб, янги бир дунё сари етаклайди.

Жаҳон адабиётида бундай гўзал тасвир «жавоҳирлар хазинаси» деб ном олган Александр Дюмагигина хосдир.

ПРОСПЕР МЕРИМЕ

(1803–1870)

Прокспер Мериме француз адабиётининг йирик вакили.

«Клери Гасул театри» (1825) илк пьесалар тўплами адибни XVIII аср мифрифтларвар гуманисти деган шарафга муяссар этди. Иккинчи тўплами «Гула» (1827) номи билан нашр қилинди. «Славян халқлари вақолиди» деб номланган балладаларининг халқ оғзаки ижоди вақолиди катта. «Жакерия» (1828) номли тарихий драмасида XIV асрнинг леҳқонлар кўзғолони тасвирланади.



«Карл IX асрда салтанати йилномаси» (1829) тарихий солнома тарзидаги романини нашр эттиradi.

У «Кармен», «Таманго», «Матео Фальконе», «Қўш хато» каби новеллаларни билан машхур.

Мериме 1848 йилги буржуа инқилоби, Наполеон III давлатининг тўнтарилишидан сўнг ҳам сермахсул ижод қилади.

Тарихий роман ёзиш анча мушкил ижодий жараёндир. Тарихни қайтадан тирилтириш, тарихий шахсларга жон ато этиш, воқеиликни ҳаёлий образлар билан тўлдириш ёзувчидан катта маҳорат талаб этади. Бунинг учун ҳам тарихчи, ҳам ёзувчи бўлиш керак.

Проспер Мериме мана шундай уста санъаткор эди. У ўзининг «Карл IX салтанатининг йилномаси» романида бутун бир тарихий даврни бадиий сайқаллаштириб беради.

Тарих йиллардан, саналардан, воқеалардан, манбалардан иборат. Ёзувчининг тарихий манбаларни бузиб кўрсатишга ҳаққи йўқ. Айни чоғда тарихий воқеиликни гўзал бадиий тасвирга олар экан, адиб ўз фантазиясидан маҳорат билан фойдаланади.

Тарихий мавзуга қўл урган ёзувчи, тарихий манбаларни синчиклаб ўрганadi. Фақат бадиий тасвирлаш санъатигина кифоя қилмайди. Мериме ўзининг тарихий романлари билан, ҳам тарихчи, ҳам санъаткор адиб сифатида машхурдир.

Ёзувчи ўз романига манба йиғиш мақсадида XVI асрнинг тарихий жараёнига оид кўплаб асарларни ўқиб чиққанлигини таъкидлайди. Ёзувчи фақатгина тарихий асарларни ўқиш билан кифояланмайди, ўша даврга хос афсона ва ривоятларни, ва ҳаттоки, латифаларни ҳам ўқиб чиқади. Тарихий асарда сана ва манбалар берилган бўлса, халқ оғзаки ижодиётида урф-одатлар, ҳар бир миллатнинг ўзигагина хос бўлган феъл-атворлар ҳам ифодасини топган бўлади. Муҳими шундаки, тарихчини манба қизиқтиради, ёзувчини эса инсон қиёфаси ва у тарихдаги инсоннинг тутган ўрнини тасвирлайди.

Романда қирол Карл IX нинг мунофиқлиги, разиллиги ўз ифодасини топган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қирол Карл IX ўта мунофиқ киши бўлган экан. Ўша даврларда Францияда Христиан дини ҳукмрон бўлиб, Протестантлик деган Христиан динига қарши оқим мавжуд эди. Ўз даврининг кўпгина илғор фикрли кишилари ўларига янги дин кашф этадилар. Христиан дини тарафдорлари Протестантларни черковга яқин йўлатмас эдилар. Генрих IV Протестант бўлиб, Маргарита Валуа билан никоҳдан ўтиши учун черковга боришини таққилаб қўйишади.

Карл IX Христиан дини черковидагиларга «Агар синглим Маргарита Валуанинг никоҳини тайин қилмасаларинг унинг никоҳини Протестантлар черковида ўтказаман», дейди.

Бундан кўринадики, қирол ўз замонасида кўпайиб кетган динларга бепарқ муносабатда бўлмоқда. Қиролнинг динга бўлган эътиборининг натижасда қирғин урушлар келиб чиқади.

Ёзувчи Проспер Мериме ҳикоя устаси. Унинг ҳикоясида турли-туман инсон қиёфаси чизиб берилади. Айни чоғда бу ҳикоялар ҳар хил мавзулардан ташкил топган. «Матео Фальконе», «Таманго», «Қўш хато», «Иль Венера», «Арсена Гийо», «Ховаранг хона» каби ҳикояларининг деярли барчаси бош қаҳрамон номлари билан аталган. Инсон образи етакчи ўринда туради.

Проспер Мериме ўз асарларида инсон образини яратишни бош мақсад қилиб қўйган ва бадиий ижодни инсон образисиз тасаввур қил қилолмайди. Унинг қайси асарини ўқиманг, инсон қиёфаси кўз ўнгингизда номаён бўлади. Асар воқеасини ҳам инсоннинг хатти-ҳаракатлари бошқаради.

ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС (1812–1870)



Чарльз Диккенс 1812 йилда дунёга келади. Бу даврда Англия тарихида муҳим воқеалар содир бўлмоқда эди. Бир неча йиллардан буён Напалеон тазйиқи остида таҳликада яшаётган инглиз халқи Напалеон кўшинларининг кўп қисмини Россияга, Москва остоналарига юборганидан фойдаланиб, инглиз кўшинлари мамлакатнинг бир қисмини эгаллаб турган француз кўшинларини тор-мор этиб, қолган қисмини ўз тупроғидан ҳайдаб чиқаради.

Ўз кўшинларининг инглизлар билан бўлган ашида мағлубиятга учрагани ҳақидаги хабар саркарда руҳиятига катта зарба бўлиб урилади. Натижада Кутузовнинг бир зарбасига дош беролмай, ватанига қайтади. Айни пайтда рус кўшинларининг француз кўшинлари устидан ғалабаси, инглизлар учун ҳам байрам наши-қисмига айланиб кетди.

Шундай қилиб, инглиз халқи учун ҳам хотиржам, осуда кунлар бошланди. Чарльз Диккенс мана шундай тинчлик замонасида ўсиб, улғаяди.

Диккенс покиза қалб эгаси бўлган. У ҳар қанча оғир ҳаёт кечирмасин, ҳаттоки бир бурда нонга зор қолган кунлари ҳам ўғирлик-ворга қўл урмас, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмас, жиноят кўчасига кирмас ва ҳеч кимга озор бермас, энг муҳими ўзгаларга оғирлиги кўнмаслиги ҳақида ўйларди.

Диккенс яшаган замонда ўғирлик, зўравонлик, қотиллик ва турли хил жиноятлар авжига чиқиб кетади. Шундай бир пайтда мамлакатдаги суд идораларига катта ваколатлар берилган эди. Суд маҳкамасидагилар бўлар-бўлмасга одамларни қамар, турли хил оғир жазоларга тортар эди. Мамлакат сиёсатдонлари эса, жиноятчиларни қамаш, жазолаш ва бунинг учун судга эркинлик бериш орқалигина мамлакатда тартиб ўрнатиш, тарбия чораларини кўриш мумкин, деб ўйларди.

Чарльз Диккенс суд ҳайъатига мактуб йўллагандан ва айниқса «Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» романи чиққандан сўнг мамлакат ахлоқий-тарбиявий ҳаётида кескин ўзгариш содир бўлади. Одамларни фақат жазолаш йўли билан мамлакатда тартиб ёки тарбияни йўлга қўйиб бўлмаслигини кўпчилик тушиниб ета бошлайди. Шундан сўнг тўлиб-тошиб кетган Англия турмалари, жиноятчилардан бироз санжоб бўлиб қолади.

Бадий асар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётига маълум даражада таъсир кўрсатган тақдирдагина, бундай асар миллионлаб ўқувчилар томонидан олқишлар билан қарши олинади. Чарльз Диккенснинг деярли барча асарлари шундай таъсир кучининг юксаклиги билан бебаҳодир.

Ёзувчининг биринчи романи «Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари» (1837) нашр қилиниши инглиз адабий жамоатчилигини катта воқеага айланди.

Романни қўлга олар эканмиз, Оливер ва у каби етим-дайди қашшоқлардан тинка-дармони қуриган болаларга дуч келамиз. Оливер онасидан эрта, ҳали гўдаклигидаёқ айрилган, шунинг учун ҳаёт уни ўзининг мудҳиш кўчасига олиб кирган эди.

Ёзувчи Оливер қиёфаси орқали ўнлаб ташландиқ болаларнинг тарли, ачинарли, даҳшатли ҳаётини кўрсатиб беради.

Ташландиқ болалар яшаш зарурати туфайли билиб-билмай турли хил боши берк кўчаларга кириб қоладилар. Англия суди эса уларнинг сабабини суриштирмай, тақдирига заррача қизиқмасдан, оғир жазоларга маҳкум этадилар, қамоқларга тикадилар, узоқ муддатли жазо тайин этадилар. Ёзувчи ўз асаридида жамиятда ҳукм сурган мана шундай «энг мудҳиш» иллатни қаттиқ танқид остига олиб келган.

Чарльз Диккенснинг асарлари жуда ўқишчи, ўқувчининг дилларини ўзига жалб этувчи, ифодавийлиги ва бадийлиги гўзал тарбия баён этилган. «Домби ва унинг ўғли», «Эдвин ва Друднинг сирини бошқа кўплаб юмористик ҳикоялари билан жаҳонга машҳур адиб Чарльз Диккенс қаерга борса, Англиядами, Америкадами у билан учрашиш ва унинг нутқини эшитиш ниятида бўлганлар минг кишиларни ташкил этар эди. Учрашиш жойларида ўтириш имкони яти бўлмасди. Йўлаклар, очик эшиклар кўчагача, сахналаргача у

мухлислари билан тўлиб кетар, деразаларни тумонат одамларнинг нигоҳи тутиб турарди. Чарльз Диккенс билан учрушув белгиланса, мухлислари бир неча кун илгари келиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб шарди.

Чарльз Диккенс жаҳон халқларига адабиётнинг нақадар юксак таъсир кучига эга эканлигини намойиш этган адибдир.

ТАРАС ШЕВЧЕНКО

(1814–1861)



Украина адабиётини тилга олганимизда беихтиёр кўз ўнгимизга Тарас Шевченко келади. Ҳар биримиз мактаб партасида ўтирган кезларимизда «Тарас Бульба» асарини завқ билан ўқиганмиз. Ҳақиқатан ҳам «Тарас Бульба» ўқувчини сеҳрлаш кучига эга бўлган, маҳорат билан ёзилган асардир.

«Ўлсам менинг жасадим Украинага кўмилсин», деб «васият» қилган эди шоир. У ўз юртини ниҳоятда севган. Ўз миллатини улуғлаган. Шоирдан Ватанни севишни, миллатни улуғлаш туйғусини

қилишга ўқиб олгингиз келади. Шоир «яхши гап» кутади, «лабларнинг илқ сўзи» эшитгиси келади, бироқ қалби «хофақон» бўлиб яшайди. Ватанини севади. «Туткунликда зерикаман, ёлғизман», «О, кўр одамлар!» шеърлари дил ҳасратлари бўлса ҳам, шоир Украина миллатини жаҳонга танитди. Келажакда албатта «Кўёш чиқажак, Нурида кўлик кириб кетажак», деб нидо қилади. Келажакка ишонч билан кўради.

Шевченко ижодини «Ҳаётнинг айнан ўзи», «Ҳаётнинг ёрқин кўзгуси» деб таърифлашлари бежиз эмас. Шу жиҳатдан шоирнинг «О, фанатлар» шеърини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Шоирнинг ўқир экансиз, беихтиёр Шевченко яшаган замонни эслаш. Шоир қандай қора кунларнинг гувоҳи бўлган деган саволнинг жавоби бўлади.

Шоир Нева дарёси устидаги кўприк устидан ўтиб борар экан, дарёнинг оқибатини оқизиб кетаётган дарёни кузатади. «Сокин тун қўйини кўр қор етар эди. Шундай қора тунда «лой кечиб» гўж бўлиб ўтиб бир гўда «кўзичокдай ювош» етим болаларни кўриб беҳад қайғуланади. Уларнинг кетидан «оқсоқланиб бир чол», гўёки кўзи-кўзидан «қўзичокдай» ҳайлаётгандек борар эди.

*Ҳидор қўйхонига, иснот эмасми,
О, қандай бахтсизлик! Ҳақиқат қани?!*


«Оч, юпун, бечора етимчалар»га шоирнинг ачиниш ҳисси ниҳоятда кучли. Чол етим болаларни «подалардек» ҳайдаб бораётганини кўриб қаҳри келади.

Асар охирида шоир ҳақиқатнинг қарор топишига, бир кун келиб қуёш чиқишига ишонади. Етимларга «подалар» дек муносабатда бўлган гуноҳкорлар жазосини топажасига ишонади. Ҳозир Украинага Шевченко орзу қилган замон етиб келди. Шоирнинг она юрти мустақилликка эришди.

*Шоир орзу қилган «ҳақиқат»
Топар албат, ахир қуёш чиқажак,
Нурида ёвузлик эриб кетажак.*

«Бир яхши гап кутади қалбим ҳамон», дея орзу қилгай шоирнинг авлодлар қутлайди, улуғлайди, шон-шарафлар билан безайди.

ГЮСТАВ ФЛОБЕР (1821–1880)



Флобер ижоди серқирра ва мазмунан бойдир. Аммо Флоберни жаҳонга машҳур қилган «Бавари хоним» романидир. Бу асар кўпгина тилларга таржима қилинган. Романи рус халқининг улус сўз санъаткорлари, адибнинг замондошлари И. С. Тургенев, Л. Н. Толстой завқ билан ўқиб, ёзувчи ижодига юксак баҳо берган эди.

Флобернинг бу романи ҳаётнинг ҳаққоний акси бўлиб, адиб ўзи яшаган жамиятга хос бўлган воқеаларни қаламга олади. Ҳаётга яқин асар ўқувчининг ишончини оширади, адиб номини машҳур қилади. Ёзувчининг «Саламбо», «Сезгилар тарбияси», «Авлиё», «Антонийнинг алданиши», «Бувар ва Пекюше», «Оддий қалб», «Қайд этилиши керак бўлган ҳақиқатлар лексикони» асарлари бой адабий мерос намуналари бўлиб, жаҳон адабиётининг жавоҳир хазинасидаги дурдона асарлардандир.

БЕРДАҚ (1827–1900)

Қорақалпоқлар ҳам бир миллат, бир элат. Улар ҳам ўз шоирлари санъаткорлари билан ҳақти равишда фахрланишади. Бердимурод Қарғабой ўғли (Бердақ) Орол денгизига яқин Оққала (ҳозирги Мўйноқ) деган жойда дунёга келади. Ота-онасидан эрта ажралган шоир, кун



кечириш учун овул молларини боқиб юради. Ана шу кенг яйловларда мол боққан кезларида, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўзича хиргойи қилиб юрарди.

Бердимуроддаги бу истеъдод уни дастлаб овул мактабига, сўнгра Қорақумдаги эшон мадрасасига етаклаб боради. Туркман, қорақалпоқ, хоразм, ўзбек, қозоқ тилларида бирдек кўшиқ куйлайди. Қаерга борса унинг оғзидан «Гўрўғли», «Алпомиш», «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам», «Тодир ва Зухра» тушмайди. Шунингдек, Фирдавсий, Навоий, Саъдий, Фувулий газалларини ҳам берилиб куйлаб келган.

«Подон бўлма», «Халқ учун», «Бўлган эмас», «Кўринди», «Булбул», «Қарамас», «Хасис экан», «Дод дема», «Шажара», «Хоразм», «Фарғана бой» асарлари ҳамон қорақалпоқларнинг севимли асарлари бўлиб келмоқда.

Бердақ шеърларини ўқиб лаззат оласиз. Шоир ҳақиқатдан ошкора сўзлайди. Ҳақиқат эса ўлмасдир, йўқ бўлиб кетмасдир. Бердақнинг қим номни ҳеч қачон ўчиб кетмайди. Қорақалпоқ халқи бу номни қалбнинг тўрида ардоқлаб, асрайди.

Бердақ ҳаётининг машаққатли сўқмоқларига дуч келади. Амакиси Кўчқорбойнинг қўйларини боқиб юрар экан, бийдай дилда ю дашларда ёлғизликдан зерикиб, кўшиқ хиргойи қиларди, биллиб-билмай шеър тўқир, ҳар нима бўлса куйлар эди. Овулма-овул кўриб, у ердаги аянчли ҳаётни ўз кўзи билан кўргани учунми, машаққатли яшаш тарзидан зорланиб ёзади:

*Отим Бердимурод, мен халқнинг ўғли,
Саҳрода сайровчи сайроқ булули.*

Шоир бутун ижодини ўз халқига бағишлайди. Ёш-бийларнинг болалари кўли узун, «газлама қўйлар» га эга бўлиб, ниҳонча уйларда яшагани ҳолда, «шоирнинг йиғламаган бирор кунини булган эмас».

Шундай бўлса-да, шоир ўзини бургут деб билади, гўёки бургутдек учиб юради. Шоир бургутдек осмонда учиб, ердаги ҳаётни кузатиши. Агар бирор ерга кўнса, яна хор-зор бўлади, «йиғлай-йиғлай эси кетили».

Бунинг устига шоир ўзини таҳқирланган, эзилган, жабру-жафодорни муфтало бўлган образ, «Адо бўлмас дард»ли дил сифатида намоён этади. Бошқа бир шеърида «ўн тилладан» солиқ солиниши сифатини қуриган, «ҳаттоки бир товуги йўқ» халқ бошига тушган оғир муфти, мусибат бўлганлигини зорланиб, бекларни қарғаб, нафратини аниқ ҳақиқат билан ифодалайди. «Юрак бағри тигланиб» яша-

ган шоир шеърлари, ўқувчининг ҳам бағрини тиглаб юборади. Бердақ шеърларида ғамгинлик ҳукмрон. Бугун эса шоир куйлаган қорақалпоқ халқи ўз хурриятига эришган.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ (1828–1910)



Граф оиласида, Ясная Поляна деган жойда туғилади. Адибнинг биринчи асари «Болалик» повестида ёшлик йиллари муфассал ёритиб берилган. Халқ кўшиқлари, ҳикоялар, ривоят ва афсоналарни кўп эшитгани айтиб ўтилган. Ўзига қарашли бўлган жойлардаги деҳқон болаларини ўқитиш учун 20 та мактаб очади. Бу мактаблар учун «Алифбе», «Ўқиш китоби» каби талай дарсликлар яратади. «Кавказ асири», «Ватан», «Ёшлик», «Ҳожимурод» каби асарлари кўпгина тил-

ларга таржима қилинган.

Лев Толстойни улуғлаган, жаҳонга машҳур қилган «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» романларидир.

Толстойнинг илк ижод маҳсули бўлган «Болалик» (1851–1856), «Ўспиринлик» (1852–1854), «Ёшлик» (1855–1856) асарларидир. Жаҳон адабиётида болалик ва ёшлик ҳақида асарлар туркумини юзага келтиради.

«Болалик» «Современник» журналида (1952) босилиб чиқади. Некрасов ёш Толстойнинг «Болалик» асари ва унинг «Современник» журналида босилганлиги муносабати билан қутлов тарзида хат ёзади.

Толстой бу мактубдан руҳланиб «Ўсмирлик», «Ёшлик» асарларини ёзиб «Соверенник» журналига юборади.

Лев Толстойнинг уч қисмдан иборат бу ижод намунаси, ўзига ҳақ трилогияни ташкил этади. Шундай қилиб, ёш адибнинг ўзига ҳақ ижод дунёси юзага келади.

1853 йилда бошланган Россия-Туркия урушида Лев Толстой биринчилардан бўлиб отланади ва Дунай ортида ҳаракатдаги армия прaporшик бўлиб хизмат қилади.

Россия-Туркия уруши шоир дунёқарашига катта таъсир кўрсатади. Уруш мавзусига бағишланган туркум ҳикоялари юзага келади. «Севастополь ҳикоялари» адиб ижодининг сермахсул намунаси бўлиб, уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган, воқеаларнинг восита иштирокчисига айланган қаҳрамоннинг дил изҳори эди.

Уруш тугагач, 1855 йилда Толстой «Современник» журнали фаолият кўрсата бошлайди ва Петербург ҳаёти адиб ижодининг гуллаган даврини бошлаб беради.

Шундан сўнг ёзувчи ҳикоядан катта жанрга ўтиш мавриди етганлигини сезиб, олти йилга яқин «Уруш ва тинчлик» (1863–1869) романи устида ишлайди. Бу роман илк марта «Рус хабарлари» журналида (1868–1869) узлуксиз босилиб боради. Энг муҳими бу роман атрофида турли хил мунозара ва мулоҳазалар шунчалик кўпайиб кетади. Бу асар ўша давр адабий жараёни учун фавқулотда янгилик сифатида юзага келган эди.

«Уруш ва тинчлик»дан ташқари ёзувчи уруш ҳақида кўплаб ҳикоялар битган эди. Эндиликда ёзувчи тинчлик мавзусига қайтиб, «Анна Каренина» номли дворянлар хонадонига хос бўлган аёл образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Лев Толстойнинг илгариги асарларида воқеалар тафсилоти кўпроқ тилиборда турган бўлса, «Анна Каренина» романида инсон қалбининг туб-тубигача, эзгу-ўйларининг олис шуъласигача кириб боради. Инсон деган улуг номнинг мукамал образини яратиш ёзувчи тилиборини қамраб олади.

Ёзувчи ўз романида Буюк Темур замонасига хос воқеликни, тарихий ҳақиқатни кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Лев Толстой буюк ёзувчи эди. У ўз романини шундай сўзлар билан бошлайди. «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, ҳар бир бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир».

Ёзувчи оила муаммосини давлат сиёсатига боғлайди. Давлат сиёсатининг жамият, оила ва инсон тақдирида муҳим рол ўйнашини ташкиллаб ўтади. Ёзувчининг бу романи кишилик жамияти тараққиётини муҳим ўрин тутаети.

Роман 1873 йил март ойида ёзиб бошлаган ва 1877 йилда якунлаган.

ЖЮЛЬ ВЕРН (1828–1905)



Илмий фантастик ва саргузашт асарлар муаллифи, француз ёзувчиси Жюль Верн «Ҳаво шариди беш ҳафта» номли биринчи романи билан жуда машҳур бўлди. Умри давомида 65 томдан иборат илмий фантастик ҳамда ҳажвий романлари сериясини яратди. «Ер марказига саёҳат», «Ердан Ойгача», «Ой атрофида», «Ўн беш ёшли капитан», «Капитан Грант болалари», «Сузиб борувчи орол», «Остин-устун», «Сув остида 20000 километр» асарлари китобхонларнинг севимли асарларидир. 6 та романи ўзбек тилига таржима қилинган.

«Ўн беш ёшли капитан» асари жаҳон болаларининг севимли китоби бўлиб, мактаб дарсликларидан ўрин эгаллаган. Жюль Вернга олим-адиб деб бекорга таъриф беришмаган. Ёзувчи хаёлий-илмий саргузаштлари орқали илм-фаннинг куч-қудратини ҳам маҳорат билан намойиш этади.

У жаҳон адабиётида илмий-фантастиканинг асосчиси деган шарафли ёрликқа мушарраф бўлади.

Бу жиҳатдан, айниқса, адибнинг илк ижод намуналаридан бўлмиш 1864 йилда ёзилган «Ер марказига саёҳат» асаридан тортиб 1896 йилда ёзилган ижодининг сўнги саҳифаларидан бири бўлмиш «Барсак экспедициясининг ажойиб саргузаштлари» асари орқали илмий-фантастика хазинасининг дуру-жавоҳирлар билан безади.

Адибнинг «Ўн беш ёшли капитан» асарини ўқимаган ёки бадиий фильмини кўрмаган киши бўлмаса керак. Бу асар ёшларни мардлик ва жасорат майдонига етаклайди. Катталарда эса Дик Сандга нисбатан ҳавас, меҳр-муҳаббат уйғотади, ўз фарзандларининг шундай ажойиб қалб эгаси бўлиш орзуси тамон етаклайди.

Қани энди имконият бўлса «Ўн беш ёшли капитан» асарини тўлалигича ушбу китобга кўчириб қўяқолсак. Зероки, ўқимаган китобхонлар бу романни яна ўқиб олса, ўқиганлар эса илгари олган таасуротларини қайтадан тикласа.

Дик Санд мусибатлар олдида эсанкираб қолмайди. Ёш бўлишига қарамасдан катталардек мушоҳада юритади.

Китнинг ҳужуми туфайли кема ҳалокатга учраб, Капитан Гуль ва бешта матрос ҳалок бўлади.

Ўн беш ёшли Дик капитан бўлгандан сўнг, унинг орзулари бирмабир ушала бошлайди. У ўзини катталардек тутар, жиддий, мустақил фикрловчи, довурак, ҳар бир ишни эпчиллик билан бажарувчи сергайрат йигит эди. Шунинг учун ҳам одамлар унга ишона бошлашади. Кўл остидагилар эса бу ёшгина капитанга ўрганиб, итоат қила бошлайди.

«Гап ёшда эмас, бошда», «Бола бошидан билинади», деган халқ мақоллари роман воқеалари қатига сингдириб юборилган.

ГЕНРИХ ИБСЕН (1828–1906)

Норвегиянинг Шиен шаҳрида туғилади. 8 ёшга етганда отаси ва фот этиб, ҳаётнинг оғир сўқмоқларига эрта қадам қўяди. Гимназия ўқиб юрган кезларидаёқ ўзининг зеҳни ўткирлиги билан ажрала туради. Кейинчалик аптекада ишлаб юрган вақтида ҳам тинимсиз бадиий асарлар ўқийди. Ижоди шеър ёзиш билан бошланди. Унинг



биринчи драмаси «Жатлина» (1848–1849) 20 ёшли ижодкорга шуҳрат олиб келади.

«Сиёсатчи севгиси», «Ивон кечаси», «Зиёфат», «Гельгеландаги урушлар» каби асарлари жаҳондаги кўпгина тилларда таржима қилинган.

Адиб ижодининг гуллаб-яшнаган даврида «Пер Гюнт», «Ёшлар иттифоқи», «Жамият пешволари», «Кўнғироқ уй», «Шарпалар» асарлари яратилган бўлиб, уларда чуқур фалсафий руҳ мужассамланган. Адиб яратган қаҳрамонлар мукамал, образлар руҳий дунёси маҳорат билан яратилган.

Айниқса, «Ёввойи ўрдак», «Гедда», «Кичкина Эйольф» каби асарларини ўқир эканмиз, маҳорати чарчланган адиб ижод намуналарига дуч келамиз.

Ибсен университетда билимини ошириш билан бирга, «Бирлашган ишчилар газетаси»да ҳам фаолият кўрсатади. Унинг кейинги ҳажиний руҳдаги пьесаси «Меъёр ёки муҳаббат сиёсати» деб номланади. Ибсеннинг бундай қийин жанрга қўл уриши унга дастлаб шон-шуҳрат олиб келмайди.

1851 йилда 24 ёшда Берген шаҳридаги янги очилган Норвеч миллий театрига бадиий раҳбар ва режиссёр сифатида фаолиятини бошлашдан сўнг театр талаби ва драматургия қонун-қоидаларини ўрганиб, янгича ижодий кайфият билан пьесалар ярата бошлайди.

Бундай манзур бўлган пьесалари орасида «Эстротлик Ингер хошим» (1854), «Пер Солхоугда» (1855), «Олаф Лилиенкранс» (1862), «Тахт учун кураш» (1863) каби пьесалари тарихий воқеаларни кўрсатиб бергани билан характерлидир. Булар ичида «Эстротлик Ингер хошим», «Тахт учун кураш» пьесалари Скандинавия афсоналари асосида ёзилгандир.

Ибсеннинг «Таҳликали ака» ва «Кулгили севги» асарлари Норвеч миллий театри саройидаги сиёсий ўйинларга бироз дахлдор воқеалар асосида ёзилганиги сабабли, ҳаёти хавф остида қолган драматург 1864 йилда Норвегияни ташлаб чиқиб кетади. Ўттиз йилга яқин Италия, Германия ва Франция мамлакатларида бўлиб, 1891 йилда яна ўз ватанига қайтади.

Ибсен муҳожирликда юрган кезлари ҳам тинимсиз изланишда бўлиб, янги асарлар яратиш дарди билан яшади. Бу даврда «Бранд» (1866), «Пер Гюнт» (1866), «Ёшлар иттифоқи» (1869), «Гавжум жамияти» (1877), «Кўнғироқ уй» (1879), «Халқ душмани» (1882) драмаларини яратади.

Драматургнинг «Бранд» пьесаси билан «Пер Гюнт» асарининг асосий мавзуси бир бирига жуда яқин туради. Бири иккинчисининг мантиқий давоми десак ҳам бўлади.

МАРК ТВЕН
(1835–1910)



Самюэль Клеменс Америка адиби Миссури штатининг Флорида водийсида тугилади. Болалик йиллари Миссисипи дарёсининг қирғоғидаги Ганнибал шаҳрида ўтади. Ҳуқуқшунос бўлган отаси ўлгандан сўнг ёш Самюэль моддий жиҳатдан но-чор ҳаёт кечиради. Болалик йилларидаёқ Миссисипи дарёси бўйлаб қатнайдиغان парохолда ишлай бошлайди. Марк Твен тахаллусини ҳам шундан ортирган.

1861–1865 йиллардан Америкада фуқаролар уруши бошланиб, Миссисипи дарёси ёпилгандан сўнг

Марк Твен Невада томонлардаги олтин-кумуш конларига ишга кетади.

Дастлабки фаолиятини журналистикадан бошлайди. «Энтерпрейз» газетасида дастлабки хабарлари, сатирик ҳикоялари тез-тез кўрина бошлайди. Кейинчалик у Европа ва Кичик Осиё бўйлаб саёҳатга чиқади. Сафар таассуротлари ҳақида қатор асарлар ёзиб, сўнгра қизгин ижод билан шуғулланади.

«Гекльберри Фин саргузаштлари», «Том Сойернинг саргузаштлари» жаҳон болалар адабиётининг шоҳ асаридир. «Миссисипидаги ҳаёт» (1883), «Америкалик ўринбосарлар» (1892), «Уилсоннинг пуч калласи» (1894), «Қирол Артур саройидаги сурнайчи Янка» (1889), «Жанка де Арн» (1896) асарлари ҳам қизиқарли воқеаларга бағишланган. Муаллиф Америка ҳаётидаги ҳақиқатни ифодалайди. Негр образини ижобий тарзда яратган, асарда негрларга хайрихоҳлик, қора танлиларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш туйғуси мужассам. Марк Твен асарларининг кўп тилларга таржима қилиниши боиси ҳам шунда бўлса керак.

Ёзувчи ижодида фантастика кенгроқ ўринни эгалласа-да, бундай бадий тасвирлар ҳақиқат, адолат нури билан безатилган.

«Том Сойернинг янги саргузаштлари» асари адибнинг сўнгги асарларидан бўлса-да, унда болаларга хос феъл-атвор хусусиятлари, жасорат, мардлик, соддадиллик ўз ифодасини топган.

Марк Твен фақат Америкада эмас, ер юзида ёмонликнинг, турли хил қабихликларнинг йўқ бўлишини орзу қилади. Айниқса, болаларнинг жабрланишини хоҳламайди. Дунё болаларининг Том билан Жим каби халоскори бўлишини истайди. Дунёнинг қайси бир ўлкасида, хоҳ Саҳрои Кабирда, хоҳ бошқа чекка мамлакатда бўлмасин, болаларнинг беҳавотир, ҳеч бир жабр-ситам чекмасдан осойишта яшашини ўйлайди.

Марк Твен яшаган замонларда Африкадаги кўпгина давлатлар мустамлакачилар асоратида яшарди. Америка ва Фарбдаги ривожлан-

ган давлатлар бу қитъани ўзаро бўлиб олишганди. Мустамлакачилар Африкадаги оддий, меҳнаткаш халқни қулдай ишлатиб, уларнинг бошига чексиз қулфатлар келтирар эди.

Африкаликлар бир парча нонга зор бўлиб, оғир ҳаёт кечирсалар, мустамлакачилар беҳисоб бойликлар орттирарди. Айниқса, африкалик болаларнинг ҳаёти даҳшатли кечарди. Очлик туфайли турли хил касалликлар тарқалиб, болалар ёппасига ўлиб кетарди. Ёзувчи бундай мудҳиш воқеаларга бефарқ қараб туролмайди. Том билан Жим тушган шарни атайлаб Африкадаги Саҳройи Кабирга буради.

Марк Твен 1876 йилда ёзган «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» асарларида Том билан Гекльберри Финнинг ҳамроҳлиги, уларнинг ҳаёт қийинчиликларини бошидан кечирган саргузаштлари ҳикоя қилганида Том ҳали жуда ёш эди. У билан боғлиқ воқеалар Америкадаги оқ танли, қора танли, қизил танли ҳиндулар ҳаётига ҳам улашиб кетади. Ўшанда адиб фақат Америкадаги болалар ҳаётини тасвирлаб берган эди. Бироқ, ҳали Томнинг саргузаштларини давом эттириш нияти борлигини ишора қилиб, асарнинг якунида шундай леб ўтган эди:

«Бу китоб қаҳрамонларининг кўпчилиги ҳали ҳам тирик: улар бахтиёр. Эҳтимол, кейинча мен бу китобда тасвирланган болаларнинг тарихлари билан шуғулланишни лозим кўриб, улардан қандай кишилар етишиб чиққанини ёзишга киришарман; шунинг учун ҳам уларнинг ҳозирги ҳаётларини сизларга айтиб беришни маъқул кўрмайман».

Адиб «Том Сойернинг янги саргузаштлари» асарида кичик қаҳрамонларидан қандай кишилар етишиб чиққанини ёзишга киришади.

Марк Твен дунёқараши ҳам кенгайиб, қаҳрамонлари каби улгайиб, энди жаҳон болаларининг тақдирини ўйлайди. Улгайиб қолган қаҳрамонларини шарга солиб, дунё болаларининг боши узра юбориб, юксакликдан болалар ҳаётини кузатади. Агар пасликдаги, ер кўрасининг қай бир чеккасида бўлмасин, уларга ёрдам қўлини чўзати, янгидан-янги саргузаштларга бой воқеаларнинг гувоҳи бўлади.

ЭМИЛЬ ЗОЛЯ
(1840–1902)

Жаҳондаги кўпгина тилларга асарлари таржима қилинган, машҳур француз адиби Эмиль Золя Парижда тугилади. Отаси италиялик, онаси фаранг қизи эди.

«Қаншоқлар ҳикояси» (1864) номли новеллалар тўплами илк ижод номунаси бўлишига қарамасдан, тезда тилдан-тилга кўчади. «Тереза Ракли» (1867), «Мадлен Фера» (1868) романларида натурализм ҳиди



сезилиб турса-да, ўша давр фаранг жамияти учун бундай руҳ одатий бир ҳол эди.

Адибнинг «Ругон-Маккарлар» (1871–1893) эпопеяси йигирма йиллик машаққатли ва самарали меҳнат ҳосиласидир. «Уч шаҳар» (1894–1898) трилогиясида ижтимоий-сиёсий мавзу кенг ўрин эгаллаган бўлиб, бутун бир давр ўз ифодасини топган.

«Ҳамал», «Ғарб» романлари Эмиль Золя номига жаҳонга машҳур қилди. «Ҳамал» романи ўзбек китобхонларининг сеvimли асари. У серқирра ва сермахсул ижодкор. Адибнинг асарлари ҳаётлигидаёқ рус китобхонлари қўлига етиб келган.

Эмиль Золянинг биринчи ҳикоялар тўплами «Нинон эртаклари» (1864) деб номланиб, саккизта ҳикояни ўз ичига олган ва ёзувчининг илк ижод машқлари минглаб ўқувчиларнинг сеvimли асарига айланган. Эмиль Золяни танитган «Ўликлар чақиради» (1866) романидир. Бу асар Эмиль Золянинг иккинчи романидир. Ундан илгари «Клоднинг тавбаси» номли романи эълон қилинган эди.

Илк ижодий изланишлари биланоқ ўзининг қобилияти ва талантини намойиш этди.

Ёзувчининг йигирмата романи ўз ичига олган «Ругон-Маккарлар» эпопеяси фақат Француз адабиётининг эмас, Ғарб дунёсининг улкан хазинасига айланди.

Бу эпопеяда Маккарлар оиласининг тўрт авлоди тарихи тасвирланади. Ёзувчи фақатгина авлод тарихи билан шуғулланиб қолмасдан, балки унинг генетик асосларидан тортиб, жамиятдаги ўрнига, ҳар бир оила аъзоларининг ўзига хос фазилатлари, яшаш тарзи, юриш-туришигача, турмуш кечиришигача, халқ билан, буржуазия билан, аристократия билан, дин билан алоқалари батафсил ҳикоя қилинади.

Эпопеянинг «Фойда», «Пул», «Ғарб», «Ҳамал», «Ер», «Ижод», «Инсон-ҳайвон», «Доктор Носкаль» романлари юксак савияда ёзилган романларидир. Эпопеянинг ҳар бир романи алоҳида нашр этилган.

Эпопеянинг «Ҳамал» (1885) романи ўзининг ғоявий юксаклиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Романда XIX асрнинг 80-йилларида юз берган жуда кўплаб нарозилик намойишларининг сабаблари ва унинг оқибатларига алоҳида урғу берилади.

Золя ўз романини ёзишдан аввал «Ёзувчи ҳуқуқи» мақоласини эълон қилади. Унда ёзилишича, ёзувчи намойиш ўтказган Анзен шахтасига бориб, ишчилар ҳаёти билан танишади, намойишчилар билан астойдил суҳбат ўтказди. «Ҳамал» романининг ёзилиши учун «Анзен» шахтаси катта манба бўлиб хизмат қилади.

Эмиль Золянинг сўнги ижод намуналари бўлмиш «Уч шаҳар», «Лурд» (1894), «Рим» (1896), «Париж» (1898) дунёдаги энг машҳур шаҳарлар тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти ёритилиб берилади.

Умрининг сўнги йилларида ҳақиқий инсонга хос тўрт фазилатга бағишлаб «Ҳосилдорлик» (1899), «Меҳнат» (1901), «Ҳақиқат» (1903) тетрологиясини ёзади. Бу асарлар Эмиль Золя ижодининг энг юқори чўққиси ҳисобланиб, адибнинг юксак сўз санъаткори эканлигини намойиш этади.

ТОМАС ГАРДИ

(1840–1928)



Томас Гарди дастлаб шеърлар ижод қилади. Қашшоқлик ҳақидаги биринчи романи муваффақиятли чиқмайди. 1871 йилда унинг галдаги романи нашр қилинади. Китобхон бу романни илиқ кутиб олади. Шу йилдан бошлаб, у туғилган юртига қайтиб, муттасил ижод билан банд бўлади. Ўз ижодий фаолияти давомида ўн тўртта роман ёзади. Бу романлар Англия адабиёти тарихи саҳифаларини безаб турибди.

Ёшлигидан мусиқа, санъат, адабиётга қизиқиш билан қарайди. Стил, Ю. Мильтон, С. Ричардсон, Г. Филдинг асарларини берилиб ўқийди. Айниқса, Ч. Дарвин, Ч. Диккенс, А. Барбюс асарлари унинг дунёқарашининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. 1926 йилда Оксфорд университетиде докторлик илмий даражасига эга бўлади.

«Она юртга қайтиш» (1878), «Мер Костербриж» (1886), «Ўрмон охирида» (1887), «Романтик тарих ва ҳаёл» (1872), «Драгун полкидаги кекса сурнайчи» (1880), «Севгилим» (1892) каби асарлар Т. Гарди ижодининг ниҳоятда сермахсулликдан дарак беради.

Томас Гарди ижодини уч даврга бўлиб ўрганамиз. Ижодининг ҳамма диврларида ёзган асарларида энг аввало урушни қоралаб ўтади.

Гарди кўпчилик романларни умумий ном остида «Уэссен романлари» деб атайти. Гарди ўзининг она шаҳрини ўз романларидаги Кестер Бирдж шаҳри номи билан атайти. Шунинг учун ҳам ўз романларини «Уэссен романлари» деб атаган. Ўзининг туркум қисса ва ҳикояларини эса «Уэссен ҳикоялари» умумий номида беради. Дастлабки ёзилган туркум шеърларини эса «Уэссен шеърлари» дея номлайди. Гарди қайси мавзуда ижод қилмасин, ёзувчи учун асосий тасвир мавзуси Уэссен бўлиб қолаверади.

Гарди ўз ижоди давомида ёзган ўн тўртта романини саналар ва воқелик жиҳатидан уч қисмга ажратиб, бу туркумларнинг ҳар қайсисини учта ном остида атайди. Биринчи туркум «Хаёлот ва тарих романтикаси», иккинчи туркум «Кескин нисбат романлари», учунчиси «Муҳит ва характерлар ҳақидаги романлари» деб номлайди.

Томас Гардининг илмий ва фалсафий дунёқараши ҳам жуда кенг. Ўз романларида давр ва жамият фалсафасини, инсон ва зулм мавзусини асосий тасвир баёни қилиб олади. Шунинг учун у йирик инглиз университетларида фахрий доктор сифатида маърузалар қиларди. «Дарахт остидаги майсазор» (1872) деб номланувчи биринчи романидаёқ майсазорни қашшоқ, кун бўйи оғир меҳнат қилса ҳам қорни тўйиб овқат емайдиган камбағал инсонни майсазорга қиёс қилади. Майсазор ўсмайди, уни босиб, эзиб ўтиб кетаверишади. Унинг ўсишига дарахт йўл қўймайди. Умр бўйи сояда, дарахт тагида ўсади. Қуёш кўрмай яшаган майса — инсон нимжон бўлади.

Томас Гарди ижодининг охириги даврида яна авлодлар, мерос тақдирига қайтади. Адибнинг фалсафий эпик руҳдаги драмаси «Авлодлар» уч қисмдан, ўн тўққиз кўринишдан, бир юз ўттиз пардадан иборатдир. Бу драмани саҳнага олиб чиқиш учун театр жамоаси жуда қийналади. Шунда Гарди театр режиссёрларига қарата «Мен ўз драмамни театр учун яратганим йўқ, ўқиш учун яратганман», деб жавоб беради.

Драмада халқ ҳаёти ва тақдирини биринчи ўринда туриб, ижтимоий-фалсафий воқелик кўрсатиб берилади. Драматург ўз асарини яратиш учун шаҳар ва қишлоқларга, уруш авж олган жанггоҳларга, денгиз кўшинлари орасига бориб қиргин урушлар жараёнини ўз кўзи билан кўради. Ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да асари учун манба тўплайди.

Драмада Англия, Франция, Россия, Германия, Испания, Италия каби улкан давлатларнинг муносабати кўрсатиб берилар экан, ҳарбий кўмондонлар, юқори мансабдаги маршал ва генераллар, элчи ва сиёсатдонлар образи юксак маҳорат билан кўрсатиб берилган. Драмада Наполеон ва Александр Кутузов образи ҳам берилган.

«Авлодлар» драмасини саҳнага олиб чиқиш учун юзлаб актёрларни жалб этиш ва унга улкан тасвирларни бериш кўп маблағ сарф қилиши лозим эди. Бу драма саҳнада қўйилмаса-да, китобхонларнинг севимли асарига айланди. Тадқиқотчилар жаҳон драматургияси тарихида мунчалик кўп қиёфалар иштирок этувчи драма ҳали яратилмаган эди, деб баҳо беришади.

Томас Гарди умрининг охириги йилларида «Уч бегона», «Чўпон нима кўрди», «Тақиқланган ўғил» каби ҳикоялар ёзди. Ҳаётининг сўнги дақиқаларигача ижод билан машғул бўлган адибдан авлодларга, инсониятга бой адабий мерос қолди.

АБАЙ

(Иброҳим Қўнонбой ўғли)
(1841–1904)



Абайнинг «Ўлан», «Баҳор» ҳақидаги шеърлари ўқувчи қалбининг нозик торларини чертади, ниҳоятда майин ва ёқимлидир. Абай ижодида ишқ-муҳаббат мавзуси ҳам кенг ўрин эгаллайди. Шоир ўз халқини илм-маърифат ўрганишга даъват этади ва илмни улуглаб жуда кўплаб шеърлар ижод қилади. Абай ўз халқини севади. Шу билан бирга ўзга халқлар, миллатлар билан ҳам дўстлик, иноқликни улуглайди. Абай ижоди жуда бой, Мухтор Аvezов ўзининг «Абай йўли» эпопеясида Абай ҳаётини маҳорат билан ёритиб берган.

Қозоқ халқининг оқини, ўланчиси, бахшиси, Абай саховатли шоир бўлган. Унчалик ночор ҳаёт кечирмаса-да, замона зулмидан зорланади, қозоқ халқининг «Қоронғиликда йўл тополмай» сарсон бўлиб қолганидан қайғуради.

*Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим!
Қоронғуда йўл тополмай, ҳайрон юртим.
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай,
Оғзида ҳам қон, ҳам мой, сарсон юртим...*

Абай шеърлари ўқишли, ёқимли, майин. Унда ўзи яшаган замон манзараси гўзал тарзда чизиб берилган. Юрт бошига соя солган, ошига шаҳар солган бийларга нисбатан қаҳри келади, бундай зулмат қўйнида шоир ўзини «Ҳассаси йўқ кўр сингари» намоён этади.

Бошқа бир шеърида шоир халқини маърифатга, зиё олишга ундайди. Элининг, халқининг қалбан кўр бўлиб қолишидан кўрқади. Тотувликка, бирлашишга чақиради.

Абай асарлари панд-насихат руҳи билан суғорилган.

Инсонни тўғрилиқка, инсонийликка, гўзалликка етаклайди. Ҳақиқат йўлини танлашни насихат қилади.

Абай ўз халқининг истиқболини ўйлайди. Саодатга эришиш учун илм олишга, ўқишга чақиради. Билимсизлик жаҳолатга чорлайди. Бийбойларнинг бераҳм, жаҳддор, инсофсиз бўлиши билимсизликдан эди. Шоир очлик, қашшоқлик ҳукм сурган жамиятдан зорланади. Энди Абай орзу қилган хур замонлар келди. Қозоқ халқи мустақилликка эришди. Бу ерда илм-фан, адабиёт ва санъат гуллаб-яшнамоқда.

Абай ёшлигида рус мактабига қатнаб рус тилини ўрганди, рус адиблари ижодини ўқий бошлади. Рус тили ўқитувчисининг ёрдами билан А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, М. Е. Салтиков-Шедриннинг қатор

асарларини рус тилида ўқишга муваффақ бўлади. А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» асарини қозоқчага таржима қилади. Бу эса қозоқ ёзма адабиётининг ривожига катта таъсирини ўтказди. Абайнинг кўпгина ўланлари оғзаки ижро этилиб, халқ ўртасида тарқалиб кетган бўлса-да, кейинчалик уларнинг бир қисмини тўплаб, китоб ҳолига келтиради.

«Шўрли қозоғим» (1885), «Ўланлар» (1890) асарида тўзғиб, бири бири билан ёвлашиб юрган овулларни бирлашишга чақиради.

*Ёзи билан ёвлашган юртим тингла!
Ёзи билан довлашган юртим тингла!
Дардинга дово бўлсин ўланларим,
Бир-бирини овлашган юртим тингла!*

Шоирнинг «Кўклам» (1890) шеъри ҳам ниҳоятда жозибали мисраларда битилган. Шоир табиатнинг уйғонганидан, унинг гўзаллигидан, «оламга безак берган» фаслдан илҳомланади, таскин топади. Абай проза йўли билан ҳам бир қанча асарлар ёзган. Булар ичида 1890–1898 йилларда ёзилган «Насихатлар»и алоҳида аҳамият касб этади. «Бизда бир мақтанчоқлик деган ярамас нарса бор. Аслида шу нарсанинг нима кераги бор ўзи? Зотан бу – ор-номуссизлик, нодонлик, уйсиз-хаёлсизлик ҳамда на ботирлик ва на одамгарчиликдан хабари йўқликнинг аломатидир», деб ёзади Абай мақтанчоқликнинг энг ёмон иллат эканлигини таъкидлаб.

Абай насихатларида инсон хотираси ва қобилияти ҳақидаги фикрлари руҳшунослар (психолог) учун ҳам, ҳар бир ўқувчи учун ҳам кўп жиҳатдан фойдалидир. Жумладан адиб ўттиз иккинчи насихатида шундай ёзади:

«Киши эшитган нарсасини унутмаслик учун тўртта шарт бор: аввало, бунинг учун зеҳнли бўлмоқ керак; иккинчидан, бир нарсани кўрганда ё эшитганда унга чин юракдан ихлос қўйиб, фаҳм-фаросат билан ўқиб олмоқлик лозим; учинчидан, эшитганларини ичида бир неча марта такрорлаб, кўнгилга жо қилмоқ керак; тўринчидан, кўнгилга бошқа нарсаларни мутлақо келтирмаслик ва келса ҳам унга заррача эътибор бермаслик керак. Масалан: беғамлик, бепарволик, ўйин-кулги ёки қайғу-ҳасратга берилмаслик ва бошқа нарсага ихлос қўймаслик керак. Акс ҳолда, бу тўрт нарса ақл билан илмга путур етказадиган омиллардир».

Абай илм, ўқиш-ўрганиш ҳақида ҳам қимматли насихатларини беради. Илмни ўрганиш чоғида аввало «мулоҳоза юритиш», кейин эса уни «муҳофаза қилиш» лозимлигини уқтиради. «Феъл-атвор ва хулқни бир меъёрда» сақлаш ҳақида ҳам қимматли фикрларини билдиради. Умуман олганда Абай панд-насихатларини ўқиш фойдалидир.

ЭЛИЗА ОЖЕШКО

(1842–1910)



Польша адабиётининг соҳибаси. Бой-бадавлат хонадонда туғилиб, Варшавада таълим олади. Элиза 16 ёшга тўлганда (1958) белоруссиялик Петр Ожешкога турмушга чиқади. Оила қуришига қарамасдан тинимсиз адабий-бадий асарлар ўқийди. «Менинг ҳаётимда турмушим ҳақиқий «университет» эди», – деб эслайди кейинчалик адиба.

Ўша чоғларда Белоруссия Польша ҳукмронлигига қарам эди. Петр Ожешко Сибирга сургун қилингандан сўнг ҳам, Элиза қаламини қўлидан қўймади. «Адабиёт ҳақида хатлар» (1873) китобида ҳаёт билан адабиётни бир-бирига боғлади, бу узвий алоқадорликдан фалсафий хулосалар чиқарди.

Элиза Ожешко ижодида хотин-қизлар образи алоҳида ўрин тутди. «Эҳтимол ўзи аёл бўлгани учун ҳам хотин-қизлар қалбини яхши тушунар. «Муҳтарам Грабе» (1869), «Воцловлар кундалиги» (1870), «Марта» (1873), «Ўн тўртинчи бўлим» (1873) асарларида кўпроқ аёллар ҳаёти ва тақдири бош мавзуга айланган.

Элиза ижоди ранг-баранг. У поляк адабиётини тўлдирди, аниқроқи, беади. «Эли Маковер» (1877), «Кудратли Самсон» (1878), «Гул қили эгинг» (1878), «Брохвичлар оиласи» (1878) асарларини ўқисангиз, бунинг гувоҳи бўласиз. Адиба булар билан чекланиб қолмайди. У ҳақиқий адабий ҳаёт фидойисига айланади. Тинимсиз ижод қилади. «А В С» (1884), «Романов аёли» (1884), «Сильвида» (1880), «Меҳрибон хоним» (1888), «Неман узра» (1887) романларини китобхонлар илқ кугиб олдилар. Ижодкор аёл яна юксакликлар сари талпинади. Сермихсул ва сержило ижод дарди билан яшайди. Унинг асарлари ўқиниш жуда кўп. Бу адиба гўё поляк адабиётининг бахти ва иқболи бўлиб яратилган.

АНАТОЛЬ ФРАНС

(1844–1924)

Анатоль Франс таҳаллуси билан танилган Анатоль Тибо Парижда туғилган. Отаси Франсуа Тибо китобсевар киши бўлиб, кўп китобхон эди. Анатоль Тибо Францияни жуда севарди. Шу туфайли ҳам «Франсе» (France) таҳаллусини олган.

Франс дастлаб ўзининг шингил новеллалари билан шуҳрат қозонди. «Оғтин дostonлар» деб номланувчи поэмалар мажмуаси, шоирнинг «Франс» романи ва «Коринф тўйи» драмаси ҳам шеърий йўл



билан ёзилган. Мифологик характердаги бу асар Алексей Толстойни қизиқтириб қолади ва уларни рус тилига таржима қилади. «Сильвестр Бонар жиноятлари» (1881), «Тоис» (1890) асарлари ҳам ижодкор маҳорати самарасидир. Тарихдан маълумки, Тоис тарихий образи жаҳон адабиётида кўпчилик адибларнинг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Тоис Александр Македонскийнинг севгилиси бўлган. Бу ҳақда А. Ефимовнинг «Афиналик Тоис» романи ҳам мавжуддир. Анатоль Франс ўз романини янги тарихий образлар билан бойитади. Бу роман кўпгина тилларга таржима қилинган.

Анатоль Франс ёшлигида ҳамма уни кичкина Тибо деб атади, отасининг китоб савдоси дўконида ёрдам бериб юрган кезларида, деярли ҳамма янги чиққан китобларни бирма-бир ўқиб чиқар, харидорлар билан у ёки бу асар юзасидан баҳс ва мулоқотлар қилиб турарди. Шунинг учун ҳам отаси уни ҳамма вақт китоб дўконида бўлишини хоҳларди.

Китобхонларни турли хил мавзудаги асарлар қизиқтирар, кичкина Тибо эса деярли барча асарларнинг сюжетини бирма-бир айтиб берарди. Айниқса, ўз даврининг таниқли адабиётшуноси ва танқидчиси Жюль Жанен китоб дўконига келиб, кичкина Тибонинг келишини кутиб турар, янги романлар ва драматик асарлар хусусида узоқ вақт мунозарага киришар, сўнгра ўз саволларига жавоб олиб кўнгли таскин топар, янги чиққан танқидий асарларни Тибога ўқитиб, унинг фикрларини тингларди.

Анатоль Тибо ёшлигиданоқ зеҳни ўткир, фикри тиниқ, сермулоҳазали, мустақил мушоҳада юрита оладиган бўлиб улғаяди. Фалсафа, тарих, санъат, адабиётшуносликка оид шунчалик кўп манбалар унинг онгидан жой олган эдики, истаган саволингизга жавоб бера олар, истаган сана атрофидаги воқеаларни батафсил таҳлил қила оларди.

Анатоль Франснинг биринчи йирик асари «Олтин дostonлар» деб номланиб, унга бир шеърлий драмаси «Коринф тўйи» ҳам кирган эди. Бу драма қадимги Эллада ҳақида эшитган ҳикоялари асосида ёзилгандир. Асарда Гиппий билан Дафна ўртасидаги мифологик характердаги ишқ-муҳаббат мавзуси ҳикоя қилинади. Бироқ бу икки ёш юрак севгисига диний эътиқоднинг турлича йўналишлари халақит беради. Ва икки ёш қалб мурод-мақсадларига ета олмайдилар.

Анатоль Франснинг фалсафий туйғулар билан безатилган бир қатор асарлари мавжуд. Булар орасида «Муҳтарам Жерома Куаньярнинг мулоҳазалари» (1893), «Жак Турнеброш ҳикоялари» (1908) XVIII аср ижтимоий-сиёсий воқелиги билан боғланиб кетади. Ёзувчи воқелик-

ни талқин қилар экан, дунёга Жером Куаньер, Никий («Таис»даги), Жан Жак Руссо, Робеспьер, Марат каби файласуфлар нигоҳи билан қараб, ўз дунёқараши ва мулоҳазалари орқали янада гўзаллаштиради, бойитади.

Адибнинг барча асарларида инсон қисмати ва инсониятнинг тараққиёт босқичлари ўзига хос мушоҳадалар ва муаммолар тугунида ёрилади. Бу тугунни ечишда ёзувчи каби ўқувчи ҳам қийналади.

Ҳаёт фалсафаси ҳақида шу қадар бой фикрларни ўртага ташлайдики, ўқувчини ўйлантириб қўяди.

Анатоль Франснинг асарлари қадимги замоннинг пародияларини эса солади. Унинг асарлари киноя, истиора, қочирим, ишора, образли ибораларга бойдир.

Адибнинг «Пингвинлар ороли» (1908) асарини ҳажвий ва сатирик тасвирлар билан безатган. Муаллиф бу роман-памфлетда Пингвинни биринчи инсон сифатида тасвирлаб, Пингвинлар образи орқали инсонларнинг турмуш тарзи, улар орқали тенгсизлик, зўровонлик каби иллатларни очиб беради. Пингвинлар ўртасидаги разиллик ва қотилликга ташбеҳ берилиб, инсонлар ҳаётига кўчирилади.

Пингвинларнинг ўзаро муносабатида цивилизация, қонун, жамият, ҳукумат ҳақида сўз боради. Анатоль Франснинг ҳаёлий мушоҳадалари ўқувчини ўзга бир дунёга етаклаб боради. Унинг асарлари бундан қарийб юз йил илгари яратилган бўлса-да, унинг ғоялари, ҳаёлий кенгликлари ҳозирги замон ҳақида фикр юритаётгандек, гўёки бизнинг замонамизни таҳлил қилаётгандек туюлади.

«Цивилизация инсонни қирғин урушларга, тубанлик ботқоғига эмас, маънавий бойликка, юксак ғоялар курашига чорлайди», деган эди Анатоль Франс.

Анатоль Франс жаҳон адабиётида ўзининг улуғвор ғоялари билан машҳур бўлган адибдир. Шунинг учун ҳам у «Буюк ғоялар ихтирочиси» деган юксак номга муяссар бўлган.

ГИ ДЕ МОПАСАН

(1850–1893)

Нормандияда, унчалик бадавлат бўлмаган оилада туғилади. Онасининг яқин дўсти улуғ ёзувчи Флобер уларникига тез-тез келиб туриши ёш Мопассаннинг тарбиясига катта таъсир кўрсатади. 1869 йилда Руанадаги лицейни тугатиб, Кана университетига ўқишга кирилади. Франция-Пруссия урушида иштирок этади.

Француз адабиётида Мопассаннинг алоҳида ўрни бор. Ўз ижодини шеър, новеллалар ёзишдан бошлади. 1880 йилда адабиётга ки-



риб келган ёзувчи тинимсиз ижод билан шуғулланади. Қисқа фурсат ичида машхур бўлиб кетади. «Медан оқшоми» (1887) новеллалар тўплами илк машқлар ҳосиласи бўлишига қарамасдан китобхонлар эътиборини ўзига жалб этади. Роман яратиш йўлида ҳам самарали меҳнат қилади. Насринг бу жанрида ҳам катта муваффақиятга эришади. «Ҳаёт» (1883), «Азизим» романлари жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган.

«Ойдин кеча», «Опа-сингил Гондомелилар» новеллалари ўқувчи қалбида чуқур из қолдиради.

Унинг новеллалари гоҳ қулдирса, гоҳ йиғлатади. Жаҳон адабиётида новелла жанрини юқори поғонага кўтаради. «Уруш» (1881) номли очерки ўқувчини ўйлашга, фикрлашга мажбур этади. Кўпқиррали, сермахсул ижодкорнинг жаҳон адабиётида алоҳида ўрни бор.

Ги де Мопассан ўз даврининг улкан бадиий тасвир устаси бўлиш билан бирга, чуқур билим эгаси, назариячи олим ҳам эди. У тинимсиз ўқир ва ижод қиларди.

1875 йил 12 майда ўз даврининг улуғ адиби Флоберга йўллаган мактубида Фарбий Европада, айниқса, Француз адабиётида кенг ёйилган декадантлик оқимини қаттиқ танқид остига олади. Декадант тарафдорлари бадиий ижодда ўн хил рангни қўллашни кўтариб чиққан эдилар. Бироқ, декадант тарафдорлари ўзлари жорий этган хилма-хил бадиий восита омилларига риоя қилмайдилар.

Мопассан ўз хатида Декадант ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири Густав Флоберни қаттиқ танқид остига олиб, декадантлар ўзларининг дастурларига риоя қилаётганини, натурализм билан символизмни айнан бир нарса деб талқин этаётганини, бу жараён алоҳида адиблар ижодигагина эмас, бутун бир адабий жараёнга салбий таъсир этаётганини танқид (Декадант – ўн хил кўриниш) этиб, ўзининг бу борадаги назарий қарашларини баён этади.

Мопассаннинг шу руҳдаги мактуби 1886 йил 14 октябрда ўз даврининг маърифатпарварларидан бири Морис Викарга йўлланган эди. Бу хатда айтилишича, Француз адабий жараёни гоъвий-бадиий тасвирдан кўра ҳаёт муҳокамасига кенг эътибор бераётганлиги таъкидланиб, изоҳлаб берилади.

Бундай назариячи олимларга ва уларнинг кетидан эргашган бадиий тасвирчиларга намуна тарзида адибнинг 1883 йил 27 апрелда «Жиль Блаз» газетасида чоп этилган «Ҳаёт» романи юзага келади. Роман шошилинич равишда «Овар» нашриётида тўла равишда китоб ҳолида чиқади. Кўпдан буён бундай гоъвий ва бадиий жиҳатдан юк-

так романга ташна бўлиб юрган французлар романни сўз санъатидаги гўзал дурдона сифатида қабул қилади.

Адиб бу романи орқали ўша давр Француз адабий жараёнида авж олиб кетган турли оқимлар ва бундай оқимлар таъсирида ижод қилган адибларга ҳам қақшатқич зарба беради.

«Ҳаёт» романи орқали Мопассан замондошлари, уста сўз санъаткорлари Оноре де Бальзак ва Густав Флоберлардан ҳам бир қадар юқори эътиборга эришади.

Ги де Мопассан «Азизим» (1885) романида Француз ҳаётидаги бўронли ва безовта тўлқинга қалам уради. Бу тўлқин асар қаҳрамонлари Жорж Дюра ва Жанна қисмати билан боғлиқ воқеаларга бориб уланади. Бу воқеалар Жорж Дюра билан қўл ушлашган Форестье хоним, Де Марель хоним, Вальтер хоним, Сюзанна билан боғлиқ ирмоқларга қўшилиб кетади. Асардаги тасвирлар Жорж ва Сюзанна тақдирлари билан ниҳояланади.

Мопассан яна учта бадиий гўзал романлари билан машхурдир. «Пьер ва Жан», «Ўлим каби кучли», «Бизнинг юрак» каби романларида Француз жамиятига хос бўлган муҳим воқеаларни қаламга олади. Адибнинг ҳеч бир романи ўзи яшаган жамият ҳаётидан узилиб қолмаган. Шунинг учун ҳам унинг тасвирлари китобхон қалбига йўл топа олади.

Адиб фақат французларга хос ҳаётни эмас, умуман инсон зотида тегишли турмуш ва яшаш ташвишларини, кураш ва интилишларини, эзгу-ўйларини гўзал қилиб тасвирлайди. Шунинг учун ҳам унинг ижоди фақат Француз китобхонларининг эмас, жаҳон китобхонларининг дардига ошно бўлишдек шарафга муяссар бўлди.

Ги де Мопассан катта жанрга қўл уриш билан чекланиб қолмайди. Унинг кичик жанрдаги новеллалари ҳам шингил воқеаларга қаратилган бўлса-да, шу кичик асарлар орқали чексиз ва чегарасиз бепарвон ҳаётнинг қайсидир бир қоронғу нуқталарини ёритиб беради. Ўқувчи либига шуъла солувчи «Пушка» (1880), «Гўзал Фифи», «Опа-сингил Рональдлар», «Гарриент хоним», «Жаноб Паран» ва бошқа қатор новеллалари кичик бир воқеани тасвирлашга қаратилган бўлса-да, бу бадиий гўзалликлар замирида муҳим воқеалар, кўпчиликни уйлантириб юрган муоммолар яшириниб ётганининг гувоҳи бўламыз. Бир неча саҳифадангина иборат «Портда» деб номланувчи новелласи орқали ҳам адиб катта ҳаёт тизгини билан боғланади. Назаримизда, Мопассан новеллалари улкан дарёга қўшилувчи ирмоқчаларга ўхшайди. Аслида ирмоқлар дарёни тўлдириб, бойитиб, гўзаллаштириб туради.

ЖОЗЕФ КИПЛИНГ

(1856–1936)



Бомбейда туғилади. 16 ёшида уни Англияга олиб келишган. 1882 йилда яна Ҳиндистоннинг Лохур шаҳрига қайтиб бориб, «Фуқаро ва ҳарбий газета» да мухбир бўлиб ишлайди. Унинг илк ижоди «Кўшиқлар рўйхати» (1887) шеърлари, «Оддий ҳикоялар» (1887) мажмуаларининг чиқиши билан бошланади. Ҳиндистонлик бу адиб ижодига инглиз адабиётининг таъсири катта бўлди. У 1907 йилда халқаро Нобель мукофоти соҳибига айланди.

«Уч солдат» (1888), «Қора ва оқ» (1890), «Глостер мерлари» (1896), «Томлинсон» (1891), «Тўқайзор китоби» (1894–1895), «Болалар ҳақида ҳикоялар» (1902), «Ким» (1901), «Кирим ва чиқим» (1926) каби жуда кўплаб асарлари хилма-хил мавзуларга қаратилгандир. Муҳими шундаки, Жозеф Киплинг асарларини ўқисангиз ўзингизда қониқиш ҳосил қиласиз. Ҳаёт жумбоқларини ўйлаб, чуқур хаёл сурасиз. «Уч солдат» романида, номидан ҳам аёнки, уч миллатга мансуб бўлган йигитларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг дунёқараши турлича бўлса ҳам мақсади ягона. Тинчлик истайди. Қашшоқлик уларни ягона бир кўчага олиб кирган. «Ким» романидаги асар қахрамони Ким етим. Асарда етимлар сарсон-саргардон бўлиб қолган жамият ҳақида ҳикоя қилинади.

Лохур шаҳрида газета мухбири бўлиб фаолият кўрсатган кезларида, унинг қалами чархланиб, ўзининг шингил ҳикоялари ва шеърларини ёза бошлайди. «Маҳкама кўшиқлари» (1886) шеърлар тўплами илк машқлари намунаси бўлишга қарамасдан, Жозефнинг шoirлик истеъдодини намоён этади. Шундан сўнг талант соҳиби «Оддий ҳикоялар» (1888) китобини нашр этади.

Томирида инглиз қони жўш урса-да, Жозеф Англия императорининг Ҳиндистондаги босқинчилик сиёсатини қоралайди. Шу нуқтаи назардан адиб Англиянинг кўпгина давлатлар билан қилган босқинчилик урушлари тарихини «Дўст» ҳарбий газетасида батафсил ёритиб боради. Шу орқали адиб Англиянинг бундай босқинчилик урушларидан мақсад, ўз давлатини мустаҳкамлаб, беҳисоб бойлик орттиришдир, деган фикрни катта матонат билан айта олгандир.

Жозеф Киплинг ўз асарларида Ҳиндистон халқининг ниҳоятда оғир ва қашшоқ ҳаётини тасвирлашга киришади. Ҳиндларнинг қулардек эзилиб, машаққатли меҳнат қилишлари ёзувчи қалбини ларзага келтиради.

Ёзувчи Ҳиндистонда оғир зулм ва зўравонлик тартибини ўрнатган инглиз мансабдорларини қаттиқ танқид остига олса-да, фак

буйруқ асосида хизмат бурчини ўтаётган аскарларнинг ҳарбий фаолиятига бироз мулойимлик билан муносабатда бўлади. Аскарлар ҳам аслида оддий халқ фарзандлари, улар турли хил сабаблар билан Ҳиндистонга келиб қолган дегандек қарайди. «Ҳарбий қароргоҳ балладаси» асарида инглиз солдатларининг ватанга соғинч, ўз юртини қўмсаши руҳи билан сугорилган шеърлари кенг ўрин эгаллаган. Тўпламда инглиз юлимларига нафрат кучли ифода этилган, солдатларни қалбидаги но-вик туйғулари, чорасиз, ночор кайфиятига кенгроқ урғу берилади.

Киплинг ҳарбий газеталарда фаолият кўрсатар экан, кўпроқ аскарлар орасида бўлади, мансабдор ҳарбийлар билан яқин алоқа қилади. Инглиз ҳарбийларининг бузғунчилик, кўпоровчилик, айғоқчилик, қотиллик каби разил ниятларидан ҳам яқиндан хабардор бўлади. Инглиз амалпарастларининг нияти фақат ҳинд халқини эзиб ишлатиб, бойлик орттириш бўлиб қолмасдан («Фойда») бу ўлкада амалга ошираётган ёвузликларидан, қабихликларидан нафратланади.

Шoir «Шарқ ва Фарб ҳақида баллада» асарида «Фарб бу фарбдир, Шарқ бу Шарқдир, бу икки кутб бир-бирига ҳеч ҳам тўғри келмайди», деган фикрни сингдириб ўтади.


Жозеф Киплинг яратган Маугли образи («Чангалзор», «Ҳайвонлар қароргоҳи» (1894–1895) асарлари) ёзувчи номини машҳур қилган янги бир гўзал бадиий манзара тимсолидир. Асарнинг яратилиши тарихи Шарқ мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан боғланиб кетган. Ҳиндистон каби Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган ҳикоя ва афсоналарда берилишча, бўри ўрмондан бир болакайни топиб олиб, эмиздириб, парваришлаган эмиш. Ёки «Чўлоқ бури» ҳикоясида айтилишча, Шарқ халқларининг авлоди чўлоқ бўридан тарқалган эмиш. Бошқа бир ҳикояда берилишча, бўри бешикда ётган чақалоқни олиб қочиб ўрмонда катта қилибди. Бу ўринда Киплинг Шарқ оғзаки ижоди билан биргаликда ҳиндларнинг Ромул ва Рем ҳақидаги эпосидан ҳам кенг фойдаланган.

«Чангалзор» асарида тасвирланишча, Маугли ўрмонда ўсиб, улари, барча ҳайвонларни ўзига итоат эттирган ҳайвонлар қиролига айланади. Ёзувчи ўз асарида табиат, ҳайвонлар ва инсон ўртасидаги муносабат алоқадорликнинг, боғлиқликнинг маҳорат билан ёритиб беради. Инсон қаерда яшамасин ўша ернинг табиатига ўрганади, мосланади. Ҳайвонлар орасида яшаган Маугли инсонлар ҳаётига осонгина кўника олмайди.

Киплинг яратган Ким («Ким» романи (1901) образи ҳам ўқувчи қалбини чуқур ўрин эгаллаб, хотирасида узоқ сақланиб қоладиган образдир. Ирландлик солдат билан ҳинд аелидан туғилган бу бола ўзини инглизлар қўлидаги айғоқчига айланади. У барча инсоний қўруқликдан маҳрум. Унинг онги шу даражада заҳарланиб, емирилиб қолганки, у айғоқчиликдан улугроқ бурч ва вазифа йўқ деб биледи.

Киплинг ижоди жуда бой. Асарларининг мавзулари хилма-хил. Халқаро Нобель мукофотиға сазовор бўлган буюк шоир ва адиб босқинчиликни қоралайди, айна чоғда унинг асарлари инглизлар руҳиятига қаттиқ таъсир этади. Унинг ижодини турли тоифадаги инсон ва инсониятнинг тарихий тараққиёти ифодалари безаб турибди.

БЕРНАРД ШОУ (1856–1950)



Англиянинг Дублин шаҳрида туғилади. Оилани мусиқа ўқитувчиси бўлган онаси бошқаради. Шунинг учун ҳам Жоржда мусиқага, кўшиққа, адабиётга қизиқиш эрта уйғонади. 15 ёшга тўлганда онаси оилани тарк этиб, Лондонга кетиб қолади. Шундан сўнг қашшоқлик гирдоби ўзига тортиб, билим олиши, ўқиши учун имконияти чекланади.

1876 йилда 20 ёшли Жорж Ирландиядан Лондонга келади. Дастлаб бу ирланд йигитининг инглиз ҳаётига кўникиши қийин бўлади. Ўн йил ичида ёш адибнинг бирин-кетин бешта романи нашр қилиниб, тез орада унинг номи Лондондан узоқларга ҳам ёйилди.

«Бахтсиз никоҳ», «Санъаткор севгиси», «Ёлғиз социалист» романи унинг илк ижод намуналаридир. Шоу Жаҳон адабиётига «Муҳтарам Уоррен хонимнинг касби» асари билан кириб келди ва бу асар драматург шон-шухратини орттириб юборди.

«Қабул қилинмаган пьесалар», «Пуритон учун» пьесаси, «Цезар ва Клеопатра» (1898), «Жон Буллнинг ўзга ороли», «Майор Барбара» асарлари драматургнинг сермаҳсул ижодидан дарак беради.

Шоу бадиий ижоднинг қонун-қоидаларини тушуниши қийин кечади. 70–80-йилларда адиб бешта роман ёзади. Бироқ бу романлари илк ижод намунаси бўлишига қарамасдан мавзу жиҳатидан ҳам ҳаётга яқинлиги билан ўз даврининг етук романлари қаторида туради. Нашриётлар ёзувчининг илк ижод намуналарини нашр этиш учун турли хил баҳоналар қидиришади.

Шунинг учун ҳам адиб маълум муддат бадиий ижоддан чекиниб публицистикага ўзини уради. Дастлаб музика ва кўшиқ санъати ҳақидаги қатор мақолалари Корно ди Бассето таҳаллуси остида «Стар» газетасида босила бошлайди. Сўнгра «Г. В. С» таҳаллуси билан театршуносликка оид мақолалари чиқади.

Шундай қилиб, бадиий ижодда бироз инқирозга учраган Шоу ўзининг иқтидорини илмий-танқидий мақолалар, турли хил жами

ятлар очишга бағишлайди. Унинг хотини билан очган «Фабиан жамияти» Рим саркардаси Фабий шарафини ҳимоя қилишга бағишланган эди. Маълумки, римлик саркарда Фабий Корфоген жангида Ганнибал билан тўқнашган эди.

«Фабиан жамияти» гарчи ўз даври учун унчалик катта фойда бермаса-да, Шоу ўзининг моҳир нотик эканлигини намоён этиб, Лондондаги кўпгина жойларда моҳирона маъруза ўқийди.

Бадиий ижодда машҳур бўла олмаган Шоу ўзини драматургияга уради. Драматург илк туркумини «Қабул қилинмаган пьесалар» деб атади. Бу атамда маълум даражада рамзий маъно мавжуд. Чунки адибнинг романларини нашриётлар қабул қилмаган эди. Эҳтимол, драмаларимни ҳам театрлар қабул қилмас деган, хавотирда шундай атади. Айрим, тадқиқотчилар бу атамани бошқача талқин қиладилар. «Қабул қилинмаган пьесалар» туркуми учта драмадан иборат. «Бошқарув уйи» (1885) «Уоррен хонимнинг касби» (1894), «Ташландиқ» (1893) номли драматик асарларида жамиятда ҳукм сураётган қашшоқлик ва бойликни бир-бирига қарама-қарши кўяди.

Бернард Шоу драматургияда ўзининг муносиб ўрнини топади. «Уоррен хонимнинг касби» трагедияси ёзилиши биланоқ сахна юзидан кўради ва матбуотда турли хил қарашлар, мунозаралар давом этади. Бу мунозараларнинг барчаси драматург маҳоратини камситмаган ҳолда, образларнинг ўзаро муносабати, дунёқараши атрофида кўзгин давом этади.

Пьесада тасвирланишича, Уоррен хоним очикчасига бой-бадавлат кишилар билан юра бошлайди. Ва айна чоғда маълум бир жойда маншат, бузуқлик билан шуғулланувчи уй очади. Коллежни битирган қизи Виви онасининг бундай мунофиқона ишларидан хабар топиб қолади. Онасининг бундай ишлар билан машғул бўлиши ва шунинг орқасидан пул тўплаши Виви дунёқарашига қаттиқ таъсир этади. Бунинг устига онасининг бой-бадавлат жазманларидан бўлмиш Крофт Вивига уйланиш нияти борлигини айтади. Виви бошқа бир йилни севиб, улар ўртасида соф муҳаббат учқунлари тобора алангиланиб бормоқда эди.

Асар қаҳрамони онаси Уоррен хонимдан нафратланади. Асарда икки ва покиза қалб эгаси Виви билан ижтимоий ҳаётдаги фоҳиша-бўйишкни ўзлари учун касб қилиб олган хонимлар ўртасида тўқнашув, қарама-қарши кураш жараёни ўзининг ҳаққоний ифодасини топган.

Драматургнинг «Қабул қилинмаган пьесалар» туркумига кирган уч асарини ҳам сахнага кўшиш таққидлангандан кейин, «Қабул қилинган пьесалар» туркумини эълон қилади. Бу туркумга «Қурол ва инсон» (1894), «Кандид» (1895), «Танланган қисмат» (1895) пьесалари

киради. Бу пьесалар сиёсатдан бироз узоқроқ туриб, урушдан кейинги ижтимоий ҳаёт муаммолари қаламга олинади.

Бернард Шоу ижтимоий ҳаётидаги ярамас иллатларни, қабиҳликларни, бойлик орттириш йўлида ҳар қандай жиноятларни қилишдан тоймайдиган кимсаларни танқид этишда давом этади. Бернард Шоу яшаган замонда янги бир оқим, Пуританлар юзага келган бўлиб, бу оқим тарафдорлари жамиятда ириб-чириб бораётган иллатларни, эски анъаналарни танқид қилишга киришган эди.

Шунинг учун ҳам Шоу кейинги ёзилган туркум асарларини «Пуритан учун пьесалар» деб айтади. Бу туркумдан «Афсунгар олим» (1897), «Цезар ва Клеопатра» (1898), «Капитан Брасебаун мурожаати» (1899) пьесалари ўрин эгаллаган эди.

Бу асарлар Бернард Шоу қаламини чархлаб, унинг номини узоқ-узоқларга танитди. Шунинг учун ҳам кейинги ёзилган драмалари илгариларига нисбатан устун туради. «Жон Буллнинг ўзга ороли» (1904), «Майор Барбара» (1905), «Пигмалион» (1912) ва бошқа асарлари Бернард Шоунинг Жаҳон адабиётидаги мустақкам ўрнини белгилаб берди.

ОСКАР УАЙЛЬД

(1854–1900)



Дублина шаҳрида врач-табиб оиласида таваллуд топади. Оксфорд университетиди ўқиб юрган кезларида Раскин маърузаларини тинглаш шарафига муяссар бўлади. 1881 йилда биринчи шеърлар тўплами нашр қилинади. Тез орада унинг номи Англияга тарқалади. У Америкага эстетизм мавзуида маъруза ўқишга таклиф этилади. Шундан сўнг унинг асарлари бирин-кетин чиқа бошлайди.

Адиб ўз устози сифатида Эмиль Золяни тилга олади ва унинг анъаналарини изчиллик билан давом эттиради. Айниқса, «Хамал» романи адибда катта таассурот қолдиради. Эмиль Золя ўз ижодида натурализм йўлини танлаган эди, О. Уайльд эса реализм йўлидан боради. Унинг асарлари ҳаётини ҳақиқатга жуда яқиндир.

«Дориан Грей портрети» (1891), «Артур Севил жиноятлари», «Бахтли шахзода», «Ёш қирол», «Аҳамиятсиз аёл», «Қандай жиддий бўлиш мумкин», «Ҳаёлий эр» каби асарлари Англия адабиёти саҳифаларини безаб турибди. Адибнинг асарлари мавзу жиҳатидан бир-бирдан кескин ажралиб туради. Ҳеч ким қўл урмаган янги мавзуларга қўл уришга ҳаракат қилади. Эҳтимол мана шу янгилиги билан, янги фикри билан Оскар Уайльд жаҳонга машҳурдир.

АРТУР КОНАН ДОЙЛ

(1859–1930)



XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Фарб адабиётида ажойиб бир анъана бошланади. Бундан илгариги адабиётда ижодкорларнинг турли хил оқимлар (суреализм, неоромантизм, Борокко, нотурализм, символизм, эстетизм, декадонтлик каби) таъсирида ижод қилиши одатий тусга айланган эди. Эндиликда ҳар бир ижодкор ўзи учун маълум бир муҳим мавзуни, яъни бош мавзуни танлаш ва шу мавзу атрофида ижод қилиш катта анъанага айланди. Бир ёзувчи ишчилар ҳаётини, бошқа бирлари эса қишлоқ манзарасини тасвирлайди. Бир ижодкор табиат гўзалликларига эътиборни қаратса, бошқаси ҳайвонлар ҳақида ёзади.

Артур Конан Дойл эса изкуварлар ҳаётини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилди. Ёзувчи бошқа мавзуларда ҳам ўнлаб асарлар ёзиши мумкин эди, бироқ жаҳон адабиётига асосий ва ўзи танлаган бош мавзу билан кириб боради.

Ёзувчининг «Йўқолган дунё» (1887), «Оқ ортидан қизил» (1927), «Бескервилей ити» (1902) асарлари детектив Шерлок Холмс ва унинг дўсти Жон Ватсон ҳаётига бағишланади. Адиб 1887 йилдаёқ илк ижод саҳифаларини Шерлок Холмс ҳақида ҳикоялар, қиссалар, этюдлар ёзишдан бошлаб, кейинчалик бу изкувар ҳақида роман ёзиш ҳаёли билан яшайди.

XIX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб Фарб адабиётига психологизм руҳи билан суғорилган асарлар кириб кела бошлади. Шу билан бирга детектив-изкуварлик мувзусига оид асарлар яратишга ҳам эътибор ортади. Бу мавзуни биринчилардан бўлиб Артур Конан Дойл қарши олди. Давр билан бундай ҳамнафаслик ёзувчи номини тезда машҳур қилиб юборади.

Шотландиянинг марказий шаҳри Эдинбургда таваллуд топган адибни, тақдир Ирландияга ва кейинчалик Лондонга олиб келади. Эдинбургдаги мактабни, сўнгра университетни битирган бу қувноқ шотланд йигити Лондон маърифатпарварлари орасида катта ҳурмат-эътиборига эга бўлади.

Артур Конан Дойл кема врачлари бўлиб фаолият кўрсатган кезларида турли тоифадаги одамлар билан учрашади, талай мамлакатларда бўлади. Айниқса, Африка манзаралари катта таассурот қолдиради.

Артур Конан Дойлнинг илмий дунёқараши нақадар кенг. У ҳар бир нарсани сиртдан кузатиб қолмасдан манбаларни бутун моҳияти билан кўриб, сўнгра ўрганиб чиқади, ўзига хос илмий хулосалар

чиқаради. Шунинг учун ҳам фантастик буюқлар билан битилган саргузаштлари ҳам ишонарли ва ҳаётий тарзда чиқади.

Адибнинг «Йўқолган дунё» романи нашр этилгандан сўнг кўплаб америкаликлар Жанубий Америка чангалзорлари томон отланадилар. Амазонка дарёси бошланадиган жойлар, сон-саноксиз ирмоқлар бўйлаб юқорилик бораверсангиз ёввойи одамлар, одамсимон маймунлар, турли хил ҳайвонлар, махлуқлар, баҳайбат қушларга дуч келасиз. Ҳатто бу жойларда улкан қалтакесак ва динозаврларни ҳам учратасиз. Ҳаттоки, ҳиндулар ҳам бу чангалзорга боролмайдилар. У ерларни «Ажал чангали» деб аташади.

Романнинг биринчи бобиёқ ўқувчининг эътиборини ўзига тортади. «Инсон ўз шухратининг ижодкори» деб номланган илк саҳифалардаёқ «Инсон шухратининг бунёдкори унинг ўзидир», деган ғоядан илҳомланган кишигина ҳар қандай жасоратга тайёрдир, оддий турмуш икир-чикирлари билан алоқасини батамом узиб, сирли воқеалар ўлкасига, ғаройиб саргузаштлар ва буюк мукофотлар кутаётган мамлакатга бош олиб кетишга қодирдир», дейди ёзувчи.

Артур Конан Дойл ёшлигида Жюль Верннинг «Ўн беш ёшли капитан», «Капитан Грант болалари» номли саргузашт романларини берилиб ўқиган эди. Айниқса, Вольтер Скоттнинг «Айвенго» романи ёш Артурда катта таассурот қолдирган эди. Майн Риднинг гўзал табиат ажойиботларига бағишланган асарлари уни ёзувчи бўлишга ундаган бебаҳо дурдоналар эди.

Тиббиёт доктори дипломини олган Артур ўз касбининг моҳир устаси бўлса-да, бадиий ижодкор бўлишни орзу қиларди.

У Англия билан Франция ўртасидаги тўхтаб-тўхтаб давом этган юз йиллик уруш воқеаларини ўзининг илк ижодига олиб киради. «Оқлар отряди», «Сэр Нигелья» «Михей Кларик» каби романларида тарихий воқеликни, уруш даҳшатларини, халқ меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган жасур қаҳрамонларнинг қиёфасини ҳаётий тарзда, ўқувчи қалбида узок вақт сақланиб қоладиган тарзда ифодаланиб беради.

Артур Конан Дойл ўзи ўқиган Эдинбург университетининг профессори Жозеф Белл билан яқин муносабатда бўлади ва ниҳоятда ҳурмат қилади. Ёзувчи Шерлок Холмс қиёфасини тасвирлашда устози доктор Жозеф Беллнинг хатти-ҳаракатларидан, руҳий дунёсининг бойлигидан усталик билан фойдаланади.

Шерлок Холмс ҳақидаги тарихий ва ярим афсонавий манбаларни тўплаб, унинг шахсиятини обдон ўрганади. Шерлок Холмс номи бутун Англияга маълум ва машҳур эди. Шундан сўнг изкуварлик анъанаси бутун Ғарб мамлакатларига тарқалади.

Шерлок Холмс образини яратиш ёзувчи учун осон кечмайди. 1881-1903 йилларда Шерлок Холмс Лондондаги Беккер-Стрит кўчасиг

қарашли 109-уйда истиқомат қилган. Бу уй ҳозирги кунда ҳам ҳар бир лондонлик учун яхши таниш.

Артур Конан Дойлнинг «Заҳарланган камар», «Рафлз Хоунинг кашфиёти», «Йўқолган дунё» романларида яхшилиқнинг, эзгуликнинг ёвузлик ва жаҳолат устидан ғалабасини реал кўрсатиб беради.

Артур Конан Дойл ажойиб ҳикоялар устаси ҳамдир. «Денгиз шартномаси» «Брюса чизмалари», «Уч талаба», «Эбби ўлими», «Оқ юзли одам» каби ҳикояларида яна Шерлок Холмс ҳаётидаги энг қизиқарли ва ҳаяжонли лавҳаларни қаламга олади. Айниқса, «Шерлок Холмс ўлими олдидан» ҳикояси Артур Конан Дойл шухратини ошириб юборади.

ЭРНЕСТ СЕТОН-ТОМПСОН

(1860–1946)



Ҳамма адиблар ҳам табиат шайдоси бўлади, табиатни севади, ардоқлайди ва асарларида меҳр билан тасвирлайди. Она табиат барчамизники. Аслида инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги. Ҳеч бир адиб Эрнест Сетон-Томпсон каби табиатни тасвирлай ва сева олмаган. Инглиз адибининг барча асарлари табиат билан уйғунлашиб кетган. Зеро унинг психолог-олимларнинг таъкидлашича, табиатга меҳр-муҳаббат қўйган кишида меҳр-шафқат, саховат ва мурувват кучли бўлар экан. Эрнестнинг деярли барча асарлари табиатга бағишланган. Унинг «Мен билган жониворлар», «Қувғиндилар тақдири», «Ҳайвонлар-қаҳрамонлар», «Митти ёввойилар», «Ролбер ўрмонида», «Жониворлар ҳақида ҳикоялар», «Шимоллий ҳайвонлар ҳаёти», «Ёввойи ҳайвонлар ҳаёти» каби асарлари фақат болаларнинггина эмас, катталарнинг ҳам севимли асарларидир. Адибнинг кўпгина тилларга таржима қилиниб, чоп этилган «Ёввойи йўрға» асарида табиат ва инсон билан боғлиқ қонуниятлар ўз ифодасини топган. Бу қонуният ҳеч ким томонидан кашф қилинмаган табиий жараён.

Эрнест 1860 йил 14 августда Англияда таваллуд топган бўлса-да, Канада мактабларида ўқиб, таълим олади. Уларнинг оиласи бўлғуси йил ичи олти ёшга тўлганда Канадага кўчиб келган эди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ адабиётга ихлос қўйган, айниқса, бекор вақтларида турли хил ҳайвонларнинг расмини чизиш билан машғул бўлади. Қадимий Шотланд ҳикояларини берилиб ўқирди.

Бобоси асли шотландиялик бўлиб, оиладагилар бу гўзал ўлканинг тарихи ва табиатига жуда қизиқиш билан қараб, бобокалонла-

ри юртини қўмсарди. Шотландларнинг овчилик сирлари, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш маҳорати ҳақида қизик-қизик воқеаларни эшитар, хаёлида жонланган тасвирларга ранг берарди.

«Эшитиш бошқа, кўриш эса янада яхшироқдир», — деб кўярди. Эрнест, вақт топди дегунча узоқ қишлоқларга йўл олар, қалин ўрмонлар қўйнида ёввойиларча ҳаёт кечирувчи хонадонлар билан тезгина дўстлашиб олар, улардан олов атрофида ярим тунгача сўнгсиз ҳикояларни тингларди.

Эрнест ёввойи ҳайвонлар табиатини, феъл-атворини ўрганишдан эринмасди. Ёввойи ҳайвонларни тириклайин қўлга тушириш усуллари тоғликлардан ўрганиб, бу борада устаси фаранг бўлиб кетади. «Биздан ҳам ўтиб тушдинг», — деб ҳазиллашиб кўярди шериклари. Ҳаттоки йиртқич ҳайвонларни ҳам «галма-гал овлаш» усули билан қўлга тушуришарди.

Табиатни ким ҳам севмайди дейсиз. Жониворларни, ҳайвонларни ким ҳам яхши кўрмайди дейсиз. Бироқ Эрнест табиатнинг чинакам шайдоси. У ўз ўқувчисини табиатнинг ажойиб манзараларига, хилма-хил жонзотлар орасига етаклаб беради. Бу жонзотлар, табиат билан инсонни бир-бирига қиёслайди. Жонзотларнинг ҳам инсонлар қатори озод, тинч яшашини хаёл қилади. Анчайин ҳолларда асарлардаги илмий мушоҳадаларга дуч келамиз. Ёзувчинини уйлантириб юрган фикрларни ҳайвонлар тилидан беради.

Ҳар бир ижодкорнинг бошқаларникига ўхшамайдиган ўз овози, ўз оҳанги, ўзига хос тасвир услуби мавжуд. Унинг бу овози-оҳанги дунёнинг чекка ўлкаларига ҳам етиб боргандир.

РОБЕНДРАНАТ ТАГОР (1861–1941)



Ҳинд адабиётининг ўзининг романлари, шеърлари билан безаб турган адибнинг асарлари жаҳоннинг кўплаб халқлари тилларига таржималар қилинган. Махатма Ганди, Жавахарлаъл Неру, Ромен Ролланнинг Тагор ижоди ҳақидаги фикрлари кўпчиликка маълум.

Ёшлигидан адабиёт ва санъатга қизиқади. Тагор саёҳат қилишни яхши кўради. 1877 йилда бошлаб «Генанкур» журнали билан алоқа боғлайди. Бу журналда унинг илк нутқ ва мақолалари эълон қилинади. 1890 йилда у Европа бўйлаб саёҳатга чиқиб, Италия, Франция, Англияда бўлади. 1901-йилдан бошлаб кўпгина мамлакатлар, Америка, Япония, Хитой, Индонезия, Тайланд, Цейлон, Канада, Ҳинди-Хитой бўйлаб сафарга чиқади. 191

йилда Жаҳон адабиётига қўшган улкан ҳиссаси учун халқаро Нобель мукофоти лауреати бўлади.

Робиндранат Тагор Европа адабиёти дурдоналарини севиб ўқийди. Шелли, Браун, Китса, Гёте, Данте, Петрарка асарларини ўқиб, сўз бойлиги юксалиб боради. Ижодини ҳикоя ёзишдан бошлаган Тагор, кейинчалик романлар ҳам ижод қилади.

Тагор мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Ҳинд ва Жаҳон адабиёти наъмуналарини севиб ўқирди. Айниқса, халқ оғзаки намуналарини ўрганишга катта ихлос қўйган эди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ инглиз тилини пухта ўрганиб, бемалол сўзлашиш имкониятига эришади. Тагор икки ёшга кирганда онаси вафот этиб, бадавлат хонадоннинг фарзанди бўлишига қарамасдан, ҳаёт ҳақида мустақил фикрлай бошлайди. Отаси ҳам саёҳатда бўлиб, хонадонига камдан-кам келар, кўпинча Англияда итиқомат қиларди. Тагор мактабни битириб, 17 ёшга тўлганда, отаси ўғлининг ҳуқуқшунос бўлишини орзу қилиб Лондонга чақириб олади. Тагор ёшлигидан бадий адабиётни севар, ҳуқуқшунослик соҳаси унга бегонадек туюлаверарди. Шунинг учун ҳам олти ой зўрба-базўр ўқиб, Ҳиндистонга қайтиб келиб бадий ижодга шўнғиб кетади. Тагор табиат шайдоси эди. У Ҳиндистоннинг гўзал ўрмонларини, зилол сувларини, жазирама иссиғу ёмғир томчиларини севади. Унга, айниқса, сўлим қишлоқ меҳнаткаш деҳқонлари, оддий ҳаёт ҳақиқатлари жуда-жуда ёқарди. Қанийди имконияти бўлса қишлоқда яшаб қолса. Ёшлигида ота-бобосидан мерос бўлиб қолган ерни кўриб келиш учун аҳён-аҳёнда қишлоққа бориб, акаларининг қистови билан зўрға шаҳарга қайтиб келарди. Ҳуқуқшунослик соҳасини тарк этиб, ўғлининг Лондондан кетишини эшитганда отаси анча рағбатланган эди. Тагор Калкуттага қайтиб, шаҳарда кўн турмай ўзи севган гўзал қишлоққа қайтиб ота-бобосидан мерос ерга эгалик қилиб, оддий қишлоқ одамлари билан ёнма-ён деҳқончилик қилади. Ғам-ташвишдан йироқ ҳаёт, меҳнат гашти унга адоқсиз завқ-шавқ бағишлар эди. Ижодини шеър ёзишдан бошлаган Тагорнинг «Оқшом кўшиқлари» (1881) тўпламига кирган асарларини илҳомлаб адоғига етиб бўлмасди. Тагор жуда саҳий инсон эди. Қўл остидаги деҳқонлар ёш шоирни жуда ҳурмат қилар, илҳом парисини учуриб юбормаслик, осойишта ижод қилиши учун ҳеч бир ташвиш келтиришмасди.

РОМЕН РОЛЛАН (1866–1944)

Бургундиянинг Кламси шаҳрида нотариус оиласида таваллуд тоналди. 1881 йилда уларнинг оиласи Парижга кўчиб келади. Шундан сўнг Роменнинг ўқиши учун имконият туғилади. У педагог бўлишни



орзу қилади. Ёшлигидан адабиёт ва санъатга катта ихлос қўяди. Талабалик йилларидаёқ рус адиблари асарларини, хусусан Л. Н. Толстой ижодини кунт билан ўқиб боради. 1887-йилда Л. Н. Толстойга хат ёзади. Улуғ рус ёзувчиси ҳам ёш истеъдоднинг маҳоратига алоҳида эътибор билан қараб, 38 варақдан иборат мактуб жавоби йўллайди. Ромен ҳам Л. Толстойга атаб бир қанча мақолалар ва «Толстой ҳаёти» номли китобини ёзади.

Ёзувчи қадимги Рим санъати ёдгорликларига катта қизиқиш билан қарайди ва Римга саёҳат қилади. 1895-йилда Парижда Европа операси тарихига оид диссертация ҳимоя қилади. Шундан сўнг драма ёзишга бел боғлайди. «Эътиқод трагедияси» номи билан туркум трагедияларини эълон қилади. «Муқаддас Людовик» (1897), «Аэрт» (1898), «Вақт келади» (1903) пьесалари шу туркумдан ўрин олган эди.

Ромен Роллан дунёқараши бой, фикрлаш кўлами кенг бўлган олим эди. У бир қатор драмалар ижодкори бўлиш билан бирга драматургия ва театр санъатининг назарий асослари ҳақида қатор илмий-танқидий асарлар ёзади. Ижодкорнинг илмий асарлари «Драматик санъат талқини» журналида босилиб туради. Бундай илмий мақолаларни қайта ишлаб «Халқ театри» номи билан (1903) алоҳида китоб ҳолида нашр этади.

Ромен Роллан фалсафий мавзуда ҳам қалам тебратиб, ўз даврининг муҳим муоммоларини кўтариб чиқади. «Идеализм захри» (1900) мақоласи кўплаб манозараларга сабаб бўлган эди.

Ўзининг драмалари билан машҳур бўлган Ромен Роллан ўз асарларида меъёр ва мазмун моҳиятига алоҳида эътибор беради.

«Бўрилар» (1898), «Дантон» (1899), «Ақл тантанаси» (1899), «Ўн тўртинчи июль», «Ўлим ва муҳаббат ўйини» (1924), «Леонид» (1927), «Робес Пьер» (1939) каби драмаларида асосан 1789–1794 йилларда Француз жамиятида бўлиб ўтган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларни кўрсатиб беради.

Адиб буюк инсонларнинг таржимаи ҳолини ўз ичига олган эпик асарлар устасидир. Ҳаёти, ижоди жасорат тимсолига айланиб кетган машҳур фидойи ижодкорлар Бетховен («Бетховен ҳаёти» 1903), Мекеланжело («Мекеланжело ҳаёти» 1906), Л. Н. Толстой («Толстой ҳаёти» 19011) ҳақидаги асарлари хайрли ва юксак ижодий ҳосилалардан ҳисобланади. Ўз асарида бу уч буюк ижодкорларнинг ҳаёти ва асарларини тадқиқ қилиш билан бирга, уларнинг жаҳон адабиёти ва санъати тарихидаги ўрнини ҳам белгилаб беради. Муаллиф бу уч асарни алоҳида ва бир бутунликда туркум ҳолига келтириб нашр қилади. Шу

билан бу учта улуғ устозга нисбатан беадад ҳурмат ва эҳтиромини намоиш этади.

Ромен Роллан ўн жилдлик роман муаллифидир. «Жан Кристоф» (1904–1912) романи биринчи бор «Икки ҳафталик дафтар» журналида бериб борилади. Кейинчалик алоҳида китоб ҳолида нашр қилинади. Романда ўз даврининг машҳур ижодкорлари Жан Кристоф ва Бетховен ҳаёти тасвирланади. Ёзувчи ўз ижобий образлари ҳаётини қарама-қаршиликларга бой, ижтимоий-сиёсий воқелик кескин тус олган бир даврда адабиёт ва санъат фидойиларининг ниҳоятда кадр-сиз ҳаёт кечиришларини ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

«Жан Кристоф» туркум романлари «Тонг», «Эрталаб», «Ёшлик», «Исён», «Майдондаги кўргазма», «Антуатта», «Хонадонда», «Неопол савдоси», «Франция ва минатюра», «Гармсел кун» асарларини ўз ичига олиб, воқеалар бир-бирининг мантиқий давомига улашиб кетган.

Биринчи Жаҳон уруши даврида адиб асосан публицистик мақолалар ёзиш билан машғул бўлади. «Исканжа» (1916), «Уруш йиллари кундалиги», «Халқ талофати» (1916), «Ёруғлик тўлқинлари» каби илмий-фалсафий қарашлари, оташин нутқи билан уруш оловини ёқувчиларга қарши ўзининг кескин нафратини изҳор этади.

Биринчи Жаҳон урушига Француз зиёлиларининг муносабати мавзусига бағишланган «Клерамбо» (1916–1920) романи ғоявий юксаклик тимсолидир.

Ромен Роллан умрининг сўнги даврларидаги ижодини уруш мавзусига бағишлайди. Машғум уруш туфайли адиб энг яқин кишиларидан ажралади. Миллионлаб француз фарзандлари уруш туфайли нобуд бўлади. Халқ каби ёзувчининг қалбида уруш даҳшати битмас ғам бўлиб қолади. Уруш Пьер ва Люс каби бегуноҳ ёшларни ҳам ўз домига тортиб кетганлигидан зорланади. «Пьер ва Люс» (1918) қиссасида тасвирланишича, Сен-Жерве ибодатхонаси ўққа тутилиб, Пьер ва Люс ҳам снаряд зарбидан ҳалок бўлади. Ёзувчи барча асарларида ҳаётни поймол этган урушни қоралайди. Миллионлаб одамларнинг ҳаёти эвазига бойлик, ер, мол-дунё орттиришни орзу қилган манфур сиёсатдонларга қарата ўзининг ўтли нафратини изҳор этади.

Ромен Ролланнинг адабий мероси қитъалараро чегара билмай инсоният келажаги учун хизмат қилиб келмоқда.

ОВАНЕС ТУМАНЯН

(1869–1923)

Қадимда шаҳарлар жуда кўп бўлган. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам муқаддас эмасди. Тошдан ёки пишиқ гиштдан атрофи айлантирилган қурғонлар ҳам озгина аҳолиси бўлса ҳам шаҳар деб аталган. Би-



роқ уларнинг кўплари асрлар синовига дош беролмай турли хил сабабларга кўра йўқ бўлиб кетишган. Қадимийлиги ва муҳташамлиги жиҳатидан Афинадан ҳеч ҳам қолишмайдиган қирқ дарвозали Фива шаҳри ҳам култепага айланиб қолган. Бундай йўқ бўлиб кетган шаҳар-давлатларни тарих саҳнидан жуда кўплаб топиш мумкин.

Жаҳон архиолог олимлари бундай қадимий шаҳарларга мисол қилиб Афина, Рим, Ереван, Самарқандни тилга олишади.

Ованес Туманянга ижод этган ўнлаб адиблар Арман адабиёти ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган. Бироқ, уларнинг ижодидан тўлиқ намуналар сақланиб қолмаганлиги сабабли арман адабиёти ҳақидаги тасаввуримизни бойита олмайди.

Ованес Туманян 1869 йилда Лоре туманига қарашли Дсех қишлоғида таваллуд топади. Қишлоқ мактабида ўқигач, руҳоний отаси дурроқ билим олиши учун Тибилиси шаҳридаги арман диндорлари очган семинарияга юборади. Бу семинарияда асосан диний китоблар муталаа қилинса-да, ўқувчилар дунёвий билимларидан ҳам хабар топади. Бу томондан арман мумтоз адабиётини ўқишга имконият туғилса, иккинчи томондан рус адабиёти намуналари билан таниша бошлайди. Тибилисидаги адабий муҳит билан семинария талабалари яқинидан алоқа боғлаган эди.

Ованес Туманян ўзининг «Ануш», «Эски кураш» дostonларида ҳам арман халқининг миллий қадриятларини, ўзига хос характери-ни, урф-одатларини, тарихий кураш жараёни, эл бўлиб, миллат бўлиб яшаш ҳиссини романтик кўтаринкилик руҳида куйлайди.

Ованес отаси йўлидан, руҳоний бўлиш орзусидан воз кечи-б, ўзи танлаган йўлдан боради. Диний илмдан дунёвий илмни афзал билади. Дастлабки фаолиятини газета ва журналларга турли хил хабарлар, шеърлар ёзишдан бошлайди. «Болға» арманчасига «Мурч», «Булоқ» арманчасига «Ахбюр» журналларида тез-тез мақолалари, шеърлари, тўртликлари босилиб, кўзга ташланади. Арман мумтоз адабиёти анъаналари асосида ёзилган масал ва эртаклари шоир номини танитади. «Мушук ва ит» (1886), «Маро» (1887), «Қуёш ва Ой» (1890) каби масал ва эртаклари арман мактаблари дарсликларидан ўрин олган.

«Лорилик Сако» (1889) дostonи халқ ҳаётининг тарихий жараён-ларига бағишланган бўлиб, шоир халқ оғзаки ижоди анъаналаридан маҳорат билан фойдаланган.

Ованес Туманян рус ва жаҳон адабиёти намуналарини берилиб ўқир, А. С. Пушкин, Д. Байрон, В. Шекспир асарларининг таржима-

си устида ишлар, тезроқ арман ўқувчисини рус ва жаҳон адабиёти-дан хабардор қилишга шошиларди.

Адибнинг кўпгина асарларида рус ва жаҳон адабиёти таъсири сезилиб турибди. Хусусан «Артабазд», «Шоҳ Аванес» тарихий драма-лари ўзининг янгича талқини, янгича руҳи билан арман адабиётида алоҳида ўрин тутаяди. Эндиликда адиб ўз ижодига янгича бир талаб-чанлик билан ёндошади. Асарнинг ифода жараёни, воқеалар баёни ҳам янгича руҳ билан бойитилади. «Тимкоберд қальясининг забд эти-лиши», «Парвона», «Ануш» дostonлари шоир ижодининг юксак чўққисини ташкил этади.

Рус чоризми Арман ўлкасини осонликча қўлга кирита олмагач, оммавий қирғин эълон қилади. Оммавий қирғинда гўдакми, кекса-ми, хотин-халажми ўлди. Мана шундай оммавий қирғин даҳшатини кўрган Ованеснинг фигони чиқиб кетади.

Шоир «Она юрт гами» (1915) шеърида ўз диёрининг хароб бўлган-нини, шаҳар ва қишлоқларнинг вайронага айланганини нақорат тар-зида:

*О, афсус ўлкам
Кўп маъус ўлкам! --*

дея надомат ва андуҳ билан куйлайди. Яна шу шеърида:

*Кўриб турибман: душман сени поймол этмоқда,
Гуллар сўлиб, кўркинга бир-бир путур етмоқда.
Қишлоғу шаҳарларда йиғи-сиғи ва нола,
Кўшиғу куйларинг ҳам маъус, ҳасратга тўла.
Золимларнинг дўқидан қар ҳам булгудек қулоқ,
Зулм занжири тўфайли ёш тўла кўзлар булоқ.*

*Бағри қон ўлкам,
Жонажон ўлкам!*

Шоир бошқа бир «Арман қайғуси» (1903) шеърида, ўз дардини халқнинг гам-қайғуси билан боғлайди. Денгизни халқ деб билса, ўзини шу денгиз ичидаги халқ билан бир жон, бир тан ҳис қилади. Бироқ бу денгизнинг қирғоқларига чиқиш мушкул масала, денгиз қирғоқ-ларига чиқиш мисоли бир саробга чиқишдай гап. Шоир Арман қай-ғусини мана шундай тўфонли, тубсиз ва қирғоқсиз-находсиз бир денгизга қиёс қилади.

*Арманнинг қайғуси тубсиз ва чексиз,
Худди денгиз каби бепоён.
Лойқа тўлқинланиб турган шу денгиз,
Қаҳрида мен ҳасратда ҳамон.*

Ованес Туманян орзу қилган ёруғ кунлар, тиниқ ва сокин денгиз тўлқинлари яшаб келди. Арман халқи ўз эрки ва озодлигига эришди. Шоирнинг шеърлари кўпгина тилларга таржима қилинган.

ТЕОДОР ДРАЙЗЕР (1871–1945)



Индиана штатининг Терре хот қишлоғида сер-фарзанд қашшоқ оилада дунёга келади. Драйзер ўқиш у ёқда турсин, кун кўришга ҳам қийналиб, пул топиш учун эртадан-кечгача тинимсиз меҳнат қилар эди. Даставвал ресторанда идиш-товоқ ювувчи, ер ўлчовчи, уста текширувчи, қўйингки, унинг қилмаган соҳаси, иш қидириб кирмаган кўчаси қолмайди. Шундай бўлса-да, ҳамма вақт ўқишини давом эттириши лозимлигини қалбан ҳис этиб юради. Мактабни битириб Индиана университети-га кириб, уни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бун-

дай моддий қийинчиликлар унинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатади. Турли-туман одамлар билан учрашади. Яхши ва ёмонни кўради. Ҳаётнинг мураккаб қирраларига дуч келади. Улар ҳақида ёзишни орзу қилади. Бу орзу уни Чикаго, Сент-Луис, Петербург, Нью-Йорк газеталари билан алоқа боғлашга етаклайди. Олий маълумотли бўлмаса ҳам газетлада дурустгина мақола ва хабарлари чиқади. Л. Н. Толстой асарлари уни ёзувчилик кўчасига олиб киради. Рус ёзувчиси асарларини муттасил ўқийди. 1900 йилга келиб, катта ижод кўчасига қадам қўяди. Илк ижод намунаси «Бахти қаро Керри» (1900) романи маҳорат билан ёзилиб, ёзувчи номини Америкага машҳур қилиб юборади. Гарчи роман 13 йил босишга рухсат берилмаса ҳам, унинг қўлёзма-сини кўпчилик ўқиб чиқади. Бу давр ичида роман Англияда босмадан чиқади. Ёзувчининг биринчи романини босишга рухсат этилмаслиги, унинг руҳиятига қаттақ таъсир этса ҳам, иккинчи романи «Женни Герхард» (1911) устида ишлайди. Теодор Драйзернинг душманлари бу қашшоқ ўқимаган йигитнинг машҳур бўлиб кетишидан хавотирга тушади. Минглаб китобхонлар сеvimли адибини ахтариб келаверади, унинг янги асарларини зориқиб кутади, янги ижод сарф-даъват этади. «Молиячи», «Даҳо», «Титан», «Учлик хоҳиши» ҳикоялар тўплами Америка китобхонларининг зориқиб кутган асарлари бўлди. Шундай бўлса-да, муҳолифлари Драйзерга шубҳа билан қарарди. Қутилмаганда унинг машҳур бўлиб кетишидан чўчирди. 1925 йилда «Америка фожиаси» романи ёзилгандан сўнг Драйзернинг ижод дарвозаси кенг очилади. Ундаги фавқулотда катта талантни бутун Аме-

рика китобхонлари олқишлайди. Теодор Драйзер кўпгина адиблар сингари талайгина асарлар ёзмади. Учтагина романининг ўзи жаҳон адабиётини безаб турибди.

АНРИ БАРБЮС (1873–1936)



Аньер шаҳрида журналист оиласида дунёга келади. Университетни тугатгандан сўнг ижод билан машғул бўлади. Дастлабки ижодини шеър ёзишдан бошлайди. 1895 йилда биринчи шеърлар тўплами чоп этилади.

«Гўзаллик ҳақиқатнинг шаклидир», дейди «Ёлворувчилар» (1903) романининг бош қаҳрамони Мажилима. «Ўлим ва очлик ҳукмрондир», деб нола қилади иккинчи бир «Заҳар» (1908) романининг қаҳрамони.

Анри Барбюс ҳаётининг кўп йиллари урушда ўтади. «Мен урушнинг бошидан то охиригача қатнашдим», деб эслайди атоқли француз адиби. Шунинг учун ҳам унинг асарларида тасвирланган ҳаёт ҳақиқатга жуда яқиндир.

«Олов» (1917) романи мана шундай қирғин-барот урушларнинг акси — инъикосидир. Бу асарда урушдаги барча шафқатсизлик ва амолатсизликлар ҳақида ҳикоя қилинади. «Франциядан хат» асарида урушга бўлган нафрати изҳор этилади. Ёзувчи ижодини уруш даҳшатларининг тимсоли деб бежиз баҳолашмаган.

Анри Барбюс қатор ҳикоялар ва романлар устаси. «Биз» ҳикоясида ёзувчи босқинчилик урушларини қоралайди. «Орден» ҳикояси эса Африка негрларини беҳисоб ўлдирган солдат нишондор бўлади. Бундй юксак ёрликқа эга бўлган солдат «орден» ини мудом яшириб юради. Чунки қотиллик орқасидан орттирган бундай нишонга у ўзини муносиб эмас деб билади.

Барбюс 1914 йилда кўнгиллардан бўлиб Биринчи Жаҳон урушини жўнаб кетади. Ёзувчининг олдида қўйган мақсади, журналист сифатида уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўриш ва уруш оловини ёзувчиларни аниқлаш, ҳақиқатни адолатли таҳлил қилишдан иборат эди.

Барбюсни ҳамма вақт урушнинг охириги бўлинмасига қўядилар. Шундай бўлса-да уни ҳурмат-эҳтиром билан журналист сифатида қирраб, тақдирлаб, унвон берадилар. Бироқ, Барбюс бундай қуруқ сифатбозлик, ёлғон унвонларни рад этиб, урушнинг энг оловли вабоқларига юборишни талаб қилади. Журналист ҳаётини таҳликага

қўйиб бўлса-да, халқ билан, жанговар инсонлар билан бирга бўлишни, бу ердаги қайноқ воқеалардан хабардор бўлишни хоҳлайди. Шундай қилиб, журналист ўз кундалигига кўрган-билган воқеаларни ёритиб боради ва бу кундалигини «Урушдан хат» деб атайди.

Ёзувчи кейинчалик бу воқеалар жараёнини «Олов» деб номлаб, роман ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Барбюс «Урушдан хат» асарини қайта ишлаб, «Олов» дея атайди. «Олов» романида берилган айрим воқеалар «Эвр» газетасида ёритиб борилади. Газетада босилган роман воқеаларини солдатлар қўлдан-қўлга ўтказиб, берилиб ўқирди. Уруш даҳшатини ўз кўзи билан кўрган адиб, кейинчалик уруш оловини ёқувчиларга қарши исён кўтаради, улардан нафратланади. Ёзувчи «Уруш оловини ким ёқди?» деган саволга жавоб қидиради.

«Олов» (1916) романи нашр қилингандан сўнг, минглаб ўқувчилар уни қўлдан туширмай ўқиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топади, урушнинг моҳияти ҳақидаги фикрлари ўзгариб, бош айбдорлар ким эканлигини тушиниб олишади.

«Олов» романи қатор очерклар занжиридан иборат. Бу очерклар бир-бирини мантиқан тўлдириб, мазмунан бойитиб, воқеалар тафсилоти ўзаро уланиб кетган. Романда ягона бош қаҳрамон берилмаган. Унда юзлаб солдатларнинг жангда кўрсатилган жасорати, матонати ва мардларча ўлими, беҳуда қон тўкиши ва фожеалар тафсилоти қизиқарли бадиий тасвирларда бериб берилган.

Романда Потерло, Бекюв, Тирлуар, Бертран, Фуйяд, Андрэ, Мекиль, Ламиз тақдири билан боғлиқ тасвирлар ниҳоятда таъсирли чиққан. Бу ҳарбийлар оддий, қабоҳат ва риё нима эканлигини билмайдиган инсоний қалб эгаларидир. Бундай оддий солдатлар уруш ҳақида эмас, эзгулик ва ёруғ кунлар ҳақида хаёл сурадилар.

«Олов» романи ёзувчининг ўзига хос фалсафасидир. Уруш ҳақида ёзар экан, «кимдир ватан учун жонини фидо қиляпти, кимдир уруш орқасида туриб, тинчгина ва осуда ҳаёт кечириб, катта бойлик орттирмоқда», деган фикрларни ўртага ташлайди.

Бундай фикрлари учун Барбюсни, ўз даврининг яловбардор танқидчилари, уруш оловини ёқувчиларнинг ликонглаган думи бўлиб юрувчи хушомадгўй адабиётшунослар «Олов» романини қаттиқ қораладилар, уни ўта зарарли роман деб кескин танқид қиладилар. Романи ўқиган ўқувчи эса муаллифни шарафлар, унинг номини улуглар эди.

Барбюс урушдан қайтиб келгач, катта ҳаёт тажрибасини тўшлаб, маҳорати ўсиб-улгайиб, «Ёрқинлик» (1919) романи устида ишлайди. Адиб бутун умри давомида ҳам ижоди, ҳам нутқи билан урушни қоралаб келган.

«Ёрқинлик» романининг бош қаҳрамони Симен Полендир. Заводнинг оддий ишчиси дастлаб ҳаётни тушунмайди. Зўрға кунни ўтса ҳам шунинг ўзи бас. Ўзининг қашшоқ ҳаёти ҳам уни заррача қизиқтирмайди. Ҳақ-ҳуқуқини талаб қилган намойишчиларни ҳам тинчлантиришга ҳаракат қилади.

Бироқ кейинчалик уруш унинг кўзини очади. Айниқса, яралангандан сўнг, асир тушганларга муносабат воқеаларини ўз кўзи билан кўргандан сўнг, мудҳиш воқеаларга гувоҳ бўлгандан кейингина ҳаёт ҳақида, келажак ҳақида ўйлай бошлайди. Урушга қарши, уруш оловини ёқувчиларга нисбатан қаттиқ ғазаб-нафрат туйғуси пайдо бўлади. Ўзининг ўтмишини ўйлаб, эзилиб ишлаб, қашшоқ ҳаёт кечирган кунларини эслаб ўзига ва зolimларга нисбатан қаҳр-ғазаби қайнаб кетади.


Ёзувчи ўз қаҳрамонининг дунёқарашини тобора ўстириб, мустақил ўй ва фикрлаш ҳиссини уйғотиб боради. Роман қаҳрамони Симен Полен воқеалари ниҳоясига бориб, илгаригидек хўжайинининг хушомадгўйи эмас, ўз қадрини эркин англаб етган, жамиятнинг етук кишисига айланади.

Барбюс ижодига «Ҳақиқат қиссалари» (1928) деб номланувчи асарлар тўплами алоҳида зеб бериб турибди. Хилма-хил мавзуларга бағишланган бу қисса ва ҳикоялар тўплами ёзувчи ижодининг юксак нўққисини белгилаб берди.

Анри Барбюс умрининг охириги йилларида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлиб ўтган тинчлик конгрессларида нутқ сўзлаб, ўзининг сермазмун маърузалари билан урушни қоралайди, тинчликни ёқлаб чиқади.

ГЕНРИХ МАНН

(1871–1950)



Немис адиби Любек деган шаҳарчада туғилади. Мактабни тугатгандан сўнг Дрезденда, сўнгра Берлин университетиде таълим олади. 1892 йилда отаси вафотидан сўнг уларнинг оиласи Мюнхенга кўчиб келади. Маннинг 1900 йилда ёзилган илк романи Берлин кўчаларидаги ҳаёт, бош қаҳрамон Андреас Цумз тақдирга бағишланади. Орадан 29 йил ўтгандан сўнг бу образ яна янги романнинг бош қаҳрамони сифатида берилади. 1902–1903 йилларда «Диана», «Минерва», «Венера» деб номланувчи уч китобдан иборат трилогия ёзади. У «Муҳаббат чопқири» (1904), «Ўқитувчи Упрат» (1905), «Кичик шаҳар» (1909), «Муҳтарам Летро» (1917) романларининг ҳам муаллифидир.

Манн ижоди жуда сержило ва сермазмундир. 1918 йилда «Империя» номли уч романдан иборат — «Қашшоқлик», «Бошлиқ», «Жиддий ҳаёт» трилогиясини ёзишга киришади. 1935–1939 йилларда Генрих IV ҳаётига бағишланган икки тарихий романдан иборат «Генрих IV нинг болалиги», «Генрих IV нинг йигитлиги» эпопеясини яратади.

1940 йилда Францияни немислар босиб олгач, Американинг Лос-Анжелос шаҳрига келади. Адиб Америкада ҳам тинимсиз ижод билан машғул бўлади. Ўнга яқин кино романлар яратади. 1945 йил 2 майда Ватанига қайтиш истагида «Берлинга сўз» мактубини йўллайди. Бу ерда Германия санъат академиясининг Президенти бўлиши керак эди. 1950 йилда «Стефан Батарий» пароходига билет олиб сафарга отланиш учун Калифорниянинг Санта-Моника шаҳрида ватанига қайтишдек қувончини юраги кўтаролмай оламдан ўтади.

Генрих Манн трилогия яратиш устасидир. Шу билан бирга илмий-публицистик асарлари билан ҳам машҳурдир. «Бир дўстлик ҳақида»ги мақоласида Гюстов Флобер ва Жорж Санд ҳақида уларнинг ижодий муваффақиятлари юзасидан фикр юритади. Кейинги илмий мақоласи «Гёте ва Вольтер» деб номланиб, бу икки адиб ижодининг умумий жиҳатлари ва ўзига хос қирралари ҳақида тўхталиб ўтади.

Адибнинг «Рейхстаг» (1911) номли публицистик асари немис парламенти ва унинг инсоният тараққиёти учун зарарли ва немис миллати учун хавфли фаолияти ҳақида очиқдан-очиқ танқидий фикрларини билдиради.

Генрих Манн «Империя» трилогияси билан немис адабиёти чўққисига кўтарилди. Бу трилогия бутун бир жамиятнинг, парламентнинг, рейхстагнинг эпопеясини кўрсатиб беради. Айниқса, трилогиянинг иккинчи — «Қашшоқлар» (1981) асарида Гесленг ҳаёти, унинг қандай қилиб, бой-бадавлатлик поғонасига кўтарилиши кўрсатиб берилди. Гесленг образи трилогиянинг биринчи романида ҳам тасвирга олинган.

Генрих Манн иккинчи Жаҳон уруши даврида урушни қоралаб, фашизмнинг ёвуз ниятларига қарши бир талай публицистик асарлар ёзади. Францияда яшар экан, фашистларга қарши кураш жамиятининг раиси сифатида ўзининг оташин нутқи билан конгресс ва митингларда сўзга чиқиб, фашистлар бошлаган урушнинг энг мудҳиш ва таҳдид-таҳликали томанлари ҳақида тўлиб-тошиб сўз юритади. 1933 йилдаёқ Амстердамда «Нацистлар ҳаётидан кўриниш» номли публицистик асари чоп этилади. Бу асарида муаллиф даҳшатли уруш оловини ёқувчи Гитлер, Геринг, Геббельснинг ёвуз ниятларини очиқ ташлаган эди.

Генрих Манн «Жасорат» асарида фашистларга қарши курашиб қамоқхонада мардларча жон берган Эдгар Андрэ жасорати ҳақида ҳаяжон билан ёзади.

Муаллиф «Лидиц» (1943) кинороманида Чехословакиядаги Лидиц ҳамда Лицан қишлоқларининг фашистлар томонидан ёқиб юборилган, эркакларнинг отиб ўлдирилиб, хотинларнинг концлагерга ташлангани ҳақида сўз юритади.

Кейинги «Аср тафсилоти» (1944) асари ҳам «Лидиц» кинороманининг давоми бўлиб, иккинчи Жаҳон урушининг бошланиш сабаблари ва уруш оловини ёқувчилар ҳақидаги ҳаётий эпизодлар берилган.

ТОМАС МАНН (1875–1955)



Олмон адабиётининг атоқли адибларидан бири Любек шаҳрида туғилган. Ёзувчи Генрих Манннинг укаси. Уларнинг оиласи Мюнхенга кўчиб боргандан сўнг, бадий асарларни тинимсиз ўқиб, адабиёт ва санъатга муҳаббати орта боради. Мюнхенда у «Симплициссимус» ҳажвий журнали билан алоқа боғлайди. Бу журнал саҳифаларида илк новеллалари босилади. Дастлабки новеллалар тўплами «Кичик ўртоқ Фридаман» (1897) деб номланади. Томаснинг акаси Генрих билан Италияда икки йил яшаши, ака-ука дунёқарашига

катта таъсир кўрсатади. Бу ерда улар Римнинг қадимий ёдномалари, антик дунё адиблари асарларини ўқишга муваффақ бўладилар. «Будденбрак» (1901) романида Иоган Будденбраклар оиласининг тарихий солномаси эпопея тарзида берилган. Бу даврда Европа адабиётида роман-хроника ёзиш («Форсейт ҳақида сагалар», «Тибо оиласи» хроникалари) одат тусига кирган эди. «Венециядаги фожа» романи Томас ижодининг гуллаб-яшнаганидан гувоҳлик беради.

Томас ижодида фалсафий руҳдаги романлар ҳам кенг ўрин эгаллаган. Бу жиҳатдан «Фаройиб тоғ» (1924) романи эътиборга лойиқдир. Ёзувчи 16 йил давомида «Иосиф ва унинг укалари» тетралогияси устида ишлайди. Тетралогия «Иокова тарихи» (1933), «Ёш Иосиф» (1934), «Иосиф Мисрда» (1936), «Иосиф» (1943) романларидан иборат. 30-йилларда фашистлар ҳаракати кучайган чоғда Томас Амстердамга келади. Сўнгра Брюссель, Париж (1933), Швецария, Чехословакияга боради. Ниҳоят у акасининг олдига Америкага кетади. Кексйиб қолган вақтда ўз юртига қайтиб келиб вафот этади.

Томас ёзган романлар акаси Генрихникидан кам эмас. «Лотта Веймерда» (1939), «Доктор Фаустус» (1947), «Доктор Фаустус тарихи», «Бир роман ҳақида роман» асарлари Томас Манн истеъдодини, маҳоратини намойиш этиб турибди.

Жаҳон адабиётида ака-ука Якоб (1785–1863), Вельгельм (1786–1859), Гриммлар номи билан уч жилдлик икки юздан зиёд эртактларни ўз ичига олган «Болалар ва оилавий эртактлар» номи билан китоблар нашр қилинган. Ака-укалар Берлин университетининг филология факультетини тамомлаб, бири тилшунослик, иккинчиси фольклоршунослик бўйича профессор бўлганлар.

Жаҳон адабиётида яна ака-ука Генрих ва Томас Маннлар ижоди муносиб ўрин эгаллаган.

Томас Манн энг аввало маҳорат билан яратилган новеллалари билан машҳур бўлди. Ёзувчининг айрим новеллалари кейинчалик роман сюжетига уланиб кетди. Унинг «Тонно Крегер», «Венециядаги ўлим» новеллалари шаклан кичик бўлса-да, мазмунан бойлиги билан ажралиб туради.

Ёзувчи «Иосиф ва унинг укалари» тўртлигида (тетралогия) Христиан дини ва унинг муқаддас китоби «Библия» даги мифологик воқеаларга мурожаат қилади.

Томас Манн «Доктор Фаустус» романини анча йиллар ёзишни режалаштириб қўйган эди. Бу романнинг юзага келишига иккинчи Жаҳон уруши ва қувғинда юрган оғир ҳаёт синовлари халақит беради. 1947 йилда «Доктор Фаустус» романини ёзиб якунлар экан, ёзувчига ўз ўқувчиларидан юзлаб мактублар келади.

Шундан сўнг Томас Манн 1949 йилда «Доктор Фаустус тарихи. Роман ҳақида роман» деб номланувчи катта мақоласини эълон қилади. Бу мақолада асосан йиллар салномасига алоҳида эътибор қаратилган бўлса-да, Фаустус ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар берилади.

Романда тарихий воқелик орқали Германиянинг ўтмиш ва келажаги ҳақида ҳам фалсафий фикрлар айtilган. Роман қаҳрамони атоқли мусиқачи ва буюк композитор Адриан Леверкюн. Романда Адриан Леверкюн ижоди бошқа бир буюк мусиқачи Бетховен яратган санъатга қарама-қарши қўйилади.

Фалсафий-психологик руҳдаги романда кўплаб афсона ва ривоятларни учратамиз. Фарбий Европа адабиётида Фауст ҳақида кўплаб асарлар оғзаки ижодда ҳам, ёзма адабиётда ҳам юзага келган. Буларнинг ичида энг йириги Гётеннинг «Фауст» трагедиясидир. Томас Манн асарининг воқеаси Гёте яратган «Фауст» трагедиясига сира ўхшамайди. Гёте яратган Фауст юксак фалсафий ғоялар билан машғул бўлган, инсоният келажаги ҳақида муҳим фикрларни айта олган улғу қалб эгасидир.

Леверкюн эса ўз мусиқаларини инсон бахти ва келажаги учун бағишлайди. Унинг яратган мусиқалари жамиятга хизмат қилмайди. Тингловчига кўтаринки кайфият ўрнига тушкунлик ҳаля этади. Ниҳоят мана шу тушкун кайфият орқасидан ўзи ҳам ҳалок бўлади.

Томас Манн дастлаб эсдаликлар ёзиш ниятида қўлига қалам олади. Адриан Леверкюн ва унинг замондошлари образи эсдаликлардан роман даражасига кўтарилиб, «Доктор Фаустус» романининг мунчаллик машҳур бўлиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Тарихий ҳақиқатда Адриан бетоб бўлганида унинг ғоявий душманлари табибни сотиб олиб, заҳар бериб ўлдирадilar. Сўнгра ҳеч бир из қолмаслиги учун танасини бензен билан ювиб, кул бўлиб кетгунча ёқиб юборадilar. Бу машҳур воқеани Томас Манн Америкадалигида эшитиб эски қадрдон дўстининг тақдирига жуда ачинган эди. Ўн бир йил илгари гимназияда ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатган кезлари бу буюк композитор билан учрашган, яқин муносабат ўрнатилган эди.

Улғу композитор ҳаётининг сўнги йиллари жуда ачинарли ҳолда кечади. Ўн икки соатлаб мусиқа ихтиролари билан машғул бўлиб, асаблари чарчаб қолган эди. Шунинг учун ҳам у шол бўлиб, кўп вақт касалхонада даволанади.

Томас Манн ўз ватани Германияга қайтгандан сўнг, ёши анчага улгайиб қолган бўлса-да, қайноқ ижод қўйнида бўлади. Ёзувчининг «Доктор Фаустус» романи кўпгина тилларга таржима қилинган.

ЖЕК ЛОНДОН

(1876–1916)



Сан-Францискода дунёга келади. У туғилган оила, кўз очиб кўрган дунё қашшоқликдан иборат эди. Болалигида қорни тўйиб овқат еганини эслай олмайди. Бошланғич мактабни қийнала-қийнала битириб олгандан сўнг, фабрикада ишлашга мажбур бўлади. Шундан сўнг у Америка ва Канаданинг кўп шаҳарларидан иш қидириб сарсон бўлади. У қаерда бўлмасин ўз устида тинмай ишлар, университетда ўқишни орзу қиларди. 1995 йилда бу орзуси ушаладию, аммо узоққа чўзилмайди. Бир йил ўқиғач, отаси вафотидан сўнг университетни тинишга мажбур бўлади.

У иш қидириб Алясканинг олтин конларига боради. Бироқ у ерда ҳам унинг орзулари сароб бўлиб чиқади. Олтин конидан баттар қашшоқланиб, бор-йўғидан ажралиб қайтади. Бундай муҳтожликлар Жек Лондоннинг ўсишига катта таъсир кўрсатади. У пул топиш учун «Чинк» кундуз тинимсиз меҳнат қилади. Аммо косаси ҳеч оқармайди. У 4 кун билан кўрган воқеаларни ёзишга киришади. Бу жиҳатдан унинг «Мартен Иден» «Шимол ҳикоялари» романидаги воқеалар ҳақиқатга жуда яқиндир.

Жек Лондон ижодий фаолияти давомида бир юз элликдан ортиқ ҳикоя ёзиб, ҳаётнинг турли-туман кўринишларини қаламга олади.

Ҳаёт хилма-хил сўқмоқлардан иборат. Адиб бу сўқмоқларнинг барчасидан юриб, ҳаёт машаққатларини обдон тортиб кўради. Жек Лондон яратган 150 ҳикоя, ҳаётнинг юз элликта сўқмоғидир. Бу асарларнинг мавзуси турлича. «Оқ сукунат», «Қирқ мил нарида», «Оталар худоси», «Соқуқ болалари» ҳикояларида яратилган турфа қиёфалар, ўз елкаларида ҳаётнинг қайсидир юкини кўтариб юради.

Адиб қайси мавзуда қалам тебратмасин, инсонийлик, яхшилик, эзгуликни улуғлайди. Кўпгина қаҳрамонлари муҳтожликда яшасалар ҳам ҳаётдан қандайдир гўзалликни, зим-зиё тун қўйнидан ёруғлик қидиради. Муаллифнинг ҳаёти ҳам қаҳрамонларига ўхшаб кетади.

Англияга қилган саёҳатлари давомида Лондон ишчиларининг оғир ҳаётига дуч келади. «Бу ердаги ҳаёт мен ўйлаган ҳаётдан ҳам баттар экан», деган хулосага келади. «Тубанлик кишилари» (1903) очерклар тўплами мана шу саёҳат таассуротлари таъсирида битилган.

Адибнинг «Темир тоvon» (1907), «Мартен Иден» романлари ҳам санъаткорона дунёга келган.

Жек Лондон ҳикоя устаси сифатида жаҳон адабиётида муносиб ўрин эгаллаган.

Инсон қудратини намоён этидиган — бу унинг иродасидир. Ирода инсонни ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларидан олиб ўтади. Ирода инсонни тушкунликка тушишдан сақлайди. Ирода ҳар қандай мудҳиш, қайғули воқеалар олдида ҳам инсонни бардошли бўлишига ундайди. Жек Лондон ҳикояларида мана шундай турли хил ирода эгалари қаламга олинади.

Адибнинг «Ҳаётга муҳаббат» асари гоёат қизиқарли саргузаштларга бой. Асар қаҳрамони Билл Канада водийларида адашиб қолиб, ёлғизликда ҳаёт кечиради. Аста-секин унинг озиқ-овқати тугайди. Бироқ очликка ва барча машаққатларга чидайди. Бу жиҳатдан асар Даниэль Дефонинг «Рабинзон Крузо» асари воқеасига ҳам бир қадар ўхшаб кетади. Кема ҳалокатга учрагандан сўнг Робинзон денгиз қирғоғига чиқиб қолиб, ўрмонда ёлғиз яшайди. У турли хил ҳайвонларни қўлга ўргатиб танҳо яшай бошлайди. Ўлиб қолмаслик учун курашади. Эчки соғиб сутини ичади, деҳқончилик қилади, ўзига ошён куради.

«Ҳаётга муҳаббат» асарининг қаҳрамони Билл эса фақат олдинга қараб ҳаракат қилади. Балиқ овлаб кун кўради. Суянчиғи бўлган милтиғи ва пичоғини ҳам йўқотиб қўяди. Бўрилар галасига дуч келади. Юравериб оёғи қабариб кетади. Шунда у титилиб кетган аделинни йиртиб оёғига боғлаб, олдинга қараб юраверади. Ниҳоят касал бўри билан олишиб, унинг кекирдагидан бўғиб, тишлаб ўлдиради.

Билл барча қийинчиликларни енгади. Энг оғир дамларда ҳам ҳаётдан умидини узмайди.

Кунлардан бир кун ит оловчи «Бедфорд» кемаси матрослари қирғоқда одамга ўхшаш махлуқ денгиз томон келаётганини кўриб қолиб, уни ўз кемаларига оладилар.

Жек Лондон ўз қаҳрамони Билл қиёфаси орқали жаҳон адабиёти хазинасини яна бир мустақкам ирода эгаси соҳиби билан бойитди.

ЭПТОН СИНКЛЕР

(1878–1969)



Америка адабиётининг йирик сўз санъаткори. Роман устаси, моҳир драматург, қисса ва ҳикоялари билан машҳурдир. Ёзувчининг кўплаб асарлари жаҳон тилларига таржима қилинган. Илк ижодини роман ёзишдан бошлайди. 1901 йилда унинг биринчи романи «Индес шоҳ» нашрдан чиқади. Сўнгра «Шоҳзода Гаген» (1903) пьесаси, «Артур Стирлинг кундалиги» (1903) қиссаси чиқади. «Тўқайзор» (1906) асари Синклер ижодининг гуллаб-яшнаганидан далолат беради. Ўз даврида бу асарга машҳур Америка адиби Жек Лондон юксак баҳо беради. Шундан сўнг «Қирол Уголь» (1917), «Пойтахт» (1907), «Сильвия» (1913) каби романларини ёзади. «Нефт» (1947), «Бостон» (1928) романлари турли хил мавзуларда ёзилган бўлса-да, ёзувчининг юксак маҳорат эгаси эканлигини намоён этади.

Синклер ижодига Теодор Драйзер, Жек Лондон каби Американинг таниқли адиблари ижоди катта таъсир кўрсатади. Бунинг Синклернинг ўзи ҳам ҳақли равишда тан олиб, айниқса, бу икки буюк Америка адибининг деярли барча асарларини ўқиб чиққанлигини, унинг дунёқарашига катта таъсир ўтказганлигини, бадиий ижод бўйсасига етаклаб борганини таъкидлайди. Синклер қўлига илк бора қалам олар экан, келажакда Америка тарихи ва халқ ҳаётидаги энг муҳим воқеаларга қўл урушни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Синклер болалигиданоқ моддий қийинчиликларга дуч келади. Камбағаллик уни ҳаётнинг турли кўчаларига олиб киради. Шунинг учун ҳам ёзувчи ўзининг асарларида қашшоқлар ҳаётини, оғир синов сўқмоқларини кўпроқ қаламга олади.

1904 йилда Синклер икки ой Чикагода бўлади. Шу қисқа вақт ичида чикаголик ҳарбий зобитлар даврасига тушиб қолиб, улардан қизиқарли ҳикоялар эшитилади. Мана шу ҳикояларни жамлаб, ягона сюжет асосида асар ёза бошлайди. 1905 йилда маълум бир сюжет чи-

зиғидаги тугалланмаган асарини «Ҳақиқат ва онг» номли ҳафталик газетада эълон қилиб боради. Ҳафталик газетанинг янги сонини минглаб Америкаликлар сабрсизлик билан кутарди. Баъзан ихлосманд ўқувчилари ёзувчига келиб учрашар, ҳафталик газетага асар давоми берилишини эшитиб, кўнгиллари таскин топарди. 1906 йилда «Чангалзор» алоҳида китоб ҳолида чиқиб, ёзувчи уни роман дея эълон қилади.

Романда Гўшт заводидagi ишчилар ҳаёти қаламга олинади. Шу орқали жамиятдаги авжига чиққан синфий кураш, зулм ва зўравонликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Оддий ишчининг арз-додини, ноҳақлик ва зулм-жабрини тортаётган инсоннинг оху зорини ҳеч ким тингламайди ва тинглашни ҳам хоҳламайди. Жамият мана шу йўсинда нақадар тубанлашиб, синфий зиддият жуда кескинлашиб бораётган вазият ёзувчининг эътиборидан четда қолмайди.

«Эчкига жон қайғуси, қасобга мой қайғуси» деганларидек, завод раҳбарлари нима бўлса ҳам ўз маҳсулотларини пуллаш ва бойлик орттиришни ўйлайдилар. Пул, бойлик тўплаш учун ўпка касали билан касалланган мол ва вабо касаллигига йўлиққан чўчка гўштлирини ҳам пуллаш пайига тушадилар. Мамлакатда чорва моллари ва ҳаттоки инсонлар ўртасида ҳам юкумли касалликлар ҳаддан зиёд кенг тарқалиб кетади. Бундай хавfli касалликлар билан ўлган молларнинг гўштини гўшт заводига қабул қилиш мутлақо мумкин эмас.

Жаҳон адабиётида табиат томонидан инъом этилган талантлар санокли. Улардан бири Энтон Синклер.

СЕРГЕЙ ЕСЕНИН

(1883–1929)

Шоир жуда қисқа умр кўрди. Мана шу қисқа умри давомида жаҳон халқларининг қалбини забт этди. Халқ қалбини забт этиш осон эмас. Жаҳон халқини ўзига сеҳрлаб олган шоиргина ҳақиқий шеирдир. Биргина миллат шоири бўлиш осон. Уч-тўрт шеърлар тўпламингиз чиқса миллат шоирисиз. Бироқ, А. С. Пушкин, С. Есенин жаҳон халқининг қалбига йўл топа олди, жаҳон халқларининг шоирига айланди.

Рязан шаҳри яқинидаги Константиново қишлоғида туғилган, оддий бир қишлоқ фарзандларининг ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам ва бундан сўнг жаҳонга машҳур бўлиши ҳайрон қоларли ҳодисадир.

1924–25 йилларда Есенин Тошкентда яшайди. Шу жиҳатдан Есенин ўзбек китобхонлари учун ҳам энг яқин ва эъзозлидир. С. Есенин

нинг бутун ҳаёти саёҳатда ўтади. Умрини табиатга, шеърга бағишлайди. «Форс тароналари» асари ҳам мана шундай саёҳатлар натижасидир.

Есенин шеърлятида энг аввало инсон тақдири масаласи етакчи ўрин эгаллайди. Бу тақдир чегара билмайди. Ундан ҳар бир миллат ўқувчиси ўзига хос тақдир йўлларини теранроқ англаб олиб, ҳар бир мисрани ўз ҳаётига ҳамоҳанг тарзда ҳис этади. Ниҳоятда эҳтиросли драматизмга бой мисралар киши қалбини ларзага келтиради. Ҳақиқий шеър ўқувчи этини жимирлатиб, вужудини титроққа келтиради. Ҳаёт ҳақида чуқурроқ ўйлашга мажбур этади.

С. Есенин билан бизнинг ўртамизда бир асрга яқин оралиқ бўлса ҳам унинг шеърлари биз учун, ҳаммамиз учун яратилгандек. Шоир шеърларини ўқиб беихтиёр ёшлигингизни эслайсиз. Бунинг икки кутби мавжуд. Шоир шеърлари ёшлар учун ушалмаган орзуларнинг сўнгсиз сукунати, туганмас хаёллар оғуши, муҳаббатнинг таърифлаб бўлмас нашидаси. Катталар учун эса, адоғи йўқ армон, муҳаббатнинг тугатиб бўлмас хотироти.

Бундан кўринадики, С. Есенин поэзияси ёш танламайди. Унинг ижодидан муҳаббат эса ёшу қарига, шоҳу гадога бирдек ёруғлик берди.

Сергей Есенин советлар платформасига ҳам кирмайди, тўғрироғи, янгича ҳаётга кўниқолмайди. Бу янги йўлдан юришни хоҳламайди ҳам. Шоирнинг ўз йўли бор. Есениннинг улуг йўли. Кўплар советлар йўлидан тойиб кетди, кўплар бу йўлдан тониб кетди, кўплар бешиб кетди. Бироқ, Есенин тиклаган йўл барча учун баробар. Ҳар тил унинг поэзиясини қўлга олган ўқувчи ўзи учун янги бир йўл қилдиради.

Шоир эски жамиятнинг ҳам, октябр инқилобининг ҳам, фуқаролар урушининг ҳам, янгича (НЭП) иқтисодий сиёсатнинг ҳам гунҳи бўлди. Бироқ, унинг шеърларида эски тузимга ҳам, янги жамиятга ҳам хайрихоҳлик ёки хушомадгўйлик сезилмайди. Эҳтимол, Сергей Есениннинг буюклиги ҳам шундадир.

1912 йил баҳорида Сергей Москвага келади. Қишлоқда қолган отаси шапка бозоридаги савдогар Крилов қўлида чиптачи бўлиб қолган. Бу даврда Сергей шоир сифатида оғизга тушиб қолган, отасининг аҳволини кўриб ачиниб кетади ва бу машаққатли ҳаёт тарзини шеър дафтارينинг саҳифаларига битиб кўяди.

Қисқа муддат отасининг ёнида кўмакчи бўлиб, яна Москвага қайтиб кетади. Москва адабий муҳити шоир ижодига катта таъсир ўтказди. Бу қайноқ шаҳарда Суриковнинг адабий-мусиқали тўғарагида шоир иштирок этади. Шундан сўнг бир қанча муддат тўғарак раиси С. Канкореево-Зарево уйида истиқомат қилиб, бу оиладаги адабий

муҳитда поэзия сирларига оид бебаҳо бойликларга эга бўлади. Мустақил ҳаётга қадам қўйиш ниятида Ситина босмаҳонасида мусахҳих бўлиб ишлай бошлайди.

1913–1914 йиллар шоир ҳаётида алоҳида зарварақ очади. Бу даврда у Шанявский халқ университетида маърузалар тинглай бошлайди. Бу маърузалар орқали В. Г. Белинский, Некрасов, Гогол, Кольцовага хос бўлган ижод сирлари, адабиёт ва шеърят қонуниятлари ҳақида кунт билан билим олади.

1913–1914 йиллар шоир ҳаёти янада оғир ва таҳликали кечади. Бу вақтда «Халқ дўсти» газетасида ишлаётган шоирни таъқиб этиш янада авжига чиқади. Осуда ижод қилишга, эркин ҳаёт кечирishга мутлақо йўл бермайди. Ҳаётнинг бундай аччиқ зарбалари шоирни бездириб қўяди. Ўз ҳаётидан ва мавжуд жамиятдан, тузумдан зорланиш, норозилик кайфияти туғилади. Қалбида ниш урган туғён шеърига кўчади. У энди норозилик кайфиятида, кишанланган инсон тақдири ҳақида шеърлар бита бошлайди.

Исёнкорлик руҳи, мавжуд тузимга нисбатан нафрат кайфияти шоир қалбини қамраб олади. Шоир ҳаётида суронли йиллар, қайғули қора кунлар бошланади. У Маяковский каби «Совет паспорти»ни ҳам мадҳ этмади. Горький каби Данколар қўлига машъала ҳам тутмади. Инсоннинг машаққатли ва оғир қисматини куйлаб ўтди.

Шоир 1913 йилда «Оқ қайин» шеърдан бўлак тайинли ижод намуналарини яратмади.

Худди шундай ижодий тушкунлик даври 1920 йиллар саҳифаларида ҳам учрайди. Бу йилда ҳам шоир жуда кам шеър ёзган. Ёлғизгина «Кенгликларда кетаяпман» шеърдан бўлак асари кўзга ташланмайди. Бундай тушкун ижодий кайфият вақт, замон билан боғлиқлиги борлигини сезамиз.

Шоир шеърлари орасида «Менинг ташландиқ юртим» (1914), «Мен яна шу ерда, ўз уйимдан» (1915) «Ит ҳақида кўшиқ» (1915), «Йўқолган ойлар» (1915), «Дарёда олов ёнмоқда» (1916), «Куз» (1916), «Бахт борлигига ишонаман, ишонаман!» (1917), «Куздаги ёқимли поклик» (1918), «Мен қишлоқнинг охирги шоири» (1919), «Койимангиз, ишлар шундай» (1921), «Мен ўзимни алдайолмайман» (1923), «Онамга хат» (1924), «Тушимда қора йўллар» (1925) «Гуллар мен билан хайрлашмоқда» (1925) каби сараланган ушбу шеърлар шоир ижодий уфқининг ниҳоятда кенглигини, беқиёс талант эгаси эканлигини намоён этади. Бу билан шоирнинг қолган асарлари саёз эканда, деган фикр туғилмаслиги лозим. С. Есенин шеърлари бир-бирдан гўзал, сермаъно ва сервиқордир.

Албатта, ҳар бир шоир ижодида сараланган шеърлари бўлади.

Шоирнинг 1924 йилда ёзилган «Жавоб» шеърини олиб қарайлик. Бу шеърни ёд олиш учун кўп вақт сарф қилиш шарт эмас. Шеърни

ёд олиш жуда осон. Ўзининг майин, ифодавийлиги билан ўқувчи хотирасида тезда сақланиб қолади. Шеърни қайта-қайта ўқиганингиз сайин битмас-туганмас завқ оласиз, олам-олам хотиротлар билан бойиб борасиз. Эҳтимол, бу шеърни яратиш чоғида шоир ҳам унчалик қийналмаган бўлса керак, табиий ҳолда яратилган шеър. Шеър шоир вужудидан шундайгина қўйилиб тушган.

Шоирнинг 1924–1925 йилларда яратган «Форс тароналари» тўпламига кирган асарлари ниҳоятда юксак талант намунасиدير. «Сен айтган, Саъдий», «Фирдавсийнинг мовий ватани» «Хуросонда шундай дарвоза мавжуд», «Мовий ва қувноқ ўлка», «Босфор қирғоқларида ҳеч қачон бўлмаганман» ва ҳақозо асарлари Шарқнинг қуёшли гўзалликларига бағишлангандир.

С. Есенин ижодида «Пугачёв» номли драматик достони ҳам алоҳида муҳим ўрин тутади. Бу поэмада шоир тарихий ўтмишни қаламга олади. Рус тарихида муҳим ўрин тутган Пугачёв замонлари дея ном олган ўтмишни шоир алоҳида чуқур эҳтирос билан куйлайди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, С. Есенин аслида Эронга бормаган. Унинг Шероз ва бошқа шаҳарларини кўрмаган. Шоир Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Умар Хайём ҳақидаги шеърларини худди Форс ўлкасига боргандек, у ердаги муҳташам бинолару дарвозаларни кўргандек яратади.

Шоир «Форс тароналари» тўпламига кирган шеърларнинг аксариятини Бокудалигида яратади. Гўзаллиги жиҳатидан Шарқнинг кўркем шаҳарларидан қолишмайдиган Боку ҳаёти ҳам шоирда катта таассурот қолдиради. Шоир Боку яқинидаги Мардакиянинг ҳовлисида ижод қилади. Мана шу дам оладиган дала ҳовлида туриб, Форс мумтоз адабиёти намуналарини ўқийди. Шоирнинг «Боку ишчиси» ишчиси билан яқин алоқа ўрнатганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Газетада шоирнинг шеърлари муттасил босилиб турарди. Бу жиҳатдан газета муҳаррири билан ёзишмалари ҳам катта тарихий аҳамиятга эгадир. Шоирнинг «Форс тароналари» га кирган деярли барча шеърлари «Боку ишчиси» газетаси саҳифаларини безайди.

Сергей Есениннинг охирги шеъри «Балким кечдир, балки жуда кўнглим» деб номланиб, «Москва оқшоми» газетасининг 1926 йил 6 феврал, 30-сонида босилиб чиқади. Бундан кейин битилган шеърини «А» газета саҳифасида ўқиш шоирга насиб этганми ёки йўқми бу муҳим. Бироқ, энг сўнги шеъри «Хайр, дўстим, хайр» деб номланади, 1925 йил 29 декабр куни «Қизил газета» саҳифасидан жой олганми. Шоирнинг сўнги шеъри чиқиши ва унинг ўлими муносабати билан Владимир Маяковскийнинг «Сергей Есенинга» деб номланган шеъри эълон қилинади.

АБДУЛЛА ТҶҚАЙ (1886-1913)



Татар халқини эслаганимизда, беихтиёр Абдулла Тўқай кўз ўнгимизга келади. Қушлауг қишлоғида туғилган, кейинчалик озодлик курашчиси ва куйчисига айланган шоир қитъалараро кенг қулоч ёзади.

Илк ижод намуналари бўлган «Озодлик ҳақида» (1905), «Текинхўрларга» (1906), «Давлат думаси» (1906) «Она юртга», «Кўш отлар» (1907) каби кетма-кет чиқа бошлаган асарлари билан татар халқининг истиқлоли ва истиқболини орзу қилади. Қуш уйқусидек қисқа умри давомида самарали ва сермазмун ижод қилиб, адабиёт тарихида чуқур из қолдиради.

«Татар қизларига» (1906), «Таҳқирланган татар қизига» (1909), «Халқ орзуси» (1913) каби боқий оҳанг уфуриб турувчи шеърлари билан ўзига ўлмас ҳайкал яратди. Шоир шеърлари кўпгина тилларга таржима қилинган. Унинг ижодида халқ орзу-умидлари ифодасини кўрамиз.

Ҳар бир шоирнинг ўз овози, ўз сози бўлади. Жаҳондаги кўплаб машҳур шоирларнинг шеърларини ўқидик. Уларнинг кўпчилиги қайси жиҳатлар билан бир-бирига ўхшаса-да, яна қайсидир хислати билан бир-биридан фарқланиб туради. Ҳар бирининг ўзига хос овози бор. Ҳар бир халқ ўзи ардоқлаган шоир билан фахрланади, ўз ҳофизини шон-шарафлар билан безайди, кўкларга кўтариб мақтайди.

Абдулла Тўқай ҳам татар халқининг ардоқли адиби, гурури ва ифтихоридир. «Шоир севган халқи татар бўлса ҳам» ўзининг истиқболини, бахти ва саодатини куйлаб ўтди. Бутун борлигини, ижодини миллат тақдири билан боғлади. Қалбининг энг нозик торларини чегириб, юрагидаги армонларини кўшиқ қилиб, ўз халқига бағишлади.

*Ранг-баранг кўринади мақталган нарса,
Нордон мева бўлади кўпинча сара.
Мен ҳозир аччиқ-чучук ёзсам ҳам, аммо,
Яхши ният бор унда синчиклаб қара.*

Шоир ёшлигида Пушкин, Лермонтов каби сўз санъаткорлар асарларини севиб ўқийди. Бу улкан ижодкорларнинг асарлари шундай қалбига чўғ бўлиб, олов бўлиб таъсир кўрсатди. Шоир ўз ватанини ташлаб кетишни хоҳламайди. Юртини жон-дилидан севади. Она юртидан кондан ажралиш ўлим, эҳтимол ундан ҳам оғирроқ жазодир.

*Биз туғилдик, шунда ўсдик, шундадир бизнинг ажал,
Боғламиш бу ерга бизни тангрининг илки азал.*

Абдулла Тўқайнинг шеърлари унчалик кўп бўлмаса ҳам, айрим асарлари паёнига етмаган, пишиб етилмаган бўлса-да, татар адабиётининг асосчиси сифатида майдонга чиққан. Шота Руставели, Тарас Шевченко каби Абдулла Тўқай ҳам миллатнинг кўрки, фахридир. Татар адабиётининг кейинги ривожига қалами ўткир, сермаҳсул шоирлар кўплаб етишиб чиққан. Бироқ, уларнинг барчаси татар адабиёти асосчисининг шоғирларидир.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (1894-1938)



1894 йил 10 апрелда Тошкентда туғилади. 9—10 ёшида мактабга боради. 2—3 йил эски усулдаги мактабда ўқийди. Сўнгра бир бойга хизматга боради. Бой Абдулланинг зеҳни ўткир бўлганлиги учун уни рус-тузем мактабига ўқишга беради. Ҳам ишлаб, ҳам ўқийди.

Сўнгра уйдан мактабга қатнаб акаси ёнида тақачилик ҳунарини ўрганади. 1914 йилда Тошкентдаги Абулқосим мадрасасига ўқишга киради.

1913 йилдан бошлаб «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Оина» газеталарига шингил ҳикоя ва миколалар ёза бошлайди. 1914 йил 1 апрел «Садои Туркистон» газетасида «Янги масжид ва мактаб» асари чиқади.

«Бахтеиз куёв» асарида ҳашаматли тўй, ортиқча сарф-харажатлар қорқиланади. Асарда Солиҳ исмли етим йилит катта қарз олиб, бой қизига уйланади.

1917 йили адиб халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилади. 1919 йили «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррирлик қилади.

«Роста», «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Инқилоб», «Муштум» журнали ва газеталарида ишлайди. Мухбир сифатида ёзганларида Қодирий, Жулқинбой, Калвак Махсум, Тошпўлат, Овсар, Дум-бул деган имзо-тахаллус чекади.

«Ёнида театр ишининг бориши», «Ровот қашқирлари», «Ўткан кунлар» ва «Ўткан кунлар танқиди устида баъзи изоҳлар» танқидчи сифатидаги фаолиятини изоҳлайди.

А Қодирий «Калвак Махсумнинг хотира дафтаридан» (1923—1927), «Тошпўлат тажанг нима дейди» асарларида ёзувчилик санъатини намойиш қилади.

Характер яратишда — «Ўткан кунлар» — Ўзбек ойим, Хушрўй, Меҳробон паён — Солиҳ Махдум, «Обид кетмон» — Хотиб домла,

мулла Муҳсин образлари Абдулла Қодирий талантининг ёрқин тими-солидир.

«Ўткан кунлар»ни 1919 йилда ёза бошлаган, парчалар 1922 йилда «Инқилоб» журналида босилади. 1926 йилда алоҳида китоб ҳолида чиқади.

Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Кумуш, Отабек, Мирзакарим қутидор, Офтоб ойим, Зайнаб, Хушрўй, Уста Олим. Ёвуз кучлар — Азизбек, Мусулмонкул, Худоёр, Ҳамид, Жаннат, Содик образлари илк ўзбек романи саҳифаларини безаб турибди.

Абдулла Қодирийни жаҳон адабиётининг нодир сўз санаткорлари Данте Алигьери, Баккаччо, Сервантес, Франсуа Рабле, Даниэл Дефо, Жонатан Свифтлар қаторига қўшиш мумкин.

Ҳар бир халқ ўзининг ардоқли адибларининг жаҳонга машҳур бўлишни ўйлайди. Жаҳонга машҳурлик энг аввало ўша халқ маънавиятининг юксаклигини белгилайди.

«Ўткан кунлар» ни жаҳон адабиёти хазинасини безаб турган кўплаб шоҳ асарлар билан тенглаштириш мумкин.

Ёзувчи асар қаҳрамонларининг ички оламини, ранго-ранг руҳий туйғуларини очиб беришга катта маҳорат билан ёндашади.

Муаллифнинг тасвир воситалари ниҳоятда гўзал. Романда ҳар бир образ, ҳар бир воқеа ниҳоятда гўзал, ўқувчининг эътиборини ўзига тортадиган, қалбини сеҳрлаб оладиган тарзда ифодаланган. Ёзувчи тили билан айтадиган бўлсак, ўз даврининг «Тоҳир ва Зуҳро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин», «Баҳром Гўр»лари воқеаларидан руҳланиб, уларга қиёсий тарзда образлар яратади. Бунинг учун адиб, «Мозийга қайтиб» ўтган кунларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни, адабиётини пухта ўрганайди.

Абдулла Қодирий 1924 йилда В. Брюсов номидаги олий адабиёт курсида ўқиб келади. Мана шу ўқиш давомида рус ва жаҳон романларини ўқиб катта таассурот олади.

Абдулла Қодирий нафақат ўзбек адабиётида, Марказий Осиё адабиётида тўлақонли, мукаммал роман ёзиш санъатини бошлаб берди. Тўғри, илгари ҳам роман ёзишга уринишлар бўлган. Бироқ, улар Абдулла Қодирий яратган романчилик мактаби даражасига кўтарил олмаган.

Абдулла Қодирий иккинчи бир йирик романи «Меҳробдан чаён»ни ҳам катта маҳорат билан ёзади. Ёзувчи ўз асарида Анвар, Раъно Сафар бўзчи, Султонали, Қобил, Шариф, Раҳим, Нигоройим каби ижобий образлари орқали хон замонларидаги манфур иллатларни, разолат ва ҳасадгўйликларни қаттиқ танқид остига олади.

Романнинг «Меҳробдан чаён» деб номланишида ҳам рамзий маъно бор. Адиб қаламини замоннинг заҳар боғлаган чаёнлари бўлми

Худоёрхон, Абдурахмон домла, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ каби ўта хавfli кимсаларига қаратади. Абдулла Қодирий таржимон сифатида катта тажриба тўплаган адибдир. Адиб Гоголнинг «Уйланиш» комедиясини, Чеховнинг «Хамелион» ҳикоясини, Д. Дидро, Эмель Золя, Марк Твен ва бошқа жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига ағдарган таржимондир.

Етук санъаткор учун таржимонлик ҳам етук аҳамиятга эга. Таржима ижодкорни янги ғоялар, ёниқ фикрлар ва айниқса, тасвир, тил гўзаллигига етаклайди. Абдулла Қодирий латиф тилга, гўзал тасвирга мушарраф бўлган улуг сўз санаткоридир.

ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ

(1899–1961)



Чикаго яқинида, врач оиласида туғилади. 1917 йилда «Канзас Рейли Стар» газетасида ишлайди ва шу кундан бошлаб ўзини журналистман деб ҳисоблайди. У ерда 7 ой ишлаб, кейин Европага, урушга жўнаб кетади. Фронтда санитар бўлиб ишлайди. 1918 йил 8 июнда қаттиқ яраланади. 12 мартта операция қилинади. Яхши даволанган Хемингуэй аскарликдан чиқади. 1919 йили Америкага қайтиб келгач, яна журналистика билан шуғуллана бошлайди. 1921 йил мухбир сифатида

Парижга жўнаб кетади. Журналистик фаолияти жуда ўткир эди. У америкаликлар ҳаёти ҳақида, чикаголиклар, Париждаги америкаликлар ҳақида тинмай ёзарди.

Уруш оловини ёқувчиларга қарши нафрат Хемингуэйда ўша уруш йилларида янада зўрайди. Кўпгина америкаликлар ўз ижодини журналистикадан бошлаган. Хемингуэй учун ҳам журналистика адабиёт мактаби бўлди. У биринчи «Уч ҳикоя ва ўнта шеър» (1922) китобини (ки) нусхада аввал Диженада, кейин (1924) Парижда нашр қилади. Биринчи ижодий фаолиятида жамиятга ишонмай қўйган одамлар ҳақида ҳикоя қилади.

Унинг қаҳрамонлари балиқ овида кўринади. Илк асарларида жамиятдан ажралиб чиққан инсон образи олдинга сурилган. «Алвидо, дурон» асарида Хемингуэй яна йўқолган авлодга қалам уради. Уруш йилларида Хемингуэй драматургия билан шуғуллана бошлайди. «Беннингтон колонна» пьесаси драматургнинг улкан ижодий муваффақияти билан аён бўлади.

Адибнинг «Чол ва денгиз» романи юксак бадиий маҳоратдан дараж беради. Бу асар юзлаб бадиий образларни тасвирлаган романлардан фарқ қилади. Бармоқ билан санарли образлар орқали ҳам фалсафий маъно ва мазмунни бериши мумкинлиги исбот этилди. Бу романи учун муаллиф 1952 йилда халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлади.

Хемингуэй Парижга мухбир сифатида бориб келгандан сўнг, журналистика билан шугулланишдан кўра бадиийликни афзал билиб, роман ва ҳикоялар ўқишга кўп вақтини сарфлайди.

Ўз даврининг атоқли назариячиси Гертуруд Стейн атрофидаги маърифатпарвар ўз бағрига Эрнест Хемингуэй каби истеъдодларни ҳам олиб, уларни янги адабиёт яратиш йўлида илҳомлантириб турарди. Стейн ҳам назария илми, ҳам бадиий ижод билан машғул бўлгани ҳолда Хемингуэй каби истеъдодларга яқиндан ёрдам берар, ҳар бир асарларини эринмасдан ўқиб, қимматли маслаҳатларини берар эди.

Эрнест Хемингуэй илк ижодини шеърлар битиш билан бошлаган. Бироқ кейинчалик у бутунлай прозага берилиб кетган. Биринчи ҳикояси «Бизнинг замонамиз» (1924) деб номланиб, адибга ўзига хос руҳий кўтаринкилик бағишлайди. Биринчи ижод намунасидан қувониб кетиб, адиб каттароқ жанрга қўл уради.

Кўп ўтмай «Қуёш чиқиши» (1926) номли биринчи романи эълон қилинади. Бу роман «Фиэста» деган номга ҳам эгадир.

Эрнест Хемингуэйни узоқ-узоқларга танитган иккинчи романи «Алвидо, қурол» (1929) асари бўлди. Шундай муҳим мавзуга бағишланган асарларни америкалик ўқувчилар сабрсизлик билан кутарди ва шунга ташна эди.

Бу даврда фақатгина Америка адабиётидагина эмас, жаҳон адабиётида роман жанрида ижод қилиш бироз сусайган эди. Тадқиқотчилар бунинг сабабини биринчи Жаҳон уруши билан боғлайдилар. Ҳаттоки, ҳазиллашиб, «хаёлпараст ёзувчилар жанг сирларини ўрғанаман деб урушга кетиб қолган эди», дейишади.

Эрнест Хемингуэй билан замондош бўлган адиблар 20-йилларда санокли эди, холос. Жон Дос-Пасоснинг «Уч салдат» (1921), Э. М. Ремарканинг «Тўхтовсиз ғарбий фронтда» (1929), Р. Олдингтоннинг «Қаҳрамоннинг ўлими» (1929) романлари яратилади. Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол» романини ўқувчилар илиқ кутиб олишади ва тезгина Америка адиби сифатида танилади.

«Алвидо, қурол» (1929) романи билан бир даврда яратилган романларда кўплаб Америка ёшларининг урушда кўрсатган қаҳрамонлиги, уларнинг жангда кўрсатган қаҳрамонликлари, тирик қолганларнинг ўз юртига шон-шараф рамзи сифатида қайтиб келиш воқеаси тасвирланган эди.

Эрнест Хемингуэй романида эса, урушнинг моҳияти нимада, кимга керак бу мудҳиш уруш, нега Америка фарзандлари бу урушга бориши керак экан, деган муаммо кўтарилади. Миллионлаб ўғлонларнинг беҳуда ўлиб кетишига ким айбдор. Нима учун урушайпмиз, деган гоа илгари сурилади. Шунинг учун ҳам бу роман Америка жамоатчилигида катта шов-шувга эга бўлди. Бир гуруҳ яловбардор танқидчилар адибга тош отишдан ҳам қайтмайди. Аммо ўқувчи шундай руҳдаги романни кутиб тургандек, адибни гулларга ўрайди.

Эрнест Хемингуэй жаҳонгашта адиб. Европанинг бир неча мамлакатларида, Италия ва Африкада бўлиб, инсон деган номнинг бу юклигини кўнглига тугади. Бироқ хор-зор бўлган, сарсон-саргардон кезган, инсон шаънини ерга урганларни ўз кўзи билан кўради.

Адиб ўзининг «Африканинг кўм-кўк тўқайзорлари» (1935), «Ярим тундаги ўлим» (1932), «Килиманжаро» (1936), «Ғолиб ҳеч нарсага эришмайди» (1933), «Амал қилиш ёки қилмаслик» (1937), «Бешинчи колонна» (1938) асарларида ва умуман унинг бутун ижоди давомида ўзига хос услубини, бадиий тасвир ранго-ранглигини кўрамиз. Адиб фақат Америка халқининг эмас, ер куррасидаги ўзга халқларни ўйлантириб юрган муаммоларни ечиб беради, ҳаётдаги иллатларни дадиллик билан очиб ташлайди. Инсонга ҳам жисмонан, ҳам қалбдан азоб бераётган манфур салбий образларнинг асл қиёфасини яққол кўрсатади. Планетамизнинг турли бурчакларида инсоннинг осуда ҳаётига, тақдирга таҳдид солаётган, ўзининг ғаразлик мақсадларида ёки бойлик тўплаш учун бегуноҳ одамларга ўзининг жирканч панжасини чўзаётганларнинг устидан ўз ҳукмини ўқийди.

Адиб иккита даҳшатли урушнинг гувоҳи бўлади. Биринчи ва иккинчи Жаҳон уруши. «Одамлар ва уруш» (1942), «Дарё орқали ўшал қишлоққа» (1950), «Хавфли ёз» (1960) ва бошқа асарларида турли ғофодаги инсонлар образини яратади. Эрнест Хемингуэйни инсоншунос адиб деб ҳам айтишимиз мумкин. Инсон қалбини тушунади, яқиндан билади, инсон юрагининг нозик нуқталарини топиб уни тасвирлай олади.

«Фрэнсиска Каломберанинг қисқа бахти» (1936), «Америкалик жангчи» (1937), «Урушдаги одамлар» (1942) ва бошқа асарлари Хемингуэй ижоди диапозони ниҳоятда кенглигидан далолат беради.

Адиб 1936 йилдаёқ «Чол ва денгиз» қиссасини ёзишга киришган эди.

Бу асарнинг энг муҳим жиҳати шундаки, бош қаҳрамон Сантяго енгиз қолганда ҳам, қийинчиликларга дуч келса ҳам, мудҳиш воқеалар билан тўқнаш келса ҳам ўзининг келажакка бўлган умидини узмайди, руҳан тушкунликга тушмайди.


«Чол ва денгиз» қиссаси шунчаки Куба тасвири, табиати ва Куба лойиботларидан иборат сюжет бўлиб қолмасдан, балки минглаб ку-

баликларнинг эзгулик йўлидаги курашлари, орзу-ўйлари ифодасидир.

Эрнест Хемингуэй каби буюк адиб асарлари миллат, ирқ танламайди. Мамлакатлараро чегара билмайди. Адиб асарларини фақат америкаликлар эмас, жаҳон халқлари севиб ўқийди. Эрнест Хемингуэй каби машҳур ёзувчилар санокли, уларнинг асарлари ҳамма учун тушунарли, барчага бирдек завқ-шавқ бағишлайди.

ЖОН СТЕЙНБЕК

(1902–1968)



Тарихи унчалик узоққа бормаган Американи жаҳонга танитган унинг адабиётидир. Марк Твен, Вашингтон Ирвинг, Жек Лондон, Эрнест Хемингуэй, Теодор Драйзер каби адибларнинг асарлари жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган. Бу адиблар ижоди орқали Америка ўтмишини, ижтимоий ҳаётидаги, табиатидаги воқеаларни, гўзалликларини, турли-туман тоифадаги инсонларнинг фазилатларини, ички дунёсини, жамиятдаги ўзига хос ўрнини билиб оламиз. Энг муҳими Американи ва америкаликлар билан яқиндан танишамиз.

Америкада буюклар, машҳурлар жуда кўп. Бироқ уларнинг ҳар бири машҳурликда адиблари ва адабиёти каби машҳур эмас.

Кўп машҳурларнинг номини эшитганмиз, бироқ уларнинг буюклиги нимада эканлигини аниқ билмаймиз. Адиблар эса Америка ҳаёти ни бутун борлиги билан кўрсатиб беради.

Ўзининг қатор романлари, новеллалари, публицистик асарлари билан машҳур бўлган Жон Эрнест Стейнбек Нобель мукофотиغا сазовор бўлган.

Адиб ўз асарларида инсон билан табиатнинг узвийлиги, боғликлиги муаммосини кўтариб чиқади. Унинг таъкидлашича, аслида инсон ҳам табиатнинг бир бўлагидир. Стейнбек инсоннинг ички олами очиб беришнинг устасидир.

У ўзининг кўплаб оташнафас нутқи, публицистик мақолалари, ҳикоя ва очерклари билан Вьетнамдаги бемақсад урушни қоралади. Бундай бемақсад урушлар жаҳоннинг турли бурчакларида бўлаётганини адибни ташвишга солади. Бу ҳақда туркум очерклар ёзади. «Вьетнамдаги жирканч уруш» очерклар тўпламини ҳар бир америкалик оқшешлар билан кутиб олади.

Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликнинг юз йили» романи ҳам мана шундай бемақсад урушлар танқид қилинади. Жангчиларнинг у ёқда турсин, ҳарбий раҳбарлар ҳам нега уришаётганини, нима

жанг қилаётганини ўзлари аниқ билишмайди. Бундай урушлар бе-мақсад урушлар деб аталади.

Уруш мавзуси ва унинг даҳшатлари, инсон бошига келтирган қулфатлари Н. Мейлер, Ж. Жене, У. Сароян ижодининг юксак чўққисини эгаллайди. Стейнбек каби бу адиблар Америка ҳукмдорларини ҳадеб уруш оловини ёқишга зўр бериб куч сарфлайвермасликка, Америка халқини эса ҳушёрликка чақиради.

Адибнинг «Жавоҳирлар» (1947), «Қиш ташвишларимиз» (1961) асарларида оддий инсонларнинг турмуш ташвишларини, эзгулик йўлидаги интилишларини ифода этади.

Адибнинг «Ғаройиб кўриниш» қиссасида негрлар ҳаёти ва уларнинг тақдири ҳақида сўз юритилади. Бир вақтлар Америкада қора танлилар ва қизил танлилар камситилар, паст назар билан қаралар, қизил ва қора танли болаларнинг мактабда ўқиши учун рухсат берилмасди.

Бундай ирқий камситиш ва миллатчилик ғояларига қарши Америка адиблари кескин кураш олиб бордилар. Ўзларининг юксак ғоявий руҳ билан сугорилган кўплаб асарлари билан турли хил ирқий камситишларга барҳам беришни талаб қилдилар.

Стейнбек бу анъанани ижодий давом эттириб, қора танлилар тақдири билан яқиндан танишади.

1960 йилда адиб Техас штатига борганида Америка матбуотлари қизиқ бир воқеани босиб чиқарганини, радиоларда тинимсиз эшитиришлар берилаётганининг гувоҳи бўлади.

Луизана штатига қарашли Нью-Орлеан мактабига бир нечта негр болаларининг қабул қилингани ҳақида хабарлар берилади. Матбуотчи, радио ва телевидениеда мактабга қабул қилинган негр болаларининг расмлари тинимсиз кўрсатиб бориларди. Бу Америка ижтимоий инстинктив ҳаёти учун катта воқеа эди.

Негрларнинг оқ танли болалар билан бирга ўқиши ўша давр Америка ҳаёти учун кутилмаганда катта янгилик эди. Шунинг учун ҳам Нью-Орлеан мактабига ўқишга қабул қилинган қора танли болаларнинг кўриниши учун ҳар куни кўплаб одамлар келарди. Бу воқеани айрим америкаликлар ўзича яхши қабул қилишса, бошқаларнинг эса нафратли кўзгалиб, негрларга бундай имтиёзни бергани учун фиғонли эшитиб, тазаби қайнаб кетарди.

Америкаликлар жуда қизиқувчан бўлишади. Бироқ янгиликни ўз уруши билан кўрмагунча кўнгиллари тинчимади. Америка сенаторлари ва матбуоти бу воқеани ҳимоя қилиш, америкаликлар руҳини кўнглини пайдо бўлгунча ҳушёрлик масъулиятини ўз зиммаларига ошардилар. Ҳаттоки негр болаларни бир неча полициячи эрталаб мактабга олиб келар, ўқишдан сўнг уйларигача кузатиб қўйишарди. Қоралик воқеа шу даражада таранглашадигани, мактабга йиғилган одам-

лар орасида негр болаларига ташланувчилар, уларни уриб, дўппослайдиганлар ҳам йўқ эмасди.

Мана энди вақт ўтди, замонлар ўтди, қора, қизил ва оқ танли болалар мактаб, университет ва бошқа ўқув даргоҳларида ёнма-ён ўқишади. Бу нарса ҳозирги амеркаликлар учун оддий воқеага айланиб қолган.

Жон Стейнбек яшаган ва ўз асарларида тасвирлаган замонлар, қора танлиларга паст назар билан қараш воқеаси тарихга айланиб, афсонадек бўлиб қолган. Бундай ирқий тенглик, қора танлиларнинг ҳақ-ҳуқуқи муаммоси ўз-ўзидан юзага келиб қолмайди. Стейнбек каби илғор фикрли ижодкорларнинг кураш ва интилишлари, асрий зулм занжирини парчалаб ташлаш ғояси туфайли ижтимоий ҳаётда улкан тараққиёт даври бошланади.

Стейнбек негрлар ҳаёти, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи учун, ирқий камситишларга қарши кескин кураш олиб боради. Шунинг учун ҳам халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлади.

ЮЛИУС ФУЧИК

(1903–1943)



Чехословакия адабиётининг байроқдор адибларидан биридир. Прага шаҳрида ишчи оиласида туғилади. Ўн беш ёшидаёқ газетада мақола ва хабарлари чиқа бошлайди. Прага университетининг фалсафа факультетида ўқиб юрган кезларидаёқ жамоат ишларида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади. «Авангард», «Творба» журналларида асарлари кўрина боради. Икки марта (1932, 1934–1936) Шарқ мамлакатларида, Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе, Бишкек, Ашхобод шаҳарларида бўлади. Бу ўлкалардаги сафар таассуротлари ҳақида жуда кўплаб очерклар, повестлар, мақолалар ёзади.

1942 йилда фашистлар томонидан қамоққа олинади. Қамоқда Гестапо қийноғида бўлишига қарамасдан тинимсиз ижод билан машғул бўлади. Ўн уч ой қамоқ азобини тортиб оламдан ўтади.

Юлиус Фучик ижоди жаҳон адабиёти хазинасини у қадар бахитли турган эмас. У шоир ҳам, роман устаси ҳам эмас. Драматургияда ҳам асар ҳам яратгани йўқ. Унинг ҳаёти бадий асар воқеаларга ўхшайди. Юлиус Фучик тўла равишда катта романдир. Энг муҳими бу жасон инсон ўлимга тик боради. Ўлимини олдиндан билади, ўлими муқ

рар эканлигини сезади. Бироқ ундан кўрқмайди. Бош эгишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Юлиусни метин ирода эгаси Прометейга тенг кўядилар. Прометейни баланд Кавказ тоғига занжирбанд қиладилар. Бироқ у бош эгишни, ялинишни хоҳламайди. Прометей афсонавий қаҳрамон маъбуд, Юлиус Фучик тирик инсон.

Аслида журналистнинг ўзига хос ҳикоя ва қиссалари мавжуд бўлса ҳам журналист сифатида машҳур. Юлиус Фучик фақат журналистларнинг эмас, барча ижодкорларнинг метин ирода рамзидир. Шунинг учун ҳам Юлиус Фучикни жаҳон адабиётининг улуғлари қаторига қўйишга жазм қилдик.

Юлиусдаги талант ва истеъдод уни марказий газеталардан бири «Руде права»га 1928 йилда етаклаб боради. Шундан бошлаб у эътиборли газета муҳбири сифатида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлади. «Эртанги кунимиз кечаги кун бўлиб қолган мамлакатда» асари ҳам айнан шу даврда ёзилган эди.

Юлиус Фучикнинг ушбу китобга киритилишининг яна бир сабаби, у Ўзбекистонда икки марта келган, ўзбек халқининг меҳнатқашлари билан суҳбатда бўлган. «Чигиртка ва дин», «Нуринисо Ғулом қизи эшакка минди», «Полковник Бобуновнинг ой тутилиши ҳақидаги ҳикояси», «Озод ўзбек аёли ҳақида», «Тожиҳон Шодиеваннинг ҳаёт йўли», «Розияхон Мирсоатова» каби ҳикоя ва очеркларида Тошкент, Чирчиқ, Фарғона ва Самарқанд шаҳарлари, гўзал қишлоқларидан олган таассуротларини қаламга олади.

Юлиус Фучик Тошкент кўчаларини, кино саройларни томоша қилади. Ўзбек театрларида бўлади. Ўзбек актёрлари сахнага олиб чиққан инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясини кўриб, олам-олам таассурот олади. Ўзбек театрининг пайдо бўлишига унчалик кўн бўлмаса ҳам, жаҳондаги ривожланган театрлар билан рақобат қилишга қодирлигини айтиб ҳайратга тушади.

1942 йил 24 апрелда Юлиус Фучик фашист босқинчилари томонидан қамоққа оlinиб, Панкрон турмасига ташланади. 411 кунлик турма азоби, унинг метин иродасини буколмайди.

Фашистлар яна қийноқни давом эттирарди. Метин ирода эгаси Прометей каби барча азоб-уқубатларга чидайди, бироқ душманга бўйин эрмайди, ватанини, ёру биродарларини сотмайди. Бундай жавр ва метин ирода эгаси бу ёруғ дунёда камдан-кам топилади.

Юлиус Фучик турмада ҳам қаламини ташламайди.

«Дор остидаги сўз» асари ҳар бир инсонни ватанни севишга ундайди. Ватан тушунчасини, бу улуғ туйғуни қалбининг тўрида қандоқ янгилаб-асрашга ўргатади.

Фучик 1943 йил 8 сентябрда Берлинда қатл этилган бўлса-да, унинг буқилмас, метин иродаси, асарлари мангуликка сақланиб қолди.

Адибнинг «Дор остидаги сўз» асари қалб ҳарорати, юрак дарди билан ёзилган сўнги сўзи, энг муҳими тутқинликда, қафасда ёзилган асардир.

СОҲИБ ЖАМОЛ

(1904–1983)



Соҳиб Жамолнинг асл исми Раҳим ибн Хусайн Навбари эди.

1905 йилда Бағдодда таваллуд топган. Отасидан эрта ажраган Раҳим ниҳоятда оғир ҳаёт кечириб, бир бурда нон топиш учун эртадан-кечгача елиб-югурарди. Топган нони на ўзига ва на онасига етарди.

Раҳим отасидан ажралганда уч яшар бўлиб, араб қавмига мансуб ота меҳрига тўймай ўсади.

Турклардан бўлган онаси эса касалманд бўлиб, оғир юмушларга ярамасди. Шундай бўлса-да, етим ўсган боласига бутун меҳрини бериб, кўнгли ўксимаслиги учун қўлидан келгунча уни тарбиялаб, улгайтиради.

Ёш бўлишига қарамасдан зийрак Раҳим оилани боқиш ўз гардошида эканлигини тушуниб, кишилар эшигида юриб нон топар, топган нонларини ўзи емай касалманд онасига олиб келиб берарди. Ўн икки ёшида эшикма-эшик юриб ишлаш жонига текган Раҳим тўқимачилик корхонасига ишга киради. Оғир меҳнат қилавериш эрта суяги қотган Раҳим эндигина елкаси офтоб кўриб, пул топиш илинжида корхонада ишлаб юрган кезларида онасидан ҳам ажралиб қолади.

Ота-онасидан ажралиб ёлғиз қолган болакай очдан ўлиб қолмаслик, бир амаллаб қорнини тўйдириш илинжида Маккага кетаётган диндорларга хизматкорлик қилиб, қарвон билан йўлга тушади.

Ўша пайтларда араб мамлакатларидагина эмас, ер куррасининг кўпгина жойларида Раҳим каби минглаб етим болаларнинг ва ҳаттоки катта ёшдаги одамларнинг очликдан ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди. Кўпгина мамлакатларда очлик, қашшоқлик ҳукм сурарди.

Қарвон билан йўлга тушган Раҳимни қарвонбоши йўлда англиз аёлига қул каби сотиб юборади.

Раҳим англиз соҳиббаси Шарлото билан бирга Ҳиндистонга боради. Узоқ йўл азоблари, йўлда ўзи гувоҳ бўлган мудҳиш воқеалар Раҳимнинг руҳиятига қаттиқ таъсир этади. Ҳиндистондаги ҳаёт Бағдоддан ҳам беш баттар оғир эканлигини кўриб, бу олис ўлкадан тезроқ кетиш пайига тушади. Қулай пайт пойлаб, қароргоҳдан қочиб кетади. Бекина-бекина, Лоҳурга етиб келади. Ўзига бошпана қидириб етим-

лар уйида қўним топади. Етимхонада у бир йилча бўлиб, хат-саводини чиқаради, турли хил китоблар, газета ва журналларни ўқишга берилиб кетади.

Орадан бир йилча вақт ўтгач етимхонадан қочиб, Покистонга етиб келади. Сўнгра Афғонистон орқали Туркман чўлларини сарсон-саргардон кезиб Бакуга келади.

Онасидан турк тилини ўрганган Раҳим азарбайжон қардошлари орасида ўз уйида яшагандек кун кўради. Ўшанда илк бор қорни нонга тўйиб, осойишта ҳаёт кечириётганини ҳис қилади.

Раҳим араб, форс, турк тилларини мукаммал билиб, бемалол сўзлаша оларди. Боқуда ҳам тинч ўтирмай, яшаш учун курашиш лозимлигини англаган Раҳим газета ва журналлар тарқатиш билан машғул бўлиб, ҳаёт кечириш учун имкон топади.

Янги чиққан газета ва журналлардаги хабарларни муттасия ўқиб борар, саводи ошиб, дунёқараши юксалади.

Боқу адабий жамоатчилигининг айрим намोёндалари билан боғланиб, Шарқ классиклари, хусусан, Низомий, Фузулий шеърларини ёд ола бошлайди. Боқу мактабларига қатнаб, билим олишга интилади.

Кейинчалик Раҳим бир қатор озар ўғлонлари билан бирга Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари университетида ўқишга киришга мундифақ бўлади. Бу даврда у рус тилини ўрганиб, адабиётга бўлган ихлоси кундан-кунга орта боради. Университет журналида унинг иккита, озодликни тараннум этувчи «Мен озодлик фарзандиман» 1923 ва чет эл босқинчиларига қарши кураш руҳидаги «Фашизмга ўлим» 1923 шеърлари босилиб чиқади. Илк ижод намуналарининг матбуот юзини кўриши Раҳим руҳиятини кўтариб, шеърлар ва бадий асарлар ўқиш билан кўпроқ машғул бўлади. Айниқса, рус мумтоз адабиётининг улуғ адиблари Л. Н. Толстой ва И. Тургенев асарлари Раҳим хотирасида ҳеч эсдан чиқмайдиган умрбоқий хотира бўлиб қолди.

Москва ҳаёти талабани жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўқишга даъват этади. Флобер, Эмиль Золя, Ромен Роллан асарларини берилиб ўқийди.

Бундай ўқиш ва изланишлар уни бадий ижод остонасига етакчи боради. Ўзига «Соҳиб Жамол» деган тахаллус олиб, «Гулруҳ», «Икки учрашув» ҳикояларини ёзади. Бу ҳикоялар адибнинг илк ижод намуналари бўлишига қарамасдан рус ва жаҳон адиблари асарлари таъсирида юзага келганлиги сезилиб турарди.

Соҳиб Жамол дастлаб Шарқ халқлари ҳаёти, айниқса, яқин Шарқнинг қизлари ва болалари қисмати ҳақида илмий-публицистик мақолалар ёзиб, газета ва журналларда чоп этади. Дастлабки ижодини

журналистика билан боғлаб, матбуот билан алоқасини мустаҳкамлайди.

Соҳиб Жамол 1925 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон бўйлаб сафарини давом эттиради. Ўзбек дўстлари билан туркийча, тожик биродарлари билан тожикча мулоқот қилиб, яқин алоқада бўлади. Бу ерга у асосан журналист сифатида келиб, оташин нутқлар сўзлайди.

Кейинчалик у «Ду дидор» (1933) ҳикоялар тўпламини тожик тилида нашр қилади. «Қора чойшаб», «Она қалби» номли илк изланишлари маҳсули бўлган кичик пьесаларини тожик театрлари учун тақдим этади. Ҳали драматик асарларга муҳтож бўлган ёш тожик театрлари бу асарларни кўп йиллар ўз сахнасидан тушурмай намойиш этиб келган.

Соҳиб Жамол уруш даврида фашист босқинчиларига нафрат руҳи билан суғорилган мақолалари, сермазмун нутқлари билан кўп мартабалаб чиқишлар қилади.

Фашистларнинг ёвуз куч эканлигини, унинг разолат ва жаҳолатга қаратилган ниятларини кўрсатиб берувчи кўплаб асарлар ёзади.

Урушдан кейинги йилларда Соҳиб Жамолнинг серқирра ва сермазмун ижодий юксалишлар даври бошланади. Кўп йиллик машаққатли ҳаёт тажрибалари, тинимсиз изланишлар Соҳиб Жамол ижодининг ўзига хос ўзагини белгилаб берди. «Бахт ахтарган қора танли бола», «Алданган умидлар» каби асарлари чоп этилади.

Эндиликда Соҳиб Жамол номи Россия, Кавказ, Марказий Осиё мамлакатларига яқиндан таниш бўлиб қолган эди.

Адибнинг «Паришон лолалар», «Чиннигул», «Президент», «Гули сиёҳ» романлари кўпгина тилларга таржима қилиниб, китобхонларнинг сеvimли асарига айланган.

Адиб қаерда бўлмасин, қайси мавзуда ижод қилмасин онасининг меҳр тўла нигоҳини, маюс ва ҳорғин кўзларини эслайди. Кўпгина асарларидаги ижобий аёл образи онасининг рамзий қиёфасини эсга солади. Фатима Сабрий («Муҳаббат камалаги»), Биби («Гули сиёҳ»), Хадича («Синдирилган кўза») қиёфаси тасвирлаш жараёнида адибнинг меҳрибон онаси кўз ўнгидан нари кетмайди, хаёлан онаизори бағрида яшаб тургандек туюлади.

АЛЬБЕР КАМЮ

(1913–1960)

Рассом ўзининг мўйқалами билан табиат гўзалликларини ва инсон қиёфасини тасвирлаб беради. Онора де Бальзак каби сўз усталари эса ҳар қандай ҳаёт кўринишини, инсоннинг ташқи қиёфасини гина эмас, унинг қалбини ҳам сўз орқали кўрсатиб бериш санъатини



эга. Рассом воқеликнинг фақат ташқи қиёфасини кўрсатиб беради, сўз санъаткори эса ташқи кўриниш билан бирга ҳеч кимга маълум бўлмаган ички – қоронғу жиҳатларини ҳам кўрсатиб бера олади. Биргина эмас, бир йўла юзлаб образларнинг ички дунёсини очиб бериш маҳоратига эга.

Альбер Камю ўзи туғилиб ўсган Жазоирнинг жазирама табиатини севади. Унинг қора танли жазоирлик болалардан ҳам дўстлари кўп эди. Ўша даврдан Жазоир французлар қўл остида бўлиб, маҳаллий халқни ниҳоятда эзиб, оғир азобларга со-

либ ишлатарди. Хат-савод паст бўлган жазоирликлар бу оғир қийинчиликларни пешанага ёзилган тақдир тақозоси деб тушунарди.

Альбер бой-бадавлат французлардан кўра, жазоирлик меҳнаткаш ва қашшоқ халққа кўпроқ хайрихоҳ эди. Хаттоки, Жазоирдаги француз босқинчиларига нисбатан бир қадар нафрат кўзи билан қарайди. Босқинчиликка қарши ғазаб туйғуси бир умр юрагида тош бўлиб қотади ва бутун ижоди давомида нафрат ифодасига айланади. «Бахтли олам» романида, «Инқироз» қиссасида, «Қамал ҳолати» пьесасида, «Нигоҳ», «Кувгинлик ва салтанат», «Ижод ва эркинлик» каби ҳикояларида адибнинг атроф-муҳитга нисбатан теран нигоҳини кўра-миз. Оламни зийрак англаш, чуқур идрок этиш ҳисси ёзувчи ижодининг гоёвий йўналишига сингиб кетган.

XX аср жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан деб тан олинган «Бегона» қиссасининг қаҳрамони ўз дунёқарашига ва ўз фикрига тўла бўлган Мерсо образидир. Айни чоғда романнинг бош образи Мерсо метин ирода эгаси. У букулиб, хушомад қилиб яшашни инсон учун шакташлик аломати деб билади.

Камю ўз қаҳрамони зиммасига XX аср инсонларига хос фазилатларни юклайди. Бу қиёфа Уйғониш даври ёки кейинги даврлар ижтимоий ҳаётидаги инсонлардан кескин фарқ қилади. Энг муҳими ёзувчи инсон образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

«Бегона» қиссаси чоп этилган кезларда қизгин мунозараларга сабабчи бўлди. Ёзувчига сон-саноксиз мактублар келди.

Мерсонинг адвокат билан, прокурор билан суҳбати ҳам ўқувчини ўнатириб қўяди. Диологлар ва воқеалар баёнида ўзига хос фалсафа ишприпиб ётибди. Воқеа қамоққа тушган Мерсо тилидан баён қилинган ва, унинг ички ҳиссиётлари кўрсатиб берилган. Мерсо кам гап, ўлимдан кўрқмайди. Ўлим ҳукмини эшитганда ҳам ўзини йўқотиб қўймайди. Унинг ўз фикри, дунёқарashi бор. Инсон учун шунинг ўзи кифоя.

Ҳар бир адибнинг ўз тасвир услуби мавжуд. Альбер Камюнинг ҳам ўшани хос овози, тасвир гўзалликлари ҳеч кимникига ўхшамайди.

Альбер Камю Жазоир университетиде ўқиб юрган кезларидаёқ чин инсоний қалбга эга бўлган дўстлар топади. Университет талабалари бўлиш бой-бадавлат хонадоннинг болалари билан эмас, кўпроқ ўртамаёна ёки қашшоқ оиланинг фарзандлари билан юради.

Альбер Камю бору йўғи 47 йил умр кўрди. Умрининг охиригача Парижда яшади. Шу қисқа умри давомида улкан ишлар қилишга, кўплаб асарлар ёзишга улгурди. Унинг асарлари кўпгина тилларга таржима қилинган.

XX асрнинг 50–60-йиллари Фарб адабиёти учун улкан ютуқлар билан бирга қувончли хабарлар йили бўлди. Бир қатор адиблар Америка адабиётининг атоқли намояндalари Жон Эрнест Стейнбек (1962), Уильям Фолкнер (1950), Эрнест Хемингуэй (1961), Сальватор Квазимодо (1959), Француз адабиётининг улугъ ёзувчилари Сен-Жон Перс (1960), Альбер Камю (1957) халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

Альбер Камю ўзининг оташин нутқи билан, бадиий тасвир воситалари билан даврнинг муҳим муаммоларини ечиб беришга шошилади. Ёзувчи учун энг муҳим муоммо даҳшатли ва ёвуз урушни тезроқ бартараф этиш, инсоният келажагини мана шу уруш балосидан қутқариб қолиш эди. Шунинг учун ҳам Альбер Камю халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Француз адиби партизанлар ҳақида махфий йўллар билан маълумотлар тўплайди. Бу маълумотларни тўплаб, яширин йўллар билан нашр қилади. «Немис дўстимга хат» номли китобчаси 1943–1944 йилларда муттасил нашр қилиниб, Германияга ва бошқа мамлакатларга юбориб, халқни фашистларнинг ёвуз ниятларига қарши курашга чорлайди. 1945 йилда яширинча чиқадиган «Кураш» газетасига муҳаррирлик қилади.

Ёзувчи ўзининг «Сизиф ҳақида миф» (1942) номли эссеси билан Европани ўраб олаётган уруш тўфонидан қутқариб қолиш ҳақида даъват билан чиқади.

Альбер Камюнинг «Калигул» (1944) трагедияси тарихий воқеликка бағишланган бўлиб, 1945 йилда саҳнага чиқади. Ёзувчининг «Ташқи олам» (1940) асари уруш даври адабиётининг ёрқин намуналаридан бири бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Альбер Камю Оранда яшайди. Бу даврда яратилган ва ёзувчи номини машҳур қилган асари «Вабо» роман-ҳикмати юзага келди. Бу роман устида қарийб беш йилга яқин меҳнат қилади ва ниҳоят 1947 йилда ёруғ олам юзини кўради. Ёзувчи ўз романи ҳақида тўхталиб, «Вабо» Европада авж олиб кетган миллатчилик, ирқчилик балосига қарши кураш нуқтаи назарида дунёга келди», деб таъкидлайди.



АЛП ЖАМОЛ

(1915–1990)

Алп Жамол (Жамолиддин Асомиддинов) 1915 йил 14 августда Тошкентнинг Чувалачи маҳалласида дунёга келади. Отаси Асомиддин Миразимбой ўғли ўз даврининг маърифатпарвар кишиларидан бўлиб, илм-фанга, айниқса, адабиётга, шеърятга катта ихлос қўйган эди. Етим-есирларга, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиб, олижаноблик фазилатларини намоён этиб турган.

Оилада бедилхонлик, саздийхонлик, навоийхонлик кечалари бўлиб, Мискин, Тавалло, Хуршид каби эл назарига тушган ва маърифатли

кишилар бу хонадонга тез-тез йиғилишиб, шеърхонлик қилишган. Жамолиддин ана шундай шеърхонлик давраларини кўриб, адабиётга ихлоси ортиб боради ва аста-секин ўзи ҳам шеърлар машқ қилади.

1936 йилда Улугбек номли мактабда адабиёт ўқитувчиси сифатида дастлабки иш фаолиятини бошлайди.

Опасининг мол-мулки мусодара қилиниб, Жамолиддиннинг ўқиш имконияти чекланса-да, у оила муҳитида Шарқ мумтоз адабиётини ўрнининга, шеърлар ёд олишга киришади, унинг илмий-адабий дунё-

қарши юксалиб, энг яхши адабиёт ўқитувчиси бўлиб кўзга ташланади.

Эҳтимол, шунинг учундир 1940 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга киради. Кўп ўтмай халқ бахшиси Фозил Йўлдош дostonларини ёзиб олиш учун мирзолик — котибликка юборилади. Ўша вақтларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш, ёзиб олиш, нашр этишга катта эътибор қаратилган эди. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоирлар куйлаб келган оғзаки ижод намуналарининг ёзма нусхалари юзага келади.

Алп Жамол асарларининг халқ тилига яқинлиги унинг анча йиллар халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли билан ёнма-ён юргани сабаб бўлгандир. Халқ шоирлари оғзидан терма ва дostonларини ёзиб олиш учун ҳам юксак даражада маҳорат ва истеъод талаб этилган.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йиллар, шахсга сиғиниш даврида Навоий, Бобур каби буюк шахслар ижоди чекланиб, уларга қарши бир қатор мақолалар, жумладан М. Ваҳобовнинг «Тарихнинг зарарли тафаккури», Э. Бобоевнинг «Большевиктик гоёвийлик учун» каби мақолалари эълон қилиниб, Навоий, Бобур каби шоирларнинг ва кўплаб тарихий шахсларнинг фаолияти қаттиқ қораланади. Уруш даврида яратилган «Навоий» (1942) романи муаллифи Ойбек, «Алишер Навоий» (1943) драмасининг муаллифлари Иззат Султон ва Уйғунлар ҳам танқидга учрайди. 1949 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида бўлиб ўтган «Навоийнинг диний қарашлари» мавзусидаги илмий кенгашда Алп Жамол Алишер Навоийни ёқлаб чиққани учун институтдан ҳайдалади. Бундай ноҳақлик адабиётшуноснинг руҳиятига салбий таъсир этса-да, шеърятта, бадиий ижодга бўлган ихлосини сўндирилмайди. Бироқ унинг асарларини матбуотда чоп этиш тақиқлаб қўйилади.

1960 йилдан бошлаб Ўзбекистон телерадиоқўмитасининг «Телевизион минатюралар театри»да мухбир, бош директор (1964) вазифаларида ишлаб, умрининг охиригача (1990 йил август) шу масканда қизғин ижодий фаолият кўрсатади, катта тажриба тўплаб қатор-қатор халққа манзур асарлар яратади.

Алп Жамолнинг асарлари «Муштум» журналида ва бошқа матбуот саҳифаларида муттасил ёритиб борилади. 50-йиллардаёқ Алп Жамол «Алпомиш» дostonи асосида «Алпомиш» пьесасини, Жалолдин Мангуберди ҳақида дoston яратади. Бироқ бу асарларни ҳам матбуотда эълон қилишга йўл беришмайди.

Алп Жамолнинг кичик ҳажмдаги асарлари билан бирга «Тоштар шар», «Аросат», «Қувғин», «Бевафо якан», «Тўйдаги тутун», «Меррибонлар», «Даданга қўл кўтардингми» каби ҳажвий-юмористик асарлари унинг ижодининг юқори чўққиси ҳисобланади. Бу асарлар

турли мавзуларга бағишланган бўлиб, ўз даврининг муҳим воқеаларини, ҳаётдаги турли хил иллатларни сатира ва ҳажвийётга хос салбий жараёнларни маҳорат билан кўрсатиб берган.

Алп Жамол асарлари Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Татаристон, Туркия телевидения ва театрларида ҳам муттасил намойиш этиб келинган.

Жаҳон адабиётида шундай ижодкорлар борки, уларнинг шингил ҳикоя ва новеллалари катта роман берган завқни ҳаёта олади. Бундай шингил ҳикоялар ҳаётнинг аччиқ-чучитига, яхши-ёмон томонларига бағишланган ва турли хил иллатларни бартараф этишга қаратилгандир. Ҳажман кичик бўлса-да, маъноси кенг ва чуқур бўлган бундай асарлардаги мазмун ўқувчи хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Ўқувчи воқеалар баёнини, образларнинг илмоқли сўзини эслаб юради.

Жаҳон адабиётида Ги де Мопассан, А.П. Чехов, Абдулла Қаҳҳор, Азиз Несин каби новелла усталари борки, уларнинг кичик ҳикояларида бир олам маъно яширинган. Бундай моҳир санъаткор адиблар издоши сифатида Алп Жамолни ҳам тилга олишимиз мумкин.

Алп Жамолнинг асарларини ўқиганда ҳаёлга чўмасиз, ўйланиб қоласиз. Фикр билан ҳаётни бир-бирига таққослайсиз. «Ҳаёт билан ҳаёл ўртасида Алп Жамолни учратасиз», деб бекорга таъриф беришмаган.

Ҳар бир жанрда сўз ўйини, сўз инжуларини териб ишлатиш, фикрлар гўзаллигини таъминлаш санъаткор маҳоратини белгиловчи асосий мезондир. Алп Жамол диалог ва монолог устаси. Адиб изчил фикрларини, ўзини ва ўзгаларни ўйлантириб юрган дардни қаҳрамонларнинг ўзаро сўзлашув нутқи қатига пинҳоний тарзда яшириб қўяди. Ёзувчининг дастлабки ифодаларида гап нима ҳақда кетаётганини сезиш қийин. Асарнинг хотима қисмида адиб, салбий хислатли кимсаларни қоралаб, савалаб, жазолашга киришади, уларни ҳажв остига олади.

Алп Жамол «Ажойибсан», «Тилла бузоқ», «Тўзғиган пат», «Қоронунинг боласи», «Бетамиз», «Анқонинг уруғи», «Сен сўрама, мен айтмай» каби кичик асарлари орқали кенг ва муҳим фикрларни айта олади. Касалнинг дардини юмшатиш учун соғ одам ўзини бетоб қилиб кўрсатса, бемор бироз тасалли олар экан. Адиб аччиқ ҳақиқат, енгил қўл, кулги орқали ҳаётдаги иллатларни кўрсатади.

Гарб адабиётида Оуталар ёзиш катта анъанага айланган. Алп Жамол мана шу анъанани янгича шакл ва мазмун билан бойитди. Унга иккинчи бир шарқона руҳ бағишлади.

Ўқувчи ижодига мансуб асарларнинг аксарияти ҳаётий-маиший мавзуга бағишланган. Бундай руҳ Саид Аҳмад, Неъмат Аминов ва айниқса, Абдулла Қаҳҳор ижодиётида ҳукмрондир. Анъана ва таъсир қимми адабиётларда ўзига хос равишда ривожланиб келган. Айниқ-

си, ҳажвчи адиблар ижодида ўзига хос тасвир услуби мавжуд бўлиб, худди мана шу ўзига хос овоз, ҳаётни кўрсатиб бера олиш маҳорати Алп Жамол ижодининг нақадар гўзаллиги, камалакдек товланиб туришини таъминлайди. Адиб инсонлар руҳиятидаги салбий хислатларни, ярашмаган доғдек бўлиб турган иллатларни бартараф этиш, инсонни улуг – нурли ҳаётга етаклаш, гўзаллик сари чорлаш йўлида тинмай изланди.

Адибнинг «Хуррак», «Хўп денг», «Сабаблардан бири», «Ҳар қалай қарға-да», «Қозон», «Улоқ», «Ҳожи даъво» асарларида қочиримлар, ўқувчига яхши кайфият бағишловчи образли иборалар, халқ ижодиётига яқин ўғитлар ниҳоятда усталик билан ўз сайқалини топган. Алп Жамол халқ тилини яхши билган, халқ мақол ва маталларини ўз ўрнида ишлата билиш санъатини эгаллаган моҳир адибдир.

У Шарқ адабиётида Фарб Оуталарига ўхшаш ўзига хос театр яратди. Минатюралар театрини бойитди, ривожлантирди, уни юқори чўққига кўтарди. Саҳна оламини, халқ оғзаки ижодини ёзиб олиш ва уни нашр қилишга улкан ҳисса қўшди.

Жаҳон адабиётида кўп йиллар давомида ижоди ўрганилмай, асарлари тақиқланиб келган, кейинчалик ойдин кунлар келиб, номлари қайтадан улугланиб, асарлари нашр қилинган адиблар талайгина. Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда, Алп Жамолнинг ҳаёт йўли, ижод уфқлари Мустақиллик, эрк, ҳуррият нуридан баҳра олиб, бутунги кунда янада равшанроқ шуъла сочмоқда. Эндиликда унинг кўпчиликка номаълум адабий мероси ўқиб-ўрганилмоқда.

АЗИЗ НЕСИН

(1915–1995)



Асли исми Маҳмуд Нусрат – 1915 йил 15 декабрда Истамбул яқинидаги қишлоқлардан бирида, деҳқон оиласида туғилади. Ёшлигидан ёзувчи бўлишни ният қилган эди. Дастлаб у ҳарбий билим юртида ўқийди. Нафис санъат академиясида ижод сирларини ўрганади. Армиядан қайтгач (1944), журналист сифатида фаолият кўрсатади. Дастлабки ижодини шеър ёзишдан бошлайди. Илк ижод намуналарини Ведиа Несин тахаллуси билан ёзган.

Жаҳон адабиётида ҳажвий асарлари билан машҳурдир. «Тонг», «Ватан», «Танин», «Оқшом» газеталарида фаолият кўрсатади, кўплаб ҳажвиялари чиқади. Турк адиби Сабоҳиддин Али билан ҳамкорликда ҳафталик «Марко пошо» ни чиқаради. Таъқиб қилинган, «Номаълум пошо», сўнгра «Маълум пошо» ни нашр қилишади. Бу ҳам тазйиқ

остиға олинади. Азиз Несин мақола, новелла, ҳикоя, роман устаси сифатида ҳам машҳурдир. Халқ ўртасида Шарқда ном қозонган Насриддин Афанди каби ҳажвиялари билан катта ҳурматга эга бўлади. «Демократия шунқори», «Эшак кўзи туғди», «Хотин киши бўлганимда-ю», «Оркестр одам», «Даҳшатли туш», «Минг марта шукур», «Биз у ерга бормаймиз» ҳажвиялари катта шуҳрат қозонган. У 1965 йилда Ўзбекистонда бўлади. Шунда Тошкент, Самарқанд каби Шарқнинг кўрки бўлган шаҳарларни кўрганини фахр ва ғурур билан эслайди. Тилимиз, дилимиз бир-бирига яқинлигини тўлиб-тошиб ёзди. Ҳажвчининг «Хуштак Афанди» ва қатор ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Азиз Несин асарларини ўқисангиз ҳам ўйланиб қоласиз, ҳам руҳан дам олиб, куласиз. Ёзувчи «Биз у ерга бормаймиз» ҳикоясида «Ҳали демократия, партия» деган тушунчаларни яхши англаб етмаган қишлоқнинг оми одамлари образини яратади.

Асарда ўнбоши демократия ва партия вакилларини кутиб олиш учун қишлоқ аҳлидан юзта отлиқ, юзта пиёда одамлар битта бузоқ билан иккита кўй олиб, учрашувга боришини айтади. Бироқ қишлоқ аҳли «бир бузоқ ўрнига ўнта бузоқ, икки кўй ўрнига юзта кўй олсанг ҳам ўша жойингга бормаймиз», – дейди.

Ёзувчи «Демократия шунқори» ҳажвиясида матбуот устидан кино билан кулади. Ҳақиқатдан сўзловчи шеърларини, йигирма икки қирақдан иборат «Эл-юрт тараққиёти учун нималар қилмоқ керак?» деган мақоласини газетага юборганда уларни босиб чиқаришмайди. Йигирма икки саҳифани қисқартириб, беш сатргина газетанинг бир чегига қистириб берилганидан ранжийди. Муаллиф газета ва журналлар ҳақиқатни ёритмай, ёлғон-яшиқ гаплар билан тўлиб кетганини изтеҳзо билан таъкидлайди.

Мухбир матбуотга ҳақиқатни эмас, ёлғон гапларни ёзишга қарор қилади.

«Эшак кўзи туғди» сарлавҳали мақолам шундай бошланарди, – деб эслайди адиб: «Мухбиримиз хабар қилади: кеча бизнинг шаҳарда қирқ беш яшар бир ҳанги эшак иккита кўзи туғди. Кўзилардан бири булбулга ўхшаб хониш қилса, иккинчиси қар ва соқов бўлиб туғилган. Ҳанги эшак иккала кўзига думидан сут бермоқда. Шу ерлик қарияларнинг айтишига қараганда, юртимизда демократия куёши балқиб чиққандан буён бундай ҳодиса юз бермаган. Демак, ҳанги эшакдан икки кўзичоқ туғилиши яхшилик аломатидир».

Бундай ёлғон хабарлар газетага тезда босилиб чиқади, мухбирнинг номини танитади.

Кунлардан бир куни пойтахтдан катта амалдор келиб, ўша куни кўрган-билган воқеаларни қандоқ бўлса шундай ёзиб юборади. Газе-

тада мақоласи босилиб чиққан куниеқ мухбирни қамоққа олишади, эртасигаёқ «Сочи олинган демократия шунқори қамоқда» деб хабар босилиб чиқади.

«Шукур қилсанг арзийди» ҳикояси ҳам ёзувчи маҳоратининг юксаклигини белгилайди. Асарда Шукурбей ижарага уй қидиравериб сарсон-саргардон бўлади. Уй эгаси уни судга бериб, тез кунларда бу даргоҳдан чиқиб кетишни талаб қилади. Шунда Закоий деган эски танишини учратиб қолиб, ижарага уй қидириб сарсон бўлганини айтади.

Закоий эса беш қаватлик иморат куриб, роса қийналганини айтади ва «Шунга ҳам шукур қил» деб ҳар гапида такрорлайди.

«Пулимга яраша ер беринг» ҳикояси қаҳрамони газета саҳифаларидан бирида ёзилган «Иморатсиз куруқ 1624 квадрат метрлик ер тўрт миллион лирага сотилади» деган хабарни ўқиб қолади. Шундан сўнг у оладиган ойлик иш ҳақиға ерни сотиб олиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқса, роппа-роса 666 йил ишлаши керак экан. Ҳисоблай-вериб, уйқуси қочади. Кечаю кундуз шу ерни олишни ўйлайди. Ниҳоят, охири ўйлайвериб жиннихонага тушади.

Ёзувчининг «Мушт кетди», «Безовта бўлманг», «Сигарет кутусидаги арз-доллар», «Назокату нафосат» каби ҳикояларида муҳим муаммоларни кўтариб чиқади. Бу ҳикояларнинг мавзуси хилма-хилдир. «Назокату нафосат» ҳикоясида университет кутубхонасида ишлайдиган Холид шаҳарнинг казо-казо мартабали кишилари манзилини ён дафтарчасига ёзиб юради. Бир марта у бегоналар кўлига тушиб қолганда, ён дафтарчасидаги «назокату нафосат» деган ёзувни ўқиб қолишади. Яна дафтарчада синфдоши Ризо тиртиқнинг ҳам адреси бўлади. Ризо эса бош директор, бегоналар эса Ризонинг кўлидаги хизматкорлар бўлади. Холидни ҳақорат қилиб, калтаклаб, сўроққа тутаётган бегоналар дарров ўзгариб, «Бейафандим» деб унга юмшоқ муомила қила бошлайдилар. Шундан буён у дафтарчасига мартабали кишиларнинг манзилини ёзиб юради.

Ёзувчининг «Фаройиб болалар» романи ҳам ўқувчи эътиборини тезда ўзига тортади. Роман охирида «Ёзувчидан болаларга мактуб» (Анқара, 11 апрел 1967 йил) номли алоҳида сўнги саҳифа мавжуд.

Романнинг сўнгида берилган ёзувчининг болаларга йўллаган мактубида шундай жумталар бор:

«Мен сизларга бир нарсани ошкор қилмоқчиман. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ушбу китобдаги хатларни Зайнаб билан Аҳмад эмас, балки мен ёзганман. Зайнаб билан Аҳмадни мен ўйлаб топдим. Икки ўқувчи бола бир-бирига бунчалик кўп, бунчалик батафсил бахато хат ёзиши мумкин эмаслигини ўзингиз ҳам яхши билиб турибсиз. Бордию, ораларингизда бир-бирига хат ёзишиб юрган бол

лар бўлса ва бу хатларни яхлит китоб ҳолига келтирсангиз, барибир жумла тузишда, имлода янглишликлар кетган бўлади. Аммо шуниси-га аминманки, сизларники меникидан дурустроқ чиққан бўларди. Нега деганда, сизлар ўз тилингиз ва дилингиз билан самимий сўзлаган бўлардингиз. Катталар билан болалар ўртасидаги энг йирик фарқ ҳам шунда. Сизлар ҳам улғайган сари бизга ўхшаб бораверасиз, самимийликдан узоқлашасиз».

Ушбу фикрлар роман ҳақида, ёзувчи ҳақида оз бўлса-да тасаввур беради.

Романда мактаб ўқувчилари Аҳмад Тарбий билан Зайнаб Ёлқир ўртасидаги ёзишмалар берилган. Романни ўқимаган ўқувчи албатта йигит билан қиз бир-бирига ишқ-муҳаббат савдоси ҳақида ёзган бўлсалар керакда, деб ўйлайди. Бироқ бу мактублар ижтимоий ҳаётдаги айрим муаммоларга барчани ўйлантириб юрган масалаларга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Буни қуйидаги жумталардан сўнг аниқроқ билиб оласиз.

«Бундан икки-уч кун олдин баъзи хатларингни яна бир ўқиб кўргандим. Билишимча, катталарни кузатиш бобида биз ҳийла чега-рдан чиқиб кетибмиз. Хатларингда нималарни ёзмаган экансан. Эҳтимол меники ҳам шундайдир. Шу хатларимиз яхлит бир ҳолга келса, қилампирдай аччиқ ҳақиқат ошкор бўлади. Очиғи, кўрган ва эшитган нарсаларимизни баъзан ошириб ҳам юборган эканмиз.

Конкурснинг жюри аъзолари катта ёшдаги одамлардан эмас, балки болалардан иборат бўлганида биз бирор мукофотга илиниб қолар-дик, деб ўйлайман. Аммо шундай бўлса ҳам, бизнинг бир ютуқ томо-шимиз бор. Мен болалар учун ёзилган баъзи романларни беихтиёр эслаб қолдим. Ҳаммасида ўша сийқа гаплар: қишлоқда туғилган қаш-шоқ бола қийналиб ўқийди, саёҳатта чиққан болалар ажабтовур сав-доларга қолади ёки камбағал оиланинг фарзанди бемор ётган онаси-га қарашиш учун ишга кириб кетади. Хуллас, панду насихат билан тугайдиган китоблар. Бизники эса буларга сира ўхшамайди».

Ёзувчи айрим бадиий асарларда ишониш қийин бўлган воқеалар-нинг берилишини, ҳақиқатдан узоқ тасвирлар кўлайиб кетганлиги-ни ҳикоя билан танқид остига олади. Бу жиҳатдан романда Аҳмад ўқийдиган синфдаги ўқувчиларнинг дарсида бир роман устида баҳс ўтказиши, бунда ўқитувчининг аралашуви мақсадга мувофиқ тарзда берилган.

Шундай ҳажвий асарлар бўладики, гарчи ҳажм жиҳатидан кичик бўлсин да, ундан катта бир романдан олган таассуротни оласиз, воқеа ва қаҳрамонлар ўртасидаги суҳбатни узоқ вақт эслаб юрасиз. Азиз Нисини тасвирларидаги воқеалар мана шундай эсдан чиқмайдиган таассурот қолдиради.

ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ (1917–1982)



Тоғлар орасида туғилиб, ўсиб улгайган шоирнинг овози булоқ сувидек тиниқ, шаршарадек ёқимли бўлади, деб айтишади. Қайсин Қулиев ҳам Кабардин-Болқар деган виқорли тоғлар ўлкасида туғилган. Унинг овози тоғлар акс-садоси каби халқ ёдида абадий сақланиб турибди.

Айтишларича, Кабардин-Болқар халқи орасида Қайсин Қулиев шеърларини ёддан билмаган киши йўқ эмиш. Чегем қишлоғи шоирнинг киндик қони тўкилган жой бўлиб, улар қўшиқнинг аввалини Қайсин Қулиев шеърдан бошлар экан. «Салом тонг!», «Тоғ жилғаси қўшиғи», «Баҳор куни тўкилган қўшиқ» шеърлари ўз халқининг вужуд-вужудига сингиб кетган. «Менинг қўшиқларим», «Фалокат юз берган дамда», «Жангдан қайтганлар ҳақида» каби тўпламлари шоир номини дунёга олиб чиқди. «Яраланган тош», «Она ер билан суҳбат», «Шодлик – олтин қуш», «Ўроқ» шеърини китоблари жаҳон адабиётидаги шоҳ асарлар қаторида туради. Шоир ўз номи билан бирга миллатини ҳам жаҳонга танитди. Ўз миллатининг шон-шухратини ҳикоя қилди, эрки, бахт-саодатини куйлади.

Қайсин Қулиев ёшлигидан шеърятга кириб боради. Бироқ у шеърларини нашр қилишга ёки матбуотга беришга шошилмасди, тўғрироғи ботина олмасди. Шоирнинг назарида ҳар бир шеър халқнинг имтиҳонидан ўтади, миллионлаб мухлислар холисона баҳо беради. Ёш шоир мана шу мураккаб синовдан қўрқади. Иккинчи тарафдан, шоирнинг фикрлашича, мукамал шеър ёзиш мураккаб иш. Бу фаолият ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Шу туфайли шоир ёзган қўлёмаларининг кўлини йўқотиб қўяди. Йўқолган шеърини қайта тиклаш эса янада мураккаб жараён. Шунинг учун ҳам ёзган қўлёмаларини, илк машқларини одамлар орасида ўқиб бериш билан кифояланади.

Шоир иккинчи Жаҳон уришига биринчилардан бўлиб отланади. У Россия, Украина, Латвия ерларида мардонавор жанг қилади.

Шоирнинг эсидан 1941 йил биринчи октябр тонги ҳеч чиқмайди. Эрта тонгда Қайсин Қулиев ўз сафдошлари билан фашистларнинг танклаштирилган қўшинига ҳужум бошлаб, ғалабага эришадилар. Бундай шарафли ғалабадан руҳланган шоир «Рус ўрмони кўтарилди» номли шеърини битади. Бу шеърни солдатлар қўлдан-қўлга олиб ўқийдилар. Шундай қилиб шоир, ҳам ҳарбий ҳаво десантлари, ҳам

шоир сифатида танилади. Ўзи полвон ўғлони бўлса ҳам ўзга халқлар ерларида, киндик қони тўкилган она еридан узоқларда жон олиб, жон бериб, қон тўкаётганидан мағрурланиб ёзган шеърини қўпчиликнинг қалбига руҳан кўтаринкилик бағишлайди. Шоирнинг мардлик ва жасоратга ундовчи илк ижод гулдастаси асосан уруш йилларида яратилади. Айниқса, Орёл шаҳри манзаралари даҳшатли уруш ҳақида битган илк ижод саҳифалари ўқувчини ҳаяжонга солади.

Қайсин Қулиев қишлоғи виқорли Кавказ тоғлари этагида жойлашган. Бу қишлоқнинг номи Чегем. Кавказдаги энг баланд чўққи-лардан бири Чегем шоирни болалигидаёқ ўзига мафтун этган.

Чегем қишлоғи аҳли асосан деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик билан шуғулланишади. Чегем тоғ тизимларида ва чўққиси бўйлаб бургутлар, калхатлар парвоз қилиб юрарди. Шоир болалигида бу ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлган қишлоқ шундай ажойиб манзарали. Шоирнинг таъкидлашича, умрида шеър ёзмаган киши ҳам Чегем қишлоғининг манзарасини кўриб шоир бўлиб қолиши табиий эди. Шоир қишлоқ манзарасини эмас, қишлоқ аҳлининг ҳам табиат гўзалликларига мананд соддадил, дилкаш эканликларини таъкидлайди:

*Тоғликлар нутқи жарангдор ва суронли эмас,
Уларнинг дили содда, айёрликдан йироқ.*

Шоирнинг ҳамқишлоқлари отга астойдил меҳр қўйган эдилар. От улар учун ҳар қандай дўстдан ҳам яқин, ҳар қандай бойликдан устун, шунинг учун ҳам шоир от таърифига бағишлаб талайгина шеърлар битган. Меҳрибон, содиқ дўст, инсоннинг оғирини енгил қилдиган от образи шоир ижодида кенг ўрин эгаллайди.

Қишлоқ аҳли асосан тош йўнишдек ажобий санъат билан ҳам шуғулланадилар, уйлар ҳам, йўллар ҳам, деворлар ҳам тошдан ясалган. Бунинг устига тошдан турли хил безаклар ясашади. Тош йўниш осон иш эмас. У ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шоир ўз шеърларида мана шу тош йўнувчилар маҳоратига алоҳида баҳо беради. Уларнинг машаққатли меҳнатинигина эмас, ҳар бирига хос феъл-атворини, характерини ҳам шеърларига жойлаб чиқади.

Чегем савлат тўкиб турган шунчаки чўққи ёки баланд тоғ тизимлари эмас. Бу виқорли чўққининг ҳам ўз ҳаёти, ўз тарихи мавжуд. Бир нақллар Деникин Чегемни олсак бўлди, Кавказ бизники деган хаёлга борган эди. Ўшанда Чегем учун шиддатли жанглар бўлади. Шоирнинг «Тош йўнувчи Жанхату ва унинг олтмиш йиллиги» асарида қишлоқ аҳлининг мардлиги ва жасурлиги, меҳнатсеварлиги ва инсонийлиги ҳақида сўз боради.

Шоирнинг «Ҳаёт уруш каби оғир» асарида фалсафий фикрлар символика дуч келади. Шоир наздида ҳаёт оддий нарса эмас. Яшаш учун курашиш, меҳнат қилиш керак. Ҳаёт ҳам аслида яшаш тарзи-

нинг урушга уштан бир кўришидир. Ҳаётда ҳам рақибингга дуч келсан, нима учундир курашсан, ўз мақсадинг сари олга интиласан. Сил доқайд бўлсанг уруш сингари ҳаётда ҳам йиқилиб қолишинг ёки етишининг турган гап.

Кайсин Кулиев ижодда қарама-қарши образлар кўпроқ учрайди. Бирини иккинчисига қиёслаш орқали ҳаётий воқеаларни бўрттириб, янада аниқроқ бериш ифодасидан фойдаланади. «Нон ва гул», «Нон ва китоб» ва бошқа бу хилдаги қиёсий поэтик таҳлилдан шоир усталик билан фойдаланган. Бирор нарсанинг яхши ёки ёмон томонини, оқ ёки қора рангини бериши учун ўзига хос шарҳлаш усулини қўллайди.

Ўзининг бутун ижодини табиат гўзалликларини қиёслашга бағишлаганини таъкидлайди шоир.

ЖЕЙМС ОЛДРИЖ (1918–1976)



Англиянинг атоқли адибларидан бири. У ўз фаолиятини журналист сифатида бошлайди. Скандинавия, Греция, Миср, Эронда журналист сифатида ижод қилади.

«Иш бўлими» (1942), «Денгиз бургути» (1944) романлари, «Кўп одамлар ҳақида» (1946) қиссалари илк ижод намунаси бўлса-да, китобхонларнинг сеvimли асарларига айланди.

«Овчи» (1950), «Сахро қаҳрамонлари» (1954), «Унинг ўлишини хоҳламайман» (1957) романлари

Жеймс Олдриж талантининг юксак чўққиси саналади. Бу романларнинг мавзуси ҳаётнинг турли хил жабҳаларига қаратилган. Уларнинг қаҳрамонлари ҳам турли соҳа эгаларидир. Уларнинг феъл-атворлари ҳам турли-тумандир. Жеймс Олдриж инглиз адабиётида серқирра ва сержило ижодкор сифатида машҳурдир.

Жеймс Олдрижнинг «Виждон амри» романида Италия-Германия уруши воқеалари тасвирланади. Италия ҳарбийлари немис-фашистлари билан биргаликда Греция тупроғига бостириб киради. Греция ватанпарварлари ўз она-Ватанини фашистлардан мардонавор ҳимоя қиладилар. Ватанпарварлар учун она-юрт тақдири ҳар нарсадан улғувор ва муқаддасдир. Шунинг учун ҳам улар ўз тақдирларини ватан озодлиги билан боғлайдилар.

Роман бош қаҳрамони Квейл грек ватанпарварининг жасоратига ва қаҳрамонликларига қойил қолади. Инглиз ҳарбий учувчиси Квейл уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўради, жангда ҳалок бўлган грек

йигитларининг жасоратига гувоҳ бўлади. Квейл кўпгина ҳарбий учувчи сафдошлари каби жангда ҳалок бўлади. У ўз ватанига қайтолмайди, ёруғ кунларни, туғилажак ўглини ҳам кўролмайди, узоқ Греция тупроғида қолиб кетади. Адиб урушнинг нақадар мудҳиш воқеалар сабабчиси эканлигини гоёт ишонарли ва ҳаётий лавҳаларда тасвирлаб берган.

Олдриж уруш мавзусини маҳорат билан ёритиб беради. Бу ҳақда кўплаб романлар ижод қилган. Ёзувчининг «Денгиз бургути» романида Крит оролидаги воқеа тасвирланади. Немис-фашистлари Грецияни босиб олгандан сўнг, ватанпарварлар тоғларга, ўрмонларга яшириниб оладилар. Греклар билан биргаликда жанг қилган инглиз кўшинлари ҳам тор-мор қилинади.

Фашистлар Крит оролида қаттиқ назорат ўрнатиб, даҳшатли қотилликлар қилади. Балиқчиларнинг қайиғини тортиб олиб, отиб ташлайди. Оролдагиларни очликдан қийнаб ўлдиришди. Бироқ халқ ўз она тупроғини ҳимоя қилишда давом этади. Тоғларда партизан бўлинмаси тузилиб, фашистларга қўққисдан ҳужум қилар, оролдаги ёру биродарларга ёрдам кўлини чўзишар эди.

Партизан бўлинмасида турли хил миллат вакилларини учратиш мумкин эди. Романда «Денгиз бургути» деган лақабли Ҳожи Михал қиёфаси жасорат ва довюрак грек фарзанди тимсолида намоён бўлади.

Оролда Партизан ватанпарвари сафи тобора кенгайиб, енгилмас кучга айланиб боради.

Олдрижнинг «49-штат» пьеса-памфлети жаҳон сиёсий саҳнасида йирик воқеа бўлди. Бу асарда Англиянинг илгариги гегомонлик, ҳукмронлик сиёсати йўқолиб, анча заифлашиб қолганлиги қаламга олинди. Англиядай буюк давлатнинг бошқа ривожланган мамлакатлар олдида, айниқса, Америка Кўшма Штатлари олдида кўғирчоққа айланиб қолади. Ёзувчи образли ибора билан Англияни Америка Кўшма Штатларининг «49-штати» деб атайди.

Олдрижнинг «Элчи» (1949) романи сиёсий ҳаётдаги яна бир улкан ютуғи бўлди.

Роман асосида Англия элчиси Эссенс ва унинг ёрдамчиси Мак Грегор образи туради. Ёзувчи элчи зиммасидаги оғир ва масъулиятли сиёсий муаммоларни ҳаётий ҳақиқатлар орқали ифодалаб беради.

Элчилар фаолияти ҳақидаги бу роман миллатлар, динлар, мамлакатлар, ирқлар тақдири билан боғлиқ масалаларни ёритиб беради. Романда давлатлар ўртасидаги сиёсий ўйинлар, бир-бирини чалғитишлар, чап беришлар, ўзаро манфаатлар тўқнашуви ўқувчи дунёқарашига қаттиқ таъсир этади.

Олдриж сиёсий ёзувчи. Сиёсатчи ўзининг илмий-назарий қарашлари, фалсафий-публицистик асарлари билан сиёсий майдонда намоён бўлади. Олдриж эса ўзининг сиёсий қарашларини бадиий баён

этади, образлар дунёси орқали мушоҳада қилади. Бир сўз билан айтганда сиёсий мавзуда қалам тебратувчи ёзувчидир.

Ёзувчининг «Овчи» (1950) романи инсон ва табиат мавзудаги яна бир улкан бадиий талқиндир.

Роман воқеаси Канада ўрмонларида бўлиб ўтади. Асар қаҳрамони Рой Мак-Нейр ўзи яшаган ўрмонни севади. Ўз тақдирини ўзи билган ўрмон ва унинг табиати билан боғлайди. Асарда инсон ҳам мана шу ўрмон ва табиатнинг бир бўлаги, айни чоғда унинг хўжайини сифатида берилган. Хўжайин очкўз, ўз манфаати йўлида бойлик орттириш пайига тушса, ўрмонни ва ундаги гўзалликларни, жониворларни қуритади. Табиатнинг бу мўъжизасини сотиб, еб тугатади. Ёзувчининг назарида ўрмон бебаҳо бойлик, Рой каби софдил ва ҳақиқатгўй инсонлар қўлида, табиат янада яшнаб кетади, ўрмонлар гўзаллашиб бораверади, ёвуз ниятли кишилар бу гўзаллик мўъжизасига қадам босолмайди.

Олдриж ижодининг уфқи кенг. Романларининг мавзуси хилма-хилдир. Ёзувчининг кейинги асари «Қумликлар уфқидаги қаҳрамонлар» (1954) деб номланиб, узоқ Шарқдаги кўчманчи, қашшоқ қабила-лар, нефт қазиб чиқарувчи араб ишчилари, деҳқонлари, саҳро одамлари ҳаёти, яшаш тарзи ҳикоя қилинади. Бахраз халқи мана шу қора олтинга, нефтга кўз тикади. Эртадан-кечгача қумликлар кучо-гида қора терга ботиб меҳнат қилади, шу меҳнати орқасидан зўрға кун кечиришади. Қора олтиннинг ҳузурини эса инглиз ишбилармон-лари, миллионерлари кўришади.

Романнинг бош қаҳрамони Гордон уруш туфайли араб ерларига келиб қолган, араблар билан дўстлашиб, ўз қисматини улар билан боғлаган. Гордоннинг дунёқараши кенг, фикри тиниқ, оддий инсон. Айни чоғда ҳақиқат тарафдори. Бахразликларнинг ўз бойлиги ва мул-кидан бировлар манфаат кўраётганидан ғазоби келади. Бу ноҳақлик-ка чидаб туролмайди.

Европада Жеймс Олдрижга нисбат бериб, «ўзга юртларнинг ўғли» дейишади. Чунки адиб ўзга халқлар ҳаёти, тақдирини, яшаш ва кураш тарзи ҳақида ёзади.

МУСТАЙ КАРИМ

(1919)

Ҳар бир миллатнинг ўз ардоқли адиби бўлади. Шоирлар, ижод-корлар кўп. Ҳеч ким сенинг буюк шоиринг шу деб фармон ҳам, бу-руқ ҳам бермайди. Халқ суюкли фарзандини, буюк адибини ўзи та-лайди. Бошқирд халқи Мустай Каримни ўз буюғи деб эъозлайди.



1919 йил 20 октябрда Бошқирдистоннинг Чиш-ма туманида дунёга келган Мустай Карим бутун умрини халқ бахти, саодати, келажagini куйлаш-га бағишлади. «Отряд кўзгалди» (1938) номли илк шеърларидаёқ халқ дилига ёд бўлиб тушди, юра-гига илиқлик бағишлади. «Жонажон халқимга» (1953) шеърда ўз халқига садоқати, муҳаббати ва чексиз ҳурматини изҳор этди.

«Тўй давом этади» (1947), «Ёлғиз қайиқ» (1951), «Айтилмаган кўшиқ» (1961) каби шеърлар тўпла-ми шоирнинг истеъдоди ниҳоятда юксаклигидан далолат беради. Айниқса, «Йиллар изидан» (1971) асари туркум шеър-ларни ўз ичига олган бўлиб, шоир номини жаҳонга машҳур қилади. Шоир ижоди кўп қиррали «Ой тутилган кун» (1964) пьесаси жуда кўплаб халқ театрларида намойиш этилган. Шоирнинг кўплаб асар-лари ўзга халқлар тилларига ҳам таржима қилинган. Бошқирд халқи-нинг дилбар шоири жаҳон адабиёти минбаридан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Бундан ташқари, шоирнинг «Қиз кўшигин эшитиб қолдим», «Дўстлар сўроғига жавобим», «Бу кўшиқни куйлаган онам» каби асар-лари ҳам ўқувчи қалбини сеҳрлайди.

Башқирд халқининг асл фарзанди ўз ватанини беҳад севади, ҳар бир фарзанднинг ўз юртини жон-дилидан, бор вужуди билан яхши кўришини хоҳлайди. Ватан туйғусини дилининг тўрида ардоқлайди. Ватан сўзини эшитганда ҳам жим туриб, қулоқ тутаяди, уни берилиб тинглайди:

*Атроф сокин, ҳаво беғубор, севинчим чексиз,
Она юртим ҳақида куйлар йироқдан бир қиз.*

Шоир уруш азобларини, Ватан бошига тушган жабр-ситамларни обдон тортган. Шунинг учун ҳам жангчиларнинг зафар кучиб ёруғ ю-рти билан ўз юртига қайтишини энг бахтли он деб билади. Шоирнинг куйлашига, аслида инсоннинг ёруғ дунёга келиши, илк бор қуёш нурини кўриши, қиз лабидан илк бор бўса олиши ҳам бахт рамзидир. Аммо «Жангдан зафар олиб қайтган кеч» энг бахтли онлардир.

Шоир поэзиясида қиёсий таҳлил ҳам, ўхшатиш ҳам кенг ўрин-ини олади.

*Одамлар жам бўлиб қадам ташласа кўча тўлади,
Бир гул гар ягона бўлиб яшаса эрта сўлади.*

Бундай иборалардан ўхшатма яшаш шоир ижодини безаб турибди. Айниқса, ишқ-муҳаббат мавзуси, ёниқ дард билан битилган. Уруш

туфайли айрилиқда, ҳижронда яшаган шоир ёниқ дард билан куйлайди. Ўз ёрини интизорлик билан кутган гўзалга «Қалбингни куйдирган муҳаббат» дея нигоҳ ташлайди.

Шоир ижодини хилма-хил мавзулар, худди гулзор, чаман каби қамраб олган. Кейинги давр кўллаб бошқирд шоирлари Мустай Карим поэзиясининг нуридан баҳра олиб, сермахсул ижод қилишмоқда.

ЖАННИ РОДАРИ

(1920–1980)



Италиянинг шимолида жойлашган Оменуа шаҳрида дунёга келган Жанни Родарининг болалик йиллари қийин кечади. Отаси вафотидан сўнг онаси билан оилани тебратиш учун турли хил кўчаларга, кўпгина даргоҳларга кириб чиқишига, ҳаётнинг аччиқ-чучугини эрта тотиб кўришга тўғри келади. Эҳтимол ҳаётнинг мана шу оғир синовлари адибнинг кейинчалик қаламини чарлаб, ҳақиқатни ёзишга ундагандир, машҳур адиб бўлиб етишишга сабаб бўлгандир. «Чипполино-

нинг саргузаштлари» (1960), «Умумжаҳон хороводи» (1962), «Кувноқ шеърлар поезди» (1963), «Касбларнинг ранги ва ҳиди ҳақида шеър» (1967), «Хаёлот қондалари» (1978) каби асарлари жаҳон болалар адабиёти саҳифасидан кенг ўрин эгаллаган. Болаларнинг севимли адиби асарлари жаҳондаги кўпгина тилларга таржима қилинган.

Жанни Родари «Рим эртаклари» туркум асарлар тўплами билан машҳурдир. Бу туркум асарлар алегорик характерга эга бўлиб, ёзувчи эртақлар баҳонасида гоҳ даврнинг ижтимоий-сиёсий воқелигига фаол аралашади, гоҳ айрим инсонларга хос тубан ва разил ниятларни кескин танқид остига олади, гоҳ мансаб-мартаба учун ўзлигидан кечганларни қоралайди.

Энг муҳими, ёзувчининг эртақлар олами жуда бой, мавжуд жиҳатдан хилма-хилдир. Бу эртақларни ўқиган сайин ўқигинг, эшитган сайин эшитгинг келади.

«Хурушни эплолмаган кучукча» асари мазмун-моҳияти билан киноя, кесатиқ ва истиора орқали инсонлар ҳаётига кириб боради. Кўлидан бир иш келмайдиган, ҳали «хурушни» ҳам билмайдиган кўштирноқ ичидаги «кучукча» циркда машҳур бўлишни ва ҳаттоқ шоҳ қизига уйланишни орзу қилиб қолади.

Кучукча ўз мақсадига етиш учун бормаган жойи, кирмаган эшиги қолмайди.

Кучукча чопиб кетаверибди, кетаверибди, бирдан қулоғига қандайдир ғалати махлуқнинг «Вов-вов-вов-вов» деган ғалати овози чалинибди-ю, таққа тўхтабди.

Шундай қилиб кучукчанинг олдидан ўзига ўхшаган ва хурушни биладиган кучук чиқиб қолибди. У кучукнинг вов-вовлашини эшитиб бошида жирафа ёки тимсоҳ бўлса-я, деган гумон ҳам қилибди. Лекин Вов-вов товуши унинг юрагини жизиллатиб, бу аниқ, кучук деган тўғри қарорга келибди.

Улар саломлашибди. Кучук бизнинг хурушни билмайдиган кучукчамизга хурушни ўргатибди. У севиниб вов-вовлабди.

Ва ана энди яхши устозни топдим, деб севинибди.

Шу топда ундан бахтиёр махлуқ йўқдай туйилибди унга.

Ниҳоят кучукча олдиға қўйган ниятига эришади.

Инсон нималарни орзу қилмайди, дейсиз. Кўлидан ҳеч иш келмайдиган, ҳаттоки кучукча каби «хурушни» (эплаб гапиришни) билмаса ҳам юксак орзулар билан яшайди. Бироқ, юксакликка кўтарилиш, шон-шухратга эришиш фақат орзу-хаёлдагина қолиб кетмаслиги лозим. Кучукча каби елиб-югуриш, ўз хатоларини тузатиш, эзгу мақсадлар йўлида курашиш лозим.

Жанни Родари инсонларга эзгулик ҳада этади, уларни яхшилик томон етаклайди, дўстликка, иноқликка, ҳамжиҳатликка чақиради.

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

(1923–2003)



Доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатов туфайли Доғистонни бутун жаҳон таниди. 1923 йилда туғилган шоир шўро ҳукуматининг таъқибларидан кўрқмасдан, мардонавор Доғистон халқи номидан сўзлаб, шу миллатни улуғлади. Доғистон деган жой дунё харитасидан заррача ўрин эгаллаб турса ҳам, жаҳонга машҳур шоири борлигини намойиш этди. Отаси шоир Ҳамзат Цадаса туфайли бу хонадонга кўпгина машҳур шоирлар ташриф буюриб туришарди.

«Тонг кўшиғи», «Менинг қалбим тоғларда», «Тоғ қизи», «Доғистоним», «Юксак юлдузлар», «Туғилган куним», «Тоғликнинг ватани», «Овулдан хат» асарлари қайси бир жиҳати биландир шеърят шайдоларининг юрагини қитиқлайди.

«Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса, билгинки, аларнинг битаси менман» шеъри шарқ ҳофизлари томонидан севиб хиргойи қилинади. «Она тилим» шеъри шоир қиёфасини намоён этиб турибди. «Жа-

ҳон минбаридан янграмаса ҳам она тилим менга муқаддас, буюк» деган сўзлар миллат йигитининг оташин кўшиғидир.

Мактабни битиргандан сўнг, педагогика коллежида ўқийди. Шундан сўнг мактабда ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсата бошлайди. Кейинчалик театрда режиссёр бўлиб ишлайди. Газета ва радиода муҳбир бўлиб юрган кезларида шеърлари матбуотда кўрина бошлайди.

«Ҳаётга муҳаббат ва урушга нафрат» руҳида ёзилган биринчи шеърлар тўплами 1943 йилда нашр этилган бўлиб, ундаги шеърларда шоир иккинчи Жаҳон уруши келтирган мудҳиш фожеалар, машъум қайғулар инсонлар қалбида битмас яра бўлиб қолганлигини айтади.

Шоирнинг иккита акаси урушда қаҳрамонларча жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлади. Бу машъум воқеа фақат Ҳазрат Цадаса оиласини эмас, айни чоғда бутун қишлоқ аҳлини, киндик қони тўкилган Цада овулини чуқур қайғуга солади. Барча цадалиқ қишлоқ аҳли уларга ҳамдардликларни билдириш учун келар, озгина бўлсада руҳан кўтаринкилик бағишлар эди.

Бу машъум воқеадан қаттиқ таъсирланган Расул Ҳамзатов ўзининг қатор шеърларини яратади. Бундай қайғули кунлар ижодининг илк саҳифаларини тўлдириб, янги шеърлар билан беади.

Расул Ҳамзатов овар поэзиясини юқори поғонага кўтарган шоирдир. Унинг асарларида рус шеъриятининг таъсири каттадир. Пушкин, Есенин ижодининг қайноқ чашмасидан баҳра олган шоир ўзининг янги ижодий йўлини, янгича ифода услубини танлайди. Ўзи таъкидлаганидек, Блок ижодидан баҳра олиб, янгича поэтик йўлга кириб боради.

Шоир Москвадаги адабиёт институтида ўқиб юрган кезларида рус ва жаҳон адабиёти намуналарини берилиб ўқийди. Айниқса, Пушкин ва Есенин шеърларини, Крилов эртакларини, Чехов комедияларини, Толстой прозасини севиб ўқиганлигини эслайди.

Расул Ҳамзатов «Менинг туғилган йилим», «Тоғлик» асарлари орқали поэма яратиш санъатини ҳам намойиш этади. Бу поэмаларда Доғистон тоғларини, тоғ этагида яшовчи одамларни, уларнинг жасурлиги ва меҳнатсеварлигини куйлайди. Қишлоқ одамларининг соддалигини, меҳрибонлигини тилга олади. «Шоир бўлишнинг сир-асрори халқ билан бирга бўлиш, одамлар орасида яшашдир», дейди Қайсин Кулиев.

Шоир «Отам билан суҳбат» поэмасида Ҳамзат Цадаса билан суҳбат куради. Отанинг ўз фарзандига ўғити руҳидаги бу асариде кўпни кўрган доно ва ақлли, ўз фалсафасига эга бўлган ота образи яққол намоён бўлади.

Ота «Сенинг борлигинг ҳам, бойлигинг ҳам халқ, халқдан ажралма», каби донишмандсифат гапларни айтиб, ўғлини яшаш ва ижод

қилишга чорлайди. Бу поэма инсонни ҳаётни севишга, одамларни бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга чақиради.

Эҳтимол шунинг учун Расул Ҳамзатов кўп вақтини одамлар орасида ўтказди. Шеърлари ҳам халқ дилига ва тилига жуда яқин. Кўпгина шеърлари овар кўшиқчилари томонидан куйга солиниб, жозибадорлиги билан кишининг эътиборини ўзига тортади.

Халқнинг орасида бўлган, халқнинг дилидагини топиб куйлаган шоир ўлмасдир. Шоир халқ ижодига яқин тилда ёзади. Шеърлари ҳам халқ кўшиқларига, эртакларига, мақол ва маталларига ўхшаб кетади. Шеърларида қандайдир бир дилга яқин сир яширингандек.

Шарқ билан Ғарб ўртасида Доғистон деган бир ўлка бор. Бу ўлка ўзининг узоқ тарихига, маданиятига, фольклорига, энг муҳими улкан, виқорли тоғларига эга. Бу ўлкада овар халқини ўз ажлодлари анъаналарига содиқ қолиб, миллий гурури, миллий маданиятини кўз қорачиғидек асраб келмоқда.

Шоир «Доғистоним» шеърида кичик бир миллатни осмон қадар улуглайди. Шоир ўз миллатини, ўз элини кичкина, озгина деб ҳисобламайди. Шу халқ, шу Доғистон орқали дунёни кўради. Унинг ҳам азалий тарихи борлигидан гурур ва ифтихорга тўлади. Ҳеч бир шоир ўз миллатини, туғилиб ўсган юртини камситишни хоҳламайди. Шоир Доғистон учун дилининг тўрида асраб кўйган сўз жавоҳирлари билан юртини шундай безайдики, фарзанд учун бундан-да мўътабарроқ макон йўқ.

*Менинг юртим тик қоя, улкан тоғлар аро жо,
Довруғи анча катта, ери кичикдир аммо.*

Шоирнинг «Дўстлик ҳақида қисса» шеърида битилган ушбу мисрапар «Доғистон» асарининг мантиқий давомидек туюлади.

Шоир «Менинг ватаним» (1950), «Бизнинг тоғлар» (1947), «Акам қиссаси» (1952), «Доғистон баҳори» (1955), «Қалбим тоғларда» (1959), «Тоғ қизи» (1958) каби шеърий тўпламлари, дostonлари билан Доғистон адабиётини юксак чўққига кўтарди.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

(1928)

Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар қишлоғида таваллуд топган. Отаси Тўракул Айтматов Авлиёотадаги рус-тузем мактабини битирган зиёли киши, кейинчалик шахса сифиниш қурбони бўлади. Ўлиси Наима Айтматова ўқимишли аёл бўлган. Чингиз дастлаб рус, кейин қирғиз мактабида ўқийди. Авлиёотадаги зооветеренария тех-



никумини, Қирғизистон қишлоқ хўжалик институти тугатади. 3 йил зоотехник бўлиб ишлайди. Москвада ёзувчилар уюшмаси қошидаги олий адабиётчилар курсини (1956–1958) битади.

«Литературный Киргизистан» журнали бош муҳаррири, «Правда» газетасининг муҳбири, кинематографчилар уюшмаси раиси, Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари ва жуда кўпгина жойларда ишлаган.

Илк бадиий ижод намунаси «Жамила» (1959) қиссаси жуда кўп тилларга таржима қилинган. Бу қиссани «Муҳаббат ҳақида ёзилган жаҳондаги энг ажойиб қисса», деб юксак баҳо берган эди Луи Арагон. Қирғиз ва рус тилларида ижод қилади. «Биринчи муаллим» (1962), «Сомон йўли», «Она ер» (1963), «Алвидо, Гулсарри» (1966), «Юзма-юз», «Қизил дуррала сарвқоматим», «Бўтақўз», «Оқ кема», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» каби қиссаларининг, «Асрга татиғулик кун» (1980), «Қиёмат» романларининг муаллифидир. Бу асарларининг деярли барчаси ўзбек тилига таржима қилинган. Ўзбек китобхонлари уларни севиб ўқишадди.

Чингиз Айтматов илк ижод намуналари бўлмиш «Газетчи Дзюйдо» (1952) асаридан тортиб «Ашим» (1952), «Оқ ёмғир» (1954) ҳикояларигача эндигина бадиий ижод майдонига кириб келган бўлишига қарамасдан, бу ҳикоялар қайсидир бир жиҳати билан ўқувчи қалбини ўзига тортарди.

Ёзувчи ҳар бир асарининг воқеасини ҳаётдан олади. Воқеаларга сайқал бериб, гўзаллаштириб яна ҳаётга қайтаради. Ҳаётдаги инсонлар қиёфасини чизиб, яна инсон руҳиятини безаш учун беради.

«Ашим» ҳикоясининг қаҳрамонини олиб қарайлик. Икки фарзандидан ажралган чол мункайиб, руҳан тушқунликка тушиб, ҳаётдан безиб қолмайди. Ашим кучли ирода эгаси. У ҳар қандай айрилиққа, ҳар қандай қайғуга бардош беради. Ўғли уришдан қайтиб келмайди, бетоб қизини ҳар қанча даволашга уринмасин, малҳам тополмайди. Бу офир жудалиқларга қарамасдан у ҳаётдан, яшашдан умидини узмайди, ўзини меҳнат билан овутади. У одамлардан ҳам ажраб қолмайди. Ҳамма вақт одамлар орасида бўлади. Одам тафтини одам олади, деган нақл асар асосида ётади.

Чингиз Айтматов ўз асарларида меҳнатни улуғлайди. Айни чоғда меҳнаткаш инсон образини жуда гўзал тарзда намоён этади.

«Оқ ёмғир» ҳикоясининг бош қаҳрамонлари Саодат ва Қосимжон ўз меҳнати туфайли бахтига, иқболига эришади. Яхши ният билан бўз ерларни ўзлаштириб, бойиб, катта даромад орттиришни эмас,

элу халққа озгина бўлса-да фойдаси тегар деган ниятда тинимсиз меҳнат қиладилар, фидойилиқлар кўрсатишади.

Муаллифнинг «Оқ кема» қиссаси етти бобдан иборат бўлиб, Ситтош водийси ва унга туташиб кетган ўрмон манзараларига боғланади. Асар қаҳрамони Ўрозкул салбий образ қиёфасида берилган. Ўрозкул Болажонов хотини Бекейни хўрлаб, ҳақорат қилади. Ҳоҳишганча унга азоб беради. Хотинини уриб-сўкиш, жеркиб ҳақоратлаган Ўрозкул учун одатий бир ҳолга айланиб қолган. Ёзувчи тили билан айтганда, Ўрозкул «Ярамас, паст одам».

Асарда Мўмин бува ва етим қолган набира, Қулибек обривлари билан боғлиқ воқеалар ниҳоятда ҳаётий чиққан. Бечора Мўмин бува ўғлидан ёдгор қолган иккита неварасини парваришлаб, улғайтирини дек эзгу ният билан юради. Бувага мана шу иккита неварадан бўлиб азизроқ нарса қолмаган бу дунёда. Буванинг қалби ниҳоятда кетми айни чоғда жуда тоза. Шундай бўлса-да, Ўрозкул қайнатаси Мўмин бувага ҳам азоб беради, уни руҳан қийнайди. Инсонийлик, қилм одамгарчилик нима эканлигини тушунмаган Ўрозкул букача руҳандалда бериш ўрнига, эзғилайди, баттар ҳасратини оширади.

«Оқ кема» қиссасини қамраб олган энг гўзал тасвир шохдор Бутхикоясидир. Шохдор она Буғу воқеалар силсиласидан ажралиб қолмаган. Аксинча, бу афсонавий ҳикоятлар, эртаксимон ривоятлари ҳаётий ҳақиқатларга кўрк бағишлайди.

Бола қачонлардир бобосига яхши хизматлари учун ўрмон руҳанрияти томонидан мукофотга берилган дурбин билан Қоровултоғ чўққиларини синчиклаб кузатади. Шохдор она Буғу ҳикояси билан қалбини бутун борлиғи билан қамраб олган. Ота-онасидан жуда эри ажраган бола ҳамон ишонч билан, сўнгсиз хаёллар билан яшайди.

Асарда бола образи ниҳоятда катта маҳорат самараси сифатида яратилган. У ширин орзулар дунёсида яшайди. Иссиққўлга митро бўлиш учун кетган отасини, аллақадаргадир, эҳтимол болани тиниб лаб Иссиққўл тарафларгадир ғойиб бўлган онасини соғиниб яшайди. Кунлар ўтиб улар болани қидириб келишишига ишонади.

Чингиз Айтматов ўз асарларида табиат манзараларини эринмасдан, астойдил безаб беради. Табиат билан инсон асло бир-бирини қарама-қарши қўйилмайди. Инсон мисоли кўшиқ бўлса, табиат э оҳанрабо куй каби унга жўр бўлади. Зероки, инсон табиат бирини ўсиб, улғаймайдими, табиат қўйнида яшамайдими? Асардаги Ситтош, Қоровултоғ, Иссиққўл, Энасой, ўрмон манзаралари аслида табиатнинг рамзий кўриниши, бу кўриниш инсон образи билан улғунланиб, гўзаллашиб кетган. Бола образи шохдор она Буғу қилинган авлоднинг давомчиси, бу авлод яна давом этаверади. Авлоднинг давомчиси бўлган бола ёруғликка интилади, ўқини ниятда Мўмин

бобо ёрдами билан мактаб кучоғига отланади. Чунки, бугунги кун миллат давомчилари ўқиши, эндиликда дунёни билиши, Ўрозкул каби тубан, пасткаш, жаҳолатпарастлардан устун бўлиши керак.

Шохдор она Бугу эса ҳамон тирик, узоқлардан, Иссиқкўл тарафларда авлодларга нигоҳ ташлаб, минглаб бола каби осуда ва бегубор қалб эгаларига, миллатнинг давомчиларига умид кўзини тикиб турибди.

Чингиз Айтматов характер яратиш устаси. У инсон қалбининг нозиклиги, меҳр-муҳаббатга ташналигию ва барча гўзалликларини чуқур ҳис эта олади ва уни ҳеч ўчмас ёруғлик рамзи сифатида ифодалайди.

Адиб қахрамонлари турлича характердаги кишилардир. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос феъл-атвор, хислат-фазилатларини танлаб бера олган. Асарнинг ҳаётий чиқиши кўп жиҳатдан образларнинг характерига боғлиқ. Ҳаётда турли характердаги кишилар яшаганидек, бадиий асарлар ҳам ранго-ранг характерлар билан тирик.

Ёзувчи яратган Жамила, Саида, Олтин, Асал каби хотин-қизлар, Дониёр, Дуйшен, Илёс, Абубакр каби қирғиз халқининг ўғлонлари образлари тинимсиз ижодий изланишлар самарасидир. Ёзувчи ҳаётнинг ичига чуруроқ кириб борсагина, ҳаётдаги воқеаларни тегран идрок этсагина, воқеликнинг мазмун ва моҳиятини кенг мушоҳада этсагина, унинг яратган образлари ҳаёт каби ёрқин, гўзал ва бегубор чиқади.

Чингиз Айтматовнинг кейинги ижод намуналаридан бири «Асрга татигулик кун» асарини олиб қарайлик. Бу асарда манқурт образи ғоят пишиқ ва пухта яратилган. Манқурт фаҳмламайди, бефаросат бўлади, ўзини ўзи англаб етмайди, атрофдаги бўлаётган воқеаларни мушоҳада қилмайди. Келажак ҳақида унинг тасавури бўлмайди. Шундай манқуртларнинг тиниқ вакили Жўломон образидир. У туяни ва хўжайинини билади. Хўжайини айтган гапидан, чизган чизгидан чиқмайди. «Туяга ким яқинлашса от» деб буйруқ берилган. Шунинг учун ҳам не-не азобларда қийнала-қийнала охири Жўломонини топган онаизорни туяга яқинлашгани учун отиб қўйишдан ҳам тоймайди.

Асарда манқуртларнинг сочлари таг-туғи билан қириб олинган, туянинг терисини ёпиштириб қўяди. Шундан сўнг уларнинг онги зеҳни, ақли ривожланмай қолади. Ҳаётдаги бундай манқуртлар кимлар учундир иш беради. Бундай манқуртлардан кимлардир ўз манфаати ва мақсади йўлида устамонлик билан фойдаланади. Бундай устамонлар учун ақлли, фаҳм-фаросатли кишилардан кўра, манқуртлар кўпроқ манфаат, фойда келтиради.

Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи сўнги йиллар жаҳон романчилигида энг йирик ва энг муҳим муаммоларни ёри

тишга қаратилган асарлардан бири сифатида юксак баҳоланади. Бу романда фақат қирғиз халқи ҳаётигина эмас, жаҳон халқларини ўйлан-тириб юрган қатор муаммолар ўз ечимини топгандек бўлади.

ГАБРИЭЛЬ ГАРСИЯ МАРКЕС

(1928–2005)



Колумбиянинг Аракатука шаҳарчасида туғилган Габо (Габриэль)нинг бобоси Николос ҳарбий бўлиб, унвони полковник эди. Габо тарбиясида бобосининг ва бувисининг таъсири катта бўлади. Адвокат бўлишни орзу қилиб, университетга ўқишга киради. Бироқ у журналистикага қизиқиб қолиб, газетага хабарлар ёза бошлайди. «Эл Эспентадор» «Шарҳчи» рўзномасида фаолият кўрсатади. Шу даврдан бошлаб бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. «Эл Эспентадор» газетасининг Европа бўйлаб муҳбири бўлади. Газета

ёпилгач, Парижга келиб ижарага турадиган уйда фақат ижод билан машғул бўлади. «Хосиятсиз соат» романини тугатмасданок, бобоси ҳақида «Полковникка ҳеч ким ёзмайди» асари устида ишлай бошлайди. Ёзувчи Лотин Америкасидаги рўзномалар билан боғланиб, Европанинг кўпгина мамлакатларида бўлади. Ҳали тугалланмай қолган «Хосиятсиз соат» романини ниҳоясига етказди. 40 ёшида «Ёлғизликнинг юз йили» (1968) романини нашр қилиб, машҳур бўлиб кетади. «Ошқора қотиллик қиссаси» (1981) ғоят қизиқарли бўлиб, Педро ва Пабло деган қотилларнинг Насарни сўйиб кетиши воқеаси билан боғланган.

Габриэль Маркес 1982 йилда халқаро Нобель мукофоти лауреати бўлади. Лотин Америкаси адабиётининг атоқли адибининг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Адибнинг «Танҳоликнинг юз йили» асари воқеаси Макондо деган қишлоқ ва унга яқин-йироқ ерларда кечади. Қадим-қадим замонларда баҳайбат ва улкан мавжудошлар бу қишлоқ ўрнига тухум қўйишар экан. Одамлар каттакон тухумларни Макондо деб аташган. Шу шу бу қишлоқ Макондо деб аталади. Қишлоқнинг бир томонида қонинг ўрмонлар ястаниб ётса, иккинчи тарафида виқорли тоғлар бор. Тоғлар бағридан отилиб чиқаётган чашмалар Макондо тухими каби ошноқ ва силлиқ тошларга урилиб, ўрмон бағрини кесган сари ялғизгина интилиб, денгиз сари шошади.

Асарда айнан шундай тасвир воситаси берилмаган. Бироқ, муаллиф шунга яқин маҳорат билан ранглар жилосига бера олган.

«Ёлғизликнинг юз йили» романида тасвирланишича, лўлилар қишлоққа, янгиликларни, хавф-хатарни, сеҳр-жодуни, афсона ва ривоятларни олиб киради. Қишлоқнинг Макондо деб аталиши ҳам лўлилар тилидан келиб чиққан бўлса керак.

Романда яна бир нарса эътиборни ўзига тортадики, лўлилар Шарк билан Фарбни боғловчи бир восита сифатида танланган. Адиб тили билан айтганда «Жулдурвоқи» бу лўлиларда гап кўп. Лўлилар олимларнинг «Сўнги ихтиролари»ни ҳам ўз кўринишлари орқали намойиш этадилар ва шунинг орқасида анча-мунча пул йиғиб олиб, тирикчилик қиладилар. «Ориқ бармоқлар чумчуқ панжасини эслатовчи Мелькиадес деган оқсоқол, норғул лўлининг таъкидлашича, оламнинг саккизинчи мўъжизаси бўлиши оҳанрабо македониялик алхимиклар томонидан яратилган эмиш».

Хосе Аркадио Буэндиа қишлоқнинг энг билимли, янгиликка интилувчан, доно одамларидан бири. У оқсоқол олиб келган янгиликни ўзича ихтиро қилишга ҳаракат қилади. Шу йўсинда, кўпчилик унга ҳайрат билан қарайди, ихтиролари эса қишлоқнинг ўзига хос энг муҳим янгиликларидандир. Шунинг учун ҳам у ҳар йили лўлиларнинг келишини интизорлик билан кутади.

Кўпроқ ҳиссиётга берилувчан хаёлпараст Хосе Аркадио Буэндиа лўлилар башоратига ва айниқса, Мелькиадес мўъжизаларига ишонади. Бу мўъжизаларни ер қаъридан олтин қазиб олиш ишига тадбиқ қилиш ҳақида ўйлайди.

Романтик кайфиятдаги Хосе Аркадио Буэндиаларнинг бу мўъжизасига қаттиқ ишонади. Тўғри сўзли Мелькиадес соф кўнгили лўли Хосега бу мўъжиза-оҳанрабонинг ҳеч нарсага яроқсизлигини тушинтирса ҳам ишонмайди. Мелькиадес бу оҳанрабони қишлоқ аҳлини ўзига сеҳрлаш учун, бунинг эвазига улардан хайр-садақа олиш учун ишлатарди.

Мелькиадеснинг бу оҳанрабо яроқсизлигини огоҳлантиришга қарасдан Хосе бу сохта мўъжизага ишониб, уни бор-будига «бир хачири ва бир қанча улоқчаларига» алмаштириб олади.

Роман мана шундай қизиқарли воқеалар асосига қурилган. Асарда тасвирланишича, лўлилар янада ҳайратланарли мўъжизаларни намойиш эта бошлайдилар. Бир куни жазирама иссиқда кўча ўртасига хас-чўпларни тўплаб, заррабинни қуёш нурига тўғирлаб, хас-чўпларни ёқиб юбордилар. Бу сирли воқеадан қишлоқ аҳли ҳаяжонланиб кетади. Айниқса, ҳиссиётга берилувчан Хосе Аркадио Буэндиа қаттиқ ҳайратланиб, бу мўъжиза заррабинни ҳарбий мақсадда ишлатса бўладику, деган фикр миясига урилиб, заррабинни илгариги оҳанрабо парчаларига қўшиб уч олтин ёмбига алмаштириб олади. Мелькиадес ишонувчан Хосени ўз ниятидан қайтариб, унинг сеҳрли кучи йўқлигини айтса ҳам оёқ тираб туриб олади.

Мелькиадес лўли бўлса ҳам жуда мард эди. У лўлиларнинг ғирт ёлғондан иборат афсунгарликларига қаттиқ ишонган Хосе Аркадио Буэндиага раҳми келиб, олтинларини қайтариб беради. Яна бир қанча мўъжизавий асбоблар, илмий китоблар ҳам олиб келиб беради.

Ишонувчан Хосе бўлса давлат идораларига мўъжизавий заррабиннинг сирлари ҳақида, уни ҳарбий қурол сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва ҳаттоки бу мўъжизанинг сирлари ҳақида сабоқ бериши ҳақида мактуб йўллаб, йиллар давомида мактубига жавоб ололмайдди.

Шундай бўлса-да, Хосе илмга бўлган иштиёқини сўндирмайди. У лўли совга қилган мўъжизавий асбоблар ёрдамида хонасидан чиқмай тадқиқот ишлари олиб боради. У ҳаттоки бир неча кун ухласдан тинимсиз ишлаб, ўзича гаплашадиган хаёлий бир ҳолга тушиб қолади.

Кунлардан бир куни «Ер худди апельсинга ўхшаш думалоқ бўлади, болаларим», деб юборади бехосдан. Бу гапдан сўнг хотини Урсуланинг жаҳли чиқади. «Ақлдан оз, озавер, майли, лекин болаларимнинг бошини қотирма», дея эрининг асбобларини улоқтиради. Хосенинг бу гапини эшитган қишлоқдошлари ҳам «Ақлдан озибди-да», деб ўйлашади.

Романда қишлоқ одамларига хос соддалик, ишонувчанлик, уларнинг ҳаёт ташвишлари, кураш ва яшаш тарзи ғоят маҳорат билан тасвирлаб берилган. Ёлғизлик инсоннинг тақдир тақозоси билан ёлғиз қолиши эмас, инсонни дунё янгиликларидан, тараққиётдан, жамиятдан узулиб қолишининг рамзий маъноси сифатида берилган.

Тараққий этган мамлакатларда аллақачоноқ оддий бир ихтирога айланиб қолган дурбин ва заррабин оддий қишлоқ аҳли, хусусан, Хосе учун буюк бир кашфиёт – чинаккамига мўъжиза бўлиб туюлади. Чунки Хосе ҳам дунё янгиликларидан орқада қолган, илмий кашфиётлардан беҳабар. Аллақачоноқ ер шар шаклида эканлиги эътироф этилган бўлса-да, бу янгиликдан мутлақо беҳабар Хосе лўли келтирган асбоблар ёрдамида неча асрлардан сўнг ерни «апельсинга ўхшаш думалоқ» деб айтмоқда. Айни чоғда бу янгилик, кашфиёт, бу чинчиликни ҳалигача дунёда ҳеч бир олим айтолмаган деб тасаввур қилмоқда.

Ёр шарининг бир чеккасига жойлашган бу мўъжизагина оролда жонланган қишлоқ ҳам ўз ғам-ташвишлари билан яшайди. Шу қишлоқ ҳам аслида ер курашининг бир заррачаси. Табиат гўзаллиги, уйлари, одамлари дунёдаги бошқа қишлоқлардан қолишмаса-да, биттаки, маънавий дунёси марказдан, ташқи оламдан ажралиб қолган. Бу ажратдан дунё кезиб юрувчи лўлилар ҳам устун туради. Иккинчи даражадан олиб қараганда, адиб лўлиларга ҳам инсон сифатида муносабатда бўлишни, уларнинг ҳам оддий анъаналарини ҳурмат қилишни таъкидлайди.

Габриэль Гарсиа Маркеснинг романи қандай тугашини олдиндан билолмайсиз. Асарнинг ниҳоясини ўқишга қизиқасиз. Ниҳоясини билганда эса яна ўйланиб қоласиз. Нега ёзувчи бундай хулосага келди? «Ёлғизликнинг юз йили»га маҳкум этилган одамлар авлоди энди нега қайта пайдо бўлмайди? Анча вақт шу саволларнинг жавобини тополмай, яна романни қайтадан қўлга оласиз.

«Ёлғизликнинг юз йили» асарида инсоннинг ёлғизлиги, жамиятнинг ёлғизлиги, қишлоқ аҳлининг ёлғизлиги ҳақида гап кетади. «Ошкора қотиллик қиссаси» асарида эса ҳар бир инсоннинг тақдири учун масъуллик ҳақида мулоҳаза юритилади. Бу масъуллик тушунчаси, масъуллик ҳиссиёти қачон пайдо бўлади. Шунча йил бир-биримизнинг тақдиримизга бепарво яшаганимиз етар. Энди фақат ўз фарзандимизнинг тақдири учун эмас, ўзгалар учун ҳам қайғурадиган замон етиб келди.

«Ошкора қотиллик қиссаси»да марҳумга ҳам, қотилга ҳам эгиборсизлик билан муносабат масаласи, аниқроғи, инсондаги, қўшниларидаги, маҳалладаги ва бутун шаҳарликларнинг масъулият ҳисси қаттиқ танқид остига олинади. Муаллиф одамларда инсоний масъулият ҳисси, ачиниши, бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббат йўқолиб кетаётганидан ташвишланади.

Бир одам ҳуда-беҳуда ўлиб кетаяпти. Унинг қотилини кўрганлар ҳеч нарсани кўрмагандек бепарво юрибди. Кўрса ҳам кўрмасликка олади. Билса ҳам билмасликка олади. Инсоннинг фожиавий ўлимига бепарво қарашади. Қўшним билан нима ишим бор, менга деса ўлиб кетмайдимиз қабилида иш тутаяди. Бу асарни ёзувчи аччиқланиб, инсоний зарда билан, аччиқ киноя билан ёзган. Ахир бундай бепарволикка қачонгача чидаш мумкин?

Габриэль Гарсиа Маркеснинг таъкидлашича, қотилликни кўрганлар, унга гувоҳ бўлганлар ҳам аслида қотил каби жиноят иштирокчиларидир, деган фикрни айтади. Жиноятни кўриб, кўрмасликка олиш бу энг ёмон жиноят.

Муаллифнинг таъкидлашича, Сантьяго Насар ўлими сабаблари ни бир-икки киши эмас, ёки бир неча гувоҳлар эмас, бутун халойиқ биледи. Бироқ улар ўзларини хотиржам, ўзим омон бўлсам бўлди биров билан нима ишим бор қабилида тутаяди.

ЎЛЖАС СУЛАЙМОН (1936)

Қозоқ халқининг донишманд шоири деб шуҳрат қозонган. Собир шўро ҳукуматининг истилочилик сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Халқ дилига яқин шеърлар ёзиб, таъқиб ва тазйиққа олинади.



Шунда ҳам шоир ҳеч қачон ортга чекинмайди. «Аз и Я» деб номланувчи шоҳ асари 1976 йилда чоп этилгандан сўнг, дунё матбуоти, оммавий-ахборот хабарлари тинимсиз Ўлжас Сулаймон номини тилга олган эди. Бу нодир китоб шоир номини жаҳонга танитди. Шоир ҳақиқатнинг юзига оёқ босмади. Ҳақ сўз учун тинимсиз курашди. Ўз халқининг чексиз ҳурмат-эътиборини қозонди. Китобда берилган фалсафий мушоҳадаларнинг, қочирик, киноя сўзларнинг маъзини чақолмай, нотўғри таҳлил қилувчилар топилди. Шоир талантининг юксаклиги тантанавор намойиш этилди. «Аз и Я» ноёб дурдонани шоир 1989 йилда қайта ишлади, асарнинг иккинчи нашрини янада юксак пафосда қайтадан нашр этди. Айниқса, 30 ёшли шоир қозоқ халқининг суюкли фарзанди Чўқон Валихоновнинг Чор Россияси амалдорлари томонидан қурбон этилганлиги ҳақида айтилган аччиқ ҳақиқатлари миллионлаб Чўқон каби истеъдодлар ҳақида айтилган ҳақиқатдек бўлди. Шоирни «XX аср шарқ юлдузи» деб номланиши бежиз эмас.

Ўлжас Сулаймон икки тилда – рус ва қозоқ тилида бирдек ижод қилади. Шоирни Европа билан Осиёни боғловчи кўприк деб таъриф беришади. Айнан «Аз и Я» асарида Фарб билан Шарқ, славянлар билан турклар бир-бирига муқояса қилинади. «Нон оқшоми» (1954), «Чўл фарзанди» (1961), «Меҳмонхона деразасидан» (1962), «Чўл оқшоми» (1963), «Қайтиш» (1963), «Кўприклар» (1963), «Пушкин майдонида» (1964), «Кутмагил» (1967), «Ҳар кун эрталаб» (1972), «Шимол» (1976), «Кашмир қишлоғидаги шоира» (1980), «Уйғониш» (1979), «Тўққиз ҳукм» асарлари танланган асарларидандир.

Шоирнинг йигирмадан ортиқ асарлари нашр қилинган. Уларнинг аксарияти бошқа тилларга таржима қилинган.

1936 йил 18 майда Олма-ота шаҳрида таваллуд топган шоир рус мактабида ўқиши унга рус тилини ўрганиш ва рус адабиётини билишга катта имконият туғдиради. Қозоғистон Давлат университетида геология факультетида ўқишига қарамасдан шеърлар ижод қила бошлайди.

Ўлжас Сулаймон учун Москвада жаҳон адабиёти институтида ўқиб крган кезлари ҳақиқий ижод дарвозаси очилади. Бу даврда рус ва жаҳон адабиёти намуналари билан яқиндан танишган шоир ижод сирлари билан дардлашиб, маҳорати ошиб боради.

Шоирнинг «Арғумоқлар» (1962) шеърлар тўплами илк ижод намунаси бўлиб, миллионлаб ўқувчилар қалбига етиб боради ва тезда танилади. Шундан сўнг «Қозоғистон» студиясида ўн йилдан зиёдроқ филолият кўрсатар экан, бу йиллар шоир учун ҳақиқий ижод даври

бўлади. «Куёшли тун», «Маймун йили», «Лой китоб», «Оловнинг кўчиши» каби шеърлар мажмуаси бирин-кетин нашр қилинади. Бу ижод дурдоналари шоир номини тезда танитади.

Қозоғистон ёзувчилар уюшмаси котиби бўлиб ишлаб юрган (1972) кезлари шоир учун қайноқ ижод палласи саналади. «Юмалоқ юлдуз», «Ажойиб тун», «Шарофатли вақтлар» китоблари нашр қилинади. Бу даврда шоир ўзининг оташин нутқи, илмий-фалсафий руҳдаги маърузалари билан учрашувларда, конференцияларда, анжуманларда тез-тез чиқишлар қилиб турар, ўткир поэтик оҳанги билан тингловчиларнинг эътиборини ўзига жалб этарди. Улкан истеъдод ва катта талант эгаси бўлган шоир соатлаб ёддан шеър айтиб бериш иқтидорига эга эди. Шеърни ҳам русча, ҳам қозоқча ифодали ўқиш маҳорати мавжуд эди унда.

Ўлжас Сулаймон ўз маъруза ва илмий мақолаларида кўплаб тарихий манбаларни келтиради, қозоқ ва туркий халқларнинг этнографияси, қадимий маданияти ҳақида чуқур билимга эга бўлиб, чиқишларида шоирликдан кўра, олимлик кайфияти, фалсафий руҳдаги қиёфаси номаён бўлади. Бундай фалсафий сўзлаш иқтидори кейинги йиллар Шарқ адабиётида Ўлжас Сулаймон, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповга насиб қилган.

Шоирнинг «Қойилмисан инсонга, замон» асари «Аз и Я» асарининг мантиқий давомидек туюлади.

Ўлжас Сулаймон рус чоризмининг Марказий Осиёга қилган босқинчилик урушини очикдан-очик қоралаб чиқди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг Россияга «Ихтиёрий қўшилиш» деган сохта терминни қаттиқ танқид остига олади. Бундай урушлар туфайли минглаб бегуноҳ кишиларнинг беҳуда ўлиб кетганлигини жасурлик билан айта олди.

Ўлжас Сулаймон тилшунос олим сифатида ҳам ўзини намоён этди. Бу жиҳатдан «Игор жангномаси» достонида берилган кўплаб туркий сўзларни шарҳлайди. Славян тиллари группасидаги ва айниқса, украин ва рус сўзлашув нутқидаги кўпгина туркий сўзларнинг этимологик ва этнографик жиҳатларини қиёслаб берган.

Ўлжас Сулаймон адабиётшунос олимдир. Бунинг учун у қадимий адабий, бадиий, поэтик асарларни таҳлил қилади. Маҳмуд Кошғарий (XI асрдан тортиб Исҳоқ ал-Ўтрорий, Исмоил ал-Жаухорий, Жамол ал-Туркистоний, Ал-Санғноқий, Ал-Қипчоқий каби ўнлаб шоирлар ижодини ўрганиб чиққан.

Тарихчи олим сифатида туркий халқлар тарихи, қипчоқларнинг келиб чиқиш тарихи, кўпгина жанрлар — Троя, Троян каби қадимий номлар тарихи ҳақида ҳам илмий хулосалар чиқаради.

Ал-Фаробий яшаб ўтган X асрда Европада биронта ҳам ижодкор бўлмаганлигини, фақатгина халқ ижодига асосланган асарлар мав-

жуд бўлганлигини қайд қилиб ўтади. Жуда кўплаб атоқли адабиётшунослар, тилшунослар ва тарихчи олимларнинг асарларидан манбалар олиб ўз фикрини исботлайди.

Археологияга оид илмий хулосаларни жуда кўплаб машҳур қазилмалар тарихи билан боғлайди. Дашти қипчоқда Днепр, Об-Иртиш, Енисей дарёлари бўйларидан топилган археологик ёдгорликлар миқсолида туркий қабилаларнинг қадимийлигини исботлаб беради. Туркийларнинг қадимги ёзувлари ҳақида ҳам қизиқарли манбаларни келтириб ўтади. Айрим келтирилган асосли далиллар ва хулосалар туркий халқлар илм-фани тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Шоирнинг Шарқ ва Ғарб адабиётининг умумий жиҳатлари, ўзига хослиги ҳақида билдирган фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир.

ЭРКИН ВОҲИДОВ

(1936)



Тошкент Давлат университети филология факультетида (1955—1960) ўқиб юрган кезларида адабий тўғарақларда қатнашиб, ўзи эътироф этганидек, Файратий, Миртемир бош бўлган шеърят муҳити қаламининг чархланиб боришида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Олий Мажлис депутати сифатида ҳам шоир, ҳам давлат арбоби халқимизнинг суюкли фарзанди. «Ёшлик девони» шеърят мухлисларининг сеvimли асарига айланган. Ундаги кўпгина шеърларни ўқувчи ва талабаларнинг ёд олиши одат тусига айланган. «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» тўпламлари нашр қилинган. «Нидо», «Рухлар исёни», «Донишқишлоқ латифалари» ғоявий-фалсафий жиҳатдан юксак асарлардир. Айниқса, «Олтин девор» комедияси неча марта сахнага қўйилган бўлса ҳам томошабинларнинг асло бадиға теккани йўқ. Аксинча йилдан-йилга қимматли ортиб бормоқда. Машҳур таржимон сифатида И. Гёте, С. Есенин, А. Блок, М. Светлов, А. Твордовский, Р. Ҳамзатов асарлари таржимаси ўзбек китобхонларининг сеvimли асарларига айланган. Айниқса, «Фауст» (Гёте) асари ўзбек драматургияси хазинасида алоҳида салмоқли ўрин тутди. «Изтироб» асарида бой адабий ва ҳаётий тажрибасининг ёрқин аксини кўрамыз. Асарлари кўпгина тилларга таржиман қилинган.

Шоир ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, тинимсиз ижод билан машғул бўлиб, унинг шеърлари халққа манзур бўлганлиги ту-

файли, хизматлари муносиб тақдирланиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Шеъринг тўпламларидаги шеърлар ифодавийлиги, майинлиги билан ёқимли. Шунинг учун ҳам шоир шеърларини ёд олиш осон, ўқувчига ҳузур бағишлайди. «Тонг нафаси» (1961), «Юрак ва ақл» (1963), «Менинг юлдузим» (1964), «Ёшлик девони» (1969), «Ҳозирги йиллар» (1975), «Муҳаббат» (1976), «Тирик сайёралар» (1980), «Бедорлик» (1985) каби тўпламлари ҳам ёниқ дард, юксак гоъвий етуклик билан битилган шеърлар билан бойитилган. Айниқса, «Дўст билан обод уйинг» деб бошланувчи шеъридаги мисралар қатига катта фалсафа яширинган.

«Нидо», «Палаткада ёзилган дoston», «Куёш маскани», «Буюк ҳаёт тонги» дostonлари, «Шарқий қирғoқ» асари шоирнинг кўп йиллик самарали ижод маҳсулидир.

Шоир «Нидо» дostonида болалик йилларини эслайди. Ибратли ҳаёт сўқмоқлари ёшлар қалбида нурли йўл очди. Аслида бу хотиралар жилоси, ёлғиз шоирнинг ўзинигина тегишли эмас. Асардаги шоир образида минглаб болалар таассуротини, ўтли, оловли ёшликни намоён этади.

Шунинг учун ҳам бу асарни миллионлаб болалар севиб ўқийди, ўз ҳаёти билан ҳамоҳанг боғлайди.

Шоирнинг кейинги йилларда шу ёруғ олам юзини кўрган тўртта мажмуаси муҳлислари китоб жавонини безаб турибди. «Ишқ савдоси» (ўсмирлик ва ёшлик асарлари) «Шеър дунёси» (ўрта ёшда айтилган асарлар), «Умр дарёси» (эллик ёшдан кейинги битиклар), «Кўнгил нидоси» (турли йилларда ёзилган рисола, бадий лавҳа ва битиклар) халқимизга қилинган энг ноёб туфҳа бўлди.

Шоир ижодида, айниқса, «Тирик сайёралар» (1978), «Шарқий қирғoқ» (1982), «Рухлар исёни» (1978) асарлари ўзбек адабиётининг шоҳ асарларидандир.

Қаршимизда А. С. Пушкин, Есенин ҳамда Эркин Воҳидов китоблари турибди. Уларни бирма-бир ўқиб қиёслаймиз. Севимли шоиримизнинг асарлари А. С. Пушкин, Есенин шеъриятидан ҳеч бир кемтик жойи йўқлиги ва бу улуғвор учта сўз санъаткорининг бири-бирига ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўламиз. Эндиликда Эркин Воҳидов номи Ўзбекистонга, Марказий Осиёга эмас, ер куррасининг узоқ-узоқ ўлкаларига машҳур бўлишини, олисларга қанот ёзишини орзу қиламиз. Яхши ният билан ушбу китобимизда шоир номини жаҳондаги буюклар қаторига қўйдик.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

(1941)



«Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий шарафга сазовор бўлган. 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилояти Косон туманининг Некўз қишлоғида дунёга келади. Отаси серфарзанд оиланинг – тўрт қиз, тўрт ўғилнинг бошлиғи бўлиб, Абдулла уларнинг тўнғичи. Онаси Турди Карвон қизи меҳрибон, меҳнатдан қўли бўшмайдиган жафокаш аёл эди.

Абдулла Орипов ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетига (1958) ўқишга киради. Илк ижод дурдоналари бўлмиш «Умр дуч қиларкан», «Ҳали олдиндадир гўзал кунларим», «Сендан йироқда», «Шовуллади тун бўйи шамол» шеърлари тезда ёшлар тилига тушди. Дастлабки шеърлар тўплами «Митти юлдуз» нашр қилингандан сўнг шоир номи кўпчиликка таниш бўлиб қолди. Шундан сўнг «Онажон», «Рухим», «Ўзбекистон», «Ҳайрат», «Юзма-юз» шеърлар тўпламлари биринкетин чиқа бошлади.

«Жаннатга йўл» (1978), «Ҳаким ва ажал» (1980), «Йиллар армони» (1984), «Ранжом» (1988) каби асарларининг чиқиши Абдулла Орипов талантининг юксак қирраларини белгилаб берди. Шоирнинг тўрт жиллик шеърлар тўплами нашр қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқармаси раиси. Кўплаб шеърлари бошқа тилларга таржима қилинган. Дантенинг «Илоҳий комедия» сени ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида «Жаннатга йўл» драматик дostonининг тугилиши кўшалoқ муваффақиятлар ютуғи бўлди.

Жаҳон адабиёти тарихига назар солар эканмиз, ҳозирги кунимиз нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, Абдулла Орипов каби юксак талант эгалари саноқли эканлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир милл, миллат адабиётида битта ёки иккита ардоқли шоирлари бор.

Дунёда шоирлар кўп. Шоирлар қанча кўп бўлса, адабиёт гулшани шунчалик турфа гуллар билан янада гўзал бўлади. Бироқ бу гуллар ичида кўзга ярқ этиб ташланадиган, ҳаммасидан гўзал, бўйи ва тароватини билан ўзига мафтун этувчи, сеҳрлаб оловчи гуллар бўлади. Абдулла Орипов ижодини сеҳр кучига эга бўлган энг сара, энг гўзал гулга қиёс қилиш мумкин.

XXI аср остонасида туриб, XX аср Жаҳон адабиёти тарихини ва-риқлар эканмиз, жуда кўплаб халқлар адабиёти саҳифаларини ўрганиб чиқдик. Ушбу китобга киритиш учун сараладик.

Албатта, ҳар бир халқ ўзининг тарихи ва энг аввало адабиёти билан фахрланади, ифтихор туйғусини туяди. Юз йиллар давомида Абдулла Орипов каби талантларни етказиб берса бундай халқ бахтлидир.

Чет давлатларга бориб, ижодкорлар даврасига кириб қолсангиз, Алишер Навоийдан гап очилади. Қалбингиз гурур ва ифтихор туйғуси билан тўлади. Алишер Навоийдан сўнг неча асрлар ўтди. Бу асрлар силсиласида минглаб шоирлар ижод қилди. Лекин уларнинг ҳеч бири шеърият майдонида Алишер Навоийдек юксаклик чўққисига кўтарила олмади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби янги талантларнинг юзага келиши учун яна неча юз йил керак бўларкан.

Шоирлар бор, шеърлари тезда эскириб қолади. Бундай шеърлар ёд олишга арзимади. Ўқиганда ҳам мажбур бўлиб ўқийсиз. Абдулла Орипов шеърларининг мавзуси ҳеч эскирмасдир. Йиллар ўтган сайин ўзининг замонавийлик руҳини йўқотмасдан, тобора янгилашиб, янгича мазмун, янгича фалсафий руҳ бағишлайверади. Шоирнинг бахти ҳам шундадир.

Дунёдаги айрим шоирларнинг юзлаб шеърлари ичидан битта-иккитасини саралаб олиш мумкин. Абдулла Ориповнинг деярли барча шеърлари сара асарлар қаторига киради.

*Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло
Шоирлар бор, ўз юртим бутун —
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда бироқ,
Битилмаган дostonдир бори:
Фақат ожиз қаламим маним
Ўзбекистон Ватаним маним.*

Ушбу шеърлар худди кечагина битилгандек, янгича бир оҳанг, янгича бир ёруғ нур таратиб турибди. Гўё шеъри шу бугуноқ субҳидамда туриб, Ватанни ёниқ дард билан мадҳ этишга жазм қилгандек туюлади.

Шоир ўзи туғилиб-ўсган, улғайган она юртидан гўзаллик ва яхшилик қидиради. Ўзидаги барча эзгуликларни, сўзининг қудратини, образли тафаккурини она юртига бағишлайди. Боқий ҳаётнинг энг нурли макони, рангто-ранг гулларга бой ўлкани Ватан деб билади.

Ватан номини, Ватан тушунчасини, шу биргина сўзни таърифлаш, қиёслаш учун энг гўзал ташбеҳлар ҳам камлик қилади.

Шоирнинг «Онажон» шеърида ҳам шундай муқаддас туйғу юксак образли оҳанглар билан, турфа ранглар билан ифодаланган. Шоир

учун энг улғу нарса Ватан ва она. Бу икки тушунчани ифодалаш учун образ, безаш учун ранг ахтариб тополмайди. Ҳамма шоирлар учун ҳам Ватан буюк, она мўътабар. Бироқ Ватанни, онани Абдулла Ориповчалик ҳеч ким қиёмига етказиб, таърифлаб бера олмаган.

*Балки сарсон-аросатда
Қолиб кетмас бу таним.
Камолимни кўрар бир кун
Юртим, она-Ватаним.*

Шоирнинг «Онажон» шеърида она ва Ватан тушунчалари уйғунлашиб кетган.

Жаҳон адабиётини синчиклаб ўргансак, анчайин шоирлар дунё саҳнига чиқиб кетган. Биз тадқиқотчиларнинг бир камчилигимиз Абдулла Орипов каби наёб талант соҳиблари ижодини етарлича тадқиқ қилиб, жаҳонга олиб чиқа олмаётганимиздадир. Насиб этса ушбу китобни кўпгина хорижий тилларга таржима қилиб, Абдулла Орипов номини жаҳондаги буюклар сафига кўшишдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Александр Македонский — знаменитый завоеватель. О великом из древней истории \ сост. По Квинту Курцию и др. М.: Тип. И. Д. Сытина, 1880.
- Александрия. Роман об Александре. М.; Л.: Изд-во АН. 1965.
- Александрия. Роман об Александре Македонском по русской рукописи XV в. \ Пер. и подгот. Текст М. Г. Ботвинник, Я. С. Лукириев и О. В. Творогов М.; Л.: Наука. 1965.
- Александрийская поэзия \ Пер. с древнегреч. М.: Худож. Лит., 1972.
- Алиев Г. Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. М.: Наука, 1985.
- Амир Хисрав Дехлави. Избр. Соч. — Под рек. И. Муминова и др. Ташкент, 1985.
- Аристотель об искусстве поэзии. М.; Гослитиздат, 1957.
- Арриан Флавий. Поход Александра \ Пер. с древнегреч. М. Е. Сергеенко. Вступ. Ст. О. О. Крюгера. М.; Л.: Изд-во АН 1962.
- Арсий Ф. Н. Страбон. М.: Мысль, 1978.
- Бобур. Бобур-нама. Ташкент: АН, 1960.
- Баштина А. А. Отражение в «Катадгу-билиг» легенды об Александре Македонском и нищем Шахзаде \ Кратк. Сообщ. Ин-та народов Азии. 1964. Вып. 5.
- Беркова Е. А. Стрельникова И. П. Введение. Краткий очерк изучения античного романа в зарубежном, русском и советском литературоведении \ Античный роман. М.: Наука, 1969.
- Бертельс Е. Э. Абул-Касым Фирдоуси и его творчество. М.; Л.: Изд-во АН, 1935.
- Бертельс Е. Э. Алишер Навои и его «Пятирица» \ Навои Алишер. Пять поэм. М., 1948.
- Бертельс Е. Э. Великий азербайджанский поэт Низами. Эпоха, жизнь и творчество. Баку, 1940.
- Бертельс Е. С. История персидско-таджикской литературы \ Избр. труды. М., 1960.
- Бертельс Е. С. Навои и Джамии \ Избр. труды. М., Наука, 1965.
- Бертельс Е. С. Низами и Фузули \ Избр. труды. М., 1962.
- Бойназаров Ф. Античный мир. Ташкент: «Меҳнат», 1989.
- Бойназаров Ф. Искандар Зулқарнайн. Ташкент: Изд-во им. Г. Гуляма, 1989.
- Бойназаров Ф. Литература — символ красоты. Ташкент: «Знание», 1989.
- Бойназаров Ф. Художественная концепция и историческая личность. Ташкент: «Фан», 1989.
- Брагинский И. С. Из истории персидской и таджикской литературы \ Избр. работы. М.: Наука. 1972.
- Брагинский И. С. Иранское литературное наследие. М.: Наука. 1984.
- Брагинский И. С. Проблемы востоковедения \ Актуальные вопросы восточного литературоведения. М.: Наука 1974.

Веселовский А. Н. Греческий роман \ Избр. статьи. Л., 1936. Ташкент: «Ёш гвардия», 1976.

Волков И. Ф. Творческие методы и художественные системы. М.: Искусство, 1978.

Вопросы восточного литературоведения. Традиция и современность, М.: Наука, 1982.

Вопросы истории литератур Востока. (Фольклор, классика, современность), М.: Наука, 1979.

Габбасов Э. Г. Художественная концепция личности в современном историко-революционном романе. (На материале литературных периодов Средней Азии и Казахстана). М., 1976.

Ганович А. Б. Александр Македонский и греческие города Малой Азии \ ВДИ. 1947. № 4.

Гаркави А. Я. Неизданная версия романа об Александре. СПб.; Тип. Имп. Акад. наук, 1892.

Глушкина Л. М. Исследования по социально-экономическим отношениям в аттике IV в. до. э Автореф. Дис. ... Докт. Филол. Н. Л., 1968.

Гозасов Д. Александр Великий, царь Македонский (336-323). Краткий обзор его военных действий. СПб.: коммерч. Скоро-печат. Изд-во Я. Пинье, 1891.

Гордлевский В. А. Османские сказания и легенды \ Этнографич. Образов. 1916. № 3-4.

Горн В. Ф. Концепция личности в прозе В. М. Шукшина. М., 1977.

Гоштейн Ф. А. Александр Македонский и Юлий Цезарь, их жизнь и военная деятельность. СПб., 1898.

Григорьев В. В. О древних походах на Восток \ ЖМНП. СПб., 1835. февр.

Григорьев В. В. Поход Александра Великого в Западный Туркестан \ ЖМНП. СПб., 1881. сент. -окт. Ч. 217.

Гуральник У. Историзм как критерий художественности \ Вопр. Лит. 1979. № 5.

Гусева М. И. Борьба Фракийских племен против Македонского владычества в конце IV — начале III в. до. н. э \ Учен. Зап. Иванов. Гос. Пед. Ин. та. Кафедра всеобщей истории. 1957.

Джами А. Избранное. Мудрости Искандара. Мудрости Аристотеля. Ташкент: Изд-во им. Г. Гуляма. 1971.

Дитмар Л. От Скифии до Элефантины М., 1961.

Дройзен И. Г. История эллинизма. М.: Типолитография В. Ф. Рихтера, 1890.

Г. Г. История Александра Великого.

Дюжев Ю. И. Новизна традиции. М.: Современник. 1985.

Жирмунский В. М. Алишер Навои и проблема Ренессанса в литературах Востока \ Литература эпохи Возрождения и проблемы всемирной литературы. М., 1967.

Жирмунский В. М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад \ Итог. Труды. Л.: Наука, 1979.

Зельин К. К. Помпей Трог и его произведение \ ВДИ. 1954. №2.

Ильясов Я. Суеидёна. Ташкент: «Меҳнат», 1985.

Истрин В. М. Александрия русских хронологов \ Исслед и текст. М., 1893.

Кириев М. Спитамен. Ташкент, 1985.

Ковалев С. И. Александр Македонский. Л.: ОГИЗ, 1937.

Ковалев С. И. Александр, Филота и Парменнон. (Из истории македонской оппозиции в Азии Александру) \\\ Учен. Зап. ЛГУ. Сер. Ист. Наук. 1949. Вып. 14.

Косыко Ф. Я. Племена Северной Парфии в борьбе с македонским завоеванием \\\ ВДИ. 1962. №1.

Костюхин Е. А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. М.: Наука, 1972.

Кошеленко Г. А. Восстание греков в Бактрии и Согдиане в 323г. до. н. э. и некоторые аспекты греческой политической мысли IV в. до. н. э. \\\ ВДИ. 1972 №1.

Крюгер О. О. Арриан и его труд «Поход Александра». М., Л.: Изд-во АН. 1962.

Ксенофонт. Киропедия. М., Наука, 1976.

Кузнецова Г. И. Историческая тема в греческом «Романе об Александре» \\\ Античный роман. М.: Наука, 1969.

Кун Н. А. Легенды и мифы Древней Греции, 5-е изд. М.: Просвещение, 1975.

Курций Руф. История Александра Македонского \ Под ред. Соколова. М.: Изд-во МГУ. 1963.

Лосев. А. Ф. Античная мифология в ее историческом развитии. М., 1957.

Люттов М. М. Александр Великий в Туркестане. Речь, читанная на годовном акте ташкентской мужской гимназии 3 июля 1890 г. Ташкент: Типолиграфия С. И. Лахтина, 1890.

Мандес М. Опыт историко-критического комментария греческой истории Диодора. №43. Одесса: Экон. Тип. Почтовая, 1901.

Матинский Е. М. Герой волшебной сказки. Происхождение образа. М., 1958.

Мичунов А. А. Традиции и новаторство в русской советской литературе. М.: Просвещение, 1982.

Мусненко К. С. Оппозиции в армии Александра Македонского. Л., 1966.

Остроумов Н. П. Искандар Зилькарнайн (Александр Македонский) Ташкент: Типолиграфия торг. Дома «Братья Каменские», 1896.

Пигулевская Н. В. Сирийская легенда об Александре Македонском \\\ Палест, сб. М., Л., 1958. Вып. 3 (66).

Плутарх. Александр Великий. М.: Народная библиотека В. Н. Макуева, 1893.

Плутарх. Сравнительные жизнеописание: В 3 т. Т. 2. М.: Изд-во АН, 1963.

Положий В. И. Концепция героической личности в творчестве Юрия Бондарева. Автореф. кан. дис. Киев, 1980.

Патанин Г. Н. Очерки северо-западной Монголии. Вып. 4. СПб.: Тип. Киршбойма, 1883.

Раджабов М. Р. Фирдоуси и современность. Мировоззрение. Фирдоуси. Душанбе: «Ирфан». 1976.

Романова Р. М. Средняя Азия в IV в до. н. э. и поход Александра Македонского. Л., 1964.

Сепякова И. П. Проблема историзма в современном поэтическом эпосе (Б. Ручьев, В. Федоров). Л., 1977.

Сильченко М. С. Творческая биография Абая. Алма-Ата, 1956.

Соболевский С. И. Арриан – историк греческой литературы \\\ Избр. Труды. Т. 3. М., 1960.

Соркин Н. Примечание к некоторым местам \\\ Изв. Общ-ва археол., ист и этнограф. При Казан. Ун-те. 1905. Т. 21, вып. 4. С. 378-379.

Соркин Н. Я. Киргизские стихотворение об Александре Македонском \\\ Изв. Общ-ва археол., ист. И этнограф. При Казан. Ун-те. 1905. Т. 21. Вып. 4.

Толмачев Б. Я. Человек и история в киргизской историко-художественной прозе. Автореф. канд. Дис. Фрунзе, 1980.

Тревер К. В. Александр Македонский в Согде гг Вопр. Ист. 1917. №5.

Тураев Б. А. История Древнего Востока. Т. 2. Л., 1935.

Уилер Б. А. Александр Великий. СПб.: ред. Нового журнала иностр. Лит., 1899.

Фольклор и историческая этнография. М.: Наука, 1983.

Фольклор и литература. Проблема их творческого взаимоотношения. М., 1982.

Художественные традиции литератур Востока и современность. Ранние формы традиционализма. М.: Наука, 1985.

Шахермайр Ф. Александр Македонский. 2-е изд. М., 1986.

Шофман А. С. Антимакедонское движение 333-330 гг. до. н. э. \\\ Учен. Зап. Казан. Ун-та. 1957. Т. 117. Кн. 2.

Шофман А. С. Восстание Спитамена \\\ Учен. Зап. Казан. Ун-та. 1956. Т. 115. Кн. 10.

Шофман А. С. Восточная политика Александра Македонского: КазГУ, 1976.

Ян В. Огни на курганах. Историческая повесть об Александре Македонском \\\ Послесл. М. Н. Бороздина. М.: Детгиз, 1959.

Арагон Л. Актуальность Эмиля Золя. – В кн: Л. Арагон. Литература и искусство. М. 1957.

Кучборская Е. П. Реализм Эмиля Золя. М. 1973.

Мелик-Саркисова Н. Концепция человека и творческий метод Э. Золя. Махачкала, 1975.

Резов Б. Г. Французский роман XIX века. М. 1977.

Лещинская Г. И. Эмиль Золя. Библиографический указатель. М, 1975.

Данилин Ю. Жизнь и творчество Мопассана. М, 1968.

Толстой Л. Н. Предисловие к сочинениям Гюи де Мопассана. – В сб: Русские писатели о литературном труде, т. 3. Л. 1955.

Ковалева И. С. Творчество Анатоля Франса в годы перелома (1889-1895). Л. 1957.

Лиходзиевский С. И. Анатоль Франс. Очерк творчества. Ташкент, 1962.

Фрид Я. Анатоль Франс и его время. М. 1975.

Арагон Л. Ромен Роллан и современность. – Собр. Соч. в 11-ти т, т. 10. М, 1961.

Шкунаева И. Бельгийская драма от Метерлинка до наших дней. М, 1973.

Бредсдорер Э. Л. Литература и искусство Скандинавии. М, 1971.

Цеткин К. Генрик Ибсен. – В сб: О литературе и искусстве. М, 1962.

Мандель Е. М. Гауптман (Драматургическое творчество конца XIX – начала XX в.) Саратов, 1972.

МУНДАРИЖА

Миримский И. Генрих Манн. — В кн: Очерки о классиках. М, 1966.
Адмони В. Г., Сильман Г. И. Томас Манн. Очерк творчества. Л, 1960.
Горский И. К. Польский исторический роман и проблема историзма. М, 1963.
Урнов М. В. На рубеже веков (очерка английской литературы. Конец XIX — начало XX в.) М, 1970.
Урнов М. Томас Гарди. Очерк творчества. М, 1969.
Образцова А. Г. Бернард Шоу и европейская театральная культура на рубеже XIX—XX веков М, 1974.
Левидова И. М. Твен. Биобиблиографический указатель. М, 1974.
Фонер Ф. Джек Лондон — американский бунтарь. М, 1966.
Тагор Рабиндранат. К столетию со дня рождения. М, 1961.
Чаухан Ш. Очерк истории литературы хинди. М, 1960.
Мокульский С. С. Итальянская литература. М, 1966.
Муравьев В. Джонатан Свифт. М. 1968.
Барская Т. Дени Дидро. М. — Л, 1962.
Верцман И. Жан Жак Руссо. М, 1958.
Кессель Л. М. Гете и «Западно-восточный диван». М, 1974.
Плавский З. Лопе де Вега. М. — Л, 1960.

Гомер (милл. авв. IX аср)	5 ?
Гесиод (милл. авв. VIII аср)	7 ?
Эсхил (милл. авв. 524—456)	9
Сафокл (милл. авв. 546—406)	12
Эврипид (милл. авв. 480—406)	14
Аристофан (милл. авв. 445—385)	17
Вергилий (милл. авв. 70—20)	19
Овидий (милл. авв. 43—18)	22
Геродот (милл. авв. 484—430)	25
Плутарх (46—127)	27
Рудакий (860—941)	28
Абу Али ибн Сино (980—1037)	29
Абулқосим Фирдавсий (941—1025)	30
Умар Хайём (1040—1123)	31
Низомий Ганжавий (1141—1209)	34
Шота Руставели (1146—1196)	35
Саъдий Шерозий (1204—1294)	36
Хусрав Деҳлавий (1253—1325)	38
Данте Алигьери (1265—1321)	39 ?
Жаванни Боккаччо (1313—1375)	42
Хофиз Шерозий (1320—1389)	44
Жомий (1414—1492)	45
Алишер Навоий (1441—1501)	46
Заҳриддин Мухаммад Бобур (1483—1530)	48
Фузулий (1498—1556)	50
Франсуа Рабле (1494—1553)	52
Сервантес (1547—1616)	53
Лопе де Вега (1562—1635)	54 ✓
Вильям Шекспир (1564—1616)	56
Жон Мильтон (1608—1674)	57 ✓
Пьер Корнель (1606—1684)	59 ✓
Жан Батист Мольер (1622—1673)	60 ✓
Даниэль Дефо (1660—1731)	61 ✓

Жонатан Свифт (1667–1745)	62 ✓
Расин (1639–1699)	63
Франсуа Мари Вольтер (1694–1778)	65
Жан Жак Руссо (1712–1778)	66
Дени Дидро (1713–1784)	67
Гатхольд Эфраим Лессинг (1729–1781)	69
Махтумкули (1733–1791)	70
Гёте (1749–1832)	71
Фридрих Шиллер (1759–1805)	73
Вальтер Скотт (1771–1832)	74
Вашингтон Ирвинг (1782–1859)	75
Фредерик Стендаль (1783–1842)	77
Жорж Гордон Байрон (1788–1824)	78
Александр Сергеевич Пушкин (1799–1837)	80
Генрих Гейне (1797–1856)	82
Оноре де Бальзак (1799–1850)	83
✓ Виктор Гюго (1802–1885)	84
✓ Александр Дюма (1802–1870)	86
✓ Проспер Мериме (1803–1870)	87
✓ Чарльз Диккенс (1812–1870)	89
Тарас Шевченко (1814–1861)	91
✓ Гюстав Флобер (1821–1880)	92 ✓
Бердақ (1827–1900)	92
Лев Толстой (1828–1910)	94
✓ Жюль Верн (1828–1905)	95 (ф.р.)
✓ Генрих Ибсен (1828–1906)	96
✓ Марк Твен (1835–1910)	98
✓ Эмиль Золя (1840–1902)	99 (ф.р.)
Томас Гарди (1840–1928)	101
Абай (1841–1904)	103
Элиза Ожешко (1842–1910)	105 ✓
Анатоль Франц (1844–1924)	105
✓ Ги де Мопассан (1850–1893)	107 (ф.р.)
Жозеф Киплинг (1856–1936)	110
Бернард Шоу (1856–1950)	112 (ф.р.)

Оскар Уайльд (1854–1900)	114
Артур Конан Дойл (1859–1930)	115
Эрнест Сетон-Томпсон (1860–1946)	117
Робендранат Тагор (1861–1941)	118
Ромен Роллан (1866–1944)	119 (ф.р.)
Ованес Туманьян (1869–1923)	121
✓ Теодор Драйзер (1871–1945)	124 (нем.)
Анри Барбюс (1873–1936)	125
Генрих Манн (1871–1950)	127 (нем.)
Томас Манн (1875–1955)	129 (нем.)
✓ Жек Лондон (1876–1916)	131 (нем.)
Эптон Синклер (1878–1969)	133
Сергей Есенин (1883–1929)	134
Абдулла Тўқай (1886–1913)	138
Абдулла Қодирий (1894–1938)	139
Эрнест Хемингуэй (1899–1961)	141 (Анг.)
Жон Стейнбек (1902–1968)	144
Юлиус Фучик (1903–1943)	146
Соҳиб Жамол (1904–1983)	148
Альбер Комю (1913–1960)	150 (Анг.)
Али Жамол (1915–1990)	153
Азиз Несин (1915–1995)	156
Қайсин Қулиев (1917–1982)	160
Жеймис Олдриж (1918–1976)	162
Мустай Карим (1919)	164
Жанни Родари (1920–1980)	166
Расул Ҳамзатов (1923–2003)	167
Ҷингиз Айтматов (1928)	169
Гибриэль Гарсиа Маркес (1928–2005)	173
Ўлжас Сулаймон (1936)	176
Ўркин Воҳидов (1936)	179
Абдулла Орипов (1941)	181
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	184

Ф. Бойназаров.

Жаҳон адабиёти: Олий ўқув юрлари учун ўқув қўлланма. – Т.:
«ZAR QALAM» нашр., 2006 й. – 192 б.

Файзулла Бойназаров

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

(Жаҳон адабиёти намояндалари
портретларига чизгилар)

Ўқув қўлланма



Мухаррир *Илҳом Зойиров*

Рассом *Темур Саъдулла*

Саҳифаловчи *Меҳрибон Сатторова*

Техник муҳаррир *Ҳусан Сафаралиев*

Босишга рухсат этилди 30.06.2006 й. Бичими 60x90 1/2. Шартли босма
табоғи 12,0. Нашр табоғи 11,8. Таймс гарнитураси. Офсет босма Адади 2400 нусха.
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 95

Макет МСНУ «ТАФАККУР ҚАНОТИ» томонидан тайёрланди.
Шартнома № 15-2006.

«ZAR QALAM» нашриёти, Тошкент–129, Навоий кўчаси, 30-уй.
Шартнома № 3/07-2006

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий
уйи босмаҳонаси. Тошкент, Муродова кўчаси, 1-уй.